

R 566

# ТАФАККУР




ИЖТИМОЙ-ФАЛСАФИЙ,  
МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ  
ЖУРНАЛ


ТАФАККУР 1/2020


Экз  
№ 2








## ERTAGA KECH BO'LMASIN


 **Ҳеч бир давлат илм-фаннинг барча соҳаларини бирйўла тараққий эттира олмайди. Шунинг учун биз ҳам ҳар йили илм-фаннинг бир неча устувор йўналишини ривожлантириш тарафдоримиз.**

 **Шарқ донишмандлари айтганидек, “Энг катта бойлик бу – ақл-заковат ва илм, энг катта мерос бу – яхши тарбия, энг катта қашшоқлик бу – билимсизликдир”. Шу сабабли ҳаммамиз учун замонавий билимларни ўзлаштириш, чинакам маърифат ва юсак маданият эгаси бўлиш узлуксиз ҳаётий эҳтиёжга айланиши керак.**

 **Биз жадидчилик ҳаракати, маърифатпарвар боларимиз меросини чуқур ўрганишимиз керак. Бу маънавий хазинани қанча кўп ўргансак, бугунги кунда ҳам бизни ташвишга солаётган жуда кўп саволларга тўғри жавоб топамиз.**

 **Рақамли иқтисодиётни шакллантириш керакли инфратузилма, кўп маблағ ва меҳнат ресурсларини талаб этишини жуда яхши биламиз. Бироқ, қанчалик қийин бўлмасин, бу ишга бугун киришмасак, қачон киришамиз?! Эртага кеч бўлади.**

 **Демократик ислоҳотлар йўли – биз учун яккаю ягона ва энг тўғри йўлдир.**

 **Энг муҳими, ислоҳотларимиз самарасини юртимизда яшаётган ҳар бир инсон, ҳар бир оила бугун ўз ҳаётида ҳис этиши керак. Бунинг учун барча бўғиндаги раҳбарлар фоизлар, рақамлар, қоғознинг ортидан қувмасдан, ҳар бир фуқаро учун, унинг ҳаётий манфаатларини таъминлаш учун ишлаши шарт.**



# ТАФАККУР



## Тафаккур

ИЖТИМОЙ-ФАЛСАФИЙ, МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ЖУРНАЛ

Журнал 1994 йилдан чиқа бошлаган. Бир йилда тўрт марта нашр этилади.

Бош муҳаррир  
Эркин АЪЗАМ

*Таҳририят*

Собиржон ЕҚУБОВ  
(бош муҳаррир ўринбосари)

Султонмурод ОЛИМ

(бўлим мудири)

Нодира ОФОҚ

(бўлим мудири)

Ольга ЖОЛДАСОВА

(бўлим мудири)

Насрулло ЭРГАШ

(муҳбир-муҳаррир)

Наргиза УСМОНОВА

(техник муҳаррир)

*Жамоат кенгаши*

Ўрозбой АБДУРАҲМОНОВ

Абдулла АЪЗАМ

Хуршид ДАВРОН

Минхожиддин МИРЗО

Шухрат РИЗО

Сирожиiddин САЙИД

Хайриiddин СУЛТОН

Абдурахим ЭРКАЕВ

Муртазо ҚАРШИБЎЙ


Дилмурод КУРОНОВ

Муассис – Республика Маънавият ва маърифат кенгаши.

Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 0219-рақам билан рўйхатга олинган. Матнларда фойдаланилган мисол, кўчирма ва маълумотлар аниклиги учун муаллифлар жавобгардир.

Журналдан кўчириб босилганда манба қайд этилиши шарт.

Манзилмиз: Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 36-бино.

 tafakkurtahririyati@mail.ru

Журнал андазаси таҳририятнинг компьютер бўлимида тайёрланди.

“Шарк” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. 100000, Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-бино.

2020 йил 10 март куни босмахонага топширилди. Қоғоз бичими 70x100 1/16, 8 босма табок. 891-буйрутма. Нашр алади 1000 нусха.

### НИМА ДЕЙСИЗ, ЗАМОНДОШ?


Орзудаги парламент. *Давра суҳбати*.....4

### ЯНГИ АСР МУАММОЛАРИ

Шерзод ЭРАЛИЕВ. Ақллар ҳижрати..... 14

### АҚЛ МУНОЗАРАСИ

Шомат САМАДОВ. Фалсафадан нима наф?.....20



### ОЛИЙ МЕЗОНЛАР

Абдулла АЪЗАМ. Буюк армон.....24

### МИЛЛАТ ВА МАЪНАВИЯТ

Ҳақиқат баралла айтилмаса... *Исломшунос олим Мубашшир АҲМАД билан суҳбат*.....34

### ШАРҚУ ҒАРБ ФАЛСАФАСИ

Жаъфар ХОЛМЎМИНОВ. Ирфон фалсафасининг юраги....42

# SAHIFALARIDA

## саҳифаларида

### САНЪАТ ФАЛСАФАСИ

Маматқул ҲАЗРАТҚУЛОВ. Садосис қўшиқлар.....50



Акмал НУР. "Муножот"



### ЖАВОНДАГИ ЖАВОҲИР

Сардор САЛИМ. Кучсизларнинг кучи нимада?.....108

### НАСР ЖАВОҲИРЛАРИ

Эрнест ҲЕМИНГУЭЙ. Енгилмас. Ҳикоя.....56

### КҮНГИЛ САЛТАНАТИ

Нодира ОФОҚ. Арузни соғиниб келдим... ..84

### ТАРИХ САБОҚЛАРИ

Нодиржон АБДУЛАҲАДОВ. Амир Олимхоннинг табиби.....90

### МАЪНО ВА МОҲИЯТ

ОТАУЛИ. Учар от қанотлари.....96

### ТАФАККУР ТАБАССУМИ

Султонмурод ОЛИМ. Андак ҳазил, андак киноя.....102

### ТАЛҚИН ВА ТАДҚИКОТЛАР

Эргаш АҲМЕДОВ. Экран балоси.....114

Фарида БЕКБЎТАЕВА. Каъба вайрон ўлса... ..116

Нилуфар ЧЎЛИЕВА. Илдиздан узилган.....117

Насрулло ЭРГАШ. Ўлимдан оғир жазо....118

Наргисабегим ҚОБИЛОВА. Инқилоб кўриқхонасида шикор.....119

Шоҳрух АБДУРАСУЛОВ. Достоевский инсценировкага қарши бўлганми?.....121


Наврўз ШАРОФОВ. Сўз ва соз сири.....122

Эшмамат ҲАЙИТОВ. Лаҳзалар мусаввири.....123

Иқболхон ТОШПЎЛАТОВА. Қадим оҳанг, кўҳна хазина.....124

Аббос АКМАЛОВ. Ноль босиб ўтган йўл....125

Журналнинг инглизча мухтасар мазмуни.....127



## ORZUDAGI PARLAMENT

*Халқимиз ҳуқуқий-демократик давлат қуришга бел боғлади. Неча-неча авлодларга армон бўлган бу ардоқли орзуга етмоқ осон эмас, албатта. Зеро, ҳақ-ҳуқуқлар ҳеч бир замонда кўшқўллаб тутқазилмаган, ҳурриятга курашлар ила эришилган. Фуқаролик жамиятининг шарту талаблари бисёр. Улардан энг муҳими – чин маънода халқ ҳокимияти тамсилчиси бўлган парламентни барпо этмоқдир!*

*Хўш, Ўзбекистоннинг янги парламенти шиддаткор давр ила ҳамқадам бўла оладими? Депутату сенаторлар миллат дардига дармон бўлмоққа қодирми? Фозил жамият курмоқ учун берилган тарихий имкон бу гал қўлдан кетмайдими?..*

*“Тафаккур” даврасида шу хусусда баҳс юритилди.*



**Хуршид ДЎСТМУҲАММАД, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати:**

– Ҳуқуқий-демократик давлатнинг бош шартларидан бири бутун халқнинг қонун меъёрлари асосида яшашидир. Бунинг учун, авваламбор, ҳаётнинг барча жабҳаларини қамраб олувчи адолатли қонунлар тизими даркор. Токи одамлар ҳар қадамда, ҳар бир муомала-му-

носабатда қонун мавжудлиги, у амалда эканини билсин, ҳис этсин ва унга риоя қилсин.

Ўзбекистон мустақиллик йилларида қонун ижодкорлиги бобида ҳеч бир давлатдан кам бўлмади. Хусусан, икки палатали парламент олға ташланган улкан одимлар учун асос вазифасини ўтади. Профessional мақомда фаолият юритувчи қуйи палата асосан қонун яра-

тиш ва унинг ижросини назорат қилиш билан шуғулланди. Аммо ўтган йилларда янгидан-янги қонунлар яратилгани ҳолда, мавжуд қонунларга амал қилиш, яъни уларнинг турмушимизга татбиқ этилиши мушкул кечгани маълум.

Хўш, асл сабаблари нимада эди бу ҳолнинг?

Фикримча, бу аввало халқимиз тийнатиға бориб тақалади.

Одамларимизнинг аксари кундалик турмушда урф-одатлар, удумлар, расм-русумлар “кенглиги”да яшайди, фикрлайди. Инсонийлик мезонлари ҳам шу доирада белгиланади. Қариндошуруғчилик, таниш-билишчилик ҳам шу заминда илдиз отган. Бу тартиб қон-қонимизга сингиб кетганига не-не замонлар бўлди! Қонун, ҳуқуқ деган тушунчалар эса ана шу азалий ва “ардоқли” мезонларимизга қараганда жуда-жуда ёш, баайни норасида гўдак! Абдулла Қодирий асарларида бир ўринда “ошналикка қурбон бўлган халқ” деган ифода келади... Мазкур жумла замирида писиб ётган муаммолар ечими борасида жилд-жилд китоб ёзса камлик қилади.

Яна бир мулоҳаза. Деярли барча қонунларимиз жаҳон тажрибасига таянган ҳолда, тараққий этган давлатлар андазаларида битилгани билан фахрланишимиз яхши, лекин...

Мутараққий давлат қонуни ўша ҳудуд, яъни тараққий этган туриш-турмуш шароитига кўра яратилганини ҳисобга олмоқ лозим. Кўриб кўрмасликка, сезиб сезмасликка оламиз ўзимизни! Дангал айтганда, қабул қилган аксар қонунларимиз ҳаётдан, туриш-турмушимиздан ўн, юз чақирим нарида! Масалан, Фориш чўллари, Деҳқонобод қирлари, Устюрт саҳроларида жаҳон

андазалари даражасидаги қонунлардан кўра маҳаллий шарт-шароит ва кўникмалар қулайроқ ва пойдорроқ экани равшан-ку!

Муаммонинг илдизи ниҳоятда чуқур, мураккаб. Башарият кемаси XXI асрнинг дастлабки чорагини ортда қолдириб илгарилаш арафасида. Ўзбекистон ўз тарихида учинчи УЙҒОНИШ орзусида яшамоқда, юксалиш ниятлари кўнгилларга умид бағишламоқда. Илғор замонавий жамиятшунослик илми ҳамда тажрибаси ҳам адолатли, фаровон, мутараққий ҳаётнинг асосини фақат ва фақат қонун устуворлигида деб билмоқда. Шундай экан, ҳуқуқий маданиятни ҳам урф-одатларимиз, удумларимиз, азалий кўникмаларимиз каби қонимиз, тийнатимиз тўқималарига сингдириш чораларини кўрмоғимиз шарт. “Ҳуқуқий тарбияни мактабгача таълим тизимидан бошлашимиз, бу борадаги илк кўникмалар она алласи каби фарзандларимиз қалбидан умрбод жой олиши даркор” деди давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев Конституция қабул қилинганининг 27 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида.

Такрорлашдан тортинмайлик: ҳуқуқ ва бурч тушунчаси она алласи каби фарзандларимиз қалбига сингиб боришига эришмоғимиз даркор!

Мамлакатимизда сиёсий муҳит ўзгарди. Бинобарин, миллий парламенти-миз ҳам янгиланиш, аниқроқ айтганда, халқимиз ҳаёти ва тафаккур тарзи томон юз бурмоғи лозим. Зеро, ҳуқуқий маданият тарғиботининг аҳамияти қонун ижодкорлиги аҳамиятидан заррача оз эмас. Депутат ҳамкасбларимиз ана шундай улуғ ва улкан мақсадлар йўлида бел боғлаган деб ишонаман.



### **Алишер УМИРДИНОВ, Нагоя Иқтисодиёт университети профессори (Япония):**

– Янги парламент Конституция ва қонунларда мустақамланган ваколатлардан тўла-тўқис фойдаланмоғи лозим. Назаримда, Ўзбекистон парламентаризмининг яқин кечмиши мобайнида кузатилган асосий кемтиклик ҳам шу бўлди: депутатлар ўзига берилган ваколатларни тўлиқ истифода эта билмади.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мансабдор шахсларига муайян масалалар бўйича тушунтириш сўраб парламент сўрови йўллаш ҳуқуқига эга. Айни чоқда, давлат ҳокимияти идоралари мансабдорлари парламент сўровига белгиланган муддатда жавоб бериши шарт. Ўтган йиллар давомида парламент аъзолари мазкур ҳуқуқдан самарали фойдалана олмади. Дейлик, Қозоғистон парламенти аъзолари 2019 йил декабрь ойида турли давлат ташкилотларига 25 та депутатлик сўрови йўллаган. Қўшни мамлакат парламенти сайтида депутатлик сўрови натижалари ҳам аниқ кўрсатилган. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси сайтида эса бу борада бирон маълумот топа олмадик...

Халқ ўзи сайлаган депутатлар қандай фаолият юритаётганидан хабардор бўлиши керак. Парламентнинг очиқлигига эришишда ахборот-коммуникация технологиялари муҳим аҳамият касб этади. Масалан, Япония парламентининг ялпи мажлислари, ҳатто қўмиталар йиғилиши жонли тарзда эфирга узатилади,

шу билан бирга, уларнинг тўлиқ баёни (стенограмма) ҳар икки палата сайтида эълон қилинади. Бизнинг парламент ҳам ўз электоратига мунтазам ҳисоб бериб туришда ахборот технологияларидан кўпроқ фойдалангани маъқул.

Олий Мажлис томонидан чорак асрда қабул қилинган қонунлар сони 3 мингдан ортиб кетди. Японияда эса жами қонунлар саноғи 2 мингга ташкил этади. Албатта, парламентимизнинг сермахсуллиги таҳсинга сазовор, аммо депутат ва сенаторларимиз эндиликда қонун меъёрларининг Конституция тамойилларига мувофиқ келиши, кенг халқ оммаси манфаатларини ифодалаш каби жиҳатларга жиддийроқ эътибор бериши лозим.

Халқаро ҳуқуқ мутахассиси сифатида яна бир муаммоли ҳолатни гапирсам. Мамлакатимизнинг халқаро шартномаларга қўшилиши илгари Олий Мажлис қарорларида тасдиқланган бўлса, икки палатали парламент тизимига ўтилгандан буён қонун йўли билан амалга оширилмоқда. Лекин бу жабҳада ҳам қилинадиган ишлар талайгина. Хусусан, халқаро шартномалар бўйича умум истифода этиладиган маълумотлар базаси йўқ. Халқаро нормаларнинг миллий ҳуқуқ тизимимизга татбиғи (имплементацияси) ҳам нисбатан секин кечади. Қолаверса, Ўзбекистон қўшилган кўплаб халқаро шартномалар давлат тилига ўгирилмаган, уларнинг аксари рус тилида.

“Хотин-қизлар ҳуқуқлари камситилишининг барча шаклларида барҳам бериш тўғрисида”ги конвенция нормалари миллий қонунчиликда ҳам ўз аксини топган. 100 га яқин қонунлари-

мизда аёлларнинг эркаклар билан тенг ҳуқуқли экани эътироф этилган. Аммо конвенцияга зид келувчи ҳолатлар ҳам мавжуд. Масалан, университетларга кириш имтиҳонида ҳарбий хизматни ўтаган йигитларга қўшимча балл берилиши опа-сингилларимизнинг таълим олиш ҳуқуқига маълум маънода даҳл қилади. Зеро, конвенциянинг 10-модда-сида грант ажратишда эркак ва аёллар

### Норқобил ЖАЛИЛ, “XXI asr” газетаси бош муҳаррири:

– Бугунги ва бурунги сайловлар ора-сида қандай фарқ бор? Ер билан ос-монча деб жавоб беришга шошилманг. Тўғри, давр бошқа, сиёсий иқлим ўзгар-ган, одамларнинг ҳам, тилимиз ўрганиб қолган ибора билан айтсак, “сиёсий фа-оллиги” ошган.

“Шу опамга – шу поччам” дейдиган за-монлар ўтдимми ё ҳалиям даққи тасаввур яшаб қолаётирми? Биз ҳамон бот-бот эслаб турадиган маҳзун манзара: 1991 йили Биринчи Президент Ислон Каримов Олий Кенгаш ноиблари ҳузурида Ўзбекистон мустақиллигини эълон қил-ган вақтдаги қарахтлик сирини англаш мушкул. Ўша авлод вакилларида ай-римлари ёки уларнинг издошлари ҳамон сафда юрганини ҳам тушуниш қийин.

Шуларни ўйлаяпману 2017 йил 12 июлда Президент Шавкат Мирзиёев-нинг Олий Мажлис палаталари ҳамда сиёсий партиялар вакиллари билан ви-деоселектор йиғилишидаги маърузаси бот-бот эсимга тушади. Нега десангиз, давлат раҳбари ўз маърузасида мамла-катнинг 26 йиллик сиёсий-ижтимоий ҳаётига аччиқ, аммо очиқ баҳо берган эди. “Демократия парламентдан бош-ланади!” деган эди Президент ўша йи-гинда. Бу воқеага ҳам салкам уч йил

камситилмаслиги лозимлиги қатъий белгиланган.

Парламент қонунларни қабул қилиш билан чекланмай, уларнинг ҳаётга тат-биқ этилишини ҳам назорат қилиши, суиистеъмол қилинишига қарши тури-ши лозим. Зеро, ҳокимият тармоқлари-нинг бир-бирини ўзаро тийиб туриш тамоийили ана шундай қатъий назорат-ни талаб этади.



тўляпти, парламент ва партиялар шу орада қай даражада ўзгарди? Бу жабҳа-даги силжишлардан одамларнинг кўнг-ли тўляптими?

2019 йил 22 декабрда ўтган сайлов-ни яқиндан кузатишимга тўғри кел-ди. Бир қарашда жараён жуда қизғин руҳда, соғлом рақобат муҳитида кечди. Аммо... мени ажаблантирган ҳолатлар-дан бирини айтай. Яқин қадрдоним Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодини қўйди. Ўзи мансуб партия раҳбарларидан бири уни ҳузурига чор-лаб, “Шунча йилдан бери бир сафдамиз. Биламан, аввалгисида ҳар хил тўсиқлар сабаб номзодингиз ўтмаган эди. Лекин бу галги сайловда кураш ҳалол бўла-ди. Сизни ўзингиз туғилиб ўсган туман халқи ҳам яхши танийди. Насиб этса, ғалаба сиз томонда бўлади!” дея оқ фо-тиҳа берибди.

Қадрдоним билан номзоди рўйхатга олинганидан кейин кўришдик. Руҳи те-тик, ишончи ниҳоятда баланд эди. Сай-ловолди учрашувларида бошқа рақиб-ларидан кўра унга кўпроқ ишонч бил-дирди одамлар. Натижа эса... юзма-юз

мулоқотларда кам кўринган номзод “улоқ”ни илиб кетди!

“Англаган ҳақиқатим шуки, мен эмас, сайловчилар ютқазди”. Парламент депутатлиги учун кечган курашда иккинчи марта ҳам мағлуб бўлган дўстимнинг аламли иқрори ортидан шу кунгача сира ақлу шууримга сиғмаётган фирромлик мўралаб турарди.

Бу – ўзим гувоҳи бўлган биринчи воқеа. Иккинчисини эшитсангиз, ундан ҳам ажабтовур. Бир неча марта парламент депутати бўлган бир акамизнинг бу гал номзоди қўйилмаганини кўриб, очиғи, хурсанд бўлдим. Шу орада унинг исм-фамилиясини маҳаллий кенгаш депутатлигига номзодлар рўйхатида ўқиб қолдим. Ажабсиниб, сиёсатга алоқадор танишлардан секин бу “рокировка” сабабини сўрадим. Сенаторликка ўтади-ёв, дейишди. Рост чиқди, қандини урсин, ҳозир ўша дўстимиз Сенатда савлат тўкиб ўтирибди...

Бу каби мустаҳкам қолипларни бузиш, “ҳар баҳорда шу бўлар такрор” демаслик учун парламентдаги эски қиёфалар алмашиб, ўз фикр-қарашига эга янги депутату сенаторлар сайланиши фурсати аллақачон келган. Марказий

сайлов комиссияси раиси Мирзо Улугбек Абдусаломовнинг “Халқ сўзи” газетасига берган интервьюсидаги мана бу сўзлар жиддий ўзгаришлар бўлажасига умид уйғотаётир: “Замонавий Ўзбекистон тарихида илк бор реал рақобат муҳитида ўтган бу галги сайловларда депутатлик, сенаторлик мандатига эришиш ҳеч кимга осон бўлгани йўқ... Депутатлик мандатлари учун бешта сиёсий партиянинг номзодлари қизғин кураш олиб борди. Қанчадан-қанча муаммолар кўтарилди. Қанчадан-қанча янги ғоялар, фикрлар ўртага ташланди, танқидий гаплар айтилди... Давлатимиз раҳбари қайд этганидек, “Олдинги парламент сайловларида мана шундай сиёсий жараённи – ютуқни ютуқ, камчиликни камчилик деб очиқ айта оладиган муҳитни тасаввур қила олармидик?”

Ўзбекистоннинг келажак парламенти ижро бўғини аралашувисиз, очиқ ҳамда ҳалол беллашувлар ва ҳукумат тайинловисиз бевосита халқ танлови асосида шакллансагина, ҳақиқий демократия бўлади. Орзуга айб йўқ. Ана шундай замонлар яқинлигидан умидвормиз.



**Дилфуза КОМИЛ, публицист:**

– Ўтган чорак аср мобайнида ислохотлар ҳақида кўп ва хўб гапирилди-ю, амалий иш камроқ бўлди, назаримда. Миллий

парламентни ҳам аксар юмшоқ курсиларда мудраб ўтирадиган, шароитга тез мослашувчан, эл-юрт учун жон койитгиси келмайдиган, қарсақбоз, юқорининг изнисиз бирон иш қилолмайдиган депу-

татлар эгаллаб олган эди. Айнан уларнинг “шарофати” билан бугунги депутатларга ҳам халқнинг ишончи сустроқ. Тўғри-да, маиший муаммолар ҳақида жар соладиган, катта муаммолардан гап кетса аравани куруқ олиб қочадиган, халқ дардидан йироқ депутатларга ким ҳам ишонсин?! Янада дангалроқ айтсак, халқ орасида жиллақурса яллачичалик таъсирга эга бўлмаган ноиблар билан улкан сиёсий ислохотлар қилиш мумкинми?!

Сирасини айтганда, янги Ўзбекистоннинг пойдеворини барпо қилишда бизга талабчан парламент; миллатпарвар, билимли ва салоҳиятли депутатлар; ҳақиқатни кўрсатишдан кўрқмайдиган, халқнинг юрагидагини баралла айта оладиган, моддий асоси бақувват, ҳуқуқ ва эркинлиги тўлиқ ҳимояланган матбуот; мустақил судлар, эркин касаба уюшмалари керак. Буларсиз коррупция ва амалдорлар бюрократиясини енгиш, халқ манфаатларини ҳимоя қилиш ва демократияга эришиш амримаҳол.

Депутат ва сенаторларимиз айна шу ҳақиқатни унутмасликлари ва унинг рўёби йўлида ҳаракат қилишларини истаймиз. Зеро, биз уларни кўплар ичидан танлаб олдик, уларга ишонч билдирдик. Бизга ислохотлар қойилмақом натижалар бераётганидан лоф урадиган оғизботирлар эмас, ваъдасига вафодорлар керак.

...Расомларнинг катта бир кўргазмасида олий мукофотга лойиқ кўрилган суратни кўрган деҳқон бирдан жаҳлланиб:

– Шу ҳам расми?! Келиб-келиб шунга мукофот берилдими? – дея эътироз билдирибди.

– Нимаси ёқмади сизга? – дея ҳайрон бўлиб сўрабди ҳайъат аҳли.

– Ўзи чиройли чизилган-у, лекин ҳақиқатга тўғри келмайди-да, – дебди деҳқон.

– Хўш, нимаси?

– Бунчалик бўлиқ пишган бошоқ тик бўлмайди, эгилиб туради. Мен деҳқонман, даламга буғдой экаман. Бунақа нарсаларни сизлардан яхшироқ биламан...

Дарҳақиқат, халқ баридан хабардор. Энди уни кўркам суратлар, жимжимадор гаплар билан алдаб бўлмайди.

Парламентнинг ҳақиқий қонун чиқарувчи идорага айланиши кўп жиҳатдан халқнинг ўзига ҳам боғлиқ. Агар сайловда бефарқлик қилинган, лойиқлар қолиб, нолойиқлар сайланган бўлса, бунга ўзимиз ҳам айбдормиз. Демак, фаол бўлолмадик, жамоатчилик назоратини йўлга қўймадик, эътироз билдирмадик, кўнглимиздагини дадил айтмадик, гапимизни ўтказа олмадик...

Мамлакатимизда ўтган йиллар мобайнида ишлаб чиқилган қанчадан-қанча дастуру режалар ўзини тўлиқ оқламади. Ваҳоланки, уларга казо-казо сиёсатчию иқтисодчилар жалб қилинган, қанчалаб харажату вақт сарфланган эди. Лекин натижа бўлмади. Нега? Чунки ислохотларни ҳаракатлантирувчи асосий куч бўлган халқ фикри билан ҳисоблашилмади.

Бугун ўтмиш адашувларига барҳам бериш, мамлакатни ислоҳ қилишдек мураккаб синовлар бизнинг чекимизга тушиб турибди. Жамият миқёсидаги ҳар қандай ислохотни муваффақиятли амалга ошириш учун аввало онгу тафаккуримизда ўзгариш яшашимиз, ўзимизни ислоҳ қилишимиз шарт. Бир ҳовуч тўраларнинг манфаатига эмас, халқ манфаатига мос иқтисодиёт барпо этилмоғи даркор!

Халқимиз демократияни ўз қадриятлари қаторига қўшишга тайёр. У энди кўр-кўрона бўйсунисни истамайди, ҳаётининг барча жабҳаларида қонун устувор бўлиши тарафдори. Демак, демократия сиёсий жараёнлигича қолавермай, халқнинг турмуш тарзига сингиши керак.

Бу каби эзгу мақсадларнинг рўёби учун давлат бош ислохотчи сифатида қонун устуворлигининг асосий кафи-

ли бўлмоғи; парламент ҳақиқий халқ вакилларининг мажлисига айланмоғи; халқ эса ҳар соҳада фаолу ташаббускор бўлмоғи лозим. Зеро, италян шоири

Данте Алигъери айтганидек, “Дўзахнинг оловли ҳалқалари маънавий синов даврида бир четда бефарқ турган кимсаларга аталгандир”.



**Расул КУШЕРБАЕВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати:**

– Очиқлик руҳида ўтган сўнгги парламент сайловида кураш энгил кечгани йўқ ва бундан кейин ҳам осон бўлмаслиги аниқ. Ўзбекистонда ахборот ва сўз эркинлиги, фикрлар хилма-хиллиги йўлида олға қадам ташлангани Президент сиёсий иродаси билан боғлиқдир.

Давлатимиз раҳбари 2017 йил июль ойида парламент палаталари қўшма мажлисида депутатларни халқ билан яқиндан мулоқот қилиш, сайловчилар билан ҳамфикр бўлишга ундагани фаолиятимизда бурилиш ясади. Муаммолар ҳақида дангал гапириш, уларни ҳал этиш бўйича ҳукумат ҳамда ваколатли идораларга талабнома бериш кундалик воқеликка айланиб бормоқда.

Очиғи, аксар мансабдорлар, айниқса, ҳокимлар депутатларни хушламайди. Бунинг мудом ҳис қиламиз. Бироқ давлат раҳбари ва халқ қўллови билан бундай янглиш қарашлар аста-секин таҳрирга учрамоқда. Биз эса шундан руҳланиб, сайловчиларни рози қилиш йўлида дадил мунозарага киришмоқдамиз.

Сайловолди учрашувлар шуни кўрсатдики, агар одамларни рози қилиш йўлидан бормасак, бизни халқимиз ҳам, келажак ҳам кечирмайди. Бу борада эса талай долзарб вазифалар бор. Жумладан, халқ вакиллари институтининг давлат бошқарувидаги ролини янада ошириш,

юртдошларимиз турмушига бевосита таъсир этадиган меъёрий ҳужжатларни фақат парламентда, қонун даражасида қабул қилинишига эришиш, ҳукумат ва бошқа давлат идораларининг айрим ваколатларини парламентга қайтариш зарур деб ҳисоблайман. Масалан, ижтимоий хизматлар билан боғлиқ нарх-наво, тарифлар ҳамда мезонларни белгилаш, йўл ҳаракати қоидаларини ўзгартириш, таълим, соғлиқни сақлаш, атроф-муҳит муҳофазаси соҳасидаги барча ҳужжатлар фақат қонун даражасида қабул қилиниши лозим. Халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаи экан, унинг иродасидан қудратли куч бўлмайди.

Ўзи сайланган ҳудуд муаммолари ечимига кўмаклашиш депутатнинг муҳим вазифалари сирасига киради. Бироқ ҳозир халқ вакили ўзи сайланган ҳудудга боғлиқ дастур, қарор ва норматив ҳужжатлар қабул қилинишида иштирок этолмайди. Аҳоли эса таклифу эътирозини аввало депутатга билдирмоқда. Шу боис келгусида ҳудудларга доир ҳукумат ёки маҳаллий ҳокимият даражасидаги ҳужжатлар қабул қилинишида Олий Мажлис депутатининг таклифи инобатга олинмаган келишув институти жорий этилиши мақсадга мувофиқдир.

Энг муҳими, парламент келгусидаги фаолиятида тил билан иш бирлиги принципига амал қилган ҳолда, халқ манфаати ҳимоясига камарбаста бўлмоғи лозим.

**Абдуқодир ТОШҚУЛОВ, Олий Мажлис Сенати аъзоси:**

– “Бир киши – хилват, икки киши – жамият” дейди машойихлар. Инсоният азал-азалдан жамоа бўлиб яшаш, бирлашиб қарор қабул қилишга интилиб келади. Жамиятлар каттаргани сари яхлит бир сиёсий тузилмага эҳтиёж пайдо бўлиб, аста-секин давлатчилик шакланган. Давр ўтиши билан давлат жамият ишларига аралаша боради. Дастлаб жамиятни бошқаришда асосан тажрибали ва ёши улуғ инсонлардан иборат кенгаш таъсис этилади. Бу замонавий парламентнинг дастлабки кўриниши бўлган.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, давлат ҳокимияти тизимида парламентнинг ролини кучайтириш, қонун ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш, сиёсий партияларнинг фаоллигини оширишга алоҳида эътибор қаратилди. Бу эса депутат ҳамда сенаторлар зиммасига халқчил ва адолатли қонунлар қабул қилиш масъулиятини юклади.

2017 йил парламентимиз фаолиятида янгиланиш йили сифатида тарихга муҳрланди. Шу йилдан Ўзбекистон Президентининг Олий Мажлис палаталарига мурожаат йўллаш тартиби жорий қилинди. Ушбу мурожаатномаларда парламент фаолиятига доир муҳим вазифалар белгилаб берилмоқда.

Жорий йилдаги мурожаатнома ҳам миллий юксалиш сари илдам ҳаракат

қилаётган мамлакатимиз учун муҳим ҳужжат бўлди. Жумладан, давлатимиз раҳбарининг “Демократик ислоҳотлар йўли – биз учун яқкаю ягона ва энг тўғри йўлдир” деган фикри халқ вакиллари ҳар доим изланишда бўлиш, хорижий илғор тажрибаларни чуқур ўрганиб, иш услубини янгилашга ундайди.

Парламент сайлови очиқлик руҳида ўтди, аммо баъзи етакчи номзодлар сиёсий дебатлардаги чиқишлари билан электорат сонини кўпайтириш ўрнига улардан айрилгани ҳам рост.

Бизнингча, демократия шарти ўлароқ жамиятга кўпроқ эркинлик берилгани сари фуқаролар ва мансабдорларнинг масъулияти ҳам ошиб бориши керак. Мазкур жараён эса бизда секин кечмоқда.

Бугун “жамият – ислоҳотлар ташаббускори” бўлаётган бир даврда унинг ҳаракатлантирувчи кучи халқ вакиллари ва сенаторлар бўлмоғи лозим. Жамиятда содир бўлаётган барча жараёнлар, жумладан, коррупцияга қарши мурасисиз кураш ҳамда илм-фан ва рақамли иқтисодиётни ривожлантиришда парламент локомотив вазифасини бажармоғи шарт.



**Ўрозбой АБДУРАҲМОНОВ, Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ ёзувчиси:**

– 1990 йил куз охирларида Орол муаммоси бўйича Лондонда ташкил этилган халқаро анжуманда қатнашдик. Сафар мобайнида Лордлар палатаси вакили таклифига кўра Буюк Брита-

ния парламентида ҳам меҳмон бўлиб, мажлисларни бевосита кузатдик. Парламент машваратлари даҳанаки тортишуву мунозаралар ила кечади. Минбарнинг ўнг томонини иқтидордаги



партия, сўл томони- ни муҳолиф партия эгаллаган. Шўронинг темир интизомига одатланган каминангизга инглиз парламентидаги эмин-эркинлик хийла эриш

туюлди. Фавқулодда ҳаяжон таъсиридами, мухташам коридорлар бўйлаб йўлимни йўқотиб кўйдим. Адашиб юрганимда қаршимда полициячи пайдо бўлди денг. Мен уни тушунмадим, у мени. Бахтимга, шу маҳал таржимон келиб, миршабга алланималарни маъни-дод қилди. Полициячи эски кадрдонимдек жилмайиб хайрлашди. Унга Орол томонлардан келган саҳройи эканим тушунтирилди, чамаси. Кейинроқ таржимон мен парламент биноси ички ҳаракат қондасини бузганимни айтди. Буни қарангки, парламент йўлаклариди бир томонга – фақат олға юриш мумкин, орқага қайрилиб кетиб бўлмас экан. Ўшанда Ғарбнинг оламшумул демократияси экинларини илк бор туйганман. Фақат олдинга юриш қондаси эса менга инглиз тараққиёти сирини очгандек бўлган.

Мустақил давлатчилигимизга энди ўттиз йил тўлаётир. Эҳтимол, қонун чиқарувчи идорамизга бир неча асрлик

### **Алишер НАЗАР, публицист:**

– Кейинги йилларда жамиятимиз ҳаётида рўй берган энг катта ўзгариш одамларга ўз фикрини айтиш имкони берилгани бўлди. Бундан халқимиз қай даражада фойдаланмоқда – бошқа масала. Асосийси, мамлакатимизда эркин сўз муҳити шаклланимоқда. Лекин бу ҳали янги Ўзбекистон барпо этилди де-

тажрибага эга инглиз парламенти талабларини қўйиш ноўрин туюлар. Аммо парламент фаолияти ҳар қандай ҳолатда ҳам очиқ бўлиши лозим. Журналист, блогерлар ўз йўлига, қонун қабул қилиш жараёнини ўз кўзи билан кўриш истагида бўлган ҳар бир фуқаро парламент йиғилишларини бемалол кузата олиши керак. Қолаверса, парламент мажлислари телевидение орқали тўғридан-тўғри кўрсатилиши даркор. Зотан, ҳақиқат очиқ ва ҳалол баҳсларда туғилади.

Президентнинг парламентга мурожаатида халқ кўнглидаги гаплар айтилди. Лекин, афсуски, давлат раҳбари сўзларини жўровозлик билан маъқуллаган депутат ва сенаторларимиздан муқобил фикрлар эшитмадик. Мен депутату сенаторларимиз ҳар бир масалада мустақил фикрга эга бўлишини орзу қиламан. Қонунларимиз эркин муҳокамаларда туғилиши ва улар ҳаётга тўлақонли татбиқ этилиши тарафдориман.

Албатта, кўп минг сонли сайловчилар кўнглини бирдек олиб бўлмайди. Негаки, хоҳиш-талаблар турлича, ҳар кимнинг шахсий ҳақиқати, таъбир жоиз бўлса, ўз Ороли бор. Лекин парламент аъзолари кўп миллионли халқнинг муштарак орзуси – эркин ва адолатли жамият барпо қилиш йўлида ғайрат кўрсатмоғи шарт.

гани эмас. Мен янги Ўзбекистонни янги парламент тимсолида кўргим келади. Аммо, не қилайки, бу борада иштибоҳим бор.

Халқ билан ҳукумат ўртасидаги кўприк – минглаб инсонлар номидан гапирадиган депутат аввало шахс бўлиши керак! Шахс – бўлар-бўлмасга чапак ча-

лишдан уялади. Шахс – бир ёқадан бош чиқариб фикрлашни хоҳламайди. Бир сўз билан айтганда, шахс – яратади!

Кўп миллионли аҳоли ичидан сараланган депутат давлат машинасининг мурвати бўлиб қолиши керак эмас. У бошқарувчи бўлсин! Ана шунда ҳамма-хаммаси ўзгаради. Бугунги парламентда эса ана шундай шахслар етишмайди, назаримда. Борларининг ҳам овози “хор жамоа”нинг қарсақлари ичра эшитилмаяпти.

Ахир, дунёга боқайлик, нималар бўляпти? Яқин Шарқ можаролари “сценарий”сини кимлар ёзаяпти? Афғонистондаги сиёсий вазият энди қай томонга ўзгаради? Жаҳондаги империалистик давлатлар нега Марказий Осиёга сармоя ётқизишга уринмоқда? Бу “меҳрибонлик”нинг ортида нима турибди? Ушбу вазиятда Ўзбекистон қандай позицияда бўлгани маъқул? Афсуски, қонун чиқарувчи идорамиз аъзолари кўпинча шу каби халқаро масалаларда жўяли фикр билдирмайди.

Назаримда, депутатларимиз ҳали ҳам зимдан эркинлик берилган ҳудудлардагина ҳаракатланаяпти. Қаердадир кўринмас “нозир” бор. У ҳаракат йўналишини кўрсатиб туради гўё. Балки ўша “нозир” унинг ичидадир... Янги парламент депутатлари энг аввало ана шу кўрқув ҳиссини енгиши керак.

Яна бир мулоҳаза. Юртимизда буткул янги кадрлар сиёсати амалга оширилмас экан, ўзгаришлар қийин кечади. Аллақачон боқимлик ва маддоҳлик касалига мубтало бўлган беморлар билан узоққа бориб бўлмайди. Сенаторлар рўйхатини кўринг, уларнинг аксари


“эски уйимиз”ни қурган бинокорлар-ку! Йиллар бўйи қарсақ чалиб ўтирган одам ўзгариши ё бирон жойни ўзгартириб юборишига ишониб бўладими?! Чорак аср Олий Мажлисда ишлаб, парламентаризм нима эканини билмай юрган эканмиз, деган замондошларимиз қандай каромат кўрсата олади?!

Ўзбекистонинг янги қиёфасини мутлақо янгича фикрлайдиган, қалбан ва руҳан озод шахслар яратади. Ўз навбатида, давлат идоралари ҳам эркин фикрга хайрихоҳ бўлмоғи лозим.

Беморни муолажа қилаётган табиб аввало танадаги касаллик ўчоғини топиши шарт. Акс ҳолда, унинг ҳамма уринишлари бефойдадир. Вақтинчалик оғриқ қолдириш билан иш битмайди. Касаллик ўчоғи бартараф қилинса, вақт ўтиши билан унинг асоратлари ҳам йўқолади.

Боқимлик ва маддоҳликка мубтало бўлган жамият бемор одамга ўхшайди. Шу маънода бугун биз муолажага муҳтожмиз. Ошиғич чора кўрилмаса, биқиқ бир муҳит пайдо бўлади. Бутун бошли авлодлар қанот ёзолмай қолади, бузук ҳаводан нафас олиб улғаяди.

Хўш, нима қилмоқ керак? Бизнингча, даво йўли будир: хўжакўрсин қарсақбозлик, мадҳиябозликни бас қилайлик; унвонпараст, лаганбардор кимсаларнинг бахридан ўтайлик! Зеро, янгиланишни истаган жамиятга албатта янги қон зарур.





## AQLLAR HIJRATI

XXI аср инсон омили даври бўлиши ба- шорат қилинган эди. Дарҳақиқат, постиндустриал босқични бошдан кечираётган ривожланган мамлакатларда ҳам, ривожланаётган мамлакатларда ҳам юқори малакали мутахассислар тараққиётнинг ҳал қилувчи кучига айланиб улгурди. Шу боис ҳам давлатлар ўртасида етук мутахассислар тайёрлаш ва уларни “овлаш” бўйича рақобат кучайгандан кучайиб бораётир.

Ўз соҳасининг пири бўлган муҳожирлар ҳар қандай жамиятнинг иқтисодий ва маданий равнақида муҳим роль ўйнайди. New American Economy жамғармаси яқинда ўтказган тадқиқот натижаларига кўра, АҚШдаги энг йирик 500 компаниянинг 45 фоизига иммигрантлар ёки уларнинг фарзандлари асос солган. Улар орасида Apple, Google каби гигант корпорациялар ҳам бор (<https://data.newamericaneconomy.org/en/fortune500-2019/>). Яна бир диққатга молик

факт: 2000 йилдан буён АҚШ вакили сифатида Нобель мукофотини қўлга киритган олимларнинг қарийб 40 фоизини иммигрантлар ташкил этади (*“The Economist”* журнали, 2019 йил 16 ноябрь).

Ҳозирда юқори малакали мигрантларнинг 28 миллиони (75 %) Иқтисодий ҳамкорлик ва иқтисодий ривожланиш ташкилотига (OECD) аъзо бўлган мутараққий давлатларда истиқомат қилади. Эътибор беринг, ўшаларнинг ҳам 70 хиссаси инглиззабон тўрт мамлакат – Австралия, АҚШ, Буюк Британия ва Канадага тўғри келади (*Kerr et al., 2016, Global Talent Flows, Journal of Economic Perspectives*). Буларнинг бари, айниқса, ривожланаётган мамлакатлар учун бошоғриқ бўлаётган *brain drain* – ақллилар ҳижрати муаммосини келтириб чиқармоқда.

Илмда *brain drain* масаласига ўтган асрнинг 60-70-йилларидан эътибор бери-

ла бошлади. Мазкур ҳодисага бир неча ўн йил давомида академик ҳамда сиёсий доираларда ривожланаётган мамлакатлар тараққиётига тўсиқ бўлаётган салбий воқелик сифатида қараш ҳукмронлик қилиб келди. Сир эмас, толиби илми малакали мутахассис даражасига кўтариш кўп ҳаракату катта харажат талаб этади. Бунга эса, табиийки, ўша одам туғилиб ўсган давлат балоғардон. Аммо тайёр кадр – ўз касбининг зўри бўлиб етишган одам бирон мутариққий мамлакатга кўчиб кетади; қарабсизки, нодир ишчининг роҳатини катта маблағ сарфлаб ўқитган ватани эмас, балки у қўним топган ўлка кўради. Шу сабабга кўра, бир замонлар мутахассисларнинг бошқа мамлакатга кўчиб ўтишини тақиқлаш тақлиф этилган, айрим мамлакатларда бу борада амалий чоралар ҳам кўрилган. Аммо тақиқ чоралари ақллилар ҳижратини тўхтатиш ўрнига, билъакс, жараённинг жадаллашувига олиб келган.

90-йиллар охирига келибгина бу ҳодиса буткул салбий эмаслиги, уни тўғри ва оқилона йўналтириш мутахассис “эга”си бўлган мамлакат учун ҳам, у қўним топган давлат учун ҳам манфаатли бўлиши мумкинлиги эътироф этилди. Хусусан, Лотин Америкасининг айрим давлатлари, Осиёда Хитой ва Ҳиндистон тажрибаси *brain drain* ни *brain gain*га, яъни ақллилар қайтишига айлантириш мумкинлигини кўрсатди. Айни чоқда, бу борадаги саъй-ҳаракатлар ҳам барча мамлакатларда бирдек ижобий натижа бермади.

**А**қллилар ҳижрати турмуш нисбатан фаровон Шарқий ва Марказий Европа давлатларини ҳам четлаб ўтмади. Европа Иттифоқига аъзо бўлиб кирган минтақа мамлакатларидан юз минглаб мутахассис ягона “Оврупо уйи”нинг бошқа ҳудудларига, хусусан, Буюк Британия ва Ирландияга кўчиб ўтди.

Малакали кадрларни тайёрлаш, шунингдек, муносиб шароит яратиш орқали уларни жалб қилиш бугун ҳам кўплаб давлатлар учун жиддий муаммо саналади. Сўнги ўн йилликларда дунёнинг қатор мамлакатла-



рида ўтказилган тадқиқотлар натижасида гуманитар фанларда *brain circulation* атамаси истеъмолга кирди. Истилоҳнинг маъноси шуки, юқори малакали мутахассис бошқа мамлакатга кўчиб кетса-да, аксар ҳолларда ўзи улғайган жамият билан, хусусан, ҳамкасблари билан алоқаларни сақлаб қолади. Ватанида қолган оила аъзолари, яқинларига пул юборади; ҳатто маълум вақт ўтгач, ўз юртига қайтиб келиши ҳам мумкин. Бу вазиятда интеллектнинг ҳаракати бир томонлама эмас, балки доирасимон – циркуляция тарзида кечади. Бундан эса ҳар икки мамлакат манфаатдор. Демак, ақллилар миграциясини фақат салбий воқелик сифатида талқин этиш тўғри эмас. Салоҳиятли кадрларнинг четга чиқиб кетгани уларнинг ўз юрти билан алоқани буткул узганини англатмайди. Хусусан, биринчи авлод муҳожирлари аксар ҳолларда ўз ватани билан боғловчи ришталарни мустаҳкам сақлайди. Улар ватанида қолган хеш-ақрабога ёрдам берибгина қолмай (аслида шунинг ўзи мамлакат тараққиётига қўшилган муайян ҳисса), янги ижтимоий кўникмалар шаклланишига ҳам сабаб бўлади. Дейлик, у юртида қолган қариндошларининг ўқишга кириши, иш топишига ёрдам беради.

Қолаверса, юқори малакали мутахассис – у университет профессори, йирик компания ҳуқуқшуноси ёки салоҳиятли шифокор бўла-

дими – ким бўлишидан қатъи назар, ўзи истиқомат қилаётган мамлакатда туғилиб ўсган ватани нуфузи – имижини яхшилаш йўлида хизмат қилади. Таъбир жоиз бўлса, норасмий элчи вазифасини ўтайди. Бу, айниқса, эндигина оёққа тураётган давлатлар учун муҳим аҳамиятга эга.

**Я**нада аниқроқ мисол: дейлик, гуманитар соҳа олими хорижий университетда ватанидаги ижтимоий масала бўйича тадқиқот олиб боради. Бу орқали у ҳам киндик қони тўкилган ўлканинг дунёга танилиши, ҳам ўз юртидаги муаммоларнинг ечилишига ҳисса қўшади. Йирик корпорацияда фаолият юритаётган мутахассис эса ўз ватанига сармоя киритилиши учун ҳаракат қилади.

Бу ўринда масаланинг молиявий жиҳатини ҳам унутмаслик керак. Дейлик, Бухорода бир йилда 2000 доллар даромад топадиган тор йўналишдаги шифокор шунча пулни мутараққий давлатда бир-икки ҳафтада топиши мумкин. Мутахассиснинг хорижий мамлакатда юқори малака эвазига катта даромад топиши унинг ватанидаги бошқа минглаб ёшларга ҳам ишонч ва қатъият бағишлайди. Улар ҳам касб эгаллаш, тил ўрганиш ҳамда билим-кўникмаларини ошириш йўлида сидқидилдан ҳаракат қилади.

Маълумки, IELTS, TOEFL каби инглиз тили бўйича имтиҳон тизимлари хорижий университетларга ўқишга киришда асосий мезонлардан саналади. Ҳозир мазкур тизимлар бўйича синов ўтказувчи марказларнинг Ўзбекистондаги бўлимларида имтиҳондан ўтиш учун бир неча ой олдин навбатга ёзилишга тўғри келяпти. Чунки талабгорлар сони йилдан-йилга ошиб бормоқдаки, буни ҳам ақллилар миграциясининг ўзига хос ижобий таъсири дейиш мумкин. Албатта, хорижга кетиш талабгорларининг барчаси ҳам муродига етмайди. Аммо ушбу жараён

барибир мамлакатда умумий билим даражасининг маълум фоизларда ошишига хизмат қилади.

Хорижда фаолият юритишни маъқул кўрган мутахассисларнинг барчаси ҳам ўзга юртда туп қўйиб-палак ёзиб кетмайди, уларнинг маълум қисми ватанига қайтиб келади. Масалан, ўтган асрнинг 80-90-йилларида Ҳиндистондан чиқиб кетган ахборот технологиялари (IT) соҳаси вакиллари дунёнинг ривожланган мамлакатларида масъулиятли лавозимларни эгаллади, нуфузли ташкилотларда бошқарув аъзоси бўлди. Ўша кезлар кўпчилик бу ҳол Ҳиндистон равнақига салбий таъсир кўрсатади, дея хавотир билдирган эди. Аммо вақт ўтиши билан жаҳонгашта кадрларнинг бир қисми юртига қайтди. Америка компанияларида юқори лавозимларда фаолият юритувчи ҳиндистонликлар эса аутсорс ҳамда академик алмашинув орқали ватанида ахборот технологияларини жадал ривожлантиришга улкан ҳисса қўшди. Шу тариқа Ҳиндистон IT software (дастурчилик) экспорти борасида пешқадам давлатлардан бирига айланди. Бугун АҚШга юқори малакали мутахассис визасини олувчиларнинг аксари – ҳиндистонликлардир. Хориждаги ватандошлари юборган маблағ эвазига миллионлаб ҳинд оиласи қашшоқлик ботқоғидан чиқди, миллионлаб ёшлар билим олиш имконига эга бўлди.

Айни шу ҳолат Хитойда ҳам кузатилди. Бутун дунёга тариқдек сочилган хитойлик мутахассислар пировардида ватани тараққиётида муҳим роль ўйнади. Пекин ҳукумати 2002 йилда чоп қилган маълумотларга кўра, 1990-йилларда АҚШда докторлик диссертациясини ёқлаган хитойликларнинг 92 фоизи мамлакатга қайтишни истамаган бўлса, 2014 йилга келиб хориждаги олимларнинг 54 фоизи қайтиб келган. Бу сўнги йилларда чет элдаги минглаб хитойлик олимлар ватанига қайтаётганидан дарак

беради (Cao et al. 2019, *Returning scientists and the emergence of China's science system, Science and Public Policy*). Бундан ташқари, ахборот технологиялари соҳасининг хитойлик кўп сонли вакиллари АҚШда – Google ёки Amazon ширкатидан кўра ўз юртида Huawei компаниясида фаолият юритишни афзал билмоқда.

Кенг қамровли тадқиқотларга кўра, хорижга чиқиб кетаётган университет битирувчиларининг сони 20 фоиздан ошсагина бу ўша мамлакат ижтимоий-иқтисодий тарақиёти учун жиддий хавф саналади. 20 фоизгача бўлган кўрсаткич эса унчалик хавфли эмас ва оқилона сиёсат орқали унинг салбий таъсирини камайтириш мумкин (Docquier & Rapoport, 2009. *Quantifying the impact of highly-skilled emigration on developing countries. CEPR*).

Бугун Ўзбекистон учун ҳам хорижда фаолият юритаётган ватандошларни юрга қайтариш, мамлакатда юқори малакали мутахассислар тайёрлаш ва уларга муносиб шароит яратиш долзарб вазифалардан бири бўлиб турибди. Президентдан тортиб хусусий компания вакилларига қадар – катта-кичик давраларда етук кадрлар етишмаслиги муаммо ўлароқ очиқ айтилмоқда. Дарҳақиқат, мамлакатимизда бир томондан юқори даражада ишсизлик, иккинчи томондан эса мутахассисларнинг етишмаслиги кузатилмоқда (<https://www.gazeta.uz/uz/2019/04/16/kompetensiya/>). Давлат раҳбари эълон қилган сўнги маълумотларга кўра, ҳозирда Ўзбекистонда 13 минг шифокор, 2700 педагог кадрга эҳтиёж бор (<https://kun.uz/news/2020/01/20/prezident-ijtimoiy-muammolarning-yuzagakelish-sababini-aytib-otdi>).

Турли ҳисоб-китобларга қараганда, хорижда ишлаётган ёки таълим олаётган ўзбекистонликларнинг сони уч миллиондан олти миллионгача етади. Албатта, улар-

нинг салмоқли қисмини Россиядаги меҳнат муҳожирлари ташкил этади. Айни чоқда, Қозоғистон, Туркия, АҚШ, БАА, Жанубий Корея каби мамлакатларда ҳам бир неча ўн минглаб ўзбекистонлик бор. Тан олиш керак, уларнинг аксари юқори малака талаб этилмайдиган ва маҳаллий аҳоли талабгор бўлмаган соҳаларда банд. Шу билан бирга, хориждаги ватандошларимиз орасида олий маълумотли, ўз соҳасида юксак муваффақиятга эришган минглаб юқори малакали кадрлар ҳам борки, Ўзбекистон ҳукумати ўшаларнинг ҳеч бўлмаганда маълум бир қисмини қайтаришга уринмоқда. Бу борда сўнги кезларда талай ишлар амалга оширилди. Энг аввало, расмий доираларда ҳамда оммавий ахборот воситаларида хорижда яшаётган ўзбекистонликларга нисбатан ёндашув-муносабат ўзгарди. Илгари хорижга кетган ватандошлар ҳақида гап борса, “мўмай даромад илинжида”, “юртимизда яратилган имкониятлардан қониқмаган” каби ёқимсиз иборалар қўлланарди. Бундай манфий муносабат шаклланишига бир жиҳати ҳадик ҳисси, қолаверса, “Умид” жамғармасининг тугатилишига олиб келган омиллар ҳам сабаб бўлди. Ўзбекистонда олий раҳбар алмашуви билан ҳукумат даражасидаги салбий қарашлар ижобий тарафга ўзгара борди. Айниқса, Президент Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил сентябрь ойида Нью-Йоркда бир гуруҳ юртдошларимиз билан учрашиб, уларни Ўзбекистонда ишлашга таклиф қилгани ва бу воқеа расмий матбуотда кенг ёритилгани жамият, айниқса, амалдорларнинг четдаги ватандошларга муносабатини жиддий ислоҳ этди.

2018 йил май ойида асли ўзбекистонлик тадбиркорлар қўллови билан “Буюк келажак” экспертлар кенгаши тузилди. Мазкур нодавлат-нотижорат ташкилот айни вақтда асосан ривожланган мамлакатларда ҳуқуқшунослик, молия, тиббиёт, бошқарув, илм-

фан каби соҳаларда фаолият юритаётган 300 га яқин ўзбекистонлик мутахассиснинг бошини қовуштирди. Мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётини ислоҳ қилиш дастурлари, жумладан, “Ўзбекистон – 2035” ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқишда кенгаш аъзоларининг жиддий ўрни бор.

Бундан ташқари, 2018 йил сентябрда мутахассисларни хорижда ўқитиш ва ватандошлар билан мулоқотни кучайтириш мақсадида “Эл-юрт умиди” жамғармаси таъсис этилди. Бу муассаса яқин беш йилда магистратура, докторантура, қисқа муддатли курслар ва стажировка дастурлари орқали беш минг нафар кадрнинг билим ва кўникмасини оширишни мўлжаллаган. Қайд этиш жоизки, 1998 – 2004 йилларда фаолият юритган “Умид” жамғармаси кўмагида 828 нафар йигит-қиз хорижда таълим олган эди. Аммо “умид”чиларнинг маълум қисми юртга қайтмади, қайтганларнинг ҳам ишга олиниши мураккаб кечди. Сирасини айтганда, уларнинг аксари ўша кезлардаги Ўзбекистон шароитида тўлиқ ишлаб кетолмади – жамғарманинг тугатилишига шу каби омиллар ҳам сабаб бўлса ажаб эмас. Янги жамғармани тузишда яқин ўтмишнинг аччиқ тажрибаси ҳам инobatга олинган (“Эл-юрт умиди”: *Ўзбекистон кадрларга, ватандошлар мададига муҳтож. “Америка овози”, 2019 йил 7 июнь*). У хорижда яшаётган ўзбекистонликлар билан робита ўрнатиш, уларни Ўзбекистонга таклиф этишга ҳам масъул. Шу мақсадда хорижда истиқомат қилаётган ватандошлар билан ҳамкорлик соҳасида Ўзбекистон Республикаси давлат сиёсати концепцияси қабул қилинди. Мазкур концепцияда хориждаги ватандошлар – юқори малакали мутахассисларни давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий ижро ҳокимияти органлари раҳбарлик лавозимларига жалб қилиш алоҳида вазифа сифатида белгиланган.

Чора-тадбирларнинг амалий натижаси ҳам кўриниб қолди. Ўтган икки йил давомида ўнлаб юртдошлар Ўзбекистонга қайтиб, ўрта ва юқори бўғиндаги бошқарув лавозимларини эгаллади. Улар орасида агентлик раҳбари ҳамда вазир ўринбосарлари бор. Қайд этиш жоизки, малакали мутахассисларнинг аксари Ўзбекистонга ҳукумат вакиллари билан “Буюк келажак” экспертлар кенгаши платформаси орқали олиб борилган музокаралардан сўнг қайтди. Халқ таълими вазирлиги ҳам хорижда таълим олган ва тажриба эгаллаган бир гуруҳ кадрларни ишга жалб этди. Шунингдек, ҳукуматлараро келишув натижаси ўлароқ Жанубий Корея, Туркия, Россия, АҚШ, Япония каби давлат вакиллари турли бошқарув идораларимизда раҳбар маслаҳатчиси лавозимида фаолият юритмоқда. Шунга қарамай, Ўзбекистон “ақллилар хижрати”ни “ақллилар қайтиши”га айлантира олди, деб хулоса қилишга ҳали эрта. Негаки, бу жараён ҳали тизимли тус олганича йўқ. Давлат раҳбариятининг даъвати, бу борада кўшимча имтиёз ва қулайликлар яратилаётганига қарамай, четга кетиб қолган аксар мутахассислар ватанга қайтишга ошиқмаяпти. Жорий йил 20 январь куни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси йиғилишида Президент Шавкат Мирзиёев шу масалада гапирар экан, “Кўпи қайтиб келиб ишлашга рози эмас. Шуни ҳам билишимиз керак. Бу ҳам бизга сабоқ” деди (<https://kun.uz/news/2020/01/20>). Қолаверса, охири икки-уч йилда ўнлаб кадр юртга қайтган бўлса, яна минглаб мутахассис муносиб ҳаёт орзусида мамлакатни тарк этган.

Камина 2019 йил давомида Ўзбекистонга қайтган ҳамда ҳозир ҳам хорижда истиқомат қилаётган йигирмадан ортиқ юқори малакали мутахассис билан суҳбатлар (*in-depth interviews*) ўтказди. Бу мулоқотлар юртга қайтиш ёки қайтмаслик борасидаги фикрлар хилма-хил эканини кўрсатди: қайтганлар ўз

қарорини ватанпарварлик, прагматизм, ислохотларга ҳисса қўшиш ҳамда яратилган имкониятлардан фойдаланиб қолиш истаги билан изоҳлади. Суҳбатлардан маълум бўлдики, кўплаб ватандошлар эски маъмурий буйруқбозлик тизимидан буткул воз кечилмагани, жамиятда чуқур илдиз отган коррупция, иқтисодий ва сиёсий, жумладан, давлат бошқаруви ислохотларининг секин кечаётгани, турмуш даражасининг пастлиги, болалар учун таълим ва соғлиқни сақлаш хизматлари ҳаминқадарлиги каби омилларни қайтишга тўсиқ деб ҳисоблар экан. Жорий йил бошида ҳукумат саъй-ҳаракати билан “Умид” жамғармаси битирувчиларининг Тошкентда ўтган учрашувида ҳам бюрократик муаммолар ҳали тўлиқ бартараф этилмагани таъкидланди.

**А**йни чоқда, ҳукумат чинакам иқтисодий, сиёсий ислохотлар ўтказиши ва маъмурий буйруқбозлик даражаси камайишига умид сўнгани йўқ. Суҳбатдошларимиз хориждагиларнинг қайтишини тезлаштириш учун бир қатор чора-тадбирларни амалга ошириш зарур деб ҳисоблайди. Масалан, давлат хизмати тўғрисида қонун тезроқ қабул қилиниши мақсадга мувофиқдир. Бу бюрократиянинг камайиши, ходимларни ишга олишда меритократия тамойилларига амал қилиш, яъни жамиятда барча табақа вакиллари учун тенг имкониятлар яратилишига асос бўлади. Пировардида эса ҳамон жадал давом этаётган ақллилар ҳижрати камайиб боради.

Юқори малакали мутахассисларни Ўзбекистонга жалб қилиш хусусида сўз борар экан, фақат хориждаги ватандошлар билан чекланиб қолиш тўғри эмас. Ҳар қандай давлат бундай кадрларни таълимга катта сармоя йўналтириш орқали етиштириши

мумкин. Лекин бунинг кам харажат ва оз вақт талаб қиладиган нисбатан осон йўли ҳам бор: бу – миллати ёки туғилган мамлакатидан қатъи назар, ҳар қандай юқори малакали шахсларнинг Ўзбекистонда яшаш ва меҳнат қилиши учун зарурий шарт-шароит яратишдан иборатдир. Юқорида зикр этилган концепцияда ҳам бу борадаги тўсиқларни олиб ташлаш ва янги имтиёзлар яратиш асослари белгиланган.

Унутмаслик керакки, ўз вақтида хорижга доимий яшаш учун кетган кўплаб ватандошларимиз бор кучини, таъбир жоиз бўлса, умрининг энг гуллаган дамларини ўзи кўним топган мамлакатда муқим яшаб қолиш, ўша ерда томир отишга сарфлаган. Уларнинг муайян қисми Ўзбекистонга буткул қайтиш ниятида эмас. Албатта, бу учун уларни қоралаб бўлмайди. Аслида, хорижда муқим яшашни ният қилган ватандошлар имкониятидан ҳам унумли фойдаланиш мумкин. Улар ўзи яшаётган мамлакат ҳамда Ўзбекистон ўртасида кўприк бўлиб, тижорий, илмий ва маданий ҳамкорликни ривожлантириш, юртимизни ҳар жиҳатдан тарғиб этишга ҳисса қўшиши мумкин. Демак, хориждаги дипломатик ваколатхоналаримиз нафақат мамлакатимиз фуқаролари, балки фуқароликни йўқотган ватандошлар, шунингдек, аждодлари Ўзбекистон ҳудудида яшаган ёки ўзини этник-маданий жиҳатдан шу ҳудудга мансуб деб билган чет элликлар билан ҳам яқиндан алоқа ўрнатмоғи лозим.

Хулоса қилиб айтганда, “ақллилар ҳижрати”ни “ақллилар қайтиши”га айлантириш учун бошланган иқтисодий, сиёсий ислохотларни оғишмай давом эттирмақ лозим. Айни чоқда, наинки ватандошлар, хорижлик мутахассисларни ҳам жалб этиш учун тизимли сиёсат юритиш талаб этилади.



## FALSAFADAN NIMA NAF?

Бугун Ўзбекистон халқи бел боғлаб бунёд этаётган янги жамиятда шахс билан давлат, инсон билан жамият муносабатлари батамом янгича мазмун ва шакл топиши, илғор тамойилларга асосланиши керак. Жамиятнинг шаклу шамойили, ривожланиш йўллари, устувор хусусиятлари тўғрисидаги яхлит тасаввур эса баҳс-мунозаралар орқалигина ҳосил бўлади. “Тафаккур” журналида шоир ва файласуф олим Абдулла Шер билан эълон қилинган суҳбат (*“Шояд, тафаккур қилсак”, 2019 йил 1-сон*) ҳам, айниқса, шу жиҳати билан аҳамиятлидир.

Замонавий мутахассис ҳар жиҳатдан мукамал дунёқарашга эга бўлмоғи учун турли билим ва кўникмаларни эгаллаши лозим; бунда эса ижтимоий фанлар, хусусан, фалсафанинг ўрни беқиёс. Зеро, фалсафанинг вазифаси дунёқарашнинг асосий тамойилларини шакллантириш ва таҳлил этишдан иборатдир. Башарий маданият ривожининг

меvasи бўлмиш фалсафа маълум синф ёки партия манфаатини ҳимоя этиб, унинг кураш қуроли бўлиб қолмай, бутун инсоният камолоти, маънавий юксалиши ва ҳамдўстлигига хизмат қилмоғи лозим.

Инсон ҳамиша фалсафа марказида туриб келган. Унинг дунёқарашини шакллантириш; маънавий-ахлоқий, эстетик жиҳатдан камолга етказиш усуллари, воситалари, имкониятларини тадқиқ этиш ушбу фаннинг асосий масалаларидан биридир. Негаки, инсон ижтимоий ҳаёт, тарих, маънавиятни вужудга келтирувчи фаол ижодкор, яратувчи, воқеликни узлуксиз янгилаб турувчи қудратли кучдир.

Инсон, унинг ҳар томонлама уйғун камол топиши ва фаровонлиги, шахс манфаатларини рўёбга чиқаришнинг шароитлари ва таъсирчан механизмларини яратиш, эскирган тафаккур ва ижтимоий хулқ-атвор андозаларини ўзгартириш Ўзбекистонда амалга

оширилаётган ислохотларнинг асосий мақсади деб белгиланди. Мазкур муаммоларни фалсафа илмисиз ҳал қилиб бўлмайди.

Файласуф Абдулла Шер суҳбат асносида фалсафий билимларни тубдан янгилаш хусусида баҳс юритади. Олимнинг фикрларини қўллаб-қувватлаган ҳолда қайд этиш жоизки, фалсафий билимларни янгилаш куйидаги тамойилларга таяниши керак:

а) фалсафани инсоният тафаккури ривож ва жамият тараққиёти учун хизмат қилувчи фан сифатида талқин этиш; уни партиявийлик, умуман, сиёсий сиқувдан тамоман озод этиш;

б) фалсафанинг асосий фундаментал масалалари, қонун, категория, принциплари ҳозирги илмий тафаккур ютуғи, ижтимоий ривожланиш тенденциялари негизида юксалишини инobatга олиш;

в) фалсафани ўрганиш, ўқитишга эскича ёндашувдан воз кечиш, унга ижодий қараш, ҳар бир халқ ва миллатнинг маънавий қадриятлари ҳамда менталитетини назарда тутган ҳолда йўл тутиш;

г) фалсафани ўқитишни демократлаштириш, уни ягона ғоя тарғиботчилигидан халос этиш, турли миллий-маданий қадриятлар, илғор таълимотлар билан бойитиш кўламини кенгайтириш ҳамда умуминсоний тафаккурнинг замонавий тараққиёт йўлига олиб чиқиш;

д) фалсафани ўрганиш, ўқитиш ва тадқиқ этишда фикрлар хилма-хиллигига (плюрализм) таяниш.

Уч аср илгари буюк мутафаккир ва маърифатчи Жан Жак Руссо бундай сабоқ берган экан: “Шогирдингиз олдига фақат муаммо қўйинг, ечимни эса унинг ўзига ҳавола этинг. Унга ҳақиқатни тўлиқ ошкор этманг, бунга унинг ўзи етиб борсин. Таълимда тафаккурни ҳукмрон фикрга алмаштирсангиз, шогирдингиз фикрлашдан тўхтади ва ўзгалар фикрининг итоаткор эргашувчисига айланади”. Бизнингча, улуғ маърифатчи илгари сурган ғоя Ўзбекистонда фалсафани мафкура сиқувидан халос этиш ва унинг тараққиёт


йўналишларини белгилашда алоҳида аҳамиятга эга.

Фалсафа ҳаммиша миллий ва умуминсоний маданиятнинг гултожи бўлиб келган. Тараққиёт дастуримизда маънавият

ва маърифат, миллий онгни юксалтириш етакчи мезон экан, фалсафа ўқитилишига ҳам эътибор қаратилмоғи шарт. Кейинги йилларда таълимда фалсафага ажратилган соатлар кескин камайтирилиб (140 соатдан 68 соатга қадар; ҳозирда фалсафа, мантик, этика, эстетика фанлари қўшиб ҳисобланганда айрим йўналишларда 68 соатни, фалсафанинг ўзи эса атиги 36 соатни ташкил этади), барча фалсафий фанлар битта қопга тиқилди. Инсон тирик юрмоғи учун юрак уриб туриши, мия тафаккур қилмоғи лозим. Бордию юрак уриб турса-да, мия ишдан чиққан бўлса, у тирик ўликдир. Фалсафа инсон ва жамият учун юрак ва мия вазифасини ўтайди.

Юртимизда инсоний ҳуқуқ ва эркинликни ҳимоя қилиш, жамиятни маънавий янгилаш, миллий ғоя ва мафкура концепциясини тубдан ислох этиш, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини мустаҳкамлаш, жаҳон ҳамжамиятига қўшилишни таъминлайдиган демократик ҳуқуқий давлат ва очиқ фуқаролик жамияти қуриш бош мақсад қилиб қўйилган. Мазкур мақсадларни рўёбга чиқаришнинг назарияси ҳам, амалиёти ҳам фалсафа илмида мужассам. Зеро, фалсафа – комил инсон, баркамол авлодни тарбиялашнинг таъсирчан воситаларидан бири саналади.

Мамлакатимиз олий таълим тизимидаги бир оғриқли муаммога эътибор қаратсак. Кейинги йилларда барча фанлар, жумладан,



биринчи блок (айниқса, фалсафа) фанлари, яъни ижтимоий фанлар бўйича кўр-кўрона ёндашув, ўқитувчиларнинг йиллик ўқув юкламаларини асоссиз равишда ошириш кузатилмоқда. Бироқ ҳар бир фаннинг ўзига хос хусусиятлари бор. Масалан, махсус мутахассислик фанлари вакиллари ўқув юкмасининг катта қисмини ишлаб чиқариш амалиёти, мактаб амалиёти, дала амалиёти, битирув малакавий иш, курс ишлари билан бажаради. Бунинг учун қўшимча ҳақ олишади. Хўш, биринчи блок фанлари вакиллари-чи? Улар учун ишлаб чиқариш ёки дала амалиёти йўқ. Иш асосан аудиторияда ҳар кун, ҳар соатда изланиш билан ўтади. Янгилардан хабардор бўлиб бориш учун эса вақт керак. Мутараққий дунё тажрибасига эътибор берсак, академик муассасаларда фаолият юритувчилар асосан илмий-тадқиқот олиб бориш билан банд. Олий ўқув юртлари ходимлари педагогика ва илмий-тадқиқот билан шуғулланади. Ижтимоий фан вакиллари эса педагогик, илмий-тадқиқот ҳамда мафкуравий каби учта функцияни бажаради. Демак, ижтимоий фан вакилларининг ўқув юкмаси 550 соатдан ошмаслиги зарур. Бу – жаҳон миқёсида синовдан ўтган мақбул вариант. Зотан, файласуф Абдулла Шер ҳам бу борада жуда ўринли таклифларни илгари сурган.

Тақдор бўлса-да, таъкидлаш жоиз: файласуф кадрларни тайёрлаш масаласига алоҳида эътибор қаратмоқ керак. Очигини айтганда, бу соҳада қилинадиган ишларимиз ниҳоятда бисёр. Магистратура босқичи мутлақо талабга жавоб бермайди. Илмий-тадқиқот ишлари, диссертациялар савияси ва салмоғи ачинарли аҳволда. Диссертация ёзишда интернетдаги илмий манбалардан кўчириш “тажриба”си урчимоқда. Таассуфки, аксар тадқиқотчилар манбалар устида ишлаш, илмий таҳлил, мустақил фикрлашдан тамомила йироқ. Илмий иш ёзиш ва уни ҳимоя қилишда ёлғону манфаат аралашаётгани эса жуда ҳам аянчли ҳолдир. Бу аҳволда фанимиз,

фалсафамиз тақдири қандай кечади? Олий аттестация комиссияси, илмий жамоатчилик бу борада нима чора кўрмоқда?

Нобель мукофоти совриндори, атоқли олим ва академик Иван Павлов илм-фан йўлига кириб келаётган ёшларга маслаҳат бераркан, уч муҳим фазилатни санаб ўтади. Унинг таъкидлашича, олим учун биринчи муҳим хислат – изчиллик. “Илм чўққисига интилишдан аввал фан алифбосини ўрганинг. Олдингини ўзлаштирмай туриб, ҳеч қачон кейинги ишга ўтманг. Билим борасидаги камчиликларингизни ҳеч қачон, ҳатто дадил айтилган тахмин ва фаразлар билан ҳам беркитишга уринманг. Бу “совун кўпиғи” сизни товланиб-тусланиши ила ҳар қанча ўзига жалб этмасин, у, албатта, ёрилади ва сиз шарманда бўласиз!..

Фанда қора меҳнатга ўрганинг. Далил тўпланг, ўрганинг, таққослаб кўринг... Уларсиз ҳеч қачон парвоз қилолмайсиз... Фактларни шунчаки жамловчи бўлиб қолманг, уларнинг пайдо бўлиш сирларини билишга ҳаракат қилинг”.

Олимга кўра, ёш тадқиқотчи учун сув билан ҳаводек зарур иккинчи фазилат – камтарликдир: “Сизга ҳар қанча юқори баҳо беришса ҳам, ҳамиша ўзингизда “мен нодонман” дейишга журъат топа билинг. Такаббурликка йўл қўйманг. Манманлик боис сиз муроса лозим бўлганда ҳам қайсарлик қиласиз. У туфайли фойдали маслаҳат ва дўстона ёрдамдан воз кечасиз, пировардида, холислиқдан маҳрум бўласиз”. И. Павлов учинчи муҳим фазилат сифатида зўр ғайрат ва буюк эҳтиросни санаб ўтади.

Афсуски, жаҳон илм-фани даҳоларидан бири илгари сурган ушбу қоидаларга амал қилувчилар сони наинки камайиб, ҳатто йўқолиб бораётир. Фалсафа бўйича диссертациялар ҳимояси учун фаолият кўрсатаётган илмий семинар ва кенгашлар иши мутлақо қониқарсиз. Хомхатала ишлар кўпайиб, Абдулла Шер айтмоқчи, “фалсафий алжираш” оқими пайдо бўлган.

Бизнингча, ўзбек фалсафаси чуқур инқирозни бошдан кечирмоқда. Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси ва тегишли вазирликлар мазкур вазиятдан хулоса чиқариб, амалий саъй-ҳаракат қилмоғи лозим. Айни чоқда, илмда жамоатчилик фикри ва назоратини ҳам кучайтириш вақти келди.

Одиллиги ва холислиги билан ном чиқарган олимларни жалб этган ҳолда эксперт комиссиясини ташкил этиш, Фанлар академияси қошида Фалсафа ва ҳуқуқ илмий-тадқиқот институтини қайта тиклаш керак.

Ҳозир ўқув дастурлари, дарслик ва қўлланмалар яратиш тизими издан чиққан. Илгари синовдан ўтган яхши анъана бор эди: биринчи блок (жумладан, фалсафа) фанларидан яратилаётган ўқув дастурлари лойиҳа тарзида барча олий ўқув юртларига юборилар, билдирилган таклиф-мулоҳазалар ишчи комиссияси томонидан ўрганилар, махсус кенгаш муҳокамасидан кейингина тасдиқланар эди. Афсуски, бу анъана йўқолиб кетди. 60 йиллик педагогик тажрибага эга кекса зиёли сифатида фалсафа курси бўйича амалдаги ўқув дастури ва қўлланмалардан сира қониқмайман.

Дунё тан олган улуғ файласуфлар асарлари ҳанузгача ўзбек тилида нашр этилмагани сабаб аксар зиёлилар, хусусан, ёшларимиз уларнинг ғоявий-фалсафий қарашларини мукамал билмайди. Бизнингча, Сукрот, Афлотун, Арасту, Нитше, Фрейд каби ўтмиш олимлари, шунингдек, замонавий файласуфларнинг асарларини таржима қилиш, батафсил изоҳ ва шарҳлари билан чоп этиш лозим.

Машҳур адиб Абдулла Қаҳҳор “Ёндафтардаги қайдлар”ида “Танқид адабиётимизга катта адабиёт чўққисидан қарамаётир. Маҳаллий классиклар пайдо бўлаётибди. Улар асарларининг рус ва бошқа тилларга таржима қилинмаслигидан манфаатдор”, деб ёзган эди. Тўғрисиўз адибнинг ушбу кинояси бугунги ўзбек фалсафасига ҳам тегишлидек. Зеро, айрим “классиклар” жаҳон фалсафаси


дурдоналаридан баҳраманд бўлиш ўрнига “фалсафий алжираш” билан овора.

Абдулла Шер мамлакатимизда фалсафани ўқитиш савияси пасайиб кетгани ва бу ҳолатнинг кадрлар тайёрлашдаги салбий оқибатларини рўй-рост баён қилади. Иш жараёнида ўзимиз ҳам гувоҳ бўламизки, аксар домлалар китоб ўқишни кўйинг, ҳатто газета-журналларни ҳам қўлга олмайди. Жаҳон ва ўзбек классиклари асарларини кўятурайлик, ҳатто замонавий адабиётни ҳам кузатмайди. Айрим ўқитувчилар ишчи дастур, тақвимий режа, ўқув услубий мажмуа каби ҳужжатларгагина суяниб қолган, мавзуну ўзи ҳам тушуниб-тушунмай кўнғироқдан кўнғироқгача – номига дарс ўтиш билан банд. Мустақил фикрлаш, илмий мушоҳада юритиш камёб ҳодисага айланди. Бу аҳволда қандай қилиб замонавий дунёқараш шаклланади? Қандай қилиб рақобатбардош кадр тарбияланади?

Яна бир муаммо. Бизнингча, малака ошириш курслари фаолиятини тамомила қайта қуриш лозим. Собиқ иттифоқ даврида 900 дан зиёд олий ўқув юрти фаолият юритган бўлса, шундан бор-йўғи 6 та университет (Москва, Ленинград, Киев, Минск, Ростов-Дон, Тошкент) қошида беш ойлик ижтимоий фанлар ўқитувчилари малакасини ошириш институти мавжуд эди. Институтларга ўз даврининг пешқадам олимлари жалб этилар, фаннинг долзарб муаммолари, илғор тажрибалар хусусида маъруза ва махсус курслар ташкил этилар эди. Ҳозирги икки ойлик курсда эса фалсафа бўйича малакали мутахассис топилмайди.

Президент Шавкат Мирзиёев мустақилликнинг 28 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқида маънавият ва маърифатни ватанпарварлик, виждон иши деб атади. Абдулла Шер ҳам илм-фан, хусусан, фалсафий фанларни ўқитиш ватаний вазифа эканини таъкидлади. Демак, атоқли файласуф олим илгари сурган ғоя ва таклифларни жиддий ўрганиб, ҳаётга татбиқ этмоқ керак.

Абдулла АЪЗАМ



## BUYUK ARMON

### Рухият ёлқини

Буюк Навоий ўзининг муножот мазмунидаги ғазалларидан бирида Оллоҳга арзи ҳол этади:

*Элга махлас истасанг, етти тамуғни айла кул,  
Айлабон бир шуъла бу оҳи дурахшондин жудо.*

Табдил: “Ё Оллоҳ, мабодо номики дўзахга лойиқ одамизод бор – барчасини мангулик азобдан қутқарай десанг, менинг кўкка чирмашган оҳим ёлқинидан бир қатимгина шуълани ажратсанг, бас, етти қават дўзах кулга айланадию ҳамма ундан халос бўлади”.

Бундай оҳ замирида нақадар буюк дард ётибди! Ёинки байт улуғвор зотнинг руҳиятида содир бўлган оний кайфият ифодаси, холосми? Йўк, ундай эмас. Навоийнинг дoston, ғазал ва рубойларида бундай мазмунли байтлар юзлаб учрайди: *Етти кўкни кўк варақлардек совургай ҳар тараф, // Гар фалак чархи аро чирмашса оҳи ҳасратим* (“Ғаройиб ус-сиғар”); *Элга гардундин (фалак) нажот этмак учун эрмиш буқим, // Оҳ ўқидин чархни юз ерда равзан (илма-тешик) айладим* (“Фавойид ул-кибар”); *Минг ўтум бор, айлай олмасмен аён мингдин бирин, // Даҳр куйгай, зоҳир этсам ногаҳон мингдин бирин* (“Бадойеъ ул-васат”)... Улар

ҳеч шубҳасиз муаллиф юрагидаги буюк бир армоннинг ифодасидир. Аниқроғи, муз тоғининг сув юзасида кўринган қисми, холос, армоннинг ўзини тасаввур этмоқ учун эса уммон тубига шўнғишга тўғри келади. Навоийнинг ижодий ва маънавий меросига асосланиб ана шу муз тоғининг сув остидаги қисмига назар ташлаймиз.

Авваламбор, таъкидлаш лозимки, армон – инсонга хос хусусият. Балки уни ҳайвондан фарқловчи мезонлардан бири. У ҳеч вақоси йўқ гадовдан етти иқлим бойлигини қўлга киритган ҳукмдоргача хос. Айни чоқда, армонда ҳам армон борки, Низомиддин Мир Алишер Навоий ҳазратларига дахлдор туйғу оддий эмас – уни **буюк армон** деб атаймиз.

### Болалик армони

Навоийнинг хат-саводи ҳали мактаб ёшига етмасдан чиққани маълум. У мактабда ўзидан катта болалар билан ўқиган бўлса ажаб эмас. Эҳтимол, муаллим саводи чиққан болаларга мутолааси равон бўлиши учун қалингина китобларни ўқишни топширган, Алишернинг чекига Фаридуддин Атторнинг “Мантиқ ут-тайр” дostonи тушган... Шундай бўлганда ҳам, муаллим китоб мағзини чақишни назарда тутмаган. Айниқса, “Мантиқ ут-тайр”дек бошдан-оёқ тасаввуфий руҳдаги асарни... Бироқ Навоий дostonни нафақат ўқиб чиқади, балки китоб руҳи билан қаттиқ боғланиб қолади: **Уйлаким, элдин узулди улфатим, // Ул китоб эрди аниси хилватим... // Оқибат ишқ айлади шайдо мени, // Уйла машъуф этти бу савдо мени.**

Навоий Аттор дostonига ўз она тилида жавоб айтишни ният қилади. Бу – унинг болалик орзуси бўлган. Аммо мақола бошида келтирилган ҳасратли байтларинг бу армонга дахли йўқ, чунки Навоий уни рўёбга чиқара олган – умрининг охирида бўлса ҳам “Лисон ут-тайр” дostonини битган.

### Ўсмирлик армони

Алишер Навоий назм дарёсига жуда ёш чоғида шўнғиган. Ҳатто тили шеър билан чиққан, десак ҳам муболаға бўлмайди. Бунда оилавий муҳит катта ўрин тутган – тоғалари шоир, отаси маърифатпарвар бўлиб, унинг хонадонида тез-тез нафис мажлислар уюштирилган. Алишерга жуда ёшлигидан адабиёт аҳлининг суҳбатларини тинглашга рухсат берилган. Ана шу мажлислар гўё бир чашма бўлгану Алишернинг руҳият марзаси орқали оқиб ўтган. Унинг назмида вазнининг мукамаллиги, луғатнинг беқиёс даражада бойлиги, бадий санъатларнинг анор донларидек зичлиги, маъноларнинг қатма-қат ва ранго-ранглиги, руҳият ёлқинининг еттинчи осмонга чиқиши ўша туфайлидир. Айни чоқда, бу ўринда шундай савол туғилади: мана шу омилларнинг ўзигина буюк шоир бўлмоқ учун кифоями? Жавоб: йўқ. Бутун жаҳон адабиёти тасдиқ этадики, то булҳавас қалбни муҳаббат забт этмас экан, вужуд ишқ оловида ёниб тобланмас экан, чинакам шоир дунёга келмайди. Биз бу қонуниятни янада кучайтиргимиз келади: назм кўйи сари қадам босган ҳавасманднинг илк муҳаббати қай даражада кучли бўлса, унинг бу йўлдаги сайру сулуки шу қадар узоқ ва юксак бўлади. Алишер, ўйлашимизча, ўсмирлигидаёқ ишқ балосига йўлиққан, аммо чархи кажрафтор тақозоси ила муҳаббат тақдири бир умрлик айрилиқдан иборат бўлган. Шунга қарамасдан, Навоий ўз муҳаббатига умр сўнги қадар содиқ қолган. Марҳум устоз Азизхон Қаюмовнинг “Дилкушо такрорлар ва руҳафзо ашъорлар” рисоласида мазкур ишқ қиссаси батафсил таҳлил этилган...

Хўш, Навоийнинг буюк армони Мажнун тақдирдан юз чандон фожиалироқ бўлган ана шу муҳаббатданми? Биз бу саволга ҳам “Йўқ!” дея жавоб берамиз. Айнан жавобсиз севги Навоийнинг Навоий бўлишида муҳим ўрин тутган – уни тасаввуф сари йўллаган.

## Йигитлик армони

Навоий даврида адабиёт, алалхусус, назмнинг жамиятдаги мавқеи ниҳоятда юксак бўлган. Ҳозирги матбуот, радио, телевидение, киною интернет – ҳаммасининг мавқеи қўшилганда ҳам ўша даврдаги назм-ниқига етмаса керак. Акс ҳолда, Маҳмуд Ғазнавий “Шоҳнома”нинг ҳар байтига бир диноҳ ваъда қилармиди? Султон Ҳусайн соҳиби девон бўлармиди? Бобур девон билан кифояланмай, мукаммалу мураккаб “Аруз” рисоласини битармиди?

Низомий, Деҳлавий, Аттор, Ҳофиз, Саъдий каби шоирларнинг шон-шухрати шоху султонларниқидан юксак бўлса бўлганки, кам бўлмаган. Атоқли шоирларнинг янги ғазалу рубойиси бир-икки кун ичида оммалашган, дostonхонлик эса бугунги телесериаллар томошасидан кенгроқ тарқалган. Ана шундай муҳитда Алишер Навоий назм майдонига от суриб кирган. У болалигида бўлмаса ҳам, ўсмирлигидаёқ ўз олдиға буюк асарлар яратиш ва адабиётнинг энг юксак чўққиларини забт этиш, бу борада салафлари ва замондошлари билан муСОБАҚАГА киришишни ният қилган. Бўлғуси шоири замон ўзини ана шу миссияға тайёрлаган ҳам, хусусан, юз минглаб байт шеър ёдлаган! Оллоҳ ато этган иқтидор билан ҳали мўйлаби муртак отмасдан етук шоир даражасига эришган. Навоийғача ҳеч бир иждокорнинг болалигида ёзган ғазаллари девон ҳажмиға етмаган. Девон бўлганда ҳам, Малик ул-калом Лутфийни энтиктирган мажмуа!..

Навоий ўз иқтидори кўламини теран ҳис этар, туркий шеърятни кўкка кўтармоқни мақсад-маслағи деб билар эди. Бироқ унға хомийлик қилиб келган назмпарвар Мирзо Абулқосим Бобур вафот этиб, ҳокимият қалам аҳлиға бефарқ Мирзо Султон АбуСАИД қўлиға ўтгач, Навоий бор-будидан маҳрум бўлиб, ғурбатда қолади. Ҳа, аввалроқ бутун келажағини назм билан боғлашға қарор қилган Алишернинг қалам аҳлиға бўлган

муносабатдан қаттиқ ларзаға тушгани аниқ. Хуросонни ташлаб чиқар экан, устози ва мураббийи бўлмиш Саййид Ҳасан Ардашерға ёзган мактубида ўзининг бу борадаги армонини аччиқ баён этади: *“Мен ул менки, то турк бедодидур, // Бу тил бирла то назм бунёдидур. // Фалак кўрмади мен киби нодире, // Низомий киби назм аро қодире. // Не назме дер эрсам мене дарднок // Ки, ҳар ҳарфи бўлғай анинг дурри пок”*. Яна давом этиб дейдики, Фирдавсий 30 йилда яратган “Шоҳнома”дек асарни мен 30 ойда ёза олам... Бироқ шундай истеъдод қудратига эға шоирнинг *“Уйи – нотавон кўнгли янглиғ бузуғ, // Бу уй ичра андуҳу ғам ер озук. // Майи базми – барча юрак қонидин, // Суруди – ҳазин кўнгли афғонидин”*, яъни базмининг майи – юракнинг қони, бу базмдаги қўшиқ – ғамгин кўнгилнинг оҳи...

Шеър ва шоир аҳлининг бу қадар беқадр бўлганидан озурда Навоий Хуросонға ҳам, назмға ҳам этак силкиб, тариқат йўлини тутишға қарор қилади. Шу билан назмнинг энг юксак чўққисини забт этиш нияти унинг учун армонға айланади.

Яратганға ҳамду санолар бўлсинким, Навоийнинг бу армони ҳам ушалган. Ушалганда ҳам ёшлигида ўйлаганидан аълороқ даражада – 72 йил умр кўрган Деҳлавий 5 девон яратган бўлса, 60 ёшида вафот этган Навоий ҳам шунча девон қолдирган. Аслида, 1496 йилда тугалланган “Ҳазойин ул-маоний”дан кейин ёзган шеърлари ҳам камида битта йирик девон ҳажмиға етган бўлиши керак, чунки шоир бир рубойисида ҳар куни бир-икки ғазал битишини қайд этган. “Хамса”нинг якунида эса Низомий 15 йил “Хамса” ёзиб, уни яна 15 йил таҳрир қилган бўлса, Навоий ўз “Хамса”сини икки йилда ёзиб тугаллаганини таъкидланган. “Хамса” бўлганда ҳам, барча салафларниқидан ҳар тарафлама мукаммалроқ. (Бу баҳсли иддао атоқли шарқшунос Евгений Бертельс асарларида қисман асосланган, тўлиқ баён эса алоҳида рисола талаб этади.)

## Навқиронлик армони

Шундай қилиб, Хуросондаги сиёсий муҳит ва унинг оқибатида юзага келган ижтимоий танглик Навоийнинг ҳаёт йўлини ҳақиқат излаш томон буриб юборган: *“Урармен қадам токи боргунча гом* (дармоним етгунча) // *Ки, бўлгай муяссар менга ушбу ком* (мақсад). // *Агар бўлса бу йўлда умрум талаф* (етмаса ҳам), // *Чу бу йўлдадур – ул ҳам эрур ша- раф*”. Қисмат Навоийни Самарқанд сари бошлади. Бу даврда Мовароуннаҳрда Баҳоуддин Нақшбанд туфайли тасаввуфнинг хожагон тариқати доврүқ қозонган эдики, Навоий ҳам айнан шу йўлни ўзи учун мақбул деб билди. Ўша фурсатда мазкур тариқат Хуросонда ҳам кенг илдиз ёйиб улгурган, аммо Хожа Баҳоуддиннинг халифаси Убайдуллоҳ Аҳрор Самарқандда истиқомат қилар эди.

Навоий Самарқандда 5 йилча яшаган. Қизиқ бир ҳолат: йигитлигидаёқ соҳиби девон сифатида донг таратган, шеър илмию санъатини ниҳоятда чуқур эгаллаган, “Шоҳнома”дек асар яратишни 30 ойда уддалайман” деган шоир нега Самарқандда яшаган даврида на бирон девон тузган, на бирон дoston ёзган? Ахир, “шеърга алоҳида хусн бағишловчи хосса ийҳом бўлса, ҳар куни ийҳомли юз байт нонуштамга ҳалводай бир гап” деган ижодкор ҳафтада биттагина ғазал битиб қўйса ҳам, “Самарқанд девони” дунёга келар эди-ку?!

Бу парадокснинг изоҳи, бизнингча, шундай: назмдан ҳафсаласи пир бўлган шоир Самарқандда яшаган даврида бутун вақти ва эътиборини илмга қаратган. Қуръон, тафсир, калом ва ҳадис илми, араб тилининг сарфи ва наҳви, шеър илми, тариху фалсафа, сиёсатшуносликдан тортиб астрономиягача ўрганган. Хусусан, юнон файласуфлари асарларининг таржима ва шарҳлари, буюқ ислом файласуфлари – Шайх ур-раис Ибн Сино, Шайхи акбар Ибн Арабий, Хужжат ул-ислом Муҳаммад Ғаззолий ва бошқа зотларнинг рисолаларини қунт билан мутолаа этган ва ўқиганлари устида узоқ тафаккур қилган.

Навоийнинг феъларида ҳамма соҳада ҳам юксакка интилиш хусусияти устувор бўлгани маълум. Ҳа, қайси жабҳада бўлмасин, ўз олдига улуғ мақсад қўйган Навоий калом, Шарқ фалсафаси, тасаввуф бўйича ҳам мукаммал асарлар яратишни ният қилган. Бунга тайёргарлик билан боғлиқ бир асар қораламаси бизгача етиб келган. У ҳам бўлса, Алишер Навоий номидаги Адабиёт музейи фондида сақланаётган “Сабъат ул-абхур” (“Етти денгиз”) номли тўрт жилдли қўлёзма. Навоий ушбу 100 мингдан зиёд арабча сўзлар луғатини Самарқандда яшаган даврда тузган. Шоир Навоий учун араб тилидан бунча сўзнинг кераги йўқ, аммо фалсафий рисолаларни ўқиш учун сув билан ҳаводай зарур – Шарқ фалсафасининг деярли барча мўътабар манбалари араб тилида битилган. Ҳазратнинг араб тилини бу қадар чуқур ўргангани сабабини, бизнингча, ул зоти муборак тасаввуф соҳасида мукаммал рисолалар битмоқни ният қилгани билан изоҳлаш мумкин. Агар Навоийнинг бу нияти амалга ошганда, инсоният тарихи балки буюқ туркийнавис шоир ўрнида улуғ олим ва файласуф билан бойиган бўлур эди. Аммо 1469 йилда Султон Ҳусайн Хуросон тахтига ўтириб, болаликдаги дўстини Ҳиротга чорлайди. Шу тариқа Навоийнинг бу нияти ҳам армонга айланади.

Навоий оҳига бу армон ҳам сабаб бўлмас керак. Чунки сарой хизматидан истеъфога чиққач, у “Муҳокамат ул-луғатайн” ва “Мезон ул-авзон” рисолалари, “Маҳбуб ул-қулуб” кодекси ҳамда “Лисон ут-тайр” фалсафий поэмаси, ҳукмдорлар учун “Садди Искандарий”дек қўлланма, айниқса, “Ҳайрат ул-аброр”дек буюқ фалсафий дoston яратиб, бу борадаги чанқоғини ошиғи билан қондиришга муваффақ бўлган.

## Улуғ ният

Навоий Самарқанддан Ҳиротга қайтар экан, қандай ўй-хаёлларни дилидан ўтказган? Султон Ҳусайн ҳомийлигида эмин-эр-

кин ижод қилишними? Ҳолбуки, Самарқандда ҳам бунга шароит етарли эди – унга шаҳар ҳокими, Вафойи тахаллуси билан қалам тебратган Амир Ҳожибек ҳомийлик қилган. Шунга қарамай, юқорида таъкид этилганидек, Навоий фаол ижод билан шуғулланмаган. Ёки бирон мансаб илинжи-ми? Бу – унинг нақшбандия эътиқодига мутлақо зиддир.

Фикри ожизимизча, Навоийнинг Хурсонга қайтишдан асосий мақсади – тарих саҳнасида пайдо бўлган нодир имкониятдан фойдаланмоқ бўлган. Бу ниятнинг қисқа ифодаси – АДОЛАТ ойини қарор топган ва НИЗОМ билан бошқарилувчи ДАВЛАТ барпо этиш.

**Биринчидан**, Навоий Султон Ҳусайнинг танти феъли, дарвешона табиати, шеърга муҳаббатини яхши билар, шунинг учун бу эзгу ниятни қўллаб-қувватлайди деб умид қилишга ҳақли эди.

**Иккинчидан**, Навоий ислом таълимотида адолатнинг ўрнини, айниқса, ҳокимият соҳибларига Оллоҳ томонидан адл ила иш юритиш буюрилганини яхши билган: “Албатта, Оллоҳ сизларни омонатларини ўз эгаларига топширишга ва одамлар орасида ҳукм қилганингизда адолат билан ҳукм қилишга буюради” (Қуръони карим, 4:58). Шунинг учун у Султон Ҳусайни адолатга даъват қилишни, бу борада унга ёрдамчи бўлишни ўз бурчи деб билган.

**Учинчидан**, Навоий давлатни адолат билан бошқариш Муҳаммад (с.а.в.) ва унинг рошид халифаларидан мерос суннат экани хусусида чуқур билимга эга бўлган. “Ҳайрат ул-аброр” достонида Оллоҳга элтувчи йўлларни бирма-бир баён қилар экан, Навоий имон ва исломдан кейин адолатни учинчи ўринга (!) қўйганки, бу асло бежиз эмас. Достоннинг бу боби ислом Шарқи мамлакатларига хос ҳукмдорлар учун танбеҳ тарзида битилган. Имкон қадар ихчам тарздаги баёни шундан иборат: кимки тахтга ўтирса ва шу билан фуқаро устидан ҳукм ўтказиш вақола-

тига эга бўлса, буни Оллоҳдан омонат деб билсин. Айни чоқда Тангри салтанат соҳибига бир неча мажбурият юклайди: *“Лек бу иқболнинг ўтрусиди, // Буйла бийик мартаба қаршусиди, // Амр қилибдур неча хизмат санга, // Рўзи этибдур неча санъат санга”*.

Шундан сўнг Навоий ҳукмдорнинг икки энг асосий ва муҳим бурчини эслатади: биринчиси – Оллоҳга шукр, кейингиси эса раиятни Оллоҳнинг ҳукмдорга омонати деб билмоқдир. Бас, шундай экан, халқ ғамини ейиш, адолат билан ҳукм юритиш шарт деб ҳисоблайди мутафаккир шоир. У Султон Ҳусайн ҳузурига йўл олар экан, давлат бошқарувида мазкур принципларга амал қилиниши учун ўзини ҳам масъул деб билган. Зотан, Навоий йўлга чиқишдан аввал пири Хожа Убайдуллоҳ Аҳрордан оқ фотиҳа олган. Баҳоуддин Нақшбанд бир умр мол ва мулк эгаларининг мулозаматидан қочиб яшаган бўлса, Хожа Убайдуллоҳ, аксинча, адолат тантанаси йўлида ижтимоий фаол бўлиш тарафдори эди.

**Тўртинчидан**, Навоий ўз вақтида тарихни чуқур ўрганган. Мисол учун, “Тарихи мулуки Ажам” асарини яратишда “Шоҳнома”дан ташқари “Девон ун-насаб”, “Низом ут-таворих”, “Жомеъ ут-таворих”, “Тарихи Банокатий”, “Насихат ул-мулк”, “Одоб ул-араб вал-фурс”, “Тарихи гузида” каби китоблардан фойдаланган. У ўз асарларида тарихда ўтган адолатли ҳукмдорларга алоҳида эътибор қаратган. Булардан бири – тарих китобларида “Одил” лақаби билан зикр этилган биринчи сосоний ҳукмдор Ануширвондир. “Тарихи мулуки ажам”да бундай ҳикоя келтирилади: *“Бир кун Ануширвон сафар чоғи тўхтаб, кабоб буюрди. Туз йўқ эди. Надимларидан бирини яқинроқ бир кентдан туз келтиришга юборар экан, “Тузни сотиб олгин” дея таъкидлади. Надим айттики, туз арзон нарса, баҳоси арзимас, сотиб олиш шартми? Ануширвон дедики, тўлашга арзимайдиган нарсани подшоҳ текинга олишни жорий қилса, амалдорларнинг*

*қимматроқ нарсаларни ҳам текин олиши одатга айланади ва бунинг лаънати бошлаб берганга уради*".

Ануширвон сиймоси афсоналар билан йўғрилиб кетган бўлса, адолат тамалини энг олий тарзда жорий этган ва "Одил" лақаби-га мушарраф бўлган реал тарихий шахс – Умар ибн Хаттоб ал-Форук розияллоху анху-дир. Халифа Умарнинг ҳаёти ва фаолияти ишончли тарих китобларида, хусусан, Абдулмалик ибн Ҳишомнинг (834 йилда вафот этган) "Китобу сирот ур-Расулуллох" асари-да холис ва мукаммал ёритилган (*Ибн Хишам. Жизнеописание пророка Мухаммада. Москва, "Умма", 2002*). Ҳазрати Умарнинг адолати тўғрисида юзлаб ҳикоялар мавжуд. Айниқса, шахсий иш билан шуғулланишга ўтганда давлат шамини ўчириб ўзиникини ёққани воқеаси маълуму машҳурдир. Навоий ҳам "Лисон ут-тайр" достонида бир мисол келтирган: Мадойин мамлакати ислом лашкари томонидан фатҳ этилганда, унинг ҳукмдорлари кўп асрлар давомида йиққан хазина қўлга тушади. Барча нақду қимматбаҳо буюмларни ортиб келиб халифа Умар олдига тўкадилар. Бойликнинг кўплиги кўрганларнинг ақлини шоширар эди. Аммо халифа Умар кўз қири билан ҳам қараб қўймади – ҳаммасини давлат хазинасига топширишни буюрди...

Сираси, Алишер Навоий Самарқанддан Ҳиротга йўл олар экан, ўз олдига улуғ мақсад – адолатга асосланган давлат қуришда иштирок этиш, дўсти Султон Ҳусайннинг тарихга "Одил" лақабли учинчи ҳукмдор сифатида кириши истаги билан отланган.

Шу ўринда кичик бир лирик чекиниш. Жамиятдаги энг мураккаб тушунчалардан бири – адолатдир. Бу истилоҳга таъриф бериш осон эмас, бироқ у нечоғли абстракт тушунча бўлмасин, жамиятдаги ҳар бир кишининг кундалик ҳаёти билан чамбарчас боғлиқ. Тарих адолат учун курашга бутун умрини сарфлаган кўплаб фозиллар номи-ни билади, бу йўлда ҳатто ўз жонини қурбон

қилганлар ҳам оз эмас. Адолатли жамият, иқтисодий жиҳатдан қай даражада бўлмасин, энг бахтли жамиятдир. Инсоният тарихи кўрсатадики, жамиятнинг саодати моддий тараққиёт даражаси ва бойлик билан эмас, айнан адолат қай даражада устувор бўлгани билан белгиланади. Ва аксинча, адолатсиз давлат – нақадар қудратли бўлмасин – худо урган, бадбахтлик ўлкасидир. Адолатни қарор топтириш ниҳоятда мушкул, уни оёқости қилиш эса шу қадар осон. Ҳатто, айтиш мумкинки, адолат топталган ҳудудда бойлик қанча кўпайса, халқ шунча бахтсизроқ бўлади.

Навоий адолатнинг жамият ва давлат ҳаётидаги аҳамиятини чуқур англаган, айтиш мумкинки, уни ўз ижоди ва фаолиятининг бош тамойилига айлантирган. "Садди Искандарий"да тўлиқ бир жузъ – уч боб шу мавзуга бағишлаган. Агар "Ҳайрат ул-аброр"да адолатсизлик – зулм кечирилмас оғир гуноҳ эканига урғу берилган бўлса, "Хамса"нинг якуний достонида одиллик Оллоҳ даргоҳида нақадар улуғ мартаба сана-лиши ҳадислар воситасида таъкидланган:

*Ки, адл ичра ўтганга бир соате  
Эрур беҳки, жинну башар тоати.*

Мазмуни: ҳукмдорнинг бир соатлик адолати қиёматда жамики жину одамзоднинг бир соатлик тоатидан ҳам юқори баҳоланади.

*Қолур, қуфр аро қолса, обод мулк,  
Бўлур, зулм агар бўлса, барбод мулк.*

Мазмуни: кофир обод қилган мулк мустаҳкам туради, ҳукмдор мусулмону, аммо золим бўлса, унинг салтанати барбод бўлади.

Достон воқеаларига кўра, Искандар ҳар бир ишни устози Арасту ва бошқа донишмандлар билан бамаслаҳат қилади; шу туфайли унинг мулки обод, ўзи эса яримпайгамбар даражасига етади. Бунда ҳам Навоийнинг буюк армони яширин: у Султон Ҳу-

сайни Искандар ўрнида, ўзини эса Арасту ўрнида кўришни орзу қилган. Саройда юксак лавозимга тайинланиши билан шу ниятни амалга оширишга киришган...

### Навоий кодекси

Навоий Хуросон мулкида адолат қарор топиши учун шунчаки кураш билан чекланмаган, балки темурийлар салтанати барқарорлигини таъминлайдиган пойдевор бўлиши лозимлигини ичдан ҳис этган. У мазкур пойдеворни, бугунги истилоҳ билан айтганда, **конституцион монархия** шаклида тасаввур қилган. Табиийки, бу тушунча Навоий даврида айнан учрамаса-да, давлатни муайян низом асосида идора этиш Шарқ давлатчилиги тажрибасида бўлган. Салжуқийлар бош вазири Низомулмулкнинг “Сиёсатнома”сида давлат бошқарувига оид талай қоидалар баён қилинган. Чингизийларда амал қилган яъса ҳамда “Темур тузуклари” ана шундай низом намуналаридир. Лекин сўнгги икки ҳужжат асосан ҳарбий тартибга қаратилган. Айниқса, давлат тизимида коррупцияга қарши кураш муаммосига саёз ёндашилган – “порахўрнинг қўлини кесиш лозим” каби гаплар билан чекланилган. Тарих эса давлат ва миллат тақдири ҳукмдорнинг шахсияти ва иродасига бир даража боғлиқ бўлса, унинг атрофидагилар ва қўл остидагиларга ўн даражада боғлиқлигини кўрсатади.

Тарихни ҳам, темурийлар кечмишини ҳам чуқур билган Навоий давлат бошқарувидаги ана шу бўшлиқни аниқ кўргани боис тегишли низом жорий этишга интилган. Бундай низом қоидалари айри-айри ҳолда унинг қўллаб асарларида учрайди. Масалан, “Маҳбуб ул-қулуб”нинг учинчи қисмидаги 32-34 рақамли танбехлар ҳукмдор ва амалдорлар ўртасидаги муносабатга бағишланган.

Биз бу ўринда икки ҳужжатга мурожаат этамиз. Булар – “Муншаот” асаридаги 55 ва 57 рақамли мактублардир. Иншолар

ўша давр услубида ёзилгани учун уларнинг мазмунини бугунги кун нуқтаи назаридан талқин этишга саъй қилдик. Ҳужжатларнинг ўта муҳимлигидан келиб чиқиб, уларда баён этилган принциплар тизими “Навоий кодекси” деб аталди.

55 рақамли иншога мазкур кодекснинг преамбуласи (муқаддимаси) сифатида қараш мумкин. У номи зикр этилмаган ҳукмдорга Навоийнинг насиҳати йўсинида бўлиб, мазмунан каттаю кичик – ҳар бир мансабдорга тааллуқлидир: *Ҳар бир мансабдор Тангри таолонинг буюрганлари бўйича ўз вазифасини адо этмоғи ҳамда Тангри таоло ман этган хатти-ҳаракатлардан сақланмоғи лозим. Давлат тепасидаги султондан тортиб энг кичик мансабдоргача ўз лавозимига муносиб тарзда бошқалар устидан ҳукм юритиш имкони берилган. Уларнинг шунга яраша эҳтиёжлари бўлиши ва уларни қондиришга мойилликлари ҳам табиий. Фақат унутмаслик лозимки, мансаб қанча юқори бўлса, унинг Ҳақ таоло амрига итоати шу қадар қаттиқроқ ва қатъийроқ бўлиши керак. Етти иқлимга ҳукми ўтадиган султон билан бир танга илинжидаги гадонинг эҳтиёжи орасидаги тафовут нақадар бўлса, уларнинг Оллоҳ таолога итоат қилишидаги тафовут ҳам шу қадар бўлиши керак. Бу қоидага амал қилинсагина мансабдорлар Оллоҳ таолонинг иноятига сазовор бўладилар ва бошига тушиши мумкин бўлган тарих синовларида Оллоҳнинг инояти ва раиятнинг дуосига эришадилар. Акс ҳолда раиятнинг баддуосуя тарихнинг адолатли ҳукмига дучор бўладилар.*

57-иншода ҳукмдор фаолиятини тартибга солувчи қоидалар баён қилинган. Биз уларни моддаларга бўлиб табдил этамиз:

1. Ҳар кунни Оллоҳ таолога ибодат билан, унинг буюрганларини дилдан ўтказишдан бошлаш лозим.

2. Сўнг девонда ўтириб мамлакатда адолатга қай даражада амал қилинаётга-

нини суриштириш билан давом эттириш, зулмдан норози бўлиб мурожаат этувчиларни қабул қилиб арзларини тинглаш, қачон, қаерда адолатга хилоф иш қилинган бўлса, дарҳол уни тиклаш чораларини кўриш, чунончи, суриштириб тагига етиш ва бу борада бошқаларга ўрнак бўладиган ҳукм чиқариш, жумладан, раиятга зулм ўтказган зolimга шундай сиёсат қилиш керакки, бошқалар журъат этишдан кўрқадиган бўлсин.

3. Ундан кейин бевосита бўйсунувчи амалдорларни чорлаб, ташқи сиёсат ва иқтисодиёт масалаларини кўриб чиқиш, бу соҳалардаги ҳар бир муаммонинг мағзини чақиб, кечиктирмай ҳал этиш чораларини кўриш.

4. Шундан сўнг барча мансабдор ва мулозимлардан аввал берилган топшириқларнинг ижроси ҳақида ҳисобот талаб этиш, охирига етмаган ёки амалга ошириш тўсиққа учраган ишлар бўлса, сабабини суриштириш, қилиниши лозим ишларни ижро муддати билан бирга тайин этиш.

5. Ўзига яқинлар билан муносабатда Оллоҳ буюрганига зид ишлар қилмаслик. Хусусан, зиммадаги бурчни адо этишга ҳалал бермайдиган тарзда ҳордиқ чиқариш.

6. Кундалик ишлардан вақт орттириб имкон қадар ҳар кун иш ўз маърифатини юксалтиришга саъй кўргизиш, хусусан, қисқа бўлса-да, манфаатли китоблар мутолаасига фурсат ажратиш.

7. (Диннинг жамиятда тутган ўрнини ҳисобга олиб) катта-кичик лавозимдаги кадрларга буюрилиши керакким, имому қорилар мусулмонларнинг имонини мустаҳкамлаш йўлида саъй кўрсатсинлар. Бу ойин биринчи навбатда ҳукмдорнинг ўзига ҳам тааллуқлидир.

8. Ҳукмдор мунтазам равишда нафсини тийиб олган олим, фозил ва бошқа ақоибни ўз ҳузурига йиғиб, ҳар икки дунё саодати йўлида балоғатга эришиш борасида мажлислар уюштириб туриши фойдалидир.

9. Салтанатга ҳавф келиши мумкин бўлган кўшни мамлакатларга фаҳм-фаросатли, эс-ҳушли кишиларни (хуфялар) юбориб, у ердаги вазиятдан бохабар қилиб туришларини йўлга қўйиш, етказилган хабарлардан муҳимларини кечиктирмай билдириб туриш қондасини жорий қилиш ва бундай маълумотлардан ташқи сиёсат масалаларида истифода этиш.

10. Шаҳарларда шаробхона, байтулла-таф (фоҳишахона), қиморхона ва шуларга ўхшаш шарият ахлоқиға зид масканларни батамом тақиқлаш.

11. Мутасаддилар ҳар ҳафтада икки марта бозор айланиб, нарху наводан, савдо-сотиқ қай даражада тўғри олиб борилаётганидан воқиф бўлиб туриши лозим.

12. Маҳаллаларда маърифий ишлар учун масъуллар тайинлаб, уларнинг фаолиятини назорат қилиб бориш.

13. Маҳаллаларда болаларни ёппасига ўқитишни ташкил этиш. (Бу моддада Навоий, агар янглишмасак, инсоният тарихида биринчи бўлиб ялпи умумий таълим ғоясини илгари сурмоқда!)

14. Мамлакатдаги барча маъмурий бирлик мутасаддиларидан ушбу низомда қайд этилган тартибда ишлашни талаб қилиш.

15. Ҳамма бўғинларда кирим-чиқим тўғрилигини қатъий назорат қилиш; қаерда бузилган бўлса тузатиб ўрнига қўйиш.

16. (Ҳар жамиятнинг ҳар даврида одамлар яхши билмайдиган улуг) олимлар қадрига етиш, уларнинг илмидан элу юрт манфаати йўлида фойдаланиш.

17. Девоннинг масъуллари ҳар кун раият ишлари билан шуғулланиши керак.

18. Жойларда ҳам масъуллар раият ишлари билан машғул бўлиши, муаммоларни имкон борича ўзлари ҳал этишлари, ўзлари ҳал этишга ожизлик қилсалар, девонга арз қилишлари керак.

19. Олий фармонларни жойларга етказиш ва уларнинг ижросини назорат қи-

лувчи мулозимлар ўз вазифасини қатъий қонун-қоида асосида бажаришини ташкил этиш.

20. Доруғалар, беклар ва бошқа масъуллардан ўз ваколатлари даражасидан ортиқ ёки кам ишни талаб этмаслик, рағбат ва жарималар ҳам шунга мутаносиб тарзда бўлишига эришиш.

21. Ҳар кун қилинган ҳар бир иш, топшириқ ва бошқалар ёзиб бориладиган дафтар юритувчи масъул тайинлаш.

22. Давлатнинг барча бўғинидаги мансабдор ва амалдорлар, раият ишлари билан шуғулланадиган, қўлида имзо ва муҳр тутадиган барча масъуллар мурожаат этувчиларнинг ишлари эртанги кунга қолдирилишига йўл қўймасликлари керак, тама мақсадида пайсалга солувчилар муқаррар жазоланиши лозим.

23. Ҳукмдор қатнашадиган тор доирадаги йиғинларга ўз нафсини тийиб олган кишиларгина таклиф этилиши лозим.

24. Ҳукмдорнинг ҳар бир фармони, унинг кўламадан қатъи назар, масъул ходимлар дарҳол бажаришга киришиши, бошқа ишлар бунга халал бермаслиги лозим; фармон бажарилгани ҳақида ҳам, агар ижронинг иложи бўлмаса, сабаби ҳақида ҳам ўз вақтида хабар етказилиши шарт.

25. Девондан чиқадиغان ҳар бир иншо аниқ ва тушунарли тарзда битилиши, санаси кўрсатилиб рақамланган бўлиши лозим.

26. Мамлакатнинг турли жойларидан келган иншоларни қараб чиқиш пайсалга солинмаслиги, уларнинг жавобини кутувчилар маҳтал қилинмаслиги, аксинча, уларга илтифот кўрсатилиши лозим.

27. Чегара ҳудудларнинг мустаҳкамлиги, тинчлиги, у ерда яшовчи аҳолининг фаровонлиги давлат идорасининг энг муҳим ишларидан бири деб қаралиши лозим, токи бирон хавфу хатар туғилгудай бўлса, дарҳол чорасини кўришга тайёр турилсин.

28. Умуман, давлат ишларида шундай тартиб-низом ўрнатилиши керакки, амалдорлар ўз бурчини белгиланган тартибда қатъий адо этсин, шахсий роҳат-фароғатини деб давлат манфаатига путур етказмасин.

29. Ўз навбатида ҳукмдор ҳам шахсий ҳаётида меъёрга амал қилсин, шахсий ҳаёти Оллоҳ таоло унга юклаган бурчни адо этишга тўсиқ бўлмасин.

30. Маъмурий идоралар ҳарбий хизматчиларни иззат қилиши лозим, шу билан бирга, ҳарбийлар томонидан қонунбузарлик ҳолатлари содир бўлса, жазосиз қолдирилмаслиги керак. (Бу модда Навоий даврида ҳарбийларнинг давлатдаги ўрни ҳозиргига қараганда бир неча баробар юқори бўлгани билан изоҳланади.)

31. Қўриқчилар, қоровуллик хизматидагилар ўз вазифасини сидқидилдан, қатъий интизомга риоя қилиб бажариши керак ва бу доим назоратда тутилиши лозим.

32. Бошқа ўлкалардан келган савдогар ва сайёҳлар алоҳида муҳофаза остида бўлиши керак. Улардан турли ноқонуний солиқлар ундирилиши қатъий кесилиши лозим; шарият қоидаларига асосланган ҳолда, уларни зақотдан ҳам озод қилиниши мақсадга мувофиқ; хорижлик савдогарлар қай даражада эркин савдо-сотиқ қилаётгани назоратчилар томонидан мунтазам текшириб турилиши, уларга қай йўсинда бўлса ҳам тазйиқ ўтказилган ҳоллар аниқланса, айбдорлар жазоланиши ва бунинг овозаси кенг ёйилиши лозимки, у бошқа мамлакатларгача етиб борсин, токи бунинг натижасида салтанатда савдо-сотиқ ривож топсин.

33. Бу низомдан четда қолган ҳолатларда шундай иш тутилиши лозимки, у Тангри таолонинг буюрганига ва ҳукмдорнинг тарих олдидаги бурчига мувофиқ бўлсин.

## Беадоқ афсус

Кўриниб турибдики, кодекс – бир ўтиришда хаёлга келган гаплардан иборат эмас, ҳар томонлама пухта ўйланган, давлат бошқарувининг деярли ҳамма соҳасини қамраган. У Навоийнинг узоқ йиллар давомидаги кузатув, тажриба ва тафаккури маҳсулидир. Ҳиротга келиши билан муҳрдор лавозимига тайинланган Алишер енг шимариб ишга киришган. Айниқса, бош вазир бўлгач, унинг бу борадаги фаолияти ҳадди аълосига етган.

Ҳеч шубҳа йўқки, кодексда ифода этилган принципларга энг аввало ҳазратнинг ўзи қатъий амал қилган. Навоий ҳукмдорга садоқат, давлатпарварлик, халқпарварлик, дину диёнат ва адолатда ҳам барчага намуна эди, аммо ундан ўрнак олмадилар.

Олимлар хулосасига кўра, “Муншаот”-даги 55-57-рақамли мактублар Бадиуаззамонга йўлланган. Албатта, Навоий барча темурийзодаларни шу руҳда тарбиялашга, уларга шу йўл билан таъсир этишга интилган. Унинг, алаҳусус, Султон Ҳусайн билан жуда яқин бўлгани маълум. Ҳар иккиси ёлғиз қолган пайтларда ҳукмдорга ҳам ана шу принципларни уқтиришга ҳаракат қилган бўлса ажаб эмас. Гарчи бу ҳақда тарихий манбалар бевосита гувоҳлик бермасда-да, Навоийнинг турли асарларида ҳамда замондошларининг китобларда кўплаб билвосита далиллар учрайди.


Ўз даврида Навоий одил вазир сифатида донг таратган. Бугун энди умумжаҳон тарихи билан танишиш имкониятига эгамиз ва шу асосда айта оламизки: бутун инсоният тарихида адолатли икки бош вазир ўтган бўлса, Навоий уларнинг биридир; агар битта бўлса, у айнан Навоийдир!

Ҳазрат ўзини тарих олдида хоксор тутган. Унинг буюк орзуси – ўз шухратини ёйиш

эмас, балки Султон Ҳусайн салтанатининг мустадомлигини (умрбоқийлигини) таъминлаш бўлган. Ишлаб чиқилган бошқарув низоми ҳам моҳиятан шу мақсадга қаратилган. Агар Султон Ҳусайн бир фармони олий ила Навоий кодексини яъсага айлантирган-да, темурийлар давлати, эҳтимолки, жаҳон саҳнасида яна узоқ йиллар қолар, Мовароуннаҳр тарихи бутунлай бошқа йўлдан кетган бўлур эди.

Беадоқ афсуски, Навоийнинг режалари хаёлот (утопия) бўлиб чиқди. Маишатпараст Султон Ҳусайн ўз салтанати, темурийлар давлатининг тақдири тўғрисида қайғуриш туйғусидан маҳрум, атрофидаги манфаатпараст амирлар учун эса Навоийнинг сиёсати хатарли эди. “Шарқ утописти”нинг интилишлари тош деворга отилган ўқлардек бесамар кетди. Амирлар Навоий билан Султон Ҳусайн ўртасидаги дўстликка раҳна сололмаган бўлса-да, буюк давлат арбобининг ҳукмдорга таъсирини кучсизлантиришга эришди. Охири Навоий истеъфо беришга мажбур бўлди. Ҳеч қанча вақт ўтмай темурийлар салтанати Султон Ҳусайннинг калтабин ўғилларию очкўз амирлари сабаб инқирозга учради. Ҳалокат сабабчилари эса тарихнинг одил ҳукмига дучор бўлди. Навоийдек дўсти ва вазири бўлган Султон Ҳусайн тарихдан “Одил” лақаби билан жой олиш имконини бой берди. Мовароуннаҳр, ҳатто бутун муслмон дунёси буюк тарихий имкониятни кўлдан чиқарди.

Шарқ осмони уфқида кўтарилган бошланган улуғ давлатчилик куёши ортга ботди (не ажабки, бир неча аср ўтиб у бошқа ёқдан чиқди ва Ғарб тамаддуни юксалишига хизмат қилди). Шу тариқа Навоийнинг қатъий низом асосида бошқариладиган адолатли давлат қуриш режаси, мақсади, орзуси армонга айланди.



## HAQIQAT BARALLA AYTILMASA...

***Исломунос олим Мубашшир АХМАД  
билан суҳбат***

– Мубашшир домла, дунёда рўй бераётган турфа ҳодисаларни синчковлик билан кузатиб боришингиздан хабардормиз. Янги юзйилликда ўзга дин вакиллари зеҳниятида муслмонлардан қўрқиш, ҳадиксираш туйғуси илдиз отди. Қолаверса, муқаддас динимизни ёмонотлиқ қилиш, аҳли мўминдан “олабўжи” яшаш авж олган. Ҳатто Ғарб расмий доираларида муслмонлар сони ошиб бораётганидан очиқ хавотир билдирилмоқда. Сизнингча, исломофобиянинг асл сабаби нима? Бу ҳолнинг вужудга келишида худкушлик, хунрезлик сингари жиноятларга қўл ураётган айрим қибладошларимизнинг ҳам айби йўқмикан?

– Сиз санаган ҳолатлар бизнинг асримизда пайдо бўлиб қолгани йўқ. Жоҳилият араблари янги ва охириги ҳанафийлик

динини қабул қилмай, унга қарши курашни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам даврларидаёқ бошлаган эди. Бу қаршилиқ ҳозирга қадар бир кун ҳам тўхтаган эмас. Салб юришлари, мўғул вайронгарчиликлари ва мусулмон ўлкаларнинг кейинги истилолари фикримиз далилидир. Бу ҳақ билан ботилнинг, диёнат билан залолатнинг зиддияти бўлиб, у Қиёматга қадар давом этади.



Мазкур қадим муноқашанинг бугунида воситалар бир оз ўзгарган, албатта. Бизнинг давримизда ўтмишдаги ҳарбий юришлар ўрнини мафкуравий курашлар эгаллаган. Бунда исломофобиядан қурол сифатида фойдаланилмоқда. Динидан чекинган, диёнати ночор, илм-маърифати ҳаминқадар ва исломи кўпроқ зоҳирда акс этган ҳозирги мусулмоннинг аҳволи эса муҳолифларга қўл келмоқда. Уларнинг “мусулмон қашшоқ, жоҳил, маданиятсиз, террорчи бўлади, мутараққий инсониятга қарши чиқади” қабилидаги ғаразли фикрларига мисол бўладиган тоифалар ислом оламида кўплаб топилади. Замондош мусулмон мутафаккирлар муаммо ташхисини қўйиб, ечимлар бераётганига қарамай, афсуслар бўлсинки, аҳвол кундан-кун оғирлашмоқда. Назаримда, исломофобия қўлида ўйинчоқ бўлишимизга жаҳолат, қашшоқлик, қоқоқлик ва онгсизлик каби ички; нифоқ, тамагирлик ва ғараз каби ташқи омиллар сабаб бўлмоқда. Биз ўзимизга дахлдор ички омилларни муолажа қила олсак, ташқи омиллар ўзидан кучию таъсирини йўқотади.

*– Бизни кўпдан бери ўйлантдириб келаётган яна бир масалада фикрингизни сўрасак. Араб ўлкалари бойларининг ҳашамат ва дабдаба ичида ҳаёт кечирishi зарбулмасал бўлиб кетган. Ажабки, тўқликка шўхлик қабилида ақл бо-вар қилмас номаъқулчиликларни ўйлаб топаётган боёнлар бошқа диёрлардаги диндошлари бир бурда нонга зор экани билан иши йўқ. Нима, улар исрофдан йироқ бўлиш хусусидаги илоҳий амрлардан беҳабарми? “Ён қўшниси очлигини билатуриб, тўқ ухлаган кимса менга имон келтирмабди” деган мазмундаги ҳадиси шарифларни ўқимаганми? Мусулмонлар нега бундай худписанд, дунёпараст бўлиб кетди?*

– Бу, асли, нафақат мусулмон бойлар, балки фаровон яшаётган ва Оллоҳнинг рисолатидан узоқлашиб кетган ҳар бир қавмга хос қусурдир. Ғарбдаги бир-икки камтарин ва инсонпарвар бойнинг меҳрибонлик ва саховатпешалигини кўз-кўз қилиб тарғиб этилиши уларда бу муаммо йўқлигини англатмайди. Агар араб бойлари бошқа қитъадаги инсон билан давлатини баҳам кўрмаётган бўлса, ғарблик ғайридин боён ўша қитъадагиларнинг қўлидагига чанг солмоқда. Бу ўринда ярим аср олдин расман тугатилган бўлса-да, бугун янги шакл-низомда яшаётган замонавий мустамлакачилик ва жафокаш миллату давлатлар устида кечаётган турфа ўйинлар назарда тутилмоқда.

Энди бу борада фақат араб бойигина ёмон эмаслиги маълум бўлгач, асосий сабабни айтаман: инсон давлатманд ва қудратли бўлиб, ўзида эҳтиёж камайгани сари туғёнга кета бошлайди. Оллоҳ таоло айтади: “Йўқ! Албатта инсон туғёнга кетади, ўзини бой кўргани учун” (“Алақ” сураси, 6-7-оятлар). Қуръоний иборага эътибор беринг! Туғёнга кетиш сабаби бой бўлиш, дейилмаяпти, балки “ўзини бой кўргани учун” деган ибора ишлатилмоқда. Яъни, ислом таълимотига кўра, инсон ҳеч қачон бой ва беҳожат бўла олмайди. Зотан, унинг қўлидаги давлати ҳам, ўзи ҳам Оллоҳникидир. Қўлидагини ўзиники деб ўйлаб, бу борада Оллоҳнинг ҳаққини унутар экан, у туғёнга кетади. Модомики, у ўзини бой санамай, мол-мулк унга Оллоҳ томонидан синов тариқасида муваққат берилганини англа-са, минбаъд ҳаддидан ошмайди. Давлатини ҳалолдан топиб, ҳалолга – Оллоҳ буюрган амалларга сарфлайди. Демак, муаммо араб ё мусулмонликда эмас, балки Оллоҳнинг рисолати ва таълимотларидан узоқлашувда экан. Агар мол-мулк тўғрисидаги эътиқод ва тушунчаларимизни тўғрилаб олсак, сиз айтган муаммо ҳам бартараф бўлади.

– Қайси бир алломанинг “Футболда севимли жамоаси ютқазиб қўйса дод-вой соладиган, аммо тамаддунда ортда қолаётганидан жилла ташвиш чекмайдиган умматнинг ҳолига ҳайронман” деган танбеҳини ўқиган эдим. Ғарб дунёси илм-фан жабҳасида мусулмон оламидан илдамлаб кетгани маълум. Таассуфки, аксар мусулмон ўлкаларда фикрий таназзул ҳукм сураётир. Биргина илм-фан йўналишида Нобель мукофоти кўрсаткичини таҳлил қилиб кўрайлик. Бир

асрдан зиёд вақт мобайнида мусулмон оламидан уртаги-на олим (Муҳаммад Абдуссалом – физика, Аҳмад Зевайл ва Азиз Санжар – кимё) ушбу нуфузли мукофотга лойиқ кўрилган. Албатта, Нобель мукофоти илм-фан тараққиётининг яққаш мезони бўла олмайди, совриндорларни аниқлашда сиёсий омиллар роль ўйнаши-да бор гап. Аммо мазкур рақам бир замонлар тамаддун бешиги саналган диёрларнинг қолоқлик исканжасидан қутулиши қийин кечаётганини тасдиқлайди. Сизнингча, ислом дунёси илм жабҳасида нега бунчалар ортида қолди?

– Сиз эслаб ўтган танбеҳни мисрлик забардаст аллома, шайх Муҳаммад Ғаззолий (1917–1996) берган эдилар. Умматнинг ҳолига қайғурган бу зот муаммоларни ҳал этиш йўлларини излаб умр ўтказдилар. Алломанинг талай китобларини мутолаа қилдим. Муаммо аниқ. Ечим маълум. Аслида, жидду жаҳд қилинса, биздан ҳам кўплаб Нобель совриндорлари чиқиши ва ҳатто мусулмонларнинг ўзи шу каби мукофотларни таъсис этиши мумкин. Фақат... ҳа, ҳамма гап ана шу “фақат”да.

“Ислом дунёси илм жабҳасида нега бунчалар ортида қолмоқда?” деган саволга турли йўсинда жавоблар айтилган. Масалан, ислом оламининг кейинги асрларда мустамлака бўлгани ва мустамлакачилар жафокаш халқларни жаҳолатда ушлаб туришдан манфаатдор экани; мусулмон халқларнинг мустабид ҳокимлари бошқарув жиловини қўлдан чиқармаслик учун халқни қашшоқ ва жоҳил тутгани ёхуд секуляр қатламга кўра, бунга энг асосий айбдор диннинг ўзи экани ҳақидаги мулоҳазалар шулар жумласидан. Лекин бу жавоблар муайян сабабларга кўра тўғри эмас. Чунки мустамлакачилик, истибдод ёки жаҳолат таназзул сабабчиси эмас, балки уларнинг ўзи таназзул асо-ратидир. Секуляр фикрнинг нотўғрилиги шундаки, бирон дин ё таълимот ислом диничалик илм-маърифатга тарғиб этмаган. Бунга тарих ва буюк ислом цивилизацияси шоҳид. Секуляр ёндашув тарафдорлари диннинг илм-маърифатга қаршилиги борасида фикр юритар экан, исломни ўзга таълимотлар билан қориштириб юборади. Бу – алоҳида мақола мавзуси. Мавриди келганда, бунга ҳам батафсил тўхталамиз, иншооллоҳ.

Ечимга келсак, салафларимизни нима ислоҳ қилган, илм чўққиларига олиб чиққан ва цивилизация эгасига айлантирган бўлса, бизнинг ҳам нажоту муваффақиятимиз айнан ўша нарса-

да. У ҳам бўлса соф исломда! Халқимиз мусулмон, бутун ислом оламида ҳам динга кенг эркинлик берилган, лекин сиз айтган ечим кўринмаяпти-ку, дея эътироз билдиришингиз мумкин. Гап шундаки, цивилизациянинг чўққисига чиққан даврдаги мусулмон билан ҳозирги қолоқ ва қашшоқ мусулмон ўртасида ер билан осмонча фарқ бор. Олдинги мусулмон динини яхши билган, унинг кўрсатмаларига оғишмай амал қилган. Дин ва дунё уйғунлигини тўғри англаган ва ана шу тўғри ақида асосида ҳаёт кечирган. Ҳозирги мусулмонга ўхшаб фақат зоҳири, сура-ти, шаклигина исломий бўлмаган, билъакс – ботини, сийрати, хулқи ҳам исломий бўлган. Ҳар ишда Оллоҳдан кўрқиш – тақво унинг қон-қонига сингиб кетган. Қуръони каримда бундай мусулмонларга Оллоҳнинг ёрдами ёр бўлиши ва улар ерда халифа қилиб қўйилиши алоҳида таъкидланади: “Оллоҳ сизлардан имон келтириб, солиҳ амалларни қилганларга уларни ер юзида худди улардан олдин ўтганларни халифа қилганидек халифа қилишни, улар учун Ўзи рози бўлган динни мустаҳкамлашни ва уларнинг хавф-хатарларидан сўнг омонликни бадал қилиб беришни ваъда қилди. Менгагина ибодат қилурлар ва Менга ҳеч нарсани ширк келтирмаслар” (“Нур” сураси, 55-оят). Ояти каримада таърифланган мусулмоннинг сифатларига эътибор қилинг: имон келтирган, солиҳ амал қилган, Оллоҳгагина ибодат этган ва Унга ширк келтирмаган. Бу сўзларни кўп эшитганимиз боис қулоқларимиз уларга ўрганиб қолган. Лекин бу хислатларнинг туб моҳиятини чуқур мушоҳада қилиб ўзимизни тафтиш этсак, улардан жуда олислаб кетганимизни англаймиз.

Таассуфки, биз Оллоҳ нусрат ваъда қилган ва миллатларнинг пешқадами бўлишга ҳақли миллат ёки уммат мақомини бой берганмиз. Мазкур оятни шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф раҳимахуллоҳ қандай тафсир этганларига диққат қилайлик: “Олдинги ўтган умматлардан қайси бири Оллоҳ таолога имон келтирган ва бу имони ҳақиқий бўлиб, бутун вужудини қамраб олган ҳамда ўша ҳақиқий имони тақозоси ила солиҳ амаллар қилиб ҳаёт кечирган бўлса, Оллоҳ таоло уларни ер юзига Ўзининг халифаси этиб тайинлаб қўйган эди. Ер юзида ҳукм юритилиши учун уларни Ўзига ўринбосар қилиб қўйган эди. Энди ўшалар каби ер юзида халифа бўлиш имконияти фақат Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам умматларида бордир. Уларнинг мазкур халифаликка эришишлари учун

асосий шарт – имон келтириб, амали солиҳ қилишдир. Исло уммати қачон ушбу шартни бажарганида, Оллоҳ таоло ваъдасининг устидан чиққан” ва бундан кейин ҳам чиқади.

– Тақсир, хабарингиз бор, дин ва илм аҳли ўртасида эволюция (тадрижийлик) назарияси борасида мунозаралар кўпдан буён давом этиб келади. Ушбу илмий ёндашув ислом уламолари томонидан рад этилгани маълум. Аммо кейинги вақтларда “эволюция назарияси исломга зид эмас” деган қараш ҳам илгари сурилмоқда. Масалан, атоқли математик ва адабиётшунос, академик Абдулла Аъзам журналистикда бир неча йил аввал чоп этилган “Фан ва дин: қайта тирилиш” номли туркум мақолаларида эволюция назарияси физика ва кимё қонунлари сингари Яратганнинг иродасини ифодалаши ва ушбу илмий таълимот исломий таълимотга зид эмаслигини уқтирган эди. Бу борада ҳам фикрларингиз билан ўртоқлашсангиз.

– Бу мақолаларни ўқимаган эканман. Аммо муаллифнинг “эволюция назарияси физика ва кимё қонунлари сингари Яратганнинг иродасини ифодалаши ва ушбу илмий таълимот исломий таълимотга зид эмас”лиги хусусидаги фикрларига қўшилолмаيمان. Чунки ислом таълимотига мувофиқ, энг кичик заррадан тортиб энг катта галактикагача – бутун олам Оллоҳ таолонинг хоҳиш-иродаси ифодаси бўлган “Кун!”, яъни “Бўл!” амри ила вужудга келган. Оллоҳ таоло “Ёсин” сурасининг 82-оятида бундай дейди: “Қачон бирон нарсани ирода қилса, Унинг иши “Бўл” демоқликдир, холос. Бас, у нарса бўлур”. Лўнда айтсак, Оллоҳ таоло бирор нарсанинг йўқликдан борликка дўнишини хоҳлаганда, “Бўл!” деган буйруғини берган ва у дафъатан бўлган. Аслида, “коинот” истилоҳининг луғавий маъноси ҳам “бўлувчилар” демақдир.

Яралишнинг қаеридадир тадрижийлик, яъни эволюция жорий бўлган эса (она қорнида ҳомиланинг тадрижий ривожланиши каби), у ҳам Оллоҳнинг хоҳиши ва буйруғи билан юзага келган ва ҳар бир босқич Оллоҳнинг бўлдириши билан рўй берган. У жараёни бир лаҳзага бўлса ҳам ўз ҳолича ташлаб қўймаган. Бирон ҳодиса Оллоҳнинг хоҳиш ва буйруғисиз, ўз ихтиёри ила ёки бошбошдоқлик билан, ўз-ўзидан пайдо бўлган эмас. Хурфикрлилик тамойилига кўра жамиятда олам ва одам яра-

лиши борасида турфа ёндашувлар яшашга ҳақли. Аммо камина эволюция назариясини ботил таълимот деб ҳисоблайман. Олам яралганидан бери ҳар бир ҳодиса ва ҳаракат, ҳатто ҳаракатсизлик ҳам Оллоҳнинг иродаси билан рўй беради.

*– Яқинда Тошкент вилоятидаги бир зиёратгоҳда бўлдик. Не тонгки, у ерда кўп сонли зиёратчилар кўҳна қабр атрофида худди Каъбатуллоҳни тавоф қилгандек етти маротабадан айланаётганини кўрдик. Ёки ижтимоий тармоқда юртдошларимиз Баҳоуддин Нақшбанд зиёратгоҳидаги дарахтга сиғинаётгани акс этган видеолавҳа тарқалди. Сиз йўлказар инсонсиз, сафарлар асносида бу каби нохуш ҳолатларга ўзингиз ҳам неча бор гувоҳ бўлгандирсиз. Кейинги чорак асрда диёримизда юз минглаб ададда исломий адабиётлар чоп этилди. Аммо Китоб ва Суннатда қаттиқ қораланган ширк амаллари ҳамон, ҳар қадамда учрамоқда. Хўш, бунинг боиси не? Наҳот, муқаддас динимиз жавҳари – моҳиятини англаб етишимиз учун чорак аср кифоя қилмаган бўлса?*

– Бу ҳол эътиқод сустлиги ва диний саводсизлик оқибати-дир. Мазкур икки иллат даҳрийлик замонида авжига чиққани маълум, аммо кейинги даврда ҳам бу соҳадаги ишларимиз билан мақтана олмаймиз. Сиз эслаб ўтган адабиётлар аҳолининг ҳамма қатламига етиб бормади, борганларида ҳам муаммо очик муҳокама қилинмади. Мамлакатимизнинг аксар худудларида юртдошларимиз ҳали ҳам мақбара қуриш, мархумларга атаб жонлиқ сўйиш ва уни зиёратгоҳ атрофида тановул қилиш, умуман қабристон зиёратини диндаги асосий вазифа деб билади. Ваҳоланки, санаб ўтганим амалларнинг айримлари бор-йўғи мустаҳаб бўлса, қолганлари макруҳ ё ширк ҳисобланади. Ҳақиқат баралла айтилмаса, кишилар исломда ман этилган ва энг оғир гуноҳ саналган ширкдан буткул халос бўла олмайди. Муаммо ва унинг ечимини очик-ошкора айтиш билан бирга, у кенг оммага етиб бориши учун биргаликда ва муттасил ҳаракат қилиш лозим. Ана шунда халқимизнинг эътиқодига раҳна солаётган ва уни соф исломдан узоқлаштираётган қабрпарастлик каби хасталиклардан қутуламиз.

*– “Эй инсон! Сен замоннинг Юсуфисан, бу олам эса қудуқдир. Сени бу қудуқдан Оллоҳ таолонинг пишиқ арқони –*


*Қуръони карим халос этади. Эй, замоннинг Юсуфи бўлмиш мусулмон! Қўлларингни узат ва бу арқонни маҳкам тут, шундагина қудуқдан чиқа оласан". Жалолиддин Румийнинг бу ўғити ҳар биримизни Каломуллоҳни теран идрок этишга ундаши шубҳасиз. Қуръони карим тарғиботи йўлида камарбаста олим сифатида айтинг-чи, бугунги авлоднинг илоҳий каломни англаш даражасидан кўнглингиз тўлади-ми? У фақат азаю маъракада тиловат қилинадиган, сандиқларда сақланадиган китоб бўлиб қолмаяптими?*

– Негадир саволларингизнинг бари танқидий руҳда, пессимистик кайфиятда. Шунинг учун бу гал бошқача оҳангда жавоб қилсам. Ҳақиқатан, Қуръони карим фақат ёдланадиган ва аза-маъракаларда ўқиладиган Китоб эмас. У оламлар Парвардигорининг инсонларга юборган мукамал қўлланмаси – ҳаёт дастуридир. Биз уни шундай деб қабул қилайлик. Ана шунда ёдлаган оятларимиз маъносини ўрганишга, маъзини чақишга киришамиз. Чунки ҳамма нарсани билувчи Зот ўз оятларида қандай кўрсатмалар берганини билмоқ ҳам қарз, ҳам фарздир. Илоҳий кўрсатмаларни ўрганганимиздан кейин эса галдаги вазифа уларни ҳаётимизга татбиқ этиш бўлади. Агар биз шу тахлит саъй-кўшиш кўрсатсак, қалбимиз тобора ёриша ва юмшай бошлайди. Зотан, илоҳий кўрсатмаларга риоя қилиш номаи аъмолга савоб, қалбга нур бағишлайди. Шу тариқа Қуръони каримнинг қолган қисмларини ҳам ўрганишга иштиёқ ортади.

Яратганнинг кўрсатмаларига амал қилган инсоннинг муаммолари гўзал шаклда ечилади, ҳаёти фаровонлашади ва кўнглига ҳаловат инади. Бу ҳам кишини Китобни қалбга жойлаш ва ўрганишга ундайди, албатта. Мана шу зайлда қалблар Қуръони каримга ошно бўлади. Қуръонга амал қилинмаяпти-ку дея ёзғирмай, ҳар биримиз Оллоҳнинг Каломини бақадриҳол ўрганишга ҳаракат қилсак, муаммолар чекина боради, мурод ҳосил бўлади.

**Собиржон ЁҚУБОВ суҳбатлашди.**

Жаъфар ХОЛМУМИНОВ



## IRFON FALSAFASINING YURAGI

Тасаввуф дастлаб умавийлар халифалиги даврида ислом бағрида эътироз руҳидаги ҳодиса ўлароқ юзага келган бўлса-да, оммавийлик касб этмаган. У амалиётдан илмий-назарий таълимотга айланганда ҳам фақат хос одамларга тегишли илм ҳисобланган. VIII асрдан бугунги кунга қадар ҳам тасаввуфнинг тарихий сайри силлиқ ва бир маромда кечмади. Гоҳида сиёсий кучлар, гоҳида шариат аҳли, гоҳида эса файласуфлару турли диний оқимлар ва илмий мактаблар томонидан таъқибга учраган бўлса, гоҳида ҳукумат доираларининг ғоявий қуролига айланган. Уни ҳамма ҳам бир хил қабул қилавермаган. Тасаввуф таркибида униб-ўсиб, ислом ва ирфон доирасида мустақил назарий-фалсафий таълимот дара-

жасига кўтарилган ваҳдат ул-вужуд фалсафасининг тақдири эса янада мураккаброқ кечган. Унинг муҳолифлари доимо тарафдорларидан кўпроқ бўлиб келган.

Ваҳдат ул-вужудни юнон фалсафаси ва насроний илоҳиётшунослигидаги пантеизм (юнонча *pan* – ҳамма, *teos* – Худо) тушунчаси билан, тасаввуф ва ирфон тушунчаларини эса Ғарб фалсафасидаги мистицизм билан адаштириб-қориштириб юбориш ҳолати Ғарб шарқшунослиги ва исломшунослигида кўп учрайди. Афсуски, Шарқнинг баъзи тадқиқотчилари ҳам уларга эргашиб бу атамаларни хато ишлатмоқдалар.

Ваҳдат ул-вужуд фалсафаси унинг тарафдорлари, муҳолифлари ва тадқиқотчилар томонидан доимо турлича талқин қилиб

келинган. Уни ҳар ким ўз қаричи билан ўлчаган, ўз эътиқоди ва тафаккури доирасида талқин этган. Бизнингча, ваҳдат ул-вужуднинг фалсафий ва диний-ирфоний мактабини бир-биридан фарқлаш лозим.

Фалсафий ваҳдати вужуд тарафдорлари Худо ва борлиқ ўртасидаги робитани ўргимчак ва унинг тўрига қиёслашган. Яъни ўргимчак ипларини ўзидан чиқариб тўқиганидек, Худо ҳам борлиқ ва ундаги мавжудотларни ўзидан чиқариб яратган. Аммо ирфоний ваҳдат ул-вужуд фалсафийсидан анча фарқ қилади. Хусусан, мутафаккир Ибн Арабий талқинида у ислом дини ақоидининг асосий рукни – тавҳиддан ўзга нарса эмас. Буни атоқли тасаввуфшунос олим Нажмиддин Комилов содда ва лўнда изоҳлаган: “Ваҳдат – ягоналик, бирлик Ҳақ таолога хос, олам ҳам шу ягона Руҳи Мутлақ билан бирдир. Демак, ваҳдат ул-вужуд деганда моддийликдан, шаклу шамойилдан холи, муназзаҳ, аммо ана шу Ўзи халқ этган оламлар билан доимий бирга бўлган, бу оламлар моҳиятини қамраб олган, уларга муҳит бўлган Зоти покнинг ягона вужуди англашилади”. Демак, ваҳдат ул-вужуд фалсафасида Худо – олам муносабати қуйидагича: ҳамма нарса Ундан; ҳамма нарса Унда; ҳамма нарса У билан.

### Ваҳдат ул-вужуд фалсафасининг шаклланиши

Ваҳдат ул-вужудга яқин бўлган ғояларни илк маротаба Боязид Бистомий (801 – 875) илгари сурган. Буюк сўфий инсон ўз менидан қутулиши лозим деб ҳисоблайди. Бунинг учун у минг поғонадан ўтиб бўлгач, моддий оламнинг кўплиги – “қасрат олами”, хилма-хиллик ва ранг-баранглик йўқолади. Солик илоҳий ҳақиқат нурига фарқ бўлади. Ошиқ ва маъшуқ – инсон ва Худо ўртасидаги парда, яъни тўсиқ ўртадан кўтарилади.

Ислом фалсафаси асосчиси Абу Наср Форобий (872 – 950) илк бор “вужуд”, “вужуди

вожиб” ва “вужуди мумкин” (“яратилган вужуд”) каби кейинчалик ваҳдат ул-вужуд таълимотида кенг қўлланган атама-ларни фалсафий категориялар даражасига кўтаради. У вужуд (борлиқ шунослик) фалсафий мактаби асосчиси бўлган.

Форобий “Фусус ул-ҳикам” асарида (кейинроқ Ибн Арабий ҳам шу номда асар битади) фалсафа – рационализм ва тасаввуф – иррационализмни бир-бирига яқинлаштиришга ҳаракат қилади. Шу мақсадда “рационал далилларни эътироф этиб, аниқ ғояларни баён этиш орқали сўфийларнинг мақсадга эришиш йўллари фалсафанинг рационал билимларини чуқурлаштиришга кўмаклашувчи восита деб баҳолайди” (*Саййид Муҳаммад Хотамий. Ислом тафаккури тарихидан. Тошкент, “Минҳож”, 2003. 71-бет*).

Анъанавий дин тамойилларидан фарқли ўлароқ, ваҳдат ул-вужуд Оллоҳ ғоясини олам моҳияти ичра сингдириб юбориб (*қ.: Философский энциклопедический словарь. Москва, “Советская энциклопедия”, 1983. Стр. 476*), шариат ва тариқат ўртасида ақидавий ихтилофларни вужудга келтирди. XII – XIII асрлар оралиғида Имом Муҳаммад Ғаззолий таълимоти нафақат мусулмонлар, балки яҳудий ва насронийларнинг ҳам дунёқарашига кучли таъсир кўрсатди. XIV – XVI асрларда эса Эрон ва Ўрта Осиёда араб алломаси Ибн Арабий қарашлари кўпроқ шуҳрат қозонди.

Ваҳдат ул-вужуд илк бор IX асрда куртак отган бўлса-да, салкам тўрт юз йил ўтгандан сўнгина мукамал ва мустақил назария сифатида шаклланди, Шайхи ак-



бар – Муҳйиддин Ибн Арабий томонидан илмий-назарий асосланди.

Профессор Н.Комиловга кўра, ваҳдат ул-вужуд ғоялари Ибн Арабий китоблари ҳали Эрону Хуросонда тарқалмасдан олдин буюк мутасаввиф Фаридуддин Аттор (1145 – 1221) асарларида учрайди. Бинобарин, Аттор мазкур таълимотнинг асосчиларидан биридир (қ.: *Комилов Н. Тасаввуф. Иккинчи китоб: Таъхид асрори. Тошкент, Адабиёт ва санъат нашриёти, 1999. 53-бет*). Дарҳақиқат, ваҳдат ул-вужуд ирфон фалсафаси тарихида Ибн Арабий номи билан боғлиқ бўлса-да, унинг ғоявий сарчашмаларини Аттор, ҳатто ундан олдинги мутафаккирлардан излаш лозим. Кейинроқ Жалолиддин Румий ҳам уни ўзига хос талқин этган.

Ибн Арабий ҳам Аттор каби ислом динининг энг мақбул йўли – тасаввуф, тасаввуф эса исломнинг ҳақиқий тафаккур тарзи деб билади. Ибн Арабийдан тахминан 20 ёш катта бўлган ва асарларида ваҳдат ул-вужудни тарғиб этган Аттор (аммо у бу ғояларни айнан ваҳдат ул-вужуд деб атамаган) тасаввуф аҳлини улуғлайди ва бу ҳақда: “Қуръони карим ва ҳадиси шарифлардан кейин сўзларнинг энг гўзали валийлар сўзи эканини кўрдим, чунки уларнинг барча сўзлари Қуръони карим ва ҳадиси шарифларнинг шарҳидир” (*Фаридуддин Аттор Нишопурий. Тазкират ул-авлиё. Муқаддима. Форсийдан Мирзо Кенжабек таржимаси. “Сино” журнали, 2002, №8. 47-бет*) деб ёзади. Дарвоқе, Аттор шариат ва тариқат ўртасидаги баҳсларга барҳам бериб, уларни уйғунлаштиришга хизмат қилган буюк орифдир.

### **Ваҳдат ул-вужуд фалсафасининг асосий баҳс мавзуси**

Ваҳдат ул-вужуд истилоҳи “борлиқнинг бирлиги”, “вужуднинг ягоналиги” маъносини англатади. Аммо уни “борлиқнинг бирлашуви” ёки “барча нарса ва ашёларнинг битта

вужуд атрофида жипслашиши ёки бирлашиши” маъносида эмас, балки “борлиқнинг (вужуд) ягоналиги” маъносида англаш лозим. Шундагина бу тушунча пантеизмни эмас, ваҳдат ул-вужуд фалсафасининг мазмун-моҳиятини ифодалайди.

Ибн Арабий таълимотида вужуд (борлиқ) билан олам икки алоҳида, мустақил фалсафий-ирфоний категория ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан, олам вужуд бўлмайди. Демак, у Мутлақ Вужуддан бир нарсадир: “Олам Ҳақнинг айни ўзи эмас. У бутунлай Ҳақ вужудида зоҳир бўлган бир нарсадир” (*Муҳйиддин ибн ал-Арабий. Ал-Футуҳот ул-Маккия. 3-жилд. 227-бет*).

Аҳли сунна вал-жамоа эътиқодига эргашувчи ашъарий мутакаллимлар вужуд билан боғлиқ тушунчаларни қуйидагича изоҳлайдилар:

1. Вожиб ул-вужуд – Оллоҳ таоло мавжудлигининг зарурлиги.

2. Мумкин ул-вужуд – мумкин саналган вужудларни Оллоҳ яратмаса ҳам бўларди, аммо яратди.

3. Мумтанеъ ул-вужуд – мавжуд бўлиши мумкин бўлмаган вужуд. Яъни Оллоҳнинг шериги мавжуд бўлиши мумкин эмас.

Ибн Арабий таълимотидаги вожиб ал-вужуд тушунчаси вужуд категорияси каби Шарқ аристотелизми намояндалари – Форобий, Ибн Сино ва Хайём фалсафасидаги вожиб ул-вужуд категорияси билан маънодош, аммо кўпроқ диний-ирфоний маъно ва мазмун касб этган. Вужуди вожиб ва вужуди мумкин тушунчаларидан перипатетик фалсафа намояндалари – Форобий, Ибн Сино, Хайём, Ибн Рушд ва бошқалар борлиқ муаммосини талқин этишда кенг фойдаланганлар. Бу тушунчаларга кўра, борлиқ вужуди вожиб (зарурий мавжуд ибтидо) ва вужуди мумкиндан (имконий мавжуд нарсалар) иборат. Улар ўртасидаги ўзаро алоқадорлик табиат ва мантиқ қонуниятларига зид келмайдиган тартибга бўйсунди. Вожиб ул-ву-

жуд биринчи сабаб сифатида ўзидан бошқа нарсанинг ҳосиласи бўлолмайди. У барча нарсаларни яратади, лекин ўзи бошқа нарсалар томонидан яратилмайди. Унинг зотида нуқсон, камчилик ёки ноаниқлик йўқ, уни тўлдиришга бирон бир зарурат ҳам йўқ. Унинг ҳолати ҳеч қачон ўзгармайди. У мутлақ борлиқ ва мутлақ ақл тимсолидир (қ.: Носиров Р. *Вужуди вожиб ва вужуди мумкин / Фалсафа. Қисқача изоҳли луғат. Тошкент, "Шарқ", 2004. 92-бет*).

Аксар ваҳдат ул-вужудчи олимлар нуқтаи назарида Оллоҳ таоло борлиқдаги мавжудотларни йўқдан бор қилган эмас, балки Ўзидан яратган. Аммо аҳли сунна вал-жамоа мутакаллимлари Оллоҳ таоло оламдаги барча мавжудотларни йўқдан бор қилди деб ҳисоблайдилар.

Маълумотларга қараганда, Ибн Арабий мужтаҳид олим сифатида янги мазҳабга асос солиш салоҳиятига эга бўлса-да, аҳли сунна вал-жамоанинг моликия мазҳабига эргашган. Аммо унинг дунёқараши фақат шу мазҳаб билан чекланмайди. Олимнинг диний, фалсафий, ирфоний ва ахлоқий дунёқараши фикҳий-ақидавий мазҳаблар доирасидан анча кенгроқ бўлгани сингари ҳар қандай фалсафий мактаб доирасига ҳам сиғмайди. У материалист ҳам, рационалист ҳам бўлмагани каби шариат зоҳири билан обрў топган мутаассиб ҳам бўлмаган. Ибн Арабий замондоши Мавлоно Жалолиддин Румий каби фалсафа ва файласуфларни хуш кўрмаган. Худди у сингари илоҳий ишқни яралишнинг асосий сабаби деб билган. Бири форсийзабон, бири арабзабон; бири ҳанафий, бири моликий бўлган бу икки буюк мутафаккирнинг тавҳид ва ислом, имон ва эҳсон, холиқ ва махлуқ, зот ва сифот, ваҳдат ва касрат, фано ва бақо, ишқ ва муҳаббат, инсон ва кайҳон, ҳаёт ва ўлим ҳақидаги қарашлари шу даражада яқин ва бир-бирига ўхшаб кетадики, гоҳида беихтиёр униси бунисидан таъсирланган экан, де-

ган хулосага келасан киши. Аммо бу фараз эҳтимолдан анча узоқ. Манбаларда Андалусияда улғайиб, кўп йиллар давомида шимолий Африка ва Арабистон яриморolini кезиб чиққан Ибн Арабий ва навқиронлигида Кўнёга келиб кўним топган Румий ўртасида мулоқот бўлгани ҳақида маълумот учрамайди. Бу ҳақда уларнинг асарларида ҳам ишора йўқ. Унда, эҳтимол, Румийнинг ҳам, Ибн Арабийнинг ҳам маънавий сарчашмаси Аттор бўлгандир?

Ислом оламининг ҳам шиа, ҳам сунний олимлари ичида Муҳйиддин Ибн Арабий қарашларининг муҳолиф ва тарафдорлари бўлган. Кўпгина шиа уламолари уни ашаддий душман санаган. Умуман олганда эса унга муҳолиф бўлганларни турли тоифалардан топиш мумкин. Ҳанбалий фақиҳлардан Ибн Таймия номи билан машҳур бўлган Тақиддин Абулаббос, шофеъий муфассир ва муаррихлардан Иброҳим Умар бин Ҳасан Шофеъийни шу сирада санаш мумкин. Алоуддавла Симноний эса Ибн Арабийнинг ирфоний мақом-мартабасини эътироф этиб, валийлигини тан олган ҳолда ваҳдат ул-вужудга оид қарашларини маъқулламаган. Машҳур шиа олими ва сўфийси Саййид Ҳайдар Омулий ҳам Ибн Арабий издошларидан бўлганига қарамай, уни улуғ саҳобалар – Абу Бакр ва Умарни авлиёуллоҳ деб атагани, лекин Алини бу тоифага кўшмагани учун қаттиқ танқид қилган.

Манбаларда 500 га яқин рисола таълиф қилгани қайд этилган бўлса-да, асосан "Футухот ул-Маккия" ва "Фусус ал-ҳикам" номли икки асари билан танилган, Шайх ал-акбар (энг улуғ шайх) номи билан улуғланган Ибн Арабийга айнан ваҳдат ул-вужуд таълимоти туфайли муҳолифлари томонидан Шайхи акфар (энг кофир шайх) лақаби ҳам берилган. Ўттиз йилдан кўпроқ умрини Ибн Арабий асарларини мутолаа қилиш ва уларни шарҳлашга сарфлаган буюк мутафаккир Мавлоно Абдурахмон Жомий алломани

мақтаб, “Фусус ал-ҳикам”га таъна қилувчилар маломатининг асосий сабаби ё тақлиддан, ё унинг асарларида келтирилган ҳақиқатларнинг маъноларини билмаслик оқибатидандир деб баҳолайди (қ.: *Абдурахмон ал-Жомий. Нафаҳот ул-унс. Тошкент, 529-бет*). Жумладан, ваҳдат ул-вужудга берилган куйидаги таърифда ҳам анчагина жўн ва юзаки тасаввур сезилади: “Ваҳдат ул-вужуд борлиқдаги жами яралмишлар Оллоҳнинг зотини билдиради. Бутун коинот Оллоҳдир деган таълимот ҳисобланади” (*Аҳмад ибн Абдулазиз. Ақидат ас-суфия ваҳдат ал-вужуд ал-хафия. Риёз, “Мактабат ар-рушд”, 2003. 30-бет*).

Ибн Арабий шахсини юксакка кўтариш, унинг таълимотини ҳимоя қилиш ва асарларини шарҳлашга бел боғлаган аҳли сунна вал-жамоа уламолари, мутакаллимлари ва мутасаввифларини санаб санаоғига етиб бўлмайди. Масалан, Абулҳасан Али бин Иброҳим бин Абдуллоҳ Қори Бағдодий (ваф. – ҳ. 821 й.) Ибн Арабийга бағишлаб маноқиб ёзади ва уни олийқадр Шайх, ҳақиқий маърифат асроридан огоҳ, замонанинг яғонаси, Исми Аъзам, иксири замон, кимиёи аср деб атайтиди (қ.: *Қори Бағдодий, Абулҳасан Али бин Иброҳим бин Абдуллоҳ. Ад-дор ус-самин фий маноқиб уш-Шайх Муҳйиддин. Байрут, 1959. 24-, 41-бетлар*).

Ўн йил Истанбулда қози ва муфтий бўлган, 300 дан ортиқ асари билан ҳанафийлик мазҳаби ва мотуридийлик эътиқодига катта ҳисса қўшган Ибн Камол Пошшо ҳам Ибн Арабий шахсияти ва қарашларини ҳимоя қилиб, у ҳақда бундай фатво чиқарган: “Эй одамлар! Билингларки, албатта энг улуг шайх, энг мукаррам пешво, орифлар кутби, тавҳид эгаларининг имоми Муҳаммад ибн Али ал-Арабий ат-Тоий ал-Ҳотамий ал-Андалусий комил мужтаҳид ва фозил муршиддир! Унинг ажойиб маноқиблари, содир этган кароматлари, кўпгина шогирдлари бордир. У фозиллар ва уламолар наздида

мақбулдир. Кимки уни инкор қилса, бас, хато қилган бўлади. Кимки ўз инкорида давом қилаверса, батаҳқиқ, залолатга кетади...”

Ибн Арабийнинг (р.х.) ёзган асарлари кўпдир, жумладан, “Фусус ал-ҳикам” ва “Футухот ул-Маккия”. Улардаги айрим масалаларнинг лафзлари ҳам, маънолари ҳам маълум, илоҳий ишққа, набавий шариятга мувофиқ келади. Айримларининг маъноси эса ботин ва кашф аҳлининг эмас, балки зоҳир аҳлининг идрокдан яшириндир. Шундай экан, кимки уларнинг тўғри маъносига ета олмаса, бу мақомда унга сукут қилиши вожиб бўлади. Оллоҳ таолонинг гапи борлиги учун: “Ўзинг билмаган нарсага эргашма! Албатта, қулоқ, кўз ва дил – ана ўшалар масъулдирлар” (*Фатво Ибн Камол пошшо ли-ш-Шайх Муҳаммад Ибн Арабий // Мажмуату тисъа расоил. Қўлёзма. Мактабату Жомеъату Риёз. Қисм ал-махтутот. №3230. В. 130 а*).

Ибн Арабий ва унинг издошлари талқин этган ваҳдат ул-вужуд фалсафаси оламдаги моддий ва номоддий, жонли ва жонсиз барча мавжудотлар бирлашиб Мутлақ Вужудни ташкил этади, деган пантеизмнинг айни такрори эмас. У борлиқ яғона мавжудликдан – Оллоҳдан иборат деган фикрга асосланган. Яъни бу таълимотнинг негизида ширк ёки материалистик дунёқараш эмас, балки тавҳиднинг олий намунаси ётади. Бошқача айтганда, ваҳдат ул-вужуд назариясига кўра, олам Мутлақ Зоти мукаррам – Ҳақ таолонинг ўз хусну жамоли, қудрат ва сифатларини намоён этиш истагидан пайдо бўлган. Борлиқ гўё кўзгу бўлиб, Ҳақ жамоли, илму ҳикмати унда акс этади, жилоланади. Шундан ушбу таълимотнинг муҳим қисми бўлган тажаллий ғояси ҳам келиб чиқади. Мутлақ Руҳ – оламнинг жони; оламдаги барча ўзгариш, қонуниятлар, зиддият ва келишувлар, модданинг ҳаракати, жисмларнинг ўзаро алоқа-муносабати, мувозанат ва низомлар, тартиб-қоидалар, ўсиш-улғайиш ва емири-

лиш – ҳамма-ҳаммасида Мутлақ Вужуд – Ҳақ таолонинг иштироки, амри бор. Борлиқнинг энг кичик заррасидан коинотгача жами ашёлар Мутлақ Руҳ назорати, бошқаруви остидадир. Шу асосда бутун олам ягона Руҳи Мутлаққа боғлиқ ҳолдагина мавжуд. Демак, ҳақиқий ва абадий вужуд Унинг Ўзи, моддий олам эса – абадий эмас, у фоний ёки Мутлақ Руҳнинг хаёли, холос (қ.: *Комилов Н. Ибн Арабий Абдурахмон Жомий талқинида / Холмўминов Ж. Жомий ва ваҳдат ул-вужуд таълимоти. Тошкент, "Ўзбекистон миллий энциклопедияси", 2008. 3-бет*).

Шайх ул-акбар тавҳид деганда ваҳдат ул-вужудни тушунади. У ислом тавҳидий тафаккурининг асоси бўлмиш "Оллоҳдан ўзга илоҳ йўқ" ("Ла илаҳа иллаллоҳ") эътиқоди билан тасаввуф аҳлининг "бутун борлиқда Оллоҳдан ўзга вужуд мавжуд эмас" ("Ла мавжуда иллаллоҳ") деган қарашини ўртасида ҳеч қандай фарқ йўқ деб ҳисоблайди. Умуман олганда, буюк шайхнинг Оллоҳ ва оламнинг бирлигини тўғрисидаги қарашларини "Яратилмишнинг борлигини Яратувчи борлигининг моҳиятидир" деган формула билан ифодалаш ҳам мумкин. У борлиқ, вужуд деганда ташқи, зоҳирий, эмпирик (кўзга кўринадиган, ҳис этиладиган, илмий-тажрибавий далиллар билан исбот этиладиган) борлиқни эмас, балки ботиний субстанционал борлиқни назарда тутаяди.

Ибн Арабий Худонинг сифатлари ҳақида бундай ёзади: "Худо фақат ўзининг сифатлари ва тимсоллари орқали касрат – кўпликка эга бўлади. Агар Унга Унинг моҳияти нуқтаи назаридан қаралса, У – Ҳақиқат, агар Унга намоён бўлган сифатлар нуқтаи назаридан қаралса, У – Яралишдир. Аммо бу бирлик ва кўплик, аввал (ибтидо) ва охир (интиҳо), қадим ва янги, вожиб (зарурий мавжудлик) ва мумкин ўртасидаги қарама-қаршилик ўзида ягона ҳақиқатни мужассамлаштиради" (*Мажид Фаҳрий. Сайри фалсафа дар жаҳони ислом. Таржума зерини назари Насруллоҳ*

*Пуржаводий. Техрон, "Нашри донишгоҳий", 1372/1993. 271-бет*).

Бутун борлиқда фақатгина ягона, азалий ва абадий Оллоҳ мавжуд деб ҳисоблайдиган ваҳдат ул-вужуд фалсафасига кўра, моддий олам, нарсалар дунёси ҳақиқий эмас; ҳақиқат фақат Оллоҳда мужассам; моддий олам эса Оллоҳнинг нури, шуъласидир. Ваҳдат ул-вужуд тарафдорлари, Худо бутун борлиқ ва ундаги мавжуд нарсаларни мунтазам равишда, узлуксиз ва тўхтовсиз ҳолда яратиб туради деб билганлар. Агар Худо борлиқни яратиб, сўнг уни бутунлай ўз ихтиёрига ташлаб қўйган; қолган воқеа-ҳодисалар, ўзгариш ва ривожланишлар Унинг иштирокисиз содир бўлади дейилса (бу хил нуқтаи назар XVII асрда инглиз мутафаккири лорд Чербери томонидан яратилган деизм таълимотига ўхшаб кетади; деизм Худонинг яратгандан кейин оламга таъсирчан иштирокини инкор этади), Ҳақ таолонинг холиқлик – яратувчилик сифатида нуқсон сезилади.

Комил инсон – Одам Ато фарзандларининг афзали; ботиний ва зоҳирий фазилатлари билан замон ва макон чегарасидан юксакроқ, олийроқ зотдир. Маърифат аҳли томонидан яқдиллик билан эътироф этилган комил инсон – Муҳаммаддир (с.а.в.). Комил инсон масаласи Ибн Арабийдан сўнг Эрон ва Ўрта Осиё мутафаккирларининг диққат марказида бўлди. Шайх Омилий, Абдукарим Гелоний ва Азизиддин Насафийнинг бу борадаги қарашлари, шубҳасиз, Ибн Арабий таълимотидан сарчашма олади.

Ибн Арабий таълимоти Хожа Муҳаммад Порсо Бухорий ва Мавлоно Абдурахмон Жомий асарлари орқали тобора сиёсий-ижтимоийлашиб бораётган нақшбандиянинг илмий-назарий асосларини мустаҳкамлашга хизмат қилди. Хожа Муҳаммад Порсонинг "Шарҳи Фусус ул-ҳикам", "Фасл ул-хитоб"; Хожа Аҳрорнинг "Волидия", Жомийнинг "Шарҳи Фусус ул-ҳикам", "Шарҳи рубоиёт", "Ашиъат ул-ламаъот", "Лавоҳ", "Лавомеъ"

каби асарлари ё Ибн Арабий асарларига шарҳ, ё унинг дунёқараши доирасида яратилган. Навоий, Ҳилолий, Мирзо Бедил каби шоирлар ҳам ваҳдат ул-вужуд ғояларидан озиқланган.

Турк олими Сулаймон Улудоғ таъкидлаганидек, Ибн Арабий Андалусиядан тортиб то Индонезиягача бутун ислом оламига таъсир кўрсатган (қ.: Сулаймон Улудоғ. *Ибн Арабий. Таржумаи Довуд Вафоий. Тەхрон, "Нашри марказ", 1384. 151-бет*). Унинг, айниқса, ваҳдат ул-вужуд ҳақидаги таълимоти Эрон ва Ўрта Осиёда кенг ёйилди. Ушбу минтақанинг нафақат диний-фалсафий тафаккури, балки шеърятининг юксалиши, янги фалсафий ғоялар билан бойишига ҳам таъсир кўрсатди.

### **Ваҳдат ул-вужуд – борлиқшунослик ва билиш назарияси**

Борлиқ мутлақ вужуднинг ҳақиқати экани, бутун борлиқда битта вужуд мавжудлиги ва у Оллоҳ таоло экани, бошқа вужудлар эса унинг мавжудлиги туфайли бор бўлгани ҳақидаги ғоялар ваҳдат ул-вужуд фалсафасининг борлиқшунослиги – онтологиясини ташкил этади.

Ибн Арабийнинг илмий-фалсафий ғоялари, асосан, қуйидаги масалаларга бағишланган: барча нарсаларнинг асл моҳияти – Оллоҳдир. Барча нарсаларнинг асосий замири, негизи, субстанцияси ягонадир, шунинг учун оламнинг ҳар қандай қисми, зарраси ҳам шу яхлит олам кабидир. Фақат шу илоҳий субстанциянинг оламий бирлигигина ҳақиқий воқеликни намоён этади, ташқи эмпирик борлиқ эса мавҳумдир. У инсонлар тафаккурида, уларнинг дунёвий ҳаётидагина ҳақиқийдек намоён бўлади, аслида, у бир саробдир. Инсоният мавжудликда кўпчилик бўлса ҳам, ўз субстанциясида ягона, яхлитдир. Оламда барча нарса, инсоннинг руҳи ҳам илоҳий илк манба тажаллийсидир. Файласуфлар наздида “сабаби аввал” деб

аталадиган илоҳий тажаллий илоҳий қудрат орқали бутун борлиқ узра ёйилган. Мутафаккирнинг ягона борлиқ концепциясига кўра, барча нарсалар, авваламбор, ғоя кўринишида Оллоҳ таоло илмида мавжуд бўлади, Ундан келиб чиқади ва яна Унга қайтиб боради. Олам, борлиқ фақат ўша Ягонанинг ташқи, зоҳирий томони, Оллоҳ эса ички, ботиний томонидир (қ.: Кныш А. *Мусульманский мистицизм. Москва, Санкт-Петербург, "Диля", 2004. Стр. 1*).

Ваҳдат ул-вужуд, асосан, онтологик таълимот бўлишига қарамасдан, унда билиш (маърифат) назарияси – гносеология масалалари ҳам кўриб чиқилади. Хусусан, зот маърифати масаласи марказий масалалардан саналади.

Зот маърифати масаласи, асосан, калом ва фалсафа илмларининг баҳс мавзуси бўлиб, ирфон фалсафасига Ибн Арабийнинг ваҳдат ул-вужуд таълимоти орқали кириб келган. Бу – Оллоҳ зотини маърифат этишни (билиш, идрок этиш) англатади. Хўш, Оллоҳнинг зоти хусусида фикр юритиш мумкинми ё мумкинмасми? Унинг зотини идрок этиб бўладими ё бўлмайдими?

Ибн Арабий файласуфларнинг Оллоҳ таоло зоти ҳақидаги қарашлари асосли эмаслигини таъкидлаб, “кимки бундай далиллар орқали бирон нарсани англамоқчи бўлса, хусрон – зиён ва бахтсизликдан ўзга ҳеч нарсага эришолмайди” (*“Ал-Футуҳот ул-Маккия”, 4-жилд, 307-бет*) дейди. Шу билан бирга, олим назар аҳли, яъни файласуфларнинг бу борадаги уринишларини қаттиқ танқид остига олади: “Назар аҳли Худо зоти тўғрисидаги баҳс эшигини очибдилар, аммо сўзлари сафсатадан бошқа нарса эмас. Уларнинг ҳар бири ўз билими ва ақидасига яраша бу ҳақда нимадир айтибди, бошқаси эса айнан шуни инкор этибди. Худони маърифат этиш борасида уларнинг ягона нуқтаи назарлари йўқдир... “Улар бу дунё ҳаётидаёқ саъй-ҳаракатлари ботил


бўлган, ўзлари эса, гўзал иш қиялпман деб ҳисоблайдиганлардир, дегин” (*Каҳф сура-си, 104-оят*). Уларнинг бир гуруҳи Тангри борлиқнинг сабабидир, дейди. Бошқа бир гуруҳи сабаб эканини рад этади. Бошқа бир тоифаси айтадики, Тангри жавҳар (субстанция), араз (атрибут) ёки жисм (материя) бўлмайди, балки Унинг Ўзи Ўз моҳияти ҳисобланади... Шу тариқа сўзни роса чўзиб, машҳур зарбулмасалнинг тасдиғига айланмишлар: “Тегирмоннинг овозини эшитаман, аммо ундан дарак йўқ” (*ўша манба*).

Ибн Арабий оламни билишда ақлнинг ўрнини алоҳида таъкидлайди. Унингча, инсонга маълум бўлмаган нарсаларни маълум қилдирган Парвардигор унга одам ва олам сир-асрорини англаш учун ақл-идрок ва тафаккур ато этди – бу иккиси одамни борлиқнинг кашшофига айлантирди. Аммо инсонга ундан ҳам кучлироқ бўлган яна бошқа бир неъмат – қалб ва мукошафа йўли билан оламни идрок этиш қобилиятини ҳам туҳфа этди. Бу ноёб қобилият унга ботин олами билан боғланиш имконини берди. Имон завқи, кучли ҳиссий-ботиний туйғулар билан лиммо-лим бўлган ушбу қобилият имкониётларининг чек-чегараси йўқ эди. Аммо у фақатгина шайтоний истакларини енгиб, Раббини таниган, нафсини тарбиялаб (тазкият ун-нафси), қалбини поклаб (тасфият ул-қалби), мусаффо кўзгуга айлантира олган, бутун борлиғини фақатгина муҳаббат ва маърифат эгаллаб олган зотларгагина насиб этган. Ҳадиси кудсийда айтилгандек, “Кимки ўз нафсини таниган бўлса, муҳаққақ, у ўз Раббини танигай”. Парвардигор бундай ноёб қобилиятни ўзи билан дўст тутинган бандалари – авлиёллоҳга инъом этди.

Ибн Арабийнинг фикрича, ақл инсонга Унинг зоти ва сифатларини идрок этиш учун эмас, балки борлиги, бирлиги ва маъбудлигини таниш учун иноят қилинган. Ақл ўзини

ана шундай маърифатга эга бўлиш учун тайёрлаб бориши лозим. Зеро, ақл ҳатто илм, далил ва исбот ёрдамида ҳам Оллоҳ зотини идрок этолмайди; фақат унинг борлиги, бирлиги ва маъбудлигини маърифат этиши мумкин (қ.: “*Футуҳот ул-Маккия*”, 1-жилд, 94-95-бетлар). Ибн Арабий ақлнинг бу қобилияти ҳақида бундай ёзади: “Парвардигор ақлга Ўзини маърифат этишни юклади ва Ўзидан бошқа бирон нарсага чалғиб кетмаслиги учун унга “Улар ўйламайдиларми?” деб буюрди. Аммо ақл Ҳақ таолонинг тафаккур қилиш ҳақидаги амрини нотўғри тушунди, тафаккур орқали Худони маърифат этишга йўл топиш лозим деб ўйлади. Шунинг учун ҳам далил излашга тушди ва топган далилларини ўзига асос қилиб олди. Аммо анбиё, авлиё ва тариқат аҳли Ҳақ таоло зоти ҳақида фикрлаш мумкин эмаслиги, бу нарса наҳй этилгани, Оллоҳ зотини маърифат этишнинг ягона йўли илоҳий таъриф (борлиги, бирлиги ва маъбудлиги – Ж.Х.) экани ва фақат Унинг Ўзига юз тутиш лозимлигини англаб етдилар. Натижада Парвардигор уларга Ўзини маърифат этиш қобилиятини берди ва улар фикр орқали топиши мумкин бўлган нарса илоҳий нисбат орқали қийин эмаслигини тушуниб олди” (*ўша манба, 162-бет*).

Кўриниб турганидек, Ибн Арабийнинг ваҳдат ул-вужуд фалсафаси борлиқ моҳияти ва ҳақиқатини билиш масаласида агностицизмга (ҳақиқатнинг моҳиятини билиб бўлмайди) яқинроқ кўрилади, аммо гностицизмга (ҳақиқатнинг моҳиятини билса бўлади) ҳам мойиллик билдиради. Ибн Арабийнинг оламни англаш хусусидаги назариясини яхлит тасаввур этган ҳолда, уни агностицизм ва гностицизм оралиғида деб баҳолаш тўғри бўлади. Бу ҳол яна бир карра Ибн Арабий қарашларига зиддият ва кескин хулосалар хос эканини кўрсатади.



Маматкул  
ҲАЗРАТҚУЛОВ

## Sadosiz qo'shiqlar

Рассом ва бастакорга ҳавас қиламан. Сабабки, тасвирий санъат ва мусиқа ҳаммага бирдек тушунарли, таржимонга-да эҳтиёж йўқ. Айтайлик, Камолиддин Бехзод, Леонардо да Винчи, Рафаэль Санти, Рембрандт ван Рейн, Илья Репин, Пабло Пикассо каби рассомлар; шарқона мақомлар, шунингдек, Амадей Моцарт, Себастьян Бах, Людвиг Бетховен, Дмитрий Шостакович сингари композиторлар ижодини жаҳондаги барча санъат ихлосмандлари севиб томоша қилади, тинглайди. Бу – уларнинг бахти. Ҳолбуки, не-не улуғ адибу шоирлар ижоди кўнгилдагидек таржима қилинмагани боис ўз ватани доирасида қолиб кетади.

Яхши картина томоша қилган кишининг кўзи асарда-ю, хаёли бошқа оламларда кезади. Яхши шеър, мағзи тўқ ҳикоя, ҳатто

зўр роман ўқигандек бўлади. Демак, бадиий асар, хусусан, тасвирий санъат томошабинда фикр уйғотиб, чуқур ўйга толдиради, ўз ҳаётини таҳлил-тафтиш этишга чорлайди.

Яхши картинани сўзда тасвирлаб бериб бўлмайди, билъакс, унинг ўзи сўйлайди. Леонардо да Винчининг “Мона Лиза”си яратилганидан буён неча аср ўтди (1503 – 1506). Париждаги Лувр музейига кирувчиларнинг аксари шу картинани кўришга ошиқади. Камина ҳам “Жаконда”нинг аслини кўришга муяссар бўлганман. Бу асар ҳақида кимлар ёзмаган, қандай фараз-тахминлар айтилмаган дейсиз. Юзаки қараганда, одатий сурат, оддий бир аёл портрети. Аммо унга тикилган сари янги-янги қирралари очилаверади: у гоҳо кулиб, гоҳо мунгли, гоҳида эса истеҳзоли боқади.

Кўпдан бери мусаввир Акмал Нур ижоди ҳақида ёзишни ўйлаб юрардим. Бир неча марта чоғландим ҳам. Аммо ҳар гал юрагим бетламайди. Нимани ёзаман, нима деб ёзаман? Менимча, чинакам санъат асарлари ҳақида ёзиш қийин. Расмда у нарса тасвирланган, бу нарса ифодаланган дейишнинг нима ҳожати бор? Ундан ҳар бир томошабин ўз ҳақиқатини топмоғи керак-ку.

Акмал Нур ижоди рамз асосига қурилган. Уларда нон, олма, анор, балиқ сингари тимсоллар қабарик ёки орқа планда; гоҳ ёрқин, гоҳида эса хирароқ акс этади. Улар – ҳаёт мазмуни, яъни нон – ризқ-насиба, олма – муҳаббат, анор – оила, балиқ – поклик рамзи. Инсон учун, хусусан, ўзбек оиласи учун шулар асосий қадрият эмасми?..

Эътиборга молик жиҳати – мусаввир инсон ёхуд бошқа нарса-ҳодиса бўладими, борлигича чизмайди. Одамларнинг, айниқса, хотин-қизларнинг юз-қиёфаси тўлиқ тасвирланмайди. Кўпинча ёндан ё орқа тарафдан кўринади. Бу ўзбек аёлларидаги ҳаё-ибога нозик ишора эмасми! Дейлик, “Оналик” картинаси. Волида чақалоғини эмизаётир. На онанинг, на боланинг юзи кўринади, аммо уларнинг меҳру муҳаббатини қалбан ҳис этасиз.

Бир неча йил олдин нашр этилган “Акмал Нур образлари дунёси” альбом-каталогини қайта-қайта варақлайман. (Унга ёзилган каттагина сўзбошини атайин ўқимадим, чунки эргашиб кетишдан чўчидим.) Унда “Қуш тили” деган картина бор. Бир қараганда тасвирни англаш қийиндек. Лекин бутун вужудингиз кўзга айланиб кузатсангиз... Эҳ-ҳе, олам нақадар кенг! дегингиз келади. Лоақал неча хил ва нечта қуш тасвирланган, деган жўнгина саволга жавоб топиш амримаҳол. Мен ҳам ўзимча унча-мунча қушларни биламан деб юрардим. “Қуш тили”га қараб хижолатда қолдим – улар ҳақида деярли ҳеч нарса билмас эканман. Картинага ўн-ўн беш

дақиқа диққат билан, бутун атрофни унутиб термилсангиз ўша қушлар гўё сайрай бошлайди, уларнинг овозини эшитасиз, ажиб бир симфония янграйди. Бир гал расмга қараб қулоқларимни беркитдим, қушлар овози эшитилмай қолди, сўнг бирдан кўлимни олдим, назаримда, альбомда эмас, бутун атрофимда турли-туман қушлар учиб юргандек туюлди. Ва бу овозлар шу қадар ёқимли-сەҳрли эдики, бундай мўъжизакор оҳанглари “Чўли ироқ”, “Тановар”, “Дилхирож”да; Мирсодиқ Тожиев симфониялари, Улуғбек Мусаев асарларида тинглаб лол қолганман. “Қуш тили” ҳам мени шу кўйга солди.

Дарвоқе, шу руҳдаги картиналардан яна бири “Кузги парвоз”да сон-саноксиз тайрлар парвоздаги ягона қушга эврилгани тасвирланади...

Қиз йигитга чой узатаётир. Деворга осилган кашта. Нон, олмалар... “Оппоқ тун” асари сюжети шундан иборат. Лекин персонажлар кийими, ҳаракат ва ҳолатини кузатсангиз, уларда ички бир ҳаяжон, энтикиш, бир-бирига интилиш, айна чоқда ҳаё ҳиссини туюсиз.

Акмал Нур асарларида от ва тошлар тасвири сероб. Бунда от – садоқат, вафодорлик ҳамда куч-қудрат тимсоли. “Анор пишди” картинасида қиз отни қучоқлаб турибди, орқада йигит кўринади. Тош эса қадимдан боқийлик белгиси. Бошинг тошдан бўлсин деб дуо қилади кексаларимиз. Қиз узатганда, борган жойингда тошдек қотгин, дейди кайвонилар. Кимгадир нисбатан тоши оғир, бошқасига нисбатан эса тоши енгил ибораси ишлатилади.

“Кетмон” асарида эр, хотин ва бола тасвирланган. Аёл олдинда, ўртада бола, ортада эса ота. Боланинг қўлида егулик солинган кичкина тугунча. Отанинг елкасида кетмон. Кетмон катталигидан отанинг бошини тўсиб қўйган, оғирлигидан елкаси букчайган. Улар жимгина одимлайди...



1



2



3



4



5



6



7



8

- |                     |                   |
|---------------------|-------------------|
| 1. "Маъсум хаёллар" | 6. "Оқ фотиҳа"    |
| 2. "Висол"          | 7. "Жаннат ифори" |
| 3. "Илтижо"         | 8. "Қалдиргочлар" |
| 4. "Ҳаё маликаси"   | 9. "Фаришта"      |
| 5. "Қайс"           |                   |

Anvar Gulistan



9

Расмга қараб ўтирарканман, болалик йилларим кўз олдимда жонланди. Ўтган асрнинг олтмишинчи-етмишинчи йилларида ўқувчилар дарсдан кейин бир бурда нон еса еб, бўлмаса, оч-наҳор колхозчилар қатори далага ишга чиқарди. Ҳар бир уйда катта-кичик икки-учта кетмон бўларди. Усиз тирикчилик ўтмайди. Кетмон эзиб ташлаган эди халқимизни. Шу боис ҳозир ҳам кетмонни кўрсам елкаларим зирқираб кетади, қўларим оғрийди.

“Қайс” картинасида мусаввирнинг шер билан ҳамнишин тасвирланган қахрамони – чўлу биёбонларда кезиб юрган телба мажнун эмас, балки ёвқур, ботир, худди ёнидаги шер каби кучли.

Илоҳиёт, Оллоҳга муножот (“Илтижо”, “Оламнинг яралиши”...) мусаввир бот-бот мурожаат қиладиган етакчи мавзу бўлиб, у расом ижодидан ўзига хос қизил ип бўлиб ўтади.

Муҳаббат мавзуси Акмал Нур асарларида салмоқли ўрин эгаллайди. “Нигоҳ”да қиз юзининг ярми тасвирланган бўлиб, бу орқали қиздаги уятчанлик, ҳаё ифодаланган. Мен картинага термилиб турибману узоқлардан машҳур ҳофиз Шерали Жўраев ашуласи қулоғимга чалингандай бўлади: “Ширин жоним фидо бўлсин ўшал бўйлаб қарашларга”...

Акмал Нурнинг янги кўргазмаси “Онаизор” деб номланди. Инсон боласи улғайган сари волидасини кўпроқ соғинади, эслайди, тез-тез тушларида кўради. Балки шўхликлари босилиб, ақли расо бўлиб, оқ-қорани таниб, ҳаётнинг аччиқ-чучугини татиб, ғадир-будир йўллардан юриб кўргач, онанинг қадрини чуқурроқ англади? Лекин, афсуски, кеч киради бу ақл дегани. Онаизор дунёдан ўтгандан кейин билинади унинг қадри. Армонлар, афсуслар босиб келаверади: “Нега онамдан вақтида хабар олмадим? Нега унинг кўнглини кўтарадиган бир оғиз

ширин сўз айтолмадим? Нега?.. Нега?..” Энди уларнинг бари бефойда. Гўё ота-онамиз мангу яшайдигандек... Эҳ, ожиз банда, гофил фарзанд!

Кўргазма (ундан бир юз элликка яқин полотно ўрин олган) “Она” картинаси билан бошланган ва умумий йўналишга тўғри ечим топилган. Она ҳассага таяниб ўтирибди. Тун, осмонда ой. Бутун борлиқ уйқуда. Ҳатто кўриқчи ит ҳам ухлаб қолган. Аммо онанинг кўзлари тийрак.

Картинага термиламани волидам кўз ўнгимдан ўтади. Суратдаги менинг онам-ку, дейман. Неча йил кутди онам бечора мени, невараларини?! У киши ҳечқурса ойда бир бор кўришни истардилар бизни. Қаёқда! Бир ойда-я? Ахир, биз банд одамлармиз! Ишларимиз олдида она соғинчию илтижоси нима бўлибди! Узун тунларни бедор ўтказганлари, оёғимизга тикан кирса, юрагига пичоқ санчилгандек азият чекканлари, бир парча этни одам қилгунча тортган машаққатларини эслармидик!

Аслида, бандлигу вақт йўқлиги эътиборсизлигимизни хаспўшлашдан бошқа нарса эмас. Нега шу ақл ўлгур ўша кезлар ишламади, қаерда эди шу доно фикрлар?! Нима учун инсон боласи бундай яралган?! Қанча вақт керакли-кераксиз гурунглари маишатлар билан лақиллаб ўтиб кетмадим?! Ўтиб кетди, ҳаммаси ўтиб кетди! Афсуски, онаизор ҳам..

Ота-онасини зиёрат қилмай юрган томошабин ушбу кўргазмага келса, эртасигаёқ улар олдида ошиқса ажаб эмас.

Кўргазмага кираверишда ажиб бир янгиликка дуч келасиз. Оқ-қора палитраларга турли даврда яшаган жаҳон шоирларининг она ҳақидаги шеърларидан шохбайтлар битилган. Абулқосим Фирдавсийдан тортиб Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Рауф Парфию Омон Матжонгача бор. Кўргазмада сатрларда акс этган она сиймоси мато-

га кўчади. Палитралар картиналар сингари ранго-ранг ва бетакрор. Доира ўртасига ойнаванд палитра қўйилган. Унда юқорига қараб тизилган палитралар аксини кўрасиз. Бу худди мусаввир қалбини ифодалаётган-дек гўё.

Акмал Нур дунёни кўнгли қандай кўрса, шундай тасвирлайди. Зеро, қалб кўзи те-ранроқ кўради оламни.

Мен Акмал Нур бадий дунёсига кўнглим ила назар солдим. Суратлар менга сўзсиз, садосиз кўшиқлар бўлиб туюлди.

“Онаизор” кўргазмаси бир ой мобайнида бепул намойиш этилди. Шу муддат ичида қанча томошабин келди? Очиғи, мақтанарли эмас. Хўш, келувчилар нега кам бўлди? Аслида, умуман, бошқа тасвирий санъат кўргазмаларида ҳам аҳвол бундан авло эмас. Ҳолбуки, рассомлик – санъатнинг юксак ва умрбоқий турларидан бири. Тасвирий санъатга қизиқиш, уни тушуниш шахс маданияти, диди, маънавияти, умуман, оламни англаш, идрок этиш салоҳиятини белгилайди. Биз бунга қачон интиламиз, қачон ўрганамиз? Ресторану қаҳвахона, чойхоналарда ўтказадиган вақтимизнинг лоақал бир-икки соатини кўргазма, музей, театрга бағишласак бўлмайдимиз? Фарзандларимизни маданият масканларию маърифий тадбирларга олиб борсак, уларга билганимизни тушунтирсак – қандай яхши! Йўқ, ундай қилмаймиз. Бунга вақтимиз йўқ...

Шу ўринда яна бир масала бор: реклама... Нега бизда тасвирий санъат асарлари кўргазмаси (ҳатто музейлар) реклама қилинмайди? Масалан, сўз юритаётганимиз “Онаизор” кўргазмасининг ҳам биронта рекламасига кўзим тушмади. Хонандаларнинг



концерти, аксар фонограммада ижро этилса-да, икки-уч ойлаб шаҳардаги йирик-йирик баннерларда, қолаверса, телеканалларда ташвиқ қилинади. Аммо нега тасвирий санъат кўргазмасини шунчалик тарғиб қилмаймиз? Реклама учун ақча зарур-да дерсиз. Санъат тарғиботидан маблағни аяш керакми? Қолаверса, ижтимоий реклама деганлари бор-ку. Санъат айнан ижтимоий реклама орқали тарғиб этилса, айна муддао бўлар эди.

Бугун томошабинни тасвирий санъат билан ошно қилишдек долзарб муаммо мавжуд. Бунда болаларимизга берилажак эстетик тарбиядан тортиб, тасвирий санъат ва томошабин орасидаги муҳим бўғин саналган санъатшунослар, қолаверса, мамлакатнинг шаҳарлашув даражаси ҳам муҳим роль ўйнайди, назаримизда. Мазкур муаммолар ҳал этилса, шубҳа йўқки, Ўрол Тансиқбоев, Чингиз Аҳмаров, Исфандиёр Ҳайдаров, Акмал Нур сингари устоз санъаткорлар етишиб чиққан ўзбек тасвирий санъати ва томошабини ўртасида мустаҳкам кўприк бунёд бўлажак.



Эрнест ҲЕМИНГУЭЙ

# Yengilmas

Ҳикоя

Мануэль Гарсиа зиналар оша Мигель Ретананинг хонасига чиқди. Жомадонини полга қўйиб, эшикни тақиллатди. Садо бўлмади. Лекин Мануэль йўлакда турганча сизди: хонада кимдир бор. Буни эшик ортида туриб фаҳмлади.

– Ретана, – деди у вужуди қулоққа айланиб.

Жимжит.

“У ҳарҳолда шу ерда”, деб ўйлади Мануэль.

– Ретана! – деди у яна ва эшикни қаттиқроқ урди.

– Кимсан? – деган овоз келди ичкаридан.

– Мен, Маноломан, – деди Мануэль.

– Нима дейсан? – деб сўради овоз эгаси.

– Менга иш керак, – деди Мануэль.

Ичкарида нимадир бир неча марта ширқиллаб буралди ва эшик очилди. Мануэль жомадонини кўтариб ичкарилади.

Хона тўридаги стол ортида паканагина бир одамча ўтирарди. Тепасида Мадрид устахонасида ясалган буқа тулуми; деворларга қасноққа солинган суратлар ва буқа жангига чорловчи афишалар осилган.

Пакана ўтирган кўйи Мануэлни кузатарди.

– Сени ўлдиришган деб юрардим, – деди у.

Мануэль бармоғининг кўзи билан столни тақиллатди: худо асрасин! Пакана ундан кўз узай демасди.

– Бу йил ҳисобидан неча марта майдонга тушдинг? – деб сўради Ретана.

– Бир марта, – деб жавоб қилди Мануэль.

– Фақат ўшандами? – деб сўради пакана.

– Ҳа, ўшанда.

– Газетада кўзим тушгандай бўлувди, – деди Ретана. У курсига ястанганча Мануэлдан кўз узмасди.

Мануэль тулумга қаради. Олдин ҳам уни кўп кўрган. Ҳар гал кўзи тушганда тулумга нисбатан кўнглида аллақандай яқинлик сезади. Тўққиз йилча бурун мана шу буқа матадорликда анча-мунча умид уйғотиб келаётган укасининг ҳаётига зомин бўлган эди. Ўша кун ҳозиргидек Мануэлнинг эсида... Буқа калласи қотирилган эман тахтачадаги мис лавҳа ялтираб турибди. Ёзувни ўқишга тиши ўтмади, лекин укасининг хотирасига битилганини тахмин қилди. Ҳа, бечора иниси бўладиган бола эди.

Лавҳачага эса бундай сўзлар битилган: “Герцог Верагуа ганадериясига\* мансуб “Марипоса” лақабли ушбу буқа етти бедовни тилка-пора қилган ва новильеро\* Гарсиа Антонионинг ҳаётига зомин бўлган. 1909 йил 27 апрель”.

Мануэлнинг тулумга тикилиб қолганини сезган Ретана:

– Якшанба куни бўладиган жангга герцог шундай буқаларини жўна-тибдики, кўрган дод деб юборади, – деди. – Ҳаммаси – буқамисан буқа! Қаҳвахонадаги гапларни эшитгандирсан?

– Йўқ, – деб жавоб берди Мануэль. – Мен ҳозиргина келдим.

– Ҳа-а, – деди Ретана. – Лаш-лушингни ҳам ортмоқлаб олибсан.

У курси суянчиғига ўзини ташлаганча каттакон стол оша Мануэлни кузатарди.

– Ўтир, – деди Ретана. – Шляпангни еч.

Мануэль ўтирди, шляпасини олгач, юзи бутунлай ўзгариб кетди. Бошининг тос тепасида ўрилган кокили рангпар юзида беўхшов солланиб турарди.

– Мазанг йўққа ўхшайди, – деди Ретана.

\* Ганадерия (испанча) – буқа боқладиган ферма.

\* Новильеро – буқа билан жанг қиладиган матадор.

- Касалхонадан чиқиб келяпман, – дея ростига кўчди Мануэль.  
– Оёғингни кесиб ташланган деб эшитгандай бўлувдим.  
– Йўғ-э! – деди Мануэль. – Худо ўзи асради.  
Ретана сал эгилиб стол устидаги сигарет солинган ёғоч қутичани Мануэль томон сурди.  
– Ол, – деди.  
– Раҳмат.  
Мануэль сигарета олиб тутатди.  
– Ўзинг-чи? – деди у ёниб турган гугурт чўпини Ретанага тутар экан.  
– Йўқ, – деб қўл силтади Ретана. – Чекмайман.  
У Мануэлнинг чекишини зимдан томоша қиларди.  
– Нега бошқа бирон иш топа қолмайсан? – деб сўради Ретана.  
– Бошқа ишни газогимга дори қиламанми?! – деди Мануэль. – Мен матадорман.  
– Матадор қавмининг уруғи қуриганига анча бўлди, – деди Ретана.  
– Мен матадорман, – деди Мануэль.  
– Бу ерда ўтириб кўкракка уриш осон.  
Мануэль кулиб кўйди.  
Ретана ундан кўзини узмасди.  
– Хўп десанг, сени оқшомда чиқаришим мумкин, – деб таклиф қилди Ретана.  
– Қачон? – деб сўради Мануэль.  
– Эртага.  
– Бировларнинг соясида юришга тоқатим йўқ, – деди Мануэль. – Матадор деганнинг ҳаммаси шундай ҳалок бўлади. Сальвадор айнан шундай ҳалок бўлган.  
У бармоғининг кўзи билан столни тақиллатди.  
– Бошқа иложим йўқ, – деди Ретана.  
– Кейинги ҳафта кундузи чиқарсанг-чи? – деди Мануэль.  
– Одам йиғолмайсан, – деди Ретана. – Мухлислар фақат Литра, Рубито ва Ля Торрани сўрайди. Ҳозир шуларнинг ошиғи олчи.  
– Менинг ҳам мухлисларим бор, – деди умид билан Мануэль.  
– Қўйсанг-чи. Кимнинг кўзи учиб турибди, сени аллақачон унутишган.  
– Ўзимни кўрсатаман, – деди Мануэль.  
– Таклифим – келгуси оқшом масхарабозлардан кейин чиқ, – деди Ретана. – Эрнандес билан бирга икки ёш буқани тинчитасан.  
– Кимнинг буқаси? – деб сўради Мануэль.  
– Қайдам. Қўрада қолгани-да. Ветеринар кундузги жангга қўймаганидан биронтаси чиқиб қолар.  
– Бировнинг соясида юришни жиним суймайди.  
– Начора, – деди Ретана.

У олдидаги қоғозларга эгилди. Бу, гап тамом дегани бўлиб, бурунги кечмишларни эслатган Мануэлга бир лаҳзалик ачиниш Ретанани энди тарк этган эди. У Чавесни Мануэлга алмаштириши қийин эмас, қайтага бирмунча арзонга тушади. Бироқ бундан ҳам камхаржроғини топиши мумкин. Шундай бўлса-да, у Мануэлга ёрдам бергиси келди. Майли, эр-тага майдонга чиқа қолсин. Буни энди ўзи ҳал қилади.

– Қанча берасан ўзи? – деб сўради Мануэль. У Ретананинг таклифини рад қиламан деган ўй билан ҳали-ҳамон ўзига таскин бермоқда, лекин кўнмай иложи йўқлигини сезиб турар эди.

– Икки юз эллик песета, – деб жавоб қилди Ретана. У беш юз бермоқчи эди, бироқ лабини жуфтлаши билан беихтиёр “икки юз эллик” чиқиб кетди.

– Виляльтага етти минг берасан, – деди Мануэль.

– Сен Виляльта эмассан-да! – деди Ретана.

– Биламан, – деди Мануэль.

– У одам йиға олади, Маноло, – деб изоҳлаган бўлди Ретана.

– Тўғри, – деди Мануэль ўрnidан туриб. – Уч юз бер, Ретана.

– Майли, – дея кўнган Ретана стол тортмасидан бир варақ қоғоз олди.

– Эллигини ҳозир олсам бўладими? – деб сўради Мануэль.

– Марҳамат, – деди Ретана. У ҳаменидан эллик песеталик чиқариб столга қўйди.

Мануэль пулни олиб чўнтагига тикди.

– Куадрильяни\* нима қиламиз? – деб сўради.

– Оқшомлари ишлайдиган йигитларим бор. Бинойи болалар.

– Пикадорлар-чи?\*

– Пикадорларга ишониш қийинроқ, – деб тан олди Ретана.

– Менга ақалли битта яхши пикадор керак, – деди Мануэль.

– Ўзинг изла, – деди Ретана. – Топу ёлла.

– Фақат берган пулинг ҳисобидан эмас, – деб эътироз билдирди Мануэль. – Ордона қолсин, олган арзимас песетамдан пикадорнинг ҳақини беролмайман-ку.

Ретана жавоб қилмади, фақат стол ортидан Мануэлга тикилди.

– Ўзинг биласан, менга ҳеч бўлмаганда битта яхши пикадор керак, – дея такрор арзи ҳол қилди Мануэль.

Ретана миқ этмас, Мануэлга гўё узоқ-узоқлардан қараб турар эди.

– Бу ишимиз хом, – деди Мануэль.

Ретана курси суянчиғига гавдасини ташлаганча ҳамон унга разм солар, хаёли олисларда кезиб юрганга ўхшар эди.

\* Куадрилья – буқа жангида матадорга ёрдамлашувчилар жамоаси.

\* Пикадор – найза билан буқани жангга ундовчи чавандоз.



– Ўзимизнинг пикадорлар бор, – деди у.

– Биламан, – деди Мануэль, – сенинг пикадорларингни яхши биламан.

Ретананинг юзидаги бир тук ҳам қимирламади. Мануэль гапни чўзиш фойдасизлигини тушунди.

– Менга қолса, жанг ҳалол бўлсин, – деди секин Мануэль. – Ўртага чиққанимда токи ҳўкизга яқинлашиб борай. Бор-йўғи битта яхши пикадор бўлса бас.

У хаёли бошқа жойларда кезиб юрган одамга гапирмоқда эди.

– Яна бирон нарса керак бўлса, – деди Ретана, – ўзинг топ. Бизнинг квадрилья ёрдам беради. Ўзинг топган пикадорларни олиб келавер. Неча киши бўлсаям. Масхарабозлар ўйини ўну ўттизда тугайди.

– Начора, – деди Мануэль. – Бошқа илож йўқ. Тўғрими?

– Ҳа, – деди Ретана.

– Омон бўл, – деди Мануэль.

– Мени ўша ердан топасан, – деди Ретана.

Мануэль жомадонини олиб ташқарилади.

– Эшикни қаттиқроқ ёпиб кет! – деб бақирди Ретана.

Мануэль ортига бурилди. Ретана столга ўмган ташлаганча қоғозларига шўнғиган эди. Мануэль эшикни зич ёпгач, қулфнинг ширқ этгани эшитилди.

У зинадан пастга тушиб, йўлакдан қуёш батамом забтига олган кўчага чиқди. Жазирама, қуёшнинг оппоқ бинолардаги жилваси кўзни қамаштиради. У қия кўчанинг соя томонига ўтиб, Пуэрта-дель-Соль томон юрди. Соя қуюқ ва оқар сувнинг бўйидагидек салқин. Бироқ кўндаланг кўчаларни кесиб ўтаётганда юзга жазирама тафти беаёв урилади. Учраган одамлар орасида биронта таниши кўринмади.

Пуэрта-дель-Солга етай деганда қаҳвахонага кирди.

Девор тагидаги столлар атрофида ўтирган бир неча мижозни айт-маса, қаҳвахона деярли бўм-бўш. Давра тиккан тўрт мижоз қимор ўйин билан банд. Қолганлари деворга суянганча тамаки бурқситиб ўтирибди. Олдиларида бўш қадаҳ ва қаҳваси ичилган финжонлар. Мануэль узун толордан ўтиб, орқа тарафдаги хужрага кирди. Бурчакда стол бошида ўтирган одам пинакка кетган. Мануэль бўш стол четига чўкди.

Мулозим кириб, Мануэлнинг тепасига келди.

– Мабодо Суритога кўзингиз тушмадимиз? – деб сўради ундан Мануэль.

– Эрталаб кўргандек бўлувдим, – деди официант. – Энди бешлар атрофида келади.

– Менга сутли қаҳва билан бир қултум коньяк беринг, – деди Мануэль.

Мулозим чап қўлида бир шиша коньяк, қаҳва қуйиладиган каттакон бордоқ ва қадаҳ қўйилган патнис билан қайтди. Патнисни қўлида бир

айлантириб ҳаммасини бирийўла столга қўйди. Унинг ортидан келган болакай дастаси узун чиройли қаҳвадондан бордоққа қаҳва ва сут қўйди.

Мануэль шляпасини ечди ва мулозим унинг матадорча кокилини кўрди. Официант қаҳва тўла бордоқ ёнидаги қадаҳчага коньяк қуяр экан, болакайга кўз қисиб қўйди. Бола Мануэлнинг рангпар юзига ажабланиб тикилди.

– Худо хоҳласа, майдонга чиқар экансиз-да? – деб сўради шишани ёпаркан официант.

– Ҳа, – деди Мануэль. – Эртага.

Шишани сонига тираб турган мулозимнинг мижоз олдидан кетгиси йўқдек эди.

– Масхарабозлар биланми? – деб сўради у. Бола ишшайганча юзини бурди.

– Йўқ, кейин.

– Мен Чавес билан Эрнандес чиқади деб ўйлабман, – деди официант.

– Йўқ. Мен билан яна бирови.

– Ким? Чавесми ё Эрнандесми?

– Эрнандес бўлса керак.

– Чавесга нима бўлган?

– Яраланган.

– Ким айтди?

– Ретана.

– Ҳой, Луис! – деб бақирди у қўшни хонага қараб. – Чавес яраланибди.

Мануэль оққанд қоғозини очиб, иккала чақмоғини ҳам стаканга ташлади. Қаҳвага аралаштириб, хўплади. Ширин ва қайноқ қаҳва оч қорнига хузур бағишлади. Сўнг коньякни ичди.

– Яна битта қуйинг, – деди у официантга.

Мулозим қопқоқни очиб, тақсимчага сачратганча қадаҳни лиммо-лим қилди. Дастурхон теграсида иккинчи официант пайдо бўлди. Бола кетди.

– Нима, Чавес қаттиқ жароҳат олибдими? – деб сўради иккинчи мулозим.

– Билмадим, – деди Мануэль. – Ретана очигини айтмади.

– Ретана деганинг ҳаммага тупурган, – деб гапга қўшилди новча официант. Мануэль унинг келганини пайқамабди. Энди пайдо бўлди, шекилли.

– Бизда шунақа: Ретана қўлласа, омадинг юришгани, – деди новча официант. – Қўлламаса, мозорга бориб ўзингга гўр қазавер.



- Тўғри, – деб қўшимча қилди иккинчи официант. – Тўппа-тўғри.  
– Нотўғри деб ҳам кўр-чи, – деди новча мулозим. – Мен унинг қанақа махлуқ эканини жуда яхши биламан.  
– Виляльтани қандай қўллаганини кўринг, – деди биринчи официант.  
– Фақат ўшаними, – деди новчаси. – Марсьяла Лаланд-чи! Насиональ-чи!  
– Тўғри, тўғри, – деб тасдиқлади пакана официант.

Мулозимлар Мануэлнинг столи ёнида қизғин гапга тушиб кетган, у эса жим ўтирарди. Мануэль иккинчи қадахни ҳам бўшатди. Хизматчилар гўё Мануэлни унутган эди.

– Ҳаммаси бир сурув молга ўхшайди, – деб давом этди новча. – Иккинчи Насионални ҳам кўрганмисизлар?

– Мен кўрганман, – деди биринчи официант. – Ўтган ҳафта.

– Жирафанинг қуйиб қўйган ўзи, – деди паканаси.

– Айтдим-ку, – деди новча официант. – Ҳаммаси Ретананинг арзандалари.

– Менга қаранглар, яна бир қултум коньяк беринглар, – деди Мануэль.

Мулозимлар гап талашар экан, у тақсимчага тўкилган коньякни қадахга қуйди-да ичиб юборди.

Биринчи официант Мануэлга қарамасдан қадахни тўлдирди. Учала мулозим гап сотганча хонани тарк этди.

Нариги бурчақдаги одам ҳар нафас олганда енгил хуррак отганча ҳамон бошини деворга суяб ухларди.

Мануэль коньякни сипқорди. Уни ҳам уйқу элита бошлаган эди. Қўчага чиқадиган пайт эмас, қуёш олов пуркаб турибди. Чиқиб ҳам нима қиларди? Суритони топиш керак. У келгунча бир оз мизғиб олиш мумкин. Мануэль стол тагидаги жомадонини оёғи билан туртиб, жойида турганига ишонч ҳосил қилди. Энгашиб уни яқинроғига сургач, бошини столга қўйдию пинакка кетди.

Уйғонганида рўпарасида бир одам ўтирарди. Барваста, кенг юзли, ҳиндулардек буғдойранг, миқти одам. Унинг бу ерда ўтирганига анча бўлди. Қўли билан официантга, бизни безовта қилма, деб ишора этгач, столга бошини қўйиб ухлаётган Мануэлга унда-бунда кўз қирини ташлаганча газета мутолаасига берилди. Лабларини минг азобда жуфтлаб, ҳижжалаб ўқиркан, нафасини ростлаш учун газетадан нигоҳини узиб, ухлаётган одамга қараб соябони кенг қора шляпасини пешонасига туширганча қилт этмай савлат тўкиб ўтирарди.

Мануэль бошини кўтариб унга қаради.

– Бормисан, Сурито? – деди у.

- Ўзинг қалайсан, болакай? – деди миқти одам.
- Кўзим кетиб қопти. – Мануэль мушти билан пешонасини артди.
- Ҳа, ухлаётган экансан.
- Ишлар қалай?
- Дуруст. Ўзингдан сўрасак?
- Бирнави.

Жим қолдилар. Пикадор Сурито Мануэлнинг қони қочган юзларига разм солди. Мануэль пикадорнинг газетани чўнтагига солиш учун тахлаётган бақувват қўлларига қаради.

- Бир илтимосим бор, Манос, – деди Мануэль.

“Маносдурос” Суритонинг лақаби эди. Ҳар гал бу сўзни эшитганида Сурито ўзининг гурзидек қўлларини кўз олдига келтиради. Ҳозир ҳам хижолат тортгандай қўлларини стол устига қўйди.

- Кел, олдин озгина ичайлик, – деди у.
- Майли, – деди Мануэль.

Официант уларнинг ёнига келди, сўнг чиқиб кетди ва яна қайтиб кирди. Кетар чоғи стол атрофида ўтирган Мануэль билан Суритога бурилиб қаради.

- Нима гаплар, Маноло? – деди Сурито қадаҳни столга қўйиб.

– Эртага кечқурун иккаламиз бирга иш қилсак деган эдим. Майлими? – деб сўради Мануэль Суритога тикилар экан.

– Йў-ўқ, – деди Сурито. – Иш-пишни аллақачон йиғиштирганман. Бизнинг бозор ўтиб бўлди.

Мануэль олдидаги қадаҳга қаради. У шундай жавобни кутган эди. Кутганидек бўлиб чиқди. Начора.

– Кўнглингга олма, Маноло, лекин мен аллақачон ўйиндан чиққанман. – Сурито ўзининг қўлига қаради.

- Начора, – деди Мануэль.
- Шартим кетиб, партим қолди, – деди Сурито.
- Айтдим-қўйдим-да, – деди Мануэль.
- Томоша эртага кечқурунми?

– Ҳа. Мен ишончли пикадор бўлса, эплейман деб ўйлаган эдим.

– Қанча беришмоқчи?

– Уч юз песета.

– Менинг ўзим бундан кўпроқ оламан-ку.

– Биламан, – деди Мануэль. – Сендан илтимос қилишгаям ҳаддим сиғмайди.

– Шу ҳунарингни ташласанг бўларди, – деди Сурито. – Колетанга\* қайчи уриш вақти келмадими, Маноло?

\* Колета – матадор кокили.

- Билмадим, – деди Мануэль.
- Сен мендан сал ёшроқсан, холос, – деди Сурито.
- Қайдам, – деди Мануэль. – Ташлашга қурбим етмаяпти. Имкон берилса бўлгани. Менга бошқаси керакмас. Даврага чиқмасам яшаёлмайман, Манос!
- Йўқ, яшайсан.
- Йўқ, қўлимдан келмайди. Қанча уриндим.
- Биламан, осонмас. Лекин бу юришнинг охири вой. Ҳамма нарса-нинг вақти-соати бор ахир!
- Курашни ташлаш қўлимдан келмаяпти. Иннайкейин, сўнги пайтда тобим ҳам жойида.
- Сурито унинг рафторига қаради.
- Сени касалхонага олиб кетишган эди.
- Лекин унғача отдай эдим.
- Сурито индамади. Тақсимчасига сачраган коньякни қадаҳига қуйди.
- Газеталар ўша курашни кўз кўриб қулоқ эшитмаган деб таърифлаган эди, – деди Мануэль.
- Сурито лом-мим демай унга қараб қолди.
- Биласан-ку, соғлиғим жойида бўлса, аямай ташлашаман, – деди Мануэль.
- Ёшинг ўтиб қолди, – деди пикадор.
- Қўйсанг-чи, – деди Мануэль. – Сен мендан ўн ёш каттасан.
- Менинг йўриғим бошқа.
- Ҳали жуда қартайиб қолганимча йўқ, – деди Мануэль.
- Улар жим қолишди. Мануэль пикадорнинг юзидан кўз узмасди.
- Ўшанда менинг куч-ғайратим жойида эди. Сен, афсуски, томошага келмадинг, Манос, – деди ўпқаланиб Мануэль.
- Сени майдонда кўргани юрагим бетламайди, – деди Сурито. – Асабларим дош бермайди.
- Охирги жанглариمنى кўрмадинг-да.
- Лекин аввалгиларини кўрганман.
- Сурито Мануэлнинг нигоҳидан кўзларини олиб қочар экан, унга қаради.
- Мени десанг, шу ҳунарингни ташла, Маноло.
- Ҳеч иложим йўқ, – деди Мануэль. – Ишон, менинг ҳозир тобим жойида.
- Сурито олдинга энгашиб, қўлларини столга қўйди.
- Майли, эртага сен билан ишлаганим бўлсин. Аммо жанг ўхшамаса, ташлайсан. Хўпми? Шунга розимисан?
- Розиман.
- Сурито енгил нафас олиб, ўзини курси суянчиғига ташлади.

– Бу хунарни йиғиштириш вақти келди, – деди у. – Майнавозчиликдан наф йўқ. Колетангга қайчи ур.

– Йўқ, – деди Мануэль. – Насиб этса, ҳали ўзимни кўрсатаман.

Сурито ўрнидан турди. Тортишув уни чарчатган эди.

– Ташлайдиган вақтинг келди, – деди у яна. – Кокилингни ўзим қайчилайман.

– Йўқ, бундай қилолмайсан, – деди Мануэль. – Кўзинг қиймайди.

Сурито официантни чақирди.

– Кетдик, – деди Сурито. – Меникига борамиз.

Мануэль стол остидан жомадонини олди. Оғзи қулоғида эди. Сурито унинг пикадори бўлади. Бу дунёда Суритодан зўр пикадор борми? Қолгани ҳолва.

– Кетдик бизникига, бирга тушлик қиламиз, – деди Сурито.

Мануэль патио де кавальосда\* турганча масхарабозлар ўйини тугашини кутди. Сурито унинг ёнида. Сайисхона қоронғи. Майдонга очиладиган бесўнақай дарвозалар ёпиқ. Тепадан гоҳ сокин кулги, гоҳ деворларни ларзага келтируви қаҳқаҳа эшитилади. Сўнг жимлик чўқади. Мануэль отхона ҳидини яхши кўрарди. Арена томондан яна қаҳқаҳа, сўнг чапак, гуррос қарсақлар овози келиб турибди.

– Сен масхарабозларни ҳеч кўрганмисан? – деб сўради қоронғиликда Мануэлнинг ёнида ғоят баҳайбат кўринган Сурито.

– Йўқ, – деди Мануэль.

– Кулавериб ичагинг узилади, – деди Сурито ва ўзича жилмайиб қўйди.

Зич ёпилган икки табақали баланд дарвоза очилгач, Мануэль ёйсимон фонарларнинг ёрқин нурларига чўмган арена ва юқорилаб кетган қоронғи амфитеатрни кўрди; майдончанинг четида томошабинларга таъзим бажо келтирганча дайдилар кийимидаги икки одам югуриб юрар, улар ортидан эса заррин уқали либос кийган учинчи киши қум устига ташланган шляпа ва ҳассаларни йиғиб олар ва қайтариб яна қоронғилик сари отар эди.

Патиода электр чироқ ёнди.

– Сен шерикларингни йиққунингча мен бориб ўзимга от танлаб тураман, – деди Сурито.

Унинг ортидан маҳв этилган буқани олиб чиқиб кетиш учун арена томон йўл олган қўшхачирли арава филдирагининг ғийқиллагани эшитилди.

Масхарабозлар чиқишини тўсиқлар ўртасида ва биринчи қатор йўлагиде томоша қил-



\* Патио де кавальос – ички ҳовли.

ган куадрилья аъзолари гап сотганча патиога кирди ва фонус остида тўхтади. Кумуш аралаш заррин либосли хушрўй йигитча Мануэлнинг олдига келди.

– Мен Эрнандесман, – деди жилмайганча ва қўлини узатди.

Мануэль кўришди.

– Бугун бизни ҳақиқий филлар томошаси кутмоқда, – деди йигитча димоғчоқлик билан.

– Ҳа, – деб бош ирғади Мануэль. – Жониворлар филдан қолишмайди. Шохи ҳам ҳазилакам эмас.

– Чекингизга тушганлари янаям даҳшатли, – деди йигитча.

– Ҳечқиси йўқ, – деди Мануэль. – Буқа қанча катта бўлса, авомнинг ошиғи шунча олчи – кўпроқ гўшт тегади.

– Бу кимнинг гапи? – деб ўсмоқчилади Эрнандес.

– Эскидан қолган гап, – деди Мануэль. – Куадрильянгни сафла. Ёрдамчиларимни бир қур кўришим керак.

– Йигитларнинг гули йиғилган, – деди Эрнандес.

Унинг кайфи чоқ. Учинчи марта майдонга чиқиши. Шунга қарамай Мадридда мухлис орттириб улгурган. Йигитча бир неча дақиқадан сўнг жанг бошланишидан ҳаяжонда.

– Пикадорлар қани? – деб сўради Мануэль.

– От танлашяпти. Энг сара арғумоқ кимга тушишини талашиб, ёқавайрон бўлишаётир, – деб тиржайиб кўйди Эрнандес.

Ҳачирлар қарсиллаган қамчи ва қўнғироқлар садоси остида чопганча дарвозадан чиқиб кетди. Жон таслим қилган буқанинг ортидан кум шудгор бўлиб қолди.

Хўкизни олиб чиқиб кетишгач, ҳамма саҳна сари саф тортди.

Олдинда – Мануэль билан Эрнандес. Уларнинг ортида – оғир плаш-ни билагига ташлаб олган куадрилья аъзолари. Охирида – тулпор минган тўрт пикадор, нимқоронғи сайисхонада осмонга қаратилган найзаларининг пўлат учлари ялтирайди.

– Ретанани айтаман, одам ҳам шунча қурумсоқ бўладими, чироқнинг хиралигидан отларниям тузук-қуруқ кўролмайсан киши, – деди пикадорлардан бири.

– Қирчанғиларини кўрсатишдан ўзига наф йўқлигини яхши билади, – деб жавоб қилди бошқаси.

– Остимдаги манави рамақижон аранг оёқда турганини айтмайсанми, – деди биринчи пикадор.

– Нима бўлганда ҳам от-да.

– Отга ўхшамай кетсин.

Улар қоронғида қоқсуяк отлар устида ўтирганча жаврашарди.

Суритодан садо йўқ. Унинг якка-ёлғиз, ишонган тулпори бор. Уни

майдонда синаб кўришга улгурган, жиловга ҳам, ниқташга ҳам бўйни бўш. Сурито бедовининг ўнг кўзидаги боғични ечиб, қулоқлари калласига тортиб боғланган чилвирини кесиб ташлади. Оёқлари ҳам, ўзи ҳам бақувват, дуруст тулпор эди. Суритога шунинг ўзи етарли. Бундай отда жанг охиригача бемалол туриб берса бўлади. У қалин жабдуқ солинган эгарда ўтирганча хира фонус остида майдонга чиқишни кутар экан, бўлажак жангни бошдан охиригача хаёлидан ўтказди. Икки ёнидаги пикадорларнинг ҳамон чакаги ўчмас, бироқ уларнинг гапи Суритонинг қулоғига кирмас эди.

Иккала матадор плашини чап қўлида ушлаганча ўз куадрильяси билан саф бошида ёнма-ён турарди. Мануэлнинг фикр-ёди ортидаги уч йигитчада. Учаласи ҳам Эрнандес каби мадридлик, ўн тўққиз ёшга тўлиб-тўлмаган. Улардан бири – оғир-вазмин, қорамағиз лўли Мануэлга маъқул бўлди. Ортига ўгирилди.

– Отинг нима? – деб сўради лўлидан.

– Фуентес, – деб жавоб қилди лўли.

– Яхши исм, – деди Мануэль.

Лўли оппоқ тишларини кўрсатиб кулди.

– Хўкиз чиқиши билан йўриғинга сол-да, бир оз чоптир, – деди Мануэль.

– Хўп бўлади, – деди лўли ва жиддий тортиб, майдонда қиладиган ҳаракатларини кўз олдига келтиришга уринди.

– Бошланяпти, – деди Мануэль Эрнандесга.

– Унда олға!

Қоматлари ғоз, тебранишлари мусиқа оҳангига мос, ўнг қўлларини силкитганча сап-сарик қумни бир-бир босиб ёйсимон фонуслар остида майдонга чиқдилар; уларнинг ортидан куадрилья жилди, сўнг от минган пикадорлар, ҳаммадан кейин мулозимлару шалдираган аравасини тортган хачирлар. Майдончани айланиб ўтар экан, оломон Эрнандесни чапаклар билан олқишлади. Улар мусиқа оҳангига тебранганча, нигоҳлари олдинда – мағрур юриб борардилар.

Президентга таъзим бажо келтирилгач, тантанали юриш иштирокчилари ўз жойини эгаллади. Матадорлар тўсиқ ёнига келиб, зил-замбил ридоларини енгил плашга алмаштирдилар. Хачирлар майдонни тарк этди. Пикадорлар отини енгил йўрттирганча аренани айланиб чиққач, иккитаси ортига – дарвоза томонга йўл олди. Мулозимлар қумни текислашга тушди.

Мануэль Ретананинг дастёрларидан бири узатган жомдаги сувни ичди. Дастёрлар Мануэлга ёрдам бериб, шамшир узатиб туриши лозим.

Эрнандес ўз ёрдамчиси билан гаплашиб олгач, Мануэлнинг ёнига келди.



– Сени хушнуд қарши олишди, укам, – деди Мануэль.

– Мени яхши кўришади, – деб мамнун жилмайди Эрнандес.

– Бошланиши бинойими? – деб сўради Мануэль Ретананинг дастёридан.

– Байрамлардагидек тантанавор, – деб жавоб қилди у. – Гап йўқ. Иккалангизнинг чиқишингиз Хоселито билан Бельмонтеникидан ҳеч қолишмайди.

Эгарда залворли ҳайкалдек қотиб ўтирган Сурито улар ёнидан от суриб ўтди. Тулпорининг бошини буқа чиқиб келадиган қўра томонга бурди. Ёйсимон фонуслар ёруғида майдон ғалати кўринади. У жазирама қуёш тиғида катта пул эвазига ишлашга ўрганган. Фонуслар ёруғидаги бу ғалва эса унга ёқмаётган эди. Тезроқ бошлана қолсайди.

Мануэль унинг ёнига келди.

– Бўш келма, Манос, – деди у. – Кўзининг ўтини шундай олки, менинг жиғимга теголмасин.

– Олганим бўлсин, укажон. – Сурито кум устига тупурди. – Ҳали кўрасан, олдингда рақсга тушиб кетади.

– Боплаб адабини бер, Манос, – деди Мануэль.

– Кўнглинг тўқ бўлсин, – деди Сурито. – Яна нимани кутяпмиз?

– Ана, қораси кўринди, – деди Мануэль.

Оёқларини узангига қаттиқ тираган Сурито отининг биқинини чарм карсонпўшли тиззалари билан маҳкам қисган кўйи чап қўли билан жиловни ушлаб, ўнгида узун найзани тутганча, кўзларини фонар ёруғидан яшириш учун соябони кенг шляпасини қошигача тушириб, олис кўранинг эшигига тикилиб турарди. Тулпорнинг қулоқлари динг тортди. Сурито чап қўли билан унинг ёлини силади.

Кўранинг қизил эшиги ланг очилди ва Сурито майдоннинг нариги бурчидаги кимсасиз узун йўлакка бир зум тикилиб қолди. Кейин буқа йўлақдан ёйсимон фонуслар ёруғида майдонга отилиб чиқаркан, бирдан сирпаниб кетиб, тўртала оёғида аранг тираниб тўхтади. Зимистон молхонадан қутулганига қувонган ҳўкиз кенг керилган бурнидан чиқаётган пишқириқни ҳисобга олмаганда, секин-аста шаталоқ ота кетди.

Биринчи қаторда бетон тўсиқ устидаги дафтарига ўмган ташлаганча “Эль Эральдо”нинг жамоатчи мухбири ҳафсаласиз ва пала-партиш ёзишга тушди: “Негро деган буқа, туси қора, рақами 42, жуда сузонғичлиги кўриниб турибди, соатига 90 миль тезликда югуриб чиқди...”

Тўсиққа тирсагини қўйганча ҳўкизни кузатиб турган Мануэль қўлини силтади ва лўли плашини судраганча олдинга қараб югурди. Ўйноқлаб бораётган буқа кескин бурилдию калласини ерга эгиб, думини гажак қилганча алвон плашга ташланди. Лўли қочиб-писиб ҳаракат қиларди.

Унга кўзи тушган буқа плашни унутиб одамга ташланди. Лўли қизил тўсиққача югуриб бориб, ундан сакраб ўтди. Жониворнинг шохлари ёғоч тўсиққа урилди. Ёғочни алам билан сузар экан, тўсиқ қаттиқ тарақлаб кетди.

“Эль Эральдо” мухбири тамаки тутатиб, гугурт чўпини майдонга отди ва дафтарига қўл узатди: “Йирик шохлари серпул мухлисларнинг ҳам инжиқ кўнглини овлайдиган даражада бақувват Негро матадорлар ўз мулкига дахл қилмоқчи бўлаётганини сезди”.

Буқа шохи билан тўсиққа бориб урилганда Мануэль оёқости бўлиб кетган қумлоққа чиқди. Кўзининг қири билан чап томонда – тўсиқнинг ёнгинасида ярим ҳалқача нарида оқ тулпор минган Суритони кўрди. Мануэль плашнинг қатларини икки қўли билан ушлаганча олдига ёйди ва буқани чорлашга тушди: “Қани, кел! Жонивор, кел!” Буқа ортига бурилди ва гўё тўсиққа таяниб сакрагандай плашга ташланди; Мануэль ёнига бир қадам қўйди ва буқанинг шундоққина шохлари олдида плашни силкитганча атрофида гир айлантирди. Плаш бир айланиб олгач, Мануэль матони кўксига босганча ҳўкизнинг қаршисида турди. Буқа яна ташланган эди, тагин бир айлантириб олди. Ҳар айлантирганда оломон хайрихоҳлик билан ҳайқиарди.

У плашни шамол шиширган елкан каби ўйнатиб, буқани тўрт марта гир айлантирди ва ҳар гал уни ўзига янгидан ташланишга мажбур қилди. Бешинчи бурилишдан кейин плашнинг дастасини сонига босиб, эпчиллик билан шундай айлантирдик, мато раққосанинг этагидек гумбаз шаклига кирди ва ҳўкиз арқонлаб қўйилгандай матадорнинг атрофидан гир югуриб ўтди; кейин Мануэль бақувват оёқлари қумда собит турган оқ тулпордаги Сурито билан буқани бақамти қолдириб, ўзи чекинди; от ҳўкизга қаради, кулоқлари динг бўлиб, лаблари титради; Сурито шляпасини кўзигача тушириб отини олдинга ниқтади, унинг ярим букилган ўнг тирсаги остидан пўлат тиғи буқага хезланган узун найза кўриниб турарди.

“Эль Эральдо” мухбири сигаретини тортганча буқани кузатар экан, яна ёзишга тушди: “Ўз ишининг устаси Маноло бир қур анча мақбул, эпчил ҳаракатлар кўрсатиб Бельмонте услубида ўйин намойиш қилгач, соҳа билимдонларининг олқишларига сазовор бўлди ва томоша навбати чавандозлар от сурадиган майдончага кўчди”.

Эгарда ўтирган Сурито буқа билан найзанинг учи ўртасидаги масофани чамалар эди. Ҳўкиз нафасини ростлаб олгач, тулпорнинг тўшини мўлжаллаб ҳамлага ўтди. Тулпорнинг абжағини чиқармоққа шайланиб калласини ерга эгган маҳал Сурито тиғи ўткир найзасини буқанинг кураклари устида дўмпайиб турган сергўшт пайига санчди. Бор кучи билан найза дастасини босиб, арғумоғини орқа оёғида турғизар экан, жониворни жон-жаҳди ила ўнгга сурди. Буқа бир зум орқага тисарилди. От бутун

гавдаси титраганча олд оёқларини даст кўтарди, буқа думи билан унинг ўмовини савалашдан тўхтаб, Эрнандес ёйган плаш томон ташланди.

Эрнандес ёнлаб қочар экан, буқани плаш ортидан иккинчи пикадор томонга бошлади. Плашни бир силкиб, буқани иккинчи чавандознинг шундоқ олдида тўхтатди ва ўзи ортга чекинди. Отни кўрган хўкиз энди суворийга ташланди. Пикадорнинг найзаси хўкизнинг елкасидан сирғаниб ўтди ва буқа шохи билан отни озод кўтарганда эгардан учиб кетишига сал қолган чавандоз ўнг оёғини узангидан чиқариб, ўзини арғумоғининг панасига олди ва гавдасини чапга ташлади. Шох устида типирчилаётган ва қорни ёрилган тулпор гурсиллаб ерга ағдарилгач, хўкиз уни аёвсиз сузишга тушди. Пикадор эса этиги билан типирчилаётган тулпорига таяниб четроққа сурилгач, ўзини нари олиб кетишлари ва қутқаришларини кутиб ҳолсиз ётарди.

Мануэль ағдарилган бедов устига чиқиб олиб шохига эрк бераётган хўкизга халал бергиси келмади; шошадиган жойи йўқ, ерга чалпақдек тушган пикадорнинг юраги ваҳимадан ёрилмаса ҳам бўлади; бир ҳисобда асабийлашгани ҳам дуруст, бундай кўргилик ношудроқ пикадорга яхши сабоқ. Кейинги гал эгарда сал хаёлини йиғиб, маҳкамроқ ўтиради. Пикадорингдан ўргилдим! Шундайларга кунинг қолмасин. Тўсиқдан икки одим берида бедовида шай турган Суритога қаради.

– Ма, жонивор, ма! Тумор! – деб ҳайқирди Мануэль буқани ўзига қаратиш учун ва плашни қўллари билан кенг ёйиб унга кўз-кўз қилди. Хўкиз отни ташлаб, плашга қараб хезланди. Мануэль плашни кенг ёйганча четга қараб югурди, бирдан тўхтаб кескин бурилди ва буқани Суритога рўбарў қилиб қўйди.

“Росинантнинг ўлими учун Негро тавбасига таяниши керак, Эрнандес билан Манол шу мақсадда нафис усулларини ишга солди, – деб ёзарди “Эль Эральдо” мухбири. – У пўлат тиғ ҳамласига чап берар экан, отларга унчалик ҳам тоби йўқлигини яна бир бор кўрсатиб қўйди. Устаси фаранг Сурито найзани қўлида ўйинчоқдай ўйнатиб, хусусан, суэртэни\* қиёмига етказиб бажарди ва ўз маҳоратини намойиш қилди”.

– Балли! Балли! – деб бақирди унинг ёнида ўтирган киши. Ҳайқирқни оломон илиб олди ва томошагоҳ гувиллаб кетди. Ёнидаги одам мухбирнинг елкасига қоқди. Мухбир дафтарида кўзини узди ва шундоққина пастда узангига оёғини тираганча бедовининг боши узра энгашиб буқанинг сергўшт сағрисига найза санчаётган Суритони кўрди. У қўлтиғидан бор бўйи билан қия чиқиб турган найзанинг қарийб пойнагидан ушлаганча, бутун кучини билагига бериб хўкизни тўхтатишга ҳаракат қилар, жонивор эса жон-жаҳди билан отга хезланар, гавдасини

\* Суэртэ – жанг усулларидан бири, омад деган маъноси ҳам бор.

бутунлай олдинга ташлаган Сурито хўкизни жойига михлаб кўйган кўйи бедови хатардан холи бўлгунча уни секин-аста четга олмоқда эди. Тулпори шохнинг таҳдидидан халос бўлиши биланоқ хўкизни исканжадан бўшатди ва жонивор қочисга тушди. Найзанинг уч қиррали тиғи буқанинг икки кураги ўртасидаги бўртиқни тилкалаб ташлади; Эрнандеснинг қаршисида пайдо бўлган хўкиз энди плашга ташланди ва йигитча уни майдон ўртасига бошлаб кетди.

Сурито бедовини силаб-сийпалаб тинчлантирар экан, фонуслар ёруғи ва оломоннинг қийқириқлари остида Эрнандес силкитган матога буқа қандай ташланаётганига кўзи тушди.

– Кўрдингми? – деб сўради Сурито Мануэлдан.

– Қойил, – дея жавоб қилди Мануэль.

– Адабини бердим, – деди Сурито. – Ана, томоша қил.

Буқа тумшуғида силкиниб турган плашга ташланар экан, бехосдан чўккалаб қолди ва жон ҳолатда яна сапчиб оёққа турди, шунда Мануэль ва Сурито бутун майдон оша хўкизнинг қоп-қора курагидан тирқираётган қуюқ ва ялтироқ қонни кўрди.

– Адабини бердим, – деди яна Сурито.

– Яхши хўкиз экан, жонивор, – деди Мануэль.

– Яна бир урсам, ўлдириб кўяқолардим.

– Энди учинчи давра бошланади, – деди Мануэль.

– Ана, қара, томоша қил, – деди яна Сурито.

– Энди менинг галим, – деди Мануэль ва майдоннинг яна бир пикадор пайдо бўлган нариги бурчига қараб югурди. Хизматчилар отнинг жиловидан ушлаб, оёқларига қамчи туширар экан, уни хўкизга яқинроқ олиб боришга ҳаракат қилар, новвос эса туёқлари билан ерни омонат тирнаганча калласини қуйи солиб турарди.

Сурито жиловни бўшатди ва тулпори жойидан қўзғалди. Яқинроқ бориб жангни хўмрайганча томоша қила бошлади.

Ниҳоят, буқа олдинга ташланди, хизматчилар ўзини тўсиққа томон урди, пикадор нишонга теккиза олмади ва хўкиз отнинг қорнидан илиб сағринига ташлади.

Сурито икир-чикиригача назаридан қочирмай кузатиб турибди: мана, қизил камзулли хизматчилар югуриб келиб пикадорни судраб кетишди. Пикадор оёққа қалқди. Оғзидан боди кириб-шоди чиққанча қўлларини силкитишга тушди. Мануэль билан Эрнандес қўлларида плаш, шай туришибди. Баҳайбат қора буқа эса елкасига отни ортмоқлаган. Бедовнинг оёқлари шалвираб, жилови буқанинг шохига ўралиб қолган. Қора буқа елкасидаги отдан қутулмоқ пайида гандираклар, гоҳ калласини баланд силтаб, гоҳ ерга ташлар эди. Ниҳоят, юкни сағринидан итқитган хўкиз Мануэль ёзган плашга ташланди.



Мануэль буқанинг шашти сусайиб қолганини сезди. Жонивор ҳолдан тойиб борар, бутун гавдасидан қора қон сизиб турар эди.

Мануэль плашни яна унинг тумшуғига тутди. Ҳозир ташланади. Қутуриб кетган, қинидан чиқай деб турган кўзларини матодан узмайди. Мануэль четга чекиниб, қўлини баланд кўтарди ва вероника услубини қўллаш учун плашни буқанинг нақ тумшуғи олдига ёйди.

Энди у яна ҳўкизининг рўпарасида турарди. Ҳа, калласини сал эгди. Пастроқ бўлгани дуруст. Бу айнан Суритонинг иши.

Мануэль яна плашни силкипти; ҳозир ташланади; ёнига бир қадам ташлаб, яна бир бор вероника усулини қўллади. “Шохини ваҳимали кериб туришини қаранг, – деган ўй хаёлидан ўтди Мануэлнинг. – Бас, энди у сергак торти. Энди пайт пойлайди. Кўзини узмаяпти. Лекин мен ҳам бўш келмайман”.

У буқанинг тумшуғи олдида плашни силкипти; ҳозир ташланади; Мануэль ёнига бир қадам қўйди ва шартта ортига бурилди. Буқа шундоққина ёнгинасидан ўтди. Бунчалик яқин йўлатмаслик керак.

Плашнинг ҳўкиз баданини силаб ўтган жойи қон тегиб ҳўл бўлди.

Ҳечқиси йўқ, яна бир марта, охириги марта!

Мануэль буқага юзланиб бешинчи бор унинг тумшуғига плаш ёзди. Ҳўкиз руҳсиз кўзларини ундан узмай шох керганча пайт пойларди.

– О-ол! – деб ҳайқирди Мануэль. – Ташланмайсанми!

Ортига эгилиб плашни силкипти. Ҳозир ташланади. У ортига чекиниб тагин плашни силкипти ва буқа матонинг изидан чопганча унинг атрофини бир айланиб тўхтади, кейин эс-ҳушидан айрилгандай жойида қаққайиб қолди. Мануэль плашни ўнг қўлига йиғиб, ҳўкиз адои тамом бўлганини кўрсатиш учун унинг тумшуғи олдида силкипти ва нари кетди.

Ҳеч ким уни олқишламади.

Мануэль қумни бир-бир босганча тўсиқ томон юрди. Бу пайтда Сурито майдонни тарк этган эди. Мануэль буқани ўйнатаётган кезде хизматкорларни майдонга чорлаган бурғу овози янгради. Лекин бу садо унинг шуурига элас-элас етиб борди. Хизматкорлар ўлдирилган икки отнинг устига брезент ёпиб, атрофидаги қумга қипиқ сепмоқда эди.

Мануэль сув ичиш учун тўсиққа яқинлашди. Хизматчи унга оғир сопол кўзачани тутди.

Новча лўли Фуентес илгакли тиғлари ингичка, қизил чўплари жуфтланган бандерильяни\* ушлаганча шай турарди. У Мануэлга қаради.

– Бошлайвер! – деди Мануэль.

Лўли майдонга қараб югурди. Мануэль кўзани қўйиб юзини дастрўмол билан артди ва лўли томонга бурилди.

\* Бандерилья – илмоқли найза.

“Эль Эральдо” мухбири оёқлари ўртасида турган илиқ шампан шисасини олиш учун эгилди ва бир қултум ичгач, битигини тугатди: “Қариб-қартайиб қолган Манолонинг отамзамон қолипиди кўрсатган бир қур ҳунари томошабинларда рағбат уйғотмади, кейин дастурнинг навбатдаги саҳнаси бошланди”.

Буқа ҳамон бўм-бўш майдончада қотиб турибди. Новча, ҳали раъйи қайтмаган Фуентес ҳўкизга қараб дадил бораётир. Бағрини кенг очган, ҳар икки қўлида бармоқларининг учи билан ушлаган ингичка ўткир тигли қизил чўп. Фуентес тобора яқинлашиб бормоқда эди. Унинг ортида, сал четроқда эса квадрильянинг плаш кўтарган бошқа аъзоси. Буқа Фуентесни кўриб ўзига келди.

Жониворнинг кўзлари қаршисидаги лўлини ютиб юборай дерди. Йигит қаддини ростлаб, ҳўкизга қараб нимадир деб ҳайқирди. Бандерильяларни ўйнатди ва ялтираган пўлат тутқичлар буқани ўзига жалб қилди.

Буқа думини гажак қилиб олдинга отилди.

У кўзларини бақрайтирганча тўппа-тўғри Фуентесга ташланди. Фуентес бандерильяларини олдинга чўзиб кўкрагини керганча қилт этмай турарди. Ҳўкиз сузиш учун калласини туширган маҳал йигит елкасини орқароққа ташлади, қўллари боши узра қовушиб бандерильяларни қиялатди ва рақибига қарата отди. Фуентес найзаларни буқанинг курагига санчарди; йигит ҳўкиз шохидан хийла берида, диккайиб турган чўпларга таянганча, оёқларини маҳкам ёзиб ёнбошига сезилар-сезилмас эгилар экан, ҳамлаларга чап берарди.

– Балли! – дея ҳайқирди оломон.

Жазавага тушган буқа сувда сакраётган балиқдек ўйноқлади. У ҳар сакраганида елкасига қадалган найзаларнинг қизил дасталари ликиллаб кетарди.

Мануэль тўсиқ олдида турганча эътибор берди: буқа сузар экан, ўнг шохини олдинга чўзаётир.

– Унга айт, энди ўнг томонидан санчсин, – деди у Фуентесга бир жуфт янги бандерилья олиб бориб бериш учун югуриб кетаётган дастёрга.

Мануэлнинг елкасига кимдир оғир қўлини қўйди.

– Ишлар қалай, биродар? – деди Сурито.

Мануэль тилдан қолгандек буқанинг ҳаракатларини жим кузатар эди.

Сурито тўсиққа икки тирсагини қўйиб бутун гавдаси билан унга суянди. Мануэль у томон бурилди.

– Бугун завқинг баланд, – деди Сурито.

Мануэль бош чайқади. Кейинги даврагача унинг қиладиган иши қолмаган эди. Лўли бандерильяларни қийиб ташлаяпти. Буқани навбатдаги даврагача яхши тайёрлашади. Асов буқа. Ҳозиргача ўтгани –

майда-чуйда. Муҳими, энг охирида шамширни уриш, ишнинг ҳал бўлгани – шу. У ҳаяжондан анча йироқда, ҳатто бу ҳақда ўйлаётгани ҳам йўқ. Бироқ кўнгли ғаш. У тўсиқ олдида буқани кузатар, хаёлан кейинги даврага тайёргарлик кўриб, мулетни қандай ишга солиш, ҳўкизни ҳолдан тойдириб, попугини пасайтириб қўйишни ўйлар эди.

Лўли яна буқа томон юрди. Қадамлари шаҳдам, балга тушаётган раққосдек мағрур; бандерильяларнинг қизил чўплари унинг одим отишига мос тебранади. Ўзига келган буқа энди ундан кўзини узмай пайт пойлаётир. Эҳтимол, яқинроқ келишини ва бир ҳамлада уни ерга итқи-тиб биқинига шох тиқишни мўлжаллаётгандир.

Фуентес яқинлашиб келгач, ҳўкиз унга ташланди. Буқа бошини эгиши билан йигит товонлаганча ортига югурди; кейин бирдан тўхтаб, қўлларини чўзганча оёғининг учида яна олдинга юрди ва ўша заҳоти қутурган махлуқнинг шохларига чап бераркан, бандерильяларни унинг кураклари ўртасидаги ўрқачдек бақувват этига санчди.

Оломон уни қарсақларга кўмиб ташлади.

– Бу болани энди оқшомги томошалардан олишади, – деди Ретаннинг дастёри Суритога қараб.

– Қадам олиши дуруст, – деди Сурито.

– Э-е, қаранг, қаранг!

Фуентес майдонда тўсиққа орқа ўгириб турарди. Унинг ортида – тўсиқнинг нариги томонида ҳўкизни чалғитиш учун икки дастёр қўлида плаш билан шай.

Буқа тилини осилтириб биқинини авайлаганча лўлини кузатади. Энди қочиб қутулиб бўпсан, деб ўйлайди у. Фуентес бир ҳамлада етса бўладиган қизил тахта тўсиқ ёнида турибди. Буқа уни кўз узмай таъқиб қилаётир.

Лўли қаддини ростлади ва бандерильяларнинг тиғини олдинга, қўлларини эса ортига олди. У буқани жангга чорлади. Депсинди. Буқа шошилмасди. Балки яксон қилишни чамалаётгандир. Тиғ санчишлари жонга тегди.

Фуентес буқага яқинроқ борди. Қаддини ростлади. Яна забонсиз рақибини жангга чорлади. Оломон орасидан кимдир огоҳлантиргандек ҳайқирди.

– Оббо, жуда яқин борди, – деди Сурито.

– Қаранг, қаранг, – деди Ретаннинг дастёри.

Фуентес қаддини ғоз тутиб буқанинг жиғига тегиш учун найзаларни ўйнатди, кейин турган жойида баланд сакради. Лўли сакраши билан буқа думини гажак қилиб унга ташланди. Фуентес оёқ учида оҳиста ерга

\*Мулет – буқани чалғитиш учун ишлатиладиган мато.

тушди, хўкизнинг ўнг шохига чап бергач, қўлларини даст кўтариб, бандерильяларни бор кучи билан унинг сағрисига аямай санча бошлади.

Плаш осилган тахтани тақиллатаётганлар хўкизни чалғитди ва у жон аччиғида тўсиқни шохлади.

Лўли оломоннинг гулдурос қарсақлари остида тўсиқ бўйлаб елиб кетди. Камзули этаги йиртилган – буқанинг шохи тилиб ўтган эди. Фуентес томошабинларга йиртиқни кўрсатиб қувонч билан жилмаярди. У майдонни айланиб чиқди. Суритонинг ёнидан шодлиқдан кўзлари порлаганча камзули йиртиғини кўрсатиб ўтди. Сурито эса кулимсираб қўйди.

Охирги икки найзани кимдир, бошқа биров санчди. Кимлигига ҳеч ким эътибор бермади.

Хизматчи ёғоч дастанни қизил мато – мулетнинг даста жойига тикди ва тўсиқ оша Мануэлга узатди. Чарм ғилофни очиб шамширни олди ва қинидан чиқармасдан Мануэлга берди. Мануэль қизил сопли шамшир, қинни олиб ёнига осди.

У Суритога қаради. Кекса пикадор Мануэль қора терга тушиб кетганини кўрди.

– Энди сен унинг суробини тўғрилайсан, ошна, – деди Сурито. Мануэль тасдиқ ишорасини қилди.

– Ғайрати зўр, – деди Сурито.

– Шашти баланд, – деб тасдиқлади хизматчи.

Мануэль бош ирғаб қўйди.

Бурғучи тепадан – шифтга етай деган жойдан туриб бурғусини чалганча сўнги даврага чорлади. Мануэль майдоннинг нариги бурчига – президент ўтирадиган қоронғи айвон томон юриб кетди.

Биринчи қаторда ўтирган “Эль Эральдо”нинг жамоатчи мухбири илиқ шампан виносидан ютоқиб хўплади. У жангнинг бутун тафсилотини майда-чуйдасигача ёзиб ўтиришим шарт эмас, деган қарорга келган эди. Таҳририятга боргач, ҳисобот ёзса ҳам бўлади. Шунга шунча ваҳимами? Бор-йўғи оқшомги жанг бўлса. Мабодо бирон нарсани кўздан қочирса, тонгги газеталардан топиш мумкин. У шампандан яна бир култум ичди. Ўн иккида “Максим”да учрашуви бор. Аслини олганда, матадор деганлари ким бўпти ўзи? Оғзидан она сути кетмаган болакайлар, ялқовлар. Ўтакетган танбаллар. У ёндафтарини чўнтагига тиқиб майдон кунжагида ёлғиз тураркан, амфитеатрнинг кўзга ташланмайдиган ложаларидан бирига қарата шляпасини силкитиб салом йўллаётган Мануэльни кўрди. Майдон ўртасида буқа бамайлихотир турарди.

– Сеньор, буқани сизга ва дунёдаги энг маърифатли ва олижаноб халқ – Мадрид аҳлига бағишлайман, – деди Мануэль. Бу умумқабул қилган гаплар эди. Ҳаммасини айтди. Жанг кечқурун бўлаётгани учун сал қисқароқ қилиши ҳам мумкин эди.

У қоронғиликка қараб таъзим бажо этгач, шляпасини елкасига тушириб мулетни чап, шамширни ўнг қўлида ушлаганча буқа томон юрди.

Мануэль яқинлашиб бормоқда эди. Новвос унга қаради, кўзлари тасрайган. Мануэль бандерильялар ҳўкизнинг чап курагида осилиб тургани, Суритонинг найзаси қолдирган ярадан ҳамон ялтираган қон сизаётганини пайқади. У буқанинг оёқларига разм солди. Чап қўлида мулет, ўнг қўлида шамшир билан юриб бораркан, буқанинг оёқларидан нигоҳини узмасди. Ҳўкиз оёқларини кенг керганича хотиржам турарди.

Мануэль буқанинг оёқларидан кўз узмай яқинлашиб бораверди. Ҳаммаси жойида. У уддасидан чиқади. Ҳайвонни калла эгишга мажбур қилиш керак. Шундай қилса, шохи оша қўл чўзиш ва уни маҳв этиш мумкин. У шамширни қандай санчиш, рақибини қандай ўлдириш ҳақида ўйламаяпти. Ҳозир, шу тобда нима қилиш лозимлигини хаёлидан ўтказмоқда. Қалтис тус олаётган вазият кўнглига барибир ғулғула солаётган эди. Буқанинг оёқларидан кўз узмай бир-бир босиб борар экан, ҳўкизнинг кўзларини, нам тумшуғини ва хезланган кенг шохларини кўрди. Ҳўкиз кўзларининг гардишида оқ ҳалқачалар пайдо бўлган, Мануэлдан кўз узмай, рангпар ва пакана бу одамнинг гали келганини сезиб турар эди.

Мануэль буқанинг қаршисида тўхтади. Шамшир тиғини мулетга тикиб чап қўлига олар ва алвон матони елкандек ёяр экан, ҳўкизнинг бир шохи синганини пайқади. Синган шохда қип-қизил қон изларини кўрди. Иккинчи шохи жайранинг найзасидек ўткир эди. Мулетни тарангроқ тортди. Буларни ўзича қайд этиб борар экан, у буқанинг оёқларини назаридан қочирмасди. Ҳўкиз Мануэлга бақрайиб турибди.

Пайт пойлаяпти, деб ўйлади Мануэль. Нафас ростлаяпти. Оромини бузиб калласини қуйи туширишга мажбур қилиш керак. Муҳими шу. Сурито уни бош эгишга мажбур қилди, лекин ҳўкиз яна калласини кўтариб олди. Мен уни чопишга мажбур қилсам, ярасидан қон отилади ва калласини пастга туширади.

Мануэль олдида ёйилган қип-қизил матони шамшир билан таранг тортганча рақибини чорлади.

Новвос унга қаради.

Мануэль ғашга тегадиган ғоз юриш қилди ва таранг тортилган алвон матони силкитди.

Буқа матога тикилди. Мато ёйсимон фонус ёруғида янада қизариб, ялтираб кўринади.

Ҳўкизнинг оёқлари ҳаракатга тушди.

Бошланди. Ана! Буқа ташланганда ўзини четга олган Мануэль шундай кўтардики, мато новвоснинг шохлари, кенг сағринидан – калла-

сидан думигача сирпаниб ўтди. У фақат ҳавони сузди. Мануэль жойидан жилмади.

Мато остидан ўтган буқа мушукдек эшилиб тезда ортига бурилди ва Мануэлнинг қаршисида тик қотди.

Буқа яна ҳужумга шайланмоқда эди. Бесўнақай лапанглашидан асар ҳам қолмаган. Мануэль унинг қоп-қора сағринидан оёғига қон томчилаётганини кўрди. У алвон матодан шамширини чиқариб ўнг қўлига олди. Мато тутган чап қўлини туширганча, сўл томонига эгилиб буқани чорлади. Буқа алвон матодан кўз узмай яқин келди. Бу бошқа гап, деб ўйлади Мануэль. О-ол!

Буқа ўзини отди. Мануэль ўнг томонига эгилиб оёғини жуфтлади ва ёйсимон фонуслар ёруғида ялтираб кетган шамшири ва танаси билан ярим айлана ясаб, матони ҳўкизнинг калласи узра сермади.

Паса натурале – ўйиннинг ибтидоси тугагач, Мануэль паса де печо-давомини бошлади ва лоларанг матони кўтарди. Қилт этмай турди, ҳўкиз алвон матонинг тагидан Мануэлга тирғалиб ўтди. Мануэль найзаларнинг шарақа-шуруқ қилаётган дасталаридан ўзини олиб қочар экан, бошини орқасига ташлаб қолди. Буқанинг ловуллаган қора гавдаси унинг кўкрагига тегиб ўтди.

Падари қусур! Бунчалик яқин йўлатмаслик керак, деб ўйлади Мануэль. Тўсиқ ортидан майдонга сакраб тушган Сурито лўлига шоша-пиша нималардир деди. Йигитча плашни олиб Мануэль томон югурди. Шляпасини бостириб кийган Сурито майдон четида туриб Мануэлдан кўз узмасди.

Мануэль – мато тутган чап қўли пастда – яна буқа қаршисида турарди. Калласини ҳам қилган ҳўкизнинг кўзлари матода.

– Шу ўйинни Бельмонте кўрсатганда, ҳамманинг оғзи очилиб қоларди, – деди Ретананинг дастёри.

Сурито жавоб қилмади. У майдон ўртасида турган Мануэлни жим кузатмоқда эди.

– Хўжайин бу бечорани қай гўрдан топди экан? – деб сўради Ретананинг дастёри.

– Касалхонадан, – деди Сурито.

– Хиёл ўтсин, яна ўша ёққа равона бўлади, – деди Ретананинг дастёри.

Сурито унга юзланди.

– Ҳе, нафасингни ел олсин сенинг! – деди у ёғоч тўсиққа ишора қилиб: уриб қўй.

– Ҳазиллашдим-ку.

– Тавба қилдим, де!

Ретананинг дастёри эгилиб бармоғининг кўзи билан тўсиқни уч марта тақиллатди. Тавба қилди.



– Тилингни тий, бола, – деди Сурито.

Майдон ўртасида – ёйсимон фонуслар остидаги буқа қаршисида Мануэль бир оёғида тиззалаб турарди; у матони икки қўллаб кўтарди, буқа думини гажак қилиб унга отилди.

Мануэль шохдан ўзини олиб қочди ва буқа яна хужумга ўтганда мато билан ярим айлана бурилди. Жонивор тиззалаб қолди.

– Матадормисан матадор экан, – деди Ретананинг дастёри.

– Ол-а, – деди Сурито.

Мануэль матони чап, шамширни ўнг қўлида ушлаб қаддини ростлади. Қоронғи амфитеатр томондан эшитилаётган чапақлар учун миннатдорлик билдирди.

Новвос оёққа туриб калласини қуйи солганча кутарди.

Сурито жамоадаги бошқа икки йигитчага нимадир деган эди, улар ҳам майдон ўртасига югуриб бориб Мануэлнинг орқасида плаш ёйиб турди. Энди унинг ортида тўрт киши бор. Мануэль майдонга мулет билан чиққанидан бери Эрнандес унинг ёнида. Новча, қомати расо Фуентес плашни кўкрагига босган қўйи жангни паришон кузатаётир. Яна икки йигит югуриб келганда Эрнандес уларга жой кўрсатди – бирига ўнгдан, иккинчисига сўлдан. Буқанинг қаршисида Мануэлнинг ёлғиз ўзи турибди.

У йигитчаларга нарироқ кет деб ишора қилди. Улар секин-аста чекинар экан, Мануэлнинг рангидан қони қочиб, юзини қалин тер босганини кўришди.

Нима бало, булар нари кет деганни тушунмайдими? Жойида тошдай қотиб, шай турган ҳўкизнинг плаш билан жиғига тегиши нимаси! Бундан кўра, оёқ остида ўралашишмаса дуруст эди. Шундоқ ҳам бўлари бўп турибди.

Буқа оёқларини кериб, алвондан кўз узмай қотиб турарди. Мануэль мулетни чап қўлига ўради. Ҳўкиз Мануэлдан кўз узай демасди. Калласи эгилган, лекин янаям қуйироқ туширса бўларди.

Мануэль матони силкитиб унинг ғашига тегишга уринди. Буқа қилт этмади, кўзлари матога қадалган.

Тош қотдингми, деб ўйлади Мануэль. Чатаноғи керилган. Тайёр. Ҳолинг хароб.

Бундай кезларда Мануэлнинг хаёлига ҳар хил ўйлар келади. Баъзида қандайдир жумла, қайсидир сўзни эслаёлмай юраги ғашланади. Ўксинади. Унинг фаҳми ва тажрибаси ғайриихтиёрий равишда иш берса, мияси зарур сўзни қидириб ғимирлаб қолади. У буқа зотини беш қўлидай билади, бундан ташвиш чекмаса ҳам бўлади.



Оломон ундан нимани кутаётган бўлса, ўша хунарни кўрсатишга тай-ёр. У ҳамма нарсани кузатиб турар, гавдаси эса зарур ҳаракатларни ғайриихтиёрий бажарарди. Мабодо, хаёлига эрк берса, ҳалок бўлиши тайин.

Шу тобда ҳўкиз қаршисида турар экан, у туйқусдан кўп нарсани англаб етгандек эди. Мана қўш шох: бири синган, иккинчиси текис ва ўткир. Чап шох томонга алвон матони шундай тушириш керакки, буқа унга қараб ташлансин. Шунда шартта ҳужумга ўтиб, шохлари оша энгашиб шамширни ҳўкизнинг кураклари ўртасига, гарданига беш песоли тангадек йўғонликдаги дастасигача тиқиши керак. У бунни уддалаши ва буқанинг жон талвасасидаги ҳамласига чап бериб қаддини ростлаши даркор. У буларнинг ҳаммасини бажариши шартлигини биларди, бироқ хаёлида фақат икки сўз айланарди: “Corto y derecho”.\*

Шартта ва дадил, деб ўйлади у мулетни ўрар экан. Шартта ва дадил – матодан шамширни чиқарди. У синган чап шох тўғрисида турди-да мулетни қўлига шундай ташладики, ўнг қўлида кўзига яқин ушлаган шамшир билан қўшилиб хоч шаклини олди. Оёғининг учида туриб буқанинг кураклари ўртасидаги энг баланд нуқтани мўлжаллади.

Ҳўкизга беҳосдан ва дадил ташланди.

Зарба! Ва у ҳавода учаётганини сезди. Сакраб ташланаётганида шамшир дастасига куч берди, лекин қуроли қўлидан учиб кетди. Юзтубан йиқилди, ҳўкиз унга ташланди. Мануэль ётганча оёғи билан буқанинг тумшуғига тепмоқчи бўларди. Типирчилаганча тепинар, қутуриб кетган буқа эса қозиқдек шохларини унга санчмоқчи бўлиб қумнинг тўс-тўполонини чиқарар эди. Мануэль копток ўйнатаётган жонглёр каби ҳўкизнинг тумшуғига тепиб, уни ўзидан нари ҳайдамоққа уринарди.

Мануэль енгил эпкини келганини сезди – буқани чалғитиш учун плаш ёйилди ва у бир сакрашда Мануэль устидан ўтиб даф бўлди. Ҳўкиз унинг устидан ўтаётганда бирдан қоронғи тушгандай бўлди. Шохлагани ҳам сезилмади.

Мануэль туриб мулетини ердан олди. Фуентес унга шамшир узатди. Куракка текканида шамшир букилиб қолган эди. Мануэль уни тиззасига қўйиб тўғрилади ва отнинг лоши ёнида турган буқага қараб югурди. Камзулининг шохга илинган қўлтиғи титилиб кетган эди.

– Уни бу ердан силжит! – деб қичқирди у лўлига. Ўлган отнинг қон ҳидини сезган ҳўкиз брезентга шох урарди. Фуентес тутган плашга қараб ташланганда буқанинг синган шохида брезент осилиб турарди. Оломон ўртасида кулги кўтарилди. Эрнандес унинг орқасидан етиб бориб, брезентнинг четидан бир тортиб, шохдан айириб олди. Буқа брезентга қа-

\* “Corto y derecho” – шартта ва дадил.

раб бурилмоқчи бўлди-ю, лекин ҳадиксирагандай бехосдан тўхтаб қолди. Мануэль қўлида алвон мато ва шамшири билан ҳўкиз томон юрди. Яқинлашиб мулетни ўйнатди. Буқа қимирламади.

Мануэль шамширини хезлаб, унга ёни билан турди. Ўлик каби қотиб қолган ҳўкизнинг ҳамлага мадори қолмагандай эди.

Мануэль оёғининг учида туриб пўлат тиғини хезлаганча буқага ташланди.

Яна зарба. Рақибни Мануэлни ортига улоқтириб юборди ва у қумга қапишиб қолди. Бу гал оёқлари билан ҳимояланиб бўлмас, буқа унинг нақд тепасида турарди. Мануэль бошини қўллари орасига олиб қимирламай ётар, буқа уни бор кучи билан сузмоқчи бўларди. Елкасига, қумга қўмилган юзига шохларини санчмоққа уринарди. Мануэль буқанинг шохи бўшашган қўллари орасидан ўтиб қумга санчилганини сезди. Буқа унинг белини эзиб юборди. Юзи қумга кириб кетди. Ҳўкиз унинг шохига илинган енгини йиртиб итқитиб юборди. Плашлар шитирлагандай бўлди ва ҳўкиз Мануэлни ташлаб, нари кетди.

Мануэль ўрнидан туриб мулетни ва шамширини топди. Дамига бош бармоғини юбориб янгисини олиш учун тўсиқ сари югурди.

Хизматчи унга тўсиқ ортидан шамшир узатди.

– Юзингизни артиб олинг, – деди у.

Мануэль яна буқа томонга қараб чопар экан, дастрўмолчаси билан юзидаги қонни артиб ташлади. Сурито кўринмай қолган эди. Қаерда экан?

Куадрилья плашни шай тутганча буқанинг олдидан чекинди. Ҳужумлар ҳолдан тойдирган ҳўкиз яна бор гавдасини оёғига ташлаб қимир этмай қолган эди.

Мануэль чап қўлида алвон мато билан буқа томон юрди. Тўхтаб мулетни ҳўкизга қаратиб силкитди. Сўқим қилт этмади. Мануэль матони унинг тумшуғи олдида чапдан ўнгга, ўнгдан чапга қарата ўйнатди. Буқа кўзини матодан узмай, ҳар силкинганда ола-кула қилар, лекин ташланай демасди. Мануэлни кутарди.

Мануэль тараддудда қолди. Начора, шамширни ишга солиш керак. Шартта ва дадил. У ҳўкизга яқинроқ бориб шамширини мулетга яширди ва ҳамлага ўтди. Шамширни санчар экан, шохга чап бериш учун гавдасини сўлга ташлади. Буқа унинг ёнидан ўтиб кетди, шамшир қўлидан учиб ёйсимон фонуслар ёруғида бир ялт этдию қум устига қизил дастаси билан тескари тушди.

Мануэль югуриб бориб уни қўлига олди. Қийшайиб кетган экан, тиззасига қўйиб тўғрилади.

Яна жойида қотиб турган буқа томонга чопар экан, плашни шайлаб турган Эрнандес ёнидан ўтди.

– Фақат устихони қолди, – деди Эрнандес ачиниш билан.

Мануэль бош ирғаб қўйди. Юзини артиб, қонга беланган рўмолчасини чўнтагига яширди.

Бунинг туришини қаранг. Тўсиқнинг ёнгинасида. Лаънати! Балки бу падари қусурнинг ростдан ҳам фақат устихони қолгандир? Балки шамшир кирадиган жойгинасига бало доригандир? Падарингга минг лаънат! Анойингни топибсан, Мануэль сенга ҳали кимлигини кўрсатиб қўяди!

Мануэль алвон матони ёйди, аммо ҳўкиз қимирламади. Мулетни унинг тумшуғи олдида силкитди. Беҳуда.

У матони қатлаб шамширини қинидан суғурди ва буқага ташланди. Шамширни санчиб бор кучи билан дастасидан босди. Шамшир букилиб кетди, кейин баландга отилиб оломон орасига тушди. Шамшир қўлидан чиқиб кетгач, Мануэль буқанинг ўткир шохларига чап бериб қолишга улгурди.

Қоронғилиқдан отилган дастлабки ўриндиқ тагликлари унга тегмади. Кейинги тагликлар унинг оломонга юзланган, қонга ботган бетига урилди. “Сочқи”лар шитоб ёғилиб қумга келиб туша бошлади. Биринчи қаторда ўтирганлардан кимдир унга шампан шишасини ирғитди. Бутилка Мануэлнинг оёғига тегди. У қоронғиликка тикилганча тек қотди. Сўнг ҳавода нимадир шувиллаб келиб ёнгинасига тушди. Шамшири экан. Мануэль энгашиб уни олди. Тиззасига қўйиб тўғрилади ва оломонга қарата силкитди.

– Миннатдорман, – деди у. – Ҳаммангиздан миннатдорман.

Эҳ, ярамаслар! Ярамаслар-а! Ноинсоф пасткашлар! У тагликни тепиб юбордию буқа томон чопди.

Ана, ҳеч нарсани кўрмагандай қаққайиб турибди. Каллангни оламан сенинг, дарранда!

Мануэль мулетни буқанинг қоп-қора тумшуғи олдида ўйнатди.

Яна беҳуда.

Ёқмадимми? Дуруст. Яқинроқ бориб мато ўрнатилган дастанинг ўткир учи билан ҳўкизнинг терчилаган тумшуғига туртди.

Буқага жон кирди. Мануэль ортга тисарилди, лекин тагликка қоқилиб кетди. Йиқилар экан, баданига, қовурғалари остига ўткир тиғ санчилганини сизди. Икки қўли билан шохга ёпишди. Шох кирган биқинини маҳкам босганча орқасига судралиб кетди. Буқа уни улоқтириб юборди ва Мануэль қум устига учиб тушиб ўликдек қимирламай қолди. Бахтига энди ҳўкиз унга тегмай нари кетди.

У йўталганча, эзилган ва тамом бўлган бир алфозда жойидан турди. Ярамаслар!

– Шамшир беринглар! – деб ҳайқирди у. – Мато қани?

Фуентес мулет билан шамшир олиб келди. Эрнандес уни бир қўли билан қучди.

– Энди лазаретга борақолинг, – деди у. – Телбалик қилманг.

– Нар и тур, – деди Мануэль. – Тошингни тер, уқдингни!

У буқа томон отилди. Эрнандес елкасини қисди. Мануэль хўкиз олди га югуриб борди.

Мана ўша бесўнақай, яна тўрт оёғини кериб турибди.

Каллангни олмасамми сен ярамаснинг! Мануэль шамширини мулетдан суғуриб мўлжални олди у буқага ташланди. У шамширнинг дами охиригача, сопигача кирганини сизди. Беш панжаси ҳам шамшир санчилган ярага кириб кетди. У буқанинг устида туриб қолди, қўллари хўкизнинг иссиқ қонидан қизиб кетган эди.

Кейин буқа уни ҳам тортиб ёнбошига ағдарила бошлади. Мануэль қумга шитоб билан тушиб бир қадам орқага чекинди ва хўкизнинг йиқилишини – тўрт оёғи осмонга чўзилиб чалқанча қулашини кузатиб турди.

Мануэль буқа қони куйдираётган қўлларини кўкка кўтарди.

Кўриб қўйинглар, ярамаслар! У гапирмоқчи бўлди, аммо бостириб келган йўтал йўл бермади. Қандайдир қайноқ бир нарса нафасини қисарди. У кўзлари билан мулетни изларди. Бориб президентни олқишлаш керак... Башараси қурсин! У қумга ўтириб хўкизга тикилди. Тўрт оёғи ҳам осмондан бўлиб, йўғон тили осилиб қолибди. Қорнидан, оёқларининг жуни сийракроқ жойидан нимадир ўрмалаб борарди. Буқа ўлган. Баттар бўлсин! Бари баттар бўлсин! Мануэль турмоқчи бўлган эди, аммо йўтал тутди. Яна қумлоққа ўтириб қолди. Кимдир келиб суяб турғизди.

Уни лазарет томон олиб кетишди – қумлоқдан югуриб, хачирлар қўшилган арава ўтиб кетгунича дарвоза олдида кутиб туришди. Кейин қоронғи йўлак бўйлаб юришди. Сўнг ҳансираганча зиналардан кўтариб чиқишди.

Оқ халатли врач билан икки санитар уни кутиб турган экан. Жароҳлик столига ётқизишди. Эгнидаги кўйлагига қайчи уришди. Мануэль ўзини жуда-жуда беҳол сизди. Кўксини нимадир оловдек куйдирмоқда эди. Йўтал тутди, лабига нимадир босишди. Ҳамма питир-питирга тушган.

Электр чироғи кўзларини тешай дейди. Мануэль қароғини юмди.

У зина томондан оғир-вазмин қадам товушларини эшитди. Сўнг қулоғи битди. Сўнг олис-олислардан ғала-ғовур келди. Оломон. Начора, иккинчи буқани кимдир, бошқа одам ўлдиради энди. Кўйлагини бутунлай нимталаб ташлашди. Врач унга қараб кулимсиради. Буниси эса Ретана.

– Салом, Ретана, – деди Мануэль. Лекин овозини ўзи ҳам эшитмади.

Ретана унга қараб илжайди ва нимадир деди. Мануэль эшитмади.

Стул ёнида турган Сурито энгашганча врачнинг ишини кузатарди. У пикадор либосида, лекин шляпаси йўқ.

Сурито унга алланима деди, Мануэль англамади.

Сурито Ретана билан гаплашаётган эди. Санитарлардан бири жил-майиб қўйди ва Ретанага қайчи узатди. Ретана қайчини Суритога берди. Сурито Мануэлга сўз қотди. У эшитмади.

Жарроҳлик столи эмиш! Нима, биринчи марта ётишими бундай столда? Мануэлнинг жони қаттиқ, ўлмади. Ажали етган бўлса, руҳоний чақиришарди.

Сурито қайчини кўрсатиб, имо қилди. Ҳа, гап бу ёқда экан-да! Уни кокилидан жудо қилишмоқчи. Колитасини қиймалашмоқчи.

У жарроҳлик столида ётган жойидан туриб ўтирди. Ранги ўчиб кетган врач ўзини орқага олди. Мануэль кимдир елкасидан суяганини сезди.

– Шу ишдан тийил, Манос, – деди Мануэль. Дафъатан Суритонинг овозини аниқ-тиниқ эшитди.

– Ўзингни бос, – деди Сурито. – Бунга қўлим бормади. Ҳазиллашдим.

– Тобим жойида эди, – деди Мануэль. – Шунчаки омадим келмади. Бор-йўғи омадим келмади.

Мануэль чалқанча ётди. Юзига нимадир ёпишди. Таниш ҳолат. Одатдаги ҳид. У чуқур-чуқур нафас оларди. Ҳолдан тойди. Жуда-жуда ҳолдан тойди. Кейин юзидаги латтани олишди.

– Тобим жойида эди, – деди заиф овозда Мануэль. – Тобим жуда жойида эди.

Ретана Суритога қаради ва эшик томон юрди.

– Мен унинг ёнида бўламан, – деди Сурито.

Ретана елка учириб қўйди.

Мануэль кўзини очиб Суритога қаради.

– Ўзинг айт, Манос, тобим жойида эди-я, тўғрими? – деди у Суритога умид билан тикилар экан.

– Жойида бўлганда қандоқ, – деди Сурито. – Отдек эдинг.

Санитар унинг юзига ниқоб ёпди ва ҳансираётган Мануэлнинг ди-моғига таниш ҳид урилди. Ноқулай аҳволда қолган Сурито стол ёнида серрайиб турарди.

1927 йил

Қулман ОЧИЛ таржимаси



Нодира ОФОҚ



*Aruzni  
sog'inib  
keldim...*

Муҳаббат шавқидан борлиқни қилдинг, Раббано, пайдо,  
Муҳаббат шавқидан борми бўлак бир шавқ яна аъло?

Муҳаббат шавқидан этдинг қаро тупроқни юксак, сўнг  
Қаро тупроқ бўлиб шуъла била пайванд – самар зебо.

Муҳаббат шавқини солдинг – яратмоқ завқи бу, ё Раб –  
Юрак чақмоқ йўлин юргай. Куяр, кул ўлмагай илло.

Муҳаббат шавқидан кўзлар этар мўъжизалар зоҳир:  
Кўёшдай порлагай тунлар ичинда чехраи Лайло.

Муҳаббат шавқидан мастлар бўлиб, тўймай шаробига,  
Яна хуммор, яна махмур; яна ошиқ, яна шайдо.

Муҳаббат шавқидан мажнун эсам, ахтарсалар чора,  
Муножотлар қилай: “Харгиз бу шавқдан этмагил айро!”

Муҳаббат шавқидан фоллар очибмен; чиқди бу, ҳазрат:  
“Эрур пайдолигинг пинҳон, вале пинҳонлигинг пайдо”<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> Алишер Навоий сатри

\* \* \*

Арузни согиниб келдим, чалинг, ҳай,  
Равонимни – ҳабиб най ноласидай.

Магар Куръон, ҳадисдан оҳанг олди,  
Шарифлик рутбасини ондан олди.

Ва Румий рақсидан учди самога,  
Ва турк қайгусини солди навога.



Ва ушишоқ фолини Хофиздан очти,  
Кавокиб сайриким, тонгга тутошти.

Паридай чорлади шоҳ ё гадодир,  
Ажаб, шундай ажаб оҳанрабодир.

Қадим наҳр ўзанида оққин, эй дил,  
Халил ўтида ўзни ёққин, эй дил!

Гаҳе сойдек, гаҳе ёмғир масаллик,  
Гаҳе қумри, гаҳе танбур масаллик.

Дилим, ҳолинг гариб оё ҳафифдир,  
Бунинг изҳори унда мунсарихдир.

Арузни согиниб келдим, чалинг, ҳай,  
Равонимни – ҳабиб най ноласидай...

\* \* \*

Сенинг ёдинг ила боқдим – хазон рангин, хазон рангин!  
Бошим айланди... Кўз юмсам, кўрармен: ҳар томон рангин.

Хазонгоҳ ичра оғочмен... Келар-келмас-келар... Бир-бир  
Узармен доналаб япроқ – ишонч рангин, гумон рангин.

Хазонгоҳ ичра оғочмен... Кел-эй! Бир тилда минг япроқ  
Ўқур афсун сени чорлаб, уриб чарх – бу лисон рангин.

Йўқотмак, изламак, топмак... – баҳор, ёзимда юз-минг ранг,  
Хазоним беҳисоб серранг; фигонжим, беомон рангин.

Бу олам бирранг ўлгай – ол; юрак, ёрилмайин тургил,  
Ахир, жунбишларинг муҳлик – ёмон рангин, ёмон рангин.

Ахир, бир лаҳзанинг мингдан бирида туш аро маънос  
Кулиб ўттингу тушлар, оҳ! – ҳамон рангин, ҳамон рангин.

Сенинг ёдинг! Ўшалким, нур ичинда аришни бўйлатгай,  
Оёгимда қаро Ер, боида кўм-кўк Осмон рангин.

\* \* \*

Топганимда фурқатимсиз, фурқатим, Ваҳ, самовий бир мажолис ичрамен,  
Фурқатим ичра хаёлан суҳбатим. Бори элдан узлатимсиз, узлатим.

Бор экан-да йўқ экан... минг бир кеча Офтобдай тўлдингиз кўз мулкига,  
Ғойибона улфатимсиз, улфатим. Йигларимда шиддатимсиз, шиддатим.

Кўзларим артдим – рўмолимдир шафақ,  
Тун эмасдир ул, кийибмен – хилъатим.

Турсаму ўлтирсаму бош қўйсаму...  
Оятимсиз, тоатимсиз, роҳатим!

Сизни топдим бу жаҳондан мен нетиб?  
Аввал-охир фитратимсиз, фитратим.

\* \* \*

Бу хазонлиг бог ичинда мен гариб, кўнглим гариб,  
Не учунким, келмиш эрдик изларингиз ахтариб.

Қасдимизга ювса ёмгир, титкилаб-излаб шамол,  
Ҳам аларнинг ҳасратида сабзалар-да саргариб.

Заъфаронлар дўст янглиг қўйдилар кифтимга кафт,  
Сўнг фигон бирла тушиб тупроққа, “топ” деб ёлбориб.

Бир боқурда беранг эрди ортидан чопган зилол,  
Бир боқурда осмоннинг ранги бирла ўзгариб.

Эзди бир қуш, шоҳ Бобур руҳларидир ё магар,  
Ул “Хазон яфроги янглиг...”ни ҳазажда қайтариб.

Изларингиз изламак... Воҳ, жоми Жамшид баҳрасин  
Берди. Ўлсам эрди олтин ул қадаҳни сипқариб.

\* \* \*

Мен каби бағри ёра йўқ, бўлмаса-бўлмасун, нетай.  
Ёраки, ўсса – чора йўқ, бўлмаса-бўлмасун, нетай.

Дил чекибон нола-фигон, гаҳ анга басталай десам,  
На савту, на “Сувора” йўқ, бўлмаса-бўлмасун, нетай.

Солгай эди гоҳи назар туш аро йилдирим каби –  
Ўшал-да бора-бора йўқ. Бўлмаса-бўлмасун, нетай:

Тун била юлдуз санабон, ҳаққиға айласам дуо,  
Бир қарасам, ситора йўқ, бўлмаса-бўлмасун, нетай.

Қон талашур лолаю кўз, чехра сариқ дашт эдилар,  
Ранг-рўйима назора йўқ, бўлмаса-бўлмасун, нетай.

Кийдим эса атласу, гул рангида шоҳини, магар  
Келмагига ишора йўқ, бўлмаса-бўлмасун, нетай.

Зора келур хаста дебон етса хабар... Етказингиз:  
Мен каби бағри ёра йўқ... бўлмаса-бўлмасун, нетай.

\* \* \*

Бошим олсам, бадар кетсам, бу савдолар тугангайму?  
Ироқу Шом қадар кетсам, бу савдолар тугангайму?

Фироқ даштида “ҳай-ҳу”лаб, маним оҳим чекар Машираб,  
Анингдек дарбадар кетсам, бу савдолар тугангайму?

Кечурман деб қасам ичкай, вале ичмай туриб кечкай,  
Шудир ошиқ... Етар! Кетсам, бу савдолар тугангайму?

Буюк ошиқ эрур қушлар, кетур қушлар-келур қушлар.  
Аларга ҳамсафар кетсам, бу савдолар тугангайму?

Бўлур ёронларим пургам, жунун ичра будур шевам:  
“Агар кетсам-магар кетсам, бу савдолар тугангайму?”

Бу савдолар саодатдир, магар кетмоқ ҳалокатдир,  
Бу сирдан беҳабар кетсам, бу савдолар тугангайму?

\* \* \*

“Мен бу ерга келмас эрдим, ёр келтурди мени”.<sup>2</sup>  
Келмас эрдим ўлсам ҳам зинҳор, келтурди мени.

Ёр бўлса, ҳар гаюрга қўйди нечун рўбарў?  
Тавбаларким, гар десам “агёр келтурди мени”.

Бир келиб, ҳушёр ўлиб, такрор келмас эрди Қайс,  
Ваҳ, жунун аълосида минг бор келтурди мени.

Эй табибларким, бўлибмен мубтало озорига.  
Булъажаб бир хастамен! Озор келтурди мени.

<sup>2</sup> Халқ шеъри

Бори олам бир тарафдур бизга, ёрким – бир тараф:  
Исми – инкор, маъниси – иқрор келтурди мени.

Кетдиму ҳар сори, йўллар манзилимиш битта шаҳр –  
Ёр шаҳрига ўшал асрор келтурди мени.

Келмасанг-келсанг келур эрсанг, бенафдир... Чекма зор:  
“Мен бу ерга келмас эрдим, ёр келтурди мени”.

\* \* \*

“Гаҳе согин, не бўлди, зорларни”<sup>3</sup>,  
Согинма бизга кўп озорларни.

Унут, яхши-ёмон кечди ародан,  
Унутма биз ёмон абгорларни.

Согиндик, тонгла кўрган туш кабисен.  
Келурмиш рост туши бедорларни.

Насимий бир хаёлдурсен! Хаёлинг  
Паришон этди жамъин ёрларни.

Само қаърида оқшом йўл кўрингай,  
Кел-эй! Ечгил ўзинг асрорларни.

Кўёш кўрдик кеча ой чехрасинда,  
На қилдинг ҳушини ҳушёрларни?

Санга маълум эмас гар зорлиқлар.  
“Гаҳе согин, не бўлди, зорларни”.

### Алишер Навоий ғазалига мухаммас

Фаттоҳхон МАМАДАЛИЕВ хотирасига

Эй! Қизил, сориг, яшил баҳсин гулистонимга айт,  
Мен хазонлиг тортамен, ул сабз бўстонимга айт,  
Эврилур рангим неча – боиси бўлгонимга айт,  
Эй сабо, ҳолим бориб сарви хиромонимга айт,  
Йигларимнинг шиддатин гулбарги хандонимга айт.

Бир бало эрмишди боштин аҳду паймон этмаги,  
Юз бало аҳду вафодин ваъда достон этмаги,  
Минг бало минг бир кеча эртак била тонг этмаги,  
Буки, онинг аҳду паймонида мен ўлсам даги  
Яхши фурсат топсанг, ул бадъаҳду паймонимга айт.

<sup>3</sup> Заҳриддин Муҳаммад Бобур сатри

Буки, зардуштдек ўлибмен офтобин мойили,  
Жон олиб-жон баши этар жонсухбатининг ноили,  
Саждада қоши қиличи ўлса бошим қотили,  
Буки, онинг зулфи зуннорида диним ҳосили  
Куфр ила бўлмиш мубаддал, номусулмонимга айт.

Буки, қилдим фасли гул бўстонни онинг садқаси,  
Буки, ёзимда самарлик онни онинг садқаси,  
Буки, умрим ҳосили хирмонни онинг садқаси,  
Буки қилмишмен жаҳону жонни онинг садқаси,  
Юз туман жону жаҳондин яхши жононимга айт.

Айт, иймон садқаси қилсам пушаймон бўлмағум,  
Они ҳар он садқаси қилсам пушаймон бўлмағум,  
Ҳар не бергон – садқаси қилсам пушаймон бўлмағум,  
Буки, юз жон садқаси қилсам пушаймон бўлмағум,  
Васлига бир ваъда қилгандин пушаймонимга айт.

Буки, айт, дунё эмастур менга дунё онсизин,  
Буки, руҳ жаннатда ҳам солғуси гавго онсизин,  
Буки, йўқ икки жаҳонга асти парво онсизин,  
Буки, юз минг фитнақўзлуг бўлса пайдо онсизин,  
Қилмағум наззора ҳаргиз кўзи фаттонимга айт.

Офтобдан косаи май тутса офоқ дастига,  
Сўнг тамошо этгали Ой чиқса Мино устига,  
Ўхшаса юлдуз май узра шўх ҳубоблар аксига,  
Буки, чок айлаб яқо, усрук чиқар эл қасдига,  
Мен ўлуб эл жон топар, бебок нодонимга айт.

Буки, руҳим қушлари онсиз ҳавосиз эрканин,  
Буки, дарз топмиш кўнгил – найким, навосиз эрканин,  
Буки, дам шу дамлигин ҳам билса жоиз эрканин,  
Даҳр боги гуллари ҳуснин вафосиз эрканин  
Юзи гул, жисми суман, кўйи гулистонимга айт.

Эй Навоий, Сиз каби ишқ ичра борму мубтало?!  
Эй Навоий, борму Сиздек ҳеч қақнус Сўз аро?!  
Эй Навоий, сел бўлурбиз, тош эсак, бу не бало!  
Эй Навоий, ҳеч гулишаннинг сенингдек хушнаво  
Булбули йўқ эрканин шоҳи сухандонимга айт.

Нодиржон АБДУЛАҲАДОВ



## AMIR OLIMXONNING TABIBI



Кейинги йилларда манғит амири Сайид Олимхоннинг (1881 – 1944) Бухородаги ҳукмронлик даври, муҳожирликдаги турмуши ва шахсий ҳаёти билан боғлиқ бирмунча ҳолис маълумотлар дунё юзини кўрди; фундаментал тадқиқотлар амалга оширилди, у ҳукмронлик қилган тарихий даврга оид талай қимматли фактлар тўпланди. Бироқ ноёб материалларнинг катта қисми ҳанузгача нашр қилинмаган ва илмий истеъмолга киритилмаган. Амирнинг хос табиби, Ҳаким таҳаллуси билан ижод қилган Мўминжон Ҳаким Марғилоний (1894 – 1973) “Хотиралар” и ҳам шу жумласидандир.

Мўминжон Ҳаким томонидан 1970 – 72 йилларда ёзилган икки хотира дафтари сақланиб қолган. Илк дафтар унинг бола-

лик давридан тортиб Бухорода кечган ҳаёти воқеаларигача қамраб олади. Биринчи қўлёзма 338, иккинчиси 165 саҳифадан иборат. Қўлёзма охирида Қўқон хони Худоёрхон, шаҳзода Насриддинбек; манғит сулоласи ҳукмдорлари амир Музаффар, амир Абдулаҳад ва амир Олимхон, шунингдек, мамлакатнинг юқори мартабали шахслари сурати илова қилинган.

Мўминжон Ҳаким ёш бўлишига қарамай, тўрт йил давомида (1915 – 1919) амир Олимхоннинг табиби – саройнинг эътиборли аъён сифатида фаолият юритади ва амирликда юз берган воқеаларнинг жонли гувоҳига айланади. Бу ҳақда у шундай ёзади: *“Олимхон вақтининг аввалидан то олти ойлар охиригача мен Бухорода бўлиб, аввали энг катта олимларнинг яқин хизматида бўлиб, охирида амир саройигача кириб бордим”*.

Манғитларнинг сўнгги ҳукмдорига оид кўрганларини ёзиб қолдиргани учун ҳам Мўминжон Ҳаким “Хотиралар”и ноёб тарихий манба ҳисобланади. У Олимхоннинг уламолар, муллалар ва жадидлар билан муносабати; ҳаёт тарзи, бошқарув услуби ҳақида қизиқарли маълумотларни баён этган. Бу хотиралар замондош адиблар Садриддин Айнийнинг “Эсдаликлар” ҳамда Абдурауф Фитратнинг “Амир Олимхоннинг ҳукмронлик даври” асарларидаги маълумотлардан кескин фарқ қилади. Мўминжон Ҳаким зикр этилган икки асар билан яқиндан таниш бўлган; уларда Олимхонга салбий баҳо устувор бўлса, “Хотиралар”да Бухоронинг сўнгги ҳукмдори ҳақида ижобий фикрлар ҳам билдирилган.

Мўминжон Ҳакимга кўра, 1910 йилнинг январидан суннийлар ва шиалар ўртасида жуда катта тўқнашув юз бериб, мамлакат остин-устун бўлиб кетган кезларда Қарши ҳокими бўлиб турган Олимхон Бухорога келиб қонли можарони тинч йўл билан бартараф қилишга эришади: *“Охири Абдулаҳадхон Қарши ҳокими Олимхонни чақирай (дейди),*

*Олимхонни халқ шундай яхши кўрар эканки, у оломонга чиқиб: “Бас қилинлар!” дейиши билан ҳамма баробар тинчланадилар”*. Олимхон шу тариқа халқ орасида адолатпарвар ҳукмдор сифатида обрў қозонган.

“Хотиралар” муаллифи ўз вақтида саройда амир ва унинг яқинларидан кўп илтифотлар кўрган. Бироқ шўролар ҳокимияти кучга тўлган бир даврда шу мамлакат фуқароси томонидан Олимхонни ижобий тавсифлаш, айниқса, унинг эътиқоди борасида қуйидаги каби очиқдан-очиқ ёзишнинг ўзи бўлмайти, албатта: *“Амир беш вақт намозни тарк қилмас эди. Илғари биз айтиб ўтдик. Амир Олимхон ургутлик Валихон эшонга кўл бериб, мурид бўлган эди. Арк саройида бўлганда, арк дарвозасидан кирганда биринчи иморат масжид эди. Амир беш вақт намозни бул масжидда жамоат билан ўқурди...”*

*Амир Ситораи Моҳи Хосада бўлганда бир уйни жойнамошлар билан жиҳозлаган эди. Ўзининг махсус имоми бор эди. Доимо бирга юрар эди. Намозни ўзи имом орқасида бошқалар билан баробар туриб ўқур эди”*.

Собиқ шўро даврида ўтмишда яшаб ўтган ҳукмдорлар адолатсиз, маишатпараст, қонхўр кимсалар сифатида баҳолаб келинди. Аслида улар орасида маърифатпарвар, санъат ва адабиётни яхши билган, бой кутубхоналар жамлаган, адолат мезонига таяниб иш кўрганлари ҳам оз эмас эди.

Мўминжон Ҳакимнинг ёзишича, амир Олимхон совет тарихчилари тавсифлаганидек ўта золим кимса бўлмаган. Унингча, амирни ўз кўзи билан бир марта бўлса-да кўрган одамнинг фикри – агар у салбий бўлса – кескин ўзгариб, турли мишмишларга ишониб чиқарган дастлабки хулосасидан воз кечиши муқаррар эди. Табиб самарқандлик сартарош билан юз берган воқеани ҳикоя қилади: *“Уста Қобил деган етмиш яшар девкор сартарош бўлган... Ҳар вақт мен Бухородан Самарқандга келганимда йўлда бўлгани учун бу отахонни кўриб, сўнг до-*

рухонамга борур эдим. Мени кўрган ҳамон сўрашиб, сўнгга ҳамма вақт “Хотунталоқ амиринг нима қилаётир?” дер эди.

Бир куни мен “Нимага амирни сўкасиз? Ахир, мусулмон подшоҳи сизга бирон ёмонлик қилмаса?” дедим. Айтдики: “Нимага бизни ўрусга бериб кўйди ва ажратиб олмайди?”, деди. Мен унинг гапига кулдим. Бир йили “Гули сурх” вақтида ўғли Шоди қори билан меникига Бухорога борди.

Чаҳоршанба куни мен уни Баҳоуддинга (мозори) олиб бордим. Иттифоқо, ўшал кун амир Олимхон ҳам Баҳоуддинга борди. Мен Қобил отани чиқаверишда олиб турдим... Амирнинг калласи кўрунур ҳамоноқ Қобил ота бор овози билан “Дод! Мен тавба қилдим. Мен хато қилган эканман” деб қичқирди... Амир отга миниб жўнади. Шундан кейин Қобил ота мени кўрганда “Жаноби олий саломатмилар?” деб сўрар эди”.

Абдурауф Фитрат амир Олимхоннинг тахтга чиқиш даврига берган таърифидаёқ Бухоронинг ёш ҳукмдорини кескин танқид остига олиб “ўзининг давлат ва ҳокимият ишларида ўта билимдон эмаслигини ҳаммага намоён қилди” дейди. Мўминжон Ҳаким эса амирнинг иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, маданий соҳадаги сиёсатидан сўз юритиб, исрофли тўйларни тугатиш ҳамда мактаб ва мадрасалар таълимини ислоҳ қилиш тўғрисидаги фармонлари муҳим аҳамиятга эга бўлганини; ҳукмдорлигининг дастлабки йиллари мамлакатда тартиб-интизом ўрнатиш, маърифатпарварликка йўл очиш ҳамда ободончилик ишларини жонлантиришга ҳаракат қилганини таъкидлайди. У ёзади: “Амир Олимхонни бирмунча ҳақли қилган танқидларим билан бир вақтда анинг Бухорода у замон маданиятга қилган хизматларини ҳам бу ерда кўрсатиб ўтишни лозим кўраман... Когондан то Термизгача темирйўл станциялари ва Амиробод станциясида 35 ўрунлик халқ учун касалхона, Бухоро Миракон хонақоси яқинида икки қабат ҳанго-

малик почта телеграм ва ниҳоят Минор Бухоро олдида икки қабатлик мадраса (ҳозирги кутубхона Абу Али ибн Сино номида) биноси. Бу ерда кўп янгиликлар қилди. Физика, химия, риёзат, математика, жуғрофия илмлари бўлиб, реакцион уламолар кўзига Қуръон таълимини киргизиб, алоҳида нозирлар кўйиб, ҳар уч ойда ўқувчиларни имтиҳон қилиш усулини жорий қилиб, фақат умумий мактабни битирган 14-15 яшар болаларнигина бу ўқув юртига қабул қилар эди”.

Амир Олимхон халқнинг ҳолидан хабардор бўлиш мақсадида Аркнинг кириш дарвозаси ёнида шикоятлар қутиси ташкил қилган. Аммо бу етарлича натижа бермагач, ҳар жума куни Масжиди Калонга пешин намозига бориш ҳамда қайтиш пайтида халқнинг аризаларини шахсан қабул қилган. Хатларни бирма-бир кўриб чиқиб, ижро учун тегишли амалдорларга йўналтирган. Мўминжон Ҳаким хотираларида шу жараён ҳам қизиқарли ҳикоя қилинади: “Арк олдида амирнинг чиқишига минг-минг одам жамланарди. Одамларнинг кўлларида юзларча аризалар бўлиб, ҳар бир аризани одамнинг кафтидан катта бўлмаган қоғозга, фақат мақсадини мумкин қадар оз сўз билан, ҳатто ўн оғиз сўз билан ёзилишига фармон бўлган эди... Ваҳоланки, чор ҳукумати даврида шаҳар приставига (полиция начальнигига) ариза ёзилса, 4-нчи нўмирлик икки варақлик тоза қоғозга ёзилмаса, “Оқ подшоҳни ҳурмат қилмайсан” деб 3 сўм штраф ёки уч кун қамарди.

Аризаларни амир ишоратига қараб, аркдан чиқиши билан шотирлар чунон тезлик билан оломон ичидан, қаерда қўлини ариза билан кўтариб турса, териб олардилар. Баъзи вақтда амир жумадан қайтарда, арка киришда териб олар эдилар. Бу шотирларни ёшлиқдан махсус тайёрлар эканлар.

Менинг хужра сўраб берган аризам амир аркига киргандан сўнг эллик минутдан то бир соатгача жавоб аризамни олдим.

То сарой табобати хизматига киргунча ҳеч ўзимга муқаррар тушуна олмас эдим. Қандай механизмдурки, подшоҳга берилган юзларча аризаларга бирон соатда жавоб берилар экан деб.

Амир отдан тушиб Раҳимхонийга киргач, дарҳол Ҳожи Зикриё икки одам билан келиб, амирни либос ва салласини ечириб олиб оддий тўн кийдирадилар. Амир креслода ўлтуради. Дарҳол тўрт тилло қалам котиблар амирдан 4 метрлар масофада таъзим билан келиб, бир вақтда Имомқулибек кўлида тахланган аризалар билан келиб, амир рўбарасида тўрт котиб ўртасида тик туриб, чап кўлидан ўнг кўлига бир дона ариза олиб, “ғулумингиз фалоний-фалоний деб ариза битибдур”, масалан, “Абдулмўмин мулламиз хужрам йўқдир деб ариза берибдир” дер. Амир бир оғиз билан қозикалонга дер.

Имомқулибек қозикалонга деб, ёнидаги котибга берур. Шул вақт бўлак ариза амирга ўқур. Шу хил билан ўн-ўн беш минутда юзларча ариза тамом виза кўйса (қайд этса) тайёрдир... ҳаммаси бир соатга етиб-етмай тамом”.

Тарихдан маълумки, 1916 йилда мардикорликка олиш тўғрисидаги подшо фармони кўпдан бери давом этиб келаётган зулмдан сабр-косаси тўлган халқни кўлига қурол олиб, ўзини ҳимоя қилишга мажбур этган. Натижада бутун Туркистон бўйлаб кўзғолон алангаси ўт ола бошлайди. Чор Русия ҳукумати фавқулодда чоралар билан ҳам бу алангани бирдан тўхтата олмайди. Халқ исёни Жиззахда шу қадар куч оладики, тарихчилар 1916 йилги кўзғолонни “Жиззах кўзғолони” деб атайдилар. Ўшанда минглаб оч, ярим-яланғоч жиззахлик қатлиомдан жонини омон сақлаб қолиш учун Олимхондан паноҳ истаб борган. Қочқинларни Бухоро амири қандай қарши олгани борасида Мўминжон Ҳаким бундай ёзади: “Мен Жиззахга бориб келгандан кейин баҳордан

Жиззах, Зомин, Ёмин, уларнинг атрофларига бир қатра ҳам ёмғур ёлмади. Ёмғур бўлур умидида баҳорда ташланган бугдой уруғлари чиқмади. Қишдаги қор наmidан чиққан паст ерлардаги бугдойларгина эмас, балки гиёҳлар ҳаммаси қатрон бўлиб қуридилар... Жазодан қочиб қолганларгина бор-ўйғини ташлаб Самарқанд, Бухороларга кетадилар. Жиззах, Зомин, Ёминларда одам эмас, қузғун ҳам қолмайди... Бул бечоралардан 5-6 минг киши Бухорога бордилар. Амир Олимхон вазирлар, уламолар билан мажлис қуриб буларга ёрдам кўлини узатди. Биринчи кундан бир вақтда овқат билан жой масаласи бўлди. Бухоро ичидаги ҳамма бўш подшоҳлик (одам ўлиб, вориссиз қолган жойлар подшоҳ ҳисобига ўтарди) масжид ва саройларга ва баъзи одамларнинг ортиқча жойларига жойландилар. Бир вақтда олти жойга бир ботмонлик мис қозонлар (8 пуд; 1 пуд – 16 кг) осилди. Ҳар қозонга бир бош семиз кўйни бутун солиб, бир қоп (6-7 пуд) бугдой пиёз билан кечқурундан то эрта билан намоз бомдодғача қайнатиб, фармони олий бўлдиким, қандай идиш билан келса тўлдириб, неча бор келса “ҳали келиб эдинг” деманглар деб.

Бухоро ичидаги 50 дан ортиқ ҳаммомларни ҳар ҳафтада бир марта бепул хотунларга алоҳида, эркакларга алоҳида қилиб кўйди. 12 жойга новвойхона қурдириб, ҳар бир нонни ярим килодан ёптириб, жон бошига бир дона бепул кунлик нон берди. Ҳаммомларда кир ювиш бўлимларини очиб бепул янги либослар берилди. Бухорога келганлардан фақат қари ёки эски оғир касалларигина ўлдилар... Яна ҳар ким – бухорликлар нима билан бўлса-да буларга ёрдам қилдилар. Эски либосларини бердилар. Баъзи эркакларни, хоҳласалар, қора хизматларга жойладилар. Натижада Бухорода бирон киши очликдан ўлмади”.

Амир Олимхон таълим тизимини тартибга солишга ҳам алоҳида эътибор қара-

тиб, мактаб ва мадрасалар фаолиятини такомиллаштиришга интиланган. Талабалар аҳволдан мудом хабардор бўлиб туришни қўл остидагилардан талаб қилган. Агар бирон бир талаба шароити оғирлигидан нолиб ариза берса, уни дарҳол ҳал қилишга киришган. Мана бир мисол: *“Бир талаба ҳазилнамо “Мен камбағал муллавааччаман. Ҳужрамда қишга кўмирим йўқ” деб ариза берадир. Беадрес, беном. Амир Олимхон хаёл қиладирки, “Бечора қашшоқ муллаваачча хатида хижолатдан номи ва манзилни эсидан чиқарибдир. Бир туя кўмирни муллавааччани топиб беринглари”, дейди. Бир жевачи бир туяда тўрт қоп саксовул ва кўмир билан эртадан кечгача туяни етаклаб мадрасама-мадраса юрадир. Мадрасаларга кириб “Кўмир деб жаноби олийга ариза қилган муллаваачча борми?” деб қичқиради. Менинг мадрасамга ҳам келиб қичқирди. Икки ҳафта давом этиб, ҳар мадрасага неча борадан бечора жевачи туя кўмири билан бориб (амирни фармонини бажо келтуриши лозим эди), охири амирга арз қиладир: “Ариза берувчи топилмади” деб. Ҳақиқатда бир муллаваачча амирни масхара қилиб ариза берган экан. Қўрқиб ўзича ҳеч кимга айтмай, ўзини билдирмаган экан”.*

Мўминжон Ҳакимнинг ёзишича, Амир Олимхон дабдаба ва ҳашамни хуш кўрмаган, маст қилувчи ичимликларни ичмаган. Унинг яна бир ўзига хос одати бўлиб, баъзан оддий талабалардек таомлангиси келган. Бундай пайтларда у ўша таомлардан яширин тарзда олдириб келган: *“Одатда мадрасада муллавааччалар дўппидек қозончада ош қилиб, ошни ёз вақтларида мадрасани саҳнида тунука ўчоқда қолдириб, ҳужрасига ёки бўлак нарсага овора бўлиб турганда, бирон сипоҳ кўрунмай пойлаб туриб, ошни қозончаси билан амирга “ўғурлаб” кетар эди... Бир-икки соатдан кейин ул муллавааччага катта тавоқда подшоҳ ошхонасидан ош, гўшт, ҳар хил ҳалволар, ёғлиқ нонлар,*

*икки-уч юз танга пул юборур эди. Ул юборган ош ва нон-ҳалволарини йигирма-ўттиз киши, баъзи кичик мадрасаларнинг бутун мударрис, талабалари ер эдилар”.*

Бухоро тарихнинг айрим даврларида Ўрта Осиёнинг асосий шаҳри бўлиб келди. Бу эса архитектура ёдгорликларининг ниҳоятда кўпайиб кетишига сабаб бўлди. Бухоро ҳозирда “очиқ музейлар шаҳри” дейилади. Дарҳақиқат, шаҳарда IX–XX асрларда қурилган меъморий биноларнинг деярли ҳамма турларидан намуналар бор. Бу ёдгорликлар ичида Минораи калон жуда машхур. Афсуски, у шўро замонасида “ўлим минораси” деган ном олди. Совет даврига хос адабиётлардан бирида ёзилади: *“Манғитлар ҳукмронлиги даврида ўлим жазосига ҳукм қилинган кишиларни минорадан пастдаги тош майдончага ташлаганлар. Шунинг учун ҳам кейинги вақтларда у “ўлим минораси” деб аталган”.*

Амир Олимхоннинг табиби ўз хотираларида “ўлим минораси” деган атамани “беномус сўз ва диний ҳақорат” дея баҳолайди. Шунингдек, Бухоро зиндони ҳақидаги шўроча маълумотлар ҳам ҳақиқатга тўғри келмаслигини, бу зиндон кўринишидаги макетлар атайин амир Олимхон обрўсини тўкиш мақсадида яратилганини таъкидлайди: *“Агарда амир ҳукумати вақтида уламолар ёки эътиқодли бухороликлар олдида бу муборак саналган минорани “Ўлум минораси” ёки “Ўлумга ҳукм бўлган кишиларни бу минора устидан ташлармиш” деган сўзни айтсалар эди, тошбўрон қилиб, ўлдирадирлар эди... Бухоро аркининг дарвозасидан кирганда, бевосита чап қўлдаги “обхона” номли уч хона тўғрисида... тарих юзига бир қора сиёҳ суртиб, халқини очикдан-очик нотўғри йўлга йўлловчи ҳақиқат душманларининг хиёнатидеб ҳисоблайман. Хусусан, уларнинг ичларига қўйилган макетлар тарих учун катта жиноят ва тарихни ифлослантиришдан бўлак гап эмасдир. Бу ҳақиқатни ҳақиқат кўзи би-*

лан кўрмай, душманлик назари билан боқувчи бир тарих хоинининг хиёнатчи, келажак ёш авлодларнинг фикрларини адаштиришдан бошқа нарса эмасдирлар.

Бу обхоналар эски вақтларда миршабхона, ҳозирги шўро ҳукуматида милициядаги вақтинча айбдорларни бир-икки кун қамаб ёки безориликда айбланганларни 15 кун қамаб қўйиб турадиргон жой бўлиб, бир ҳафтадан кўб ётмай, то айби маълум бўлгунча ётиб, ҳақиқатан айбдор бўлса зиндонга, беайб бўлса қўйиб юборадиргон жой бўлгандир. Лекин ҳақиқатда... қамалганларни қаттиғ азоблар эдилар. Аммо ҳеч қачон кўрсатилган шармандалар макет ҳолига етар даражада ҳеч ётмас эдилар. Бу макетлар... олиб ташланса яхши бўлар эди...

Фақш тарқалган сўзлардан бири Ситораи Моҳи Хосанинг хотунлар бўлимидаги ҳовуз тўғрисида. Бу ҳовуз шарқида уч метрлар баландликда бир кичиккина шийпонча бўлиб, бу шийпончада амир ўлтуриб чиройлик ёш хотин-қизларни қип-яланғоч қилиб чўмилишга буюрар эмиш.

Амир бу шийпончадан тамошо қилиб, хушлаганини чақириб бу шийпончада яқинлик қилар эмиш. Бу амир ҳақида ниҳоят тўхмат. Менимча, айтувчига катта уятдир”.

Мўминжон Ҳаким амир Олимхон ҳукронлигининг илк даври борасида ижобий фикрлар билдиргани ҳолда, 1917 – 1920 йиллардаги сиёсатини кескин танқид қилади.

Ушбу йиллар Бухоро амирлиги ва унинг халқи учун ҳам жиддий ларзалар даври бўлган. Чор салтанатининг ағдарилиши мамлакат ичида ижтимоий таянчга эга бўлмаган ёш бухороликларда умид уйғотади: улар Россия Муваққат ҳукуматининг тазйиқи остида амирликда демократик ислохотларга эришса бўлади деб ўйлайдилар. 1917 йилдаги большевиклар тўнтаришидан кейин

амир Олимхон сиёсатга, юз бераётган воқеа-ҳодисаларга мумкин қадар аралашмасликка тиришади, жумладан, Туркистондаги мустақиллик ҳаракатларига ҳам муносабат билдирмайди. 1918 йил бошларида Қўқон мухториятини ағдариб қонга ботирган қизиллар кўзини энди Бухорога тикади. Тошкент совети раҳбари Колесов кўл остидаги кўшинлар билан яшин тезлигида ёпирилиб келгач, Когонда ўрнашган ёш бухороликлар марказий комитети ҳам рус кўшини билан ҳамкорлик ўрнатиб, Бухородаги ҳокимиятни биргаликда идора қилиш учун инқилобий қўмишта ташкил этади...

Ушбу воқеалар юз берган чоқда давлат идорасини Урганжий кушбеги ўз кўлига олган бўлиб, у асосий эътиборни мамлакатда демократик тартиблар ўрнатиш талаби билан чиқаётган ёш бухороликлар фаолиятини чеклаш, уларга қарши курашга қаратган. Амир Олимхон эса, минг таассуфки, Урганжий кушбегининг қўғирчоғига айланиб қолади: “Амир Олимхон ҳақиқатда бир ёғочга янги либос кийдириб уй ўртасига қўйилган одам суратидаги қўғирчоқ эди... Урганжий эмди жадидлик пардаси орқасида фақат жадидлардангина эмас, кўпдан кўкрагида сақлаб келган адоват ва кек сабаб бошқалардан ҳам ўч олишда ҳеч ибод қилмасди. Чунки ҳеч кимдан кўрқмас, ҳамма ундан кўрқар эди...”

“Тарихий ҳақиқат жоҳилни қанчалик таҳқирласа, тарихий ёлғон ҳам фозилни шунчалик таҳқирлайди” дейди атоқли шоир Ўлжас Сулаймон. Албатта, ўтмишнинг чувалашган ҳужжатларидан қай бири рости қай бири уйдирма эканини ажратиш осон эмас. Аммо турли хил нуқтаи назарларни дадил майдонга қўйиш тарихни бир қадар холис ёритиш имконини беради. Шу тамойилга кўра, Мўминжон Ҳаким “Хотиралар”и ҳам нашр қилиниши ва жиддий тадқиқ этилиши лозим.



ОТАУЛИ

## УCHAR OT QANOTLARI

**I** Алоуддиннинг сеҳрли чироғи ҳақидаги кўҳна эртақ ёдингиздами? Сеҳрли чироқ нима ўзи? Шунчаки жин қамалган кўзачами? Йўқ, бу унинг зоҳирий маъноси. Асл маъно эса – инсоннинг ақли! Тириклик оламида ақл чироғидан ёруғроқ, мўъжизали ва сеҳрлироқ нима бор? Ўзбек халқ дoston ва эртақларида ақл (эс-хуш, билим, тафаккур, онг) чироққагина эмас, тўбичоққа (буроқ, учоқ, учар от) ҳам ўхшатилади. Зотан, одам боласи учун ақлдан ёруғ чироқ бўлмаганидек, тафаккурдан учқур тўбичоқ; эс-хуш, билим ва онгдан ўткирроқ қурол йўқ-да!

Энг мўъжиз ва мўъжаз бадий дурдоналар ёзма адабиётда шоҳбайт, халқ оғзаки ижодида эса мақол деб аталади. Шоҳбайт мақол билан бўйлашади-ю, лекин кўпинча унга етолмай қолиб кетади. Рус тилидаги

“крылатое изречение” (қанотли нақл) ва “пословица” (мақол) сўзлари бу икки ўртадаги фарқни аниқ-равшан кўрсатади. Мақол ёзма адабиётдан ҳам қадимийроқ, асрлар довоидан ошиб, шафқатсиз вақт синовларидан синмай-сарсилмай (силкинмай) ўта олган ҳикматли гапдир. Ҳамма қанотли гаплар ҳам ҳикмат бўлавермайди.

Бугун “гап сотиш” деган ибора кесатик-пичинг тарзида, яъни фойдали иш билан машғул бўлмай, сафсата сотиш маъносида қўлланадиган бўлиб қолди. Ҳолбуки, халқ эртақларида қаҳрамонга ҳикматли гап ўта қиммат баҳоларга сотилган. Гап сотувчи донишманд чол “зар қадрини заргар билар” деганларидек, ҳар бир нақлнинг қадр-қимматию нарҳини жуда яхши билган. Зотан, ўша ҳикматли гап ўз баҳосини тўлиқ оқлаб, қаҳрамонни ўта оғир вазиятлардан қутқар-

ган. Шунинг учун ҳам халқимиз “Арзон беиллат, қиммат беҳикмат бўлмас” дея ўқтиради. Гап арзон-гаров сотилдими, бас, билинги, у ҳикмат эмас, турфа иллатларга йўрилган сафсата, холос. Бизнинг ахборот асримиз кўпгина сафсаталарнинг аслида бир пулга қимматлиги ва, аксинча, янги гап, оҳорли ифода, топилдиқ фикрнинг қадри баландлигини ҳар соҳада исботлаб турибди.

Ёзма ва оғзаки адабиётдаги шоҳбайту қанотли нақллар ҳамда мақолларнинг мағзини чақиш учун чексизликларни кўнгила ақлга сиғдира олгудек идрок ва дунёқараш керак. Игна билан қудуқ қазиш, қилни қирқ ёриш, қаловини топиб қорни ёндириш дегани ана шу. Тиллага тенг сўзларни битта-битта топиб, йиғиб-териб, тўплаб, саралаб-сайлаб, кўзларга тўтиё бўладиган кўзmunчоқ-тиллақош яшаш ҳам ана шу!.. Атоқли олимлар Тўра Мирзаев, Асқар Музақулов ва Баҳодир Саримсоқов томонидан тузилиб, Шомирза Турдимов масъул муҳаррирлигида чоп этилган “Ўзбек халқ мақоллари” тўпламини (“Шарқ” нашриёти, 2019) варақлар эканман, шундай ўйлар кўнглимдан кечди. Достонхонлик, қиссахонлик, қодирийхонлик, латифахонлик ва эртақхонликдан сўнг мақолхонлик қилгим келди. Кейинги бир аср ичида ўзбек ва рус тилларида чоп этилган жами ўттизга яқин мақоллар тўплами ичида кўп жиҳатдан энг мукаммали шу мажмуадир. Қолаверса, бу – янги лотин имлосидаги дастлабки нашр. Энг муҳими, идрокимизни бирдан ёриштириб юборувчи тенгсиз маънавий хазина ва қутадғу билигимиз бу китоб! Ўйлашимча, унинг кадр-қиммати китобхонларга кенгроқ аңглатиш зарур.

Айтишларича, бир тиланчи кимса бойнинг уйига садақа сўраб келибди-да, остонага қадам қўйганида эгик бўйи бирдан тиккайиб, тийилган тили ҳам кутилмаганда

узайиб, фавқулодда ўқтамлиги тутиб, уй эгасига қарата “Қизинга совчи бўлиб келдим!” дея бақирибди. Бойнинг кулоғи сал оғирроқ эканми, ё кўра-кўра кўса бўлгани учун атайин аңқовсирабми, “Нима деяпсан? Яқинроқ келиб гапир!” деб чақирибди.

Остонадан ҳатлаб ўтиб уй ичига қадам қўйган тиланчи кутилмаганда яна аслига қайтиб, тагин бўйи букчайиб, тили қисилиб, ўзи эланиб асл мурод-мақсадини айтибди: “Бир бурда нон тиланиб келдим...” Сабаби – бой остонага тилла кўмган экан! Тилланинг товон туйган ёлқини тиланчини бойга айлантириб, бир-ўйла қудаликни тусатган экан... Кўпни кўрган ота-боболаримиз белига тилла боғлаб юргани учун ҳам ўзини бақувват ҳис қилгани бежиз эмас.

Ҳа, ўзбек мақолларидаги ҳар бир сўз ўша – белга боғланган асл тиллага тенг. Уларни чақиб, мағзи олинса, ҳар бири ўз қуввати билан гадоё қалбларни бойга айлантириб юборади. Одам боласининг ақлига ақл қўшиб, маънавий хазинасини бойитади. Гап фақат бу ҳикматли гапларнинг қадрини баланд тутиб, улар замиридаги маъноларни аңлаб етишдагина қолган. Масалан, “Сўз кўрки – мақол, Эчки кўрки – соқол” мақолини олайлик. Унда биринчи сатр иккинчисига азбаройи “мақол” ва “соқол”ни қофиялаштириш учунгина келтирилганга ўхшайди. Аслида ундай эмас, албатта. Икки сатр учар отнинг қўш қанотидек бирлашиб, эчкидек турқи совуқ ва шум махлуқнинг соқоли унга кўрк бағишлаганидек, мақол ҳам ҳар қандай гап-сўзга кўрк бағишлайди дейилмоқчи.



Полвонга ўнг-чапи барибир деганларидек, аксар мақолларни сатрлар ўрнини алмаштириб ўқийверасиз. Бошқача айтганда, дам муроддан мақсадга қараб, дам мақсаддан муродга қараб йўл юрасиз. Ҳар икки ҳолда ҳам мурод-мақсадингизга етаверасиз. Атиги икки сатрда ҳам мурод, ҳам мақсадга етказишдек мўъжизавий майдонни сўз санъатининг мақолдан бошқа бирор турида учратмайсиз. Буни қарангки, ана шундай юксак бадиият дурдоналарининг юз-икки юзи эмас, нақ ўн уч минги бир китобда жамланибди!

Мақол қуйма ва тугал бадиий асар саналади. Шу боис ҳам улар замиридаги ўғитларни теран англаш оламдаги энг завқ-шавқли машғулотлардан биридир. Аксар мақоллар икки ва ундан зиёд фикрнинг тўқнашуви, қарама-қарши ёки ёнма-ён қўйилиши орқали хоҳ яхши бўлсин, хоҳ ёмон; хоҳ доно бўлсин, хоҳ нодон; хоҳ одобли бўлсин, хоҳ беадаб; хоҳ ишчан бўлсин, хоҳ ялқов – ҳар бир инсонга яхши ва ёмон, эзгу ва ёвуз, тўғри ва эгри каби тушунчаларни кўрсатиб-англашиб тўғри бўлиш ва маънан ўсишга йўналтиради. “Ёмон билан юрдим, қолдим уятга, Яхши билан юрдим, етдим ниятга”, “Нодонга – калтак, донога – ишора”, “Адабни беадабдан ўрган”, “Арава синса – ялқовга ўтин” каби мақоллар ҳаётнинг аччиқ-чучугини кўрсатиб, халқ эртагидаги тўқмоққа ўхшаб одамнинг адабини беради ва ақлини киргизади-қўяди...

Мазкур тўплам бир неча жиҳатдан қимматли илмий манба ҳисобланади. Биринчидан, унда халқ мақолларини ёзиб олиш, тўплаш ва нашр этиш бобидаги қарийб бир ярим асрлик тарихий тажриба жамланган. Иккинчидан, ўн уч мингдан ортиқ мақол эллик олтита мавзуга туркумлаштирилган. Учинчидан, айрим мақолларда қўлланган нодир сўзларнинг махсус луғати тузилган.

Ушбу уч йўналишдаги қўламли иш ўқувчига ўзбек халқ мақолларининг ўрганилиш тарихи қанчалик узоқлиги, мавзу доираси нечоғли кенглиги ва уларда қўлланган қадим туркий сўзларнинг нақадар пурмаъно-пурҳикматлиги ҳақида яққол тасаввур беради.

Хамир учидан патир тарзида бир жуфтгина мақолнинг мағзини чақиб кўрайлик. Мана, “Ватан ва ватанпарварлик” мавзусидаги мақоллардан бири: “Эл куюнганида куюнган – ботир, Эл суюнганида суюнган – ботир”. Камина бир мақоламда халқимизнинг “Кенжа ботир” ва “Муқбил тошотар”дек бадиий жиҳатдан етук эртақларини таҳлилга тортиб “ботир” сўзининг туб луғавий маъноларини атрофлича кўрсатган эдим. Ушбу мақолда эса асл ботирнинг бирламчи инсоний фазилати алоҳида ўқтирилмоқда.

Модомики, гапимиз от ва эл сўзлари теварагида айланар экан, “Вақт ва фурсат кадри” деб номланган сўнги туркумдаги мақоллардан бирига ҳам алоҳида диққат қилайлик: “Отанг борида йўл тани, Эсинг борида эл тани”. Бу “Юрган – дайро, ўтирган – бўйро” мақоли каби пурҳикмат. Мақолни тутиб турган тўртта таянч сўзга (ота, йўл, эс ва эл) боғлиқ оталиқ, отабек, йўлчи, йўлдош, йўллуғ, оқ йўл, борса келар, борса хатар, борса келмас сингари кўпдан-кўп калима ва жумлалар бу қадим туркий сўз-ўзақларнинг нақадар пурмаънолигини аён кўрсатиб турибди. Шу тўрт сўзга қурилган ҳикматли гап, табиийки, янада пурмаънороқ. Масалан, биринчи сатрнинг талай тағмаъноларидан бири “Отанг кўзи очиклигида бу ҳаётда йўл топ, йўлдош танла, йўллуғ бўл, яъни яшаш илмини ўрган”, иккинчи сатрнинг янада кўпроқ тағмаъноларидан бири эса “Элни таниш эсни йиғиш демақдир!” Бундай тағмаъноларни ҳар бир ўқувчи ўз ақли, яъни учар отини ишга солиб чиқариб олаверади.

**II** Буюк мутафаккир Алишер Навоийнинг маълуму машҳур чор девони “Хазойин ул-маоний” (“Маънолар хазинаси”) деб аталгани асарнинг оти зотига узукка кўз қўйгандек ярашган. Беш асрдан буён улуғ олимлар ундаги маънолар қатламини очиб озмунча китоблар битганми! Ёруғ оламда Навоийнинг чор девони сингари бой хазина бўлса, у – ўзбек халқ мақолларидир.

Элимизнинг бебаҳо маънавий бисоти, сўз санъатидаги энг қисқа бадий асар бўлмиш мақолларни сарҳисоб қилиш Абу Наср Форобийнинг Арасту асарларини шарҳлашдек қийин иш эмасми? Бундан ўттиз йилча бурун ана шу иш қойиллатиб уддаланган эди. Ш.Шомақсудов ва Ш.Шораҳмедовнинг “Ҳикматнома (Ўзбек мақолларининг изоҳли луғати)” китобида (1990) кўплаб мақолларимиз замиридаги маънолар кенг шарҳлаб-изоҳланган. Орадан салкам ўттиз йил ўтиб, мазкур китоб “Маънолар махзани” деган янги номда қайта чоп этилди (*Тошкент, “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”, 2018*).

Ўрни келганда айтиш керакки, ўзбек тилининг бутун луғавий бойлигини мужассам этган, жаҳон китобхонларига ва, айниқса, туркий тилли қардошларимизга кўз-кўз қилсак арзийдиган сўзлигимизга ҳали эга эмасмизми, демак, биз ҳали ўзлигимизни яхши билмаймиз, билолмаймиз!

Китоб умрини сўз хизматида ўтказган шоир Эркин Воҳидовнинг ихчам сўзбошиси билан нашр этилган. У ҳикматли сўзлар ва мақолларга “узоқ ўтмиш билан ҳамнафаслик ҳиссини уйғотувчи мангу чақириқ, замонлараро кўприк... Номаълум шоирларнинг юрак сатрлари, халқ истеъдодининг масофа билмас шуълалари, зулм, адоват, ҳақсизлик кўксига санчилувчи адолат тиғи... Ҳеч бир подшо эълон қилмаган фармон” дея таъриф беради.

Кейинги бир аср кечувида жаҳонда тенгсиз-беназир юзлаб дoston, минглаб қўшиқ, эртақ, афсона, ривоят, терма, топишмоқ, аския, мақоллар ва оғзаки ижоднинг бошқа намуналаридан иборат улкан маънавий бойликни ёзиб олиш, нашр этиш ва илмий ўрганиш борасида катта ишлар қилинди. Айниқса, ўзбек халқ ижоди меросининг нашр этилаётган юзжылдиги маданий ҳаётимиздаги муҳим воқеа бўлиши шубҳасиз. Биз диққат қаратган китоб эса мақолларга бадий асар сифатида ёндашилгани, улардаги сир-синоат тўла очиб берилгани учун салмоқли манба саналади. Шу йўналишда ўзбек фольклоршунослиги асосчиси Ҳоди Зариф домланинг муносиб шогирди, ажойиб олим Муҳаммаднодир Саидовнинг ўзбек халқ дostonлари бадииятига бағишланган тадқиқотлари; шунингдек, Баҳодир Саримсоқов, Асқар Мусақулов ва Шомирза Турдимовнинг мақолалари ҳам бор. Бирок улар фундаментал тадқиқотлар, яъни туб изланишлар бўлмай, йўл-йўлакай кузатишлардан иборат; иккинчидан эса, кенг китобхонлар оммасига эмас, мутахассисларнинг тор доирасига мўлжалланган. “Маънолар махзани” эса туб изланишлар маҳсули бўлиб, уни етти ёшдан етмиш ёшгача ҳар бир ўзбек ўқувчиси қийналмасдан ўқиб, осонгина тушуна олади. Масалан, “Аввал ўйла, кейин сўйла” мақолининг шарҳини ўқиб, ўзингиз хулоса чиқаринг: “Жамият аъзолари ўзаро муносабатларда сўзлашиш одобига қатъий риоя қилишлари зарурлиги таъкидланади. Киши айтадиган ҳар бир сўзини (гапи) аввал ўйлаб олиши, сўнг сўзлаши лозим. Ўйламай айтилган сўз кишининг кўпчилик орасида уялиб қолишига, ҳатто фожиавий аҳволга тушишига сабаб бўлиши мумкин. “Сўзни кўнгулда пишқармагунча тилга кетурма, Ва ҳар неким кўнгулда бор – тилга сурма” (Навоий). Вариантлари: “Ўйла-

магунча сўйлама”, “Кўп ўйла, оз сўйла”, “Ўн қатим ўйла, бир қатим сўйла” (қатим – игнага бир марта ўтказиб иш тикишга етадиган, тикилаётган иш билан қулоч қилиб ёзилган қўлнинг учи орасидаги масофага тенг ип), “Дилда пишир, тилда гапир”, “Ўйнаб гапирсанг ҳам, ўйлаб гапир”, “Ўйнаб айтсанг ҳам, ўйингдагини айт”, “Тез сўзлаган тез пушмон бўлар”, “Оғизга келган сўз арзон, овулга келган бўз арзон”, “Ўйланмаган жойдан тулки чиқар, ўйланмаган сўздан кулки чиқар”, “Англамай айтган тингламай ўлар, чайнамай ютган кавшамай ўлар”.

Мақоллар халқона содда тилда шарҳланган. Айниқса, вариантлар алоҳида илмий-амалий қийматга эга. Масалан, қатор, қатиқ, қатқалоқ, қатла, қатлам, қатлама сингари қат ўзагидан ясалган кўпгина сўзлар қаторидаги қатим сўзига эскирган дея бегонасираб қарайдиган бўлиб қолганмиз. Ҳолбуки, бу – айни сўзнинг эскиргани эмас, бизнинг кўпгина пурмаъно сўзларнинг туб луғавий маъноларини унутаёзганимиз оқибати.

Китобдаги илмий топилдиқлар айрим мақолларнинг дунёга келишига туртки бўлган воқеалар, яъни унинг тарихий илдизлари билан боғлиқ. Мана, “Ажали етса эшак ўлади, Қазоси етса қози ўлади” мақолига шарҳ: “Бу мақол Афанди латифаси билан боғлиқ. Бир вақт Афандининг эшаги ўлиб қолибди-да, унга ёр-дўстлари келиб:

– Афандим, ёлғиз эшагингизни ҳам Худо кўп кўрибди-да. Хафа бўлманг, Худо сизга бундан ҳам яхши эшак берар, – деб кўнгилхонлик қилибди.

– Йўқ, нега хафа бўларканман, – дебди Афанди, – мана, шаҳарнинг порахўр қозиси ҳам ўлибди-ку! Қазоси етса шундай қози ўлар экан-у, менинг эшагим ўлмайдими! – деган экан.

Бу мақол кўпроқ ҳазилкашлар тарафидан арзимаган нарсасини йўқотиб, хафа бўлиб юрган кишига қарата ҳазил тарзида айтилади”.

Бу шарҳ миллий қаҳрамон, яшовчан ботир Хўжа Насриддин афандимизнинг нақадар ҳозиржавоб, тўғрисиўз, билгамиш, тили ўткирлигини; қолаверса, мақол билан латифанинг ўзаро ўта яқинлигини аён кўрсатиб турибди. Ҳа, бир қатор мақоллар латифаларнинг ўзига хос қаймоғи, якуни, хулосаси, қиссадан ҳиссаси, Афандининг тағдор учуруғи ва қочирими кўринишида яратилган.

Китобда мақолларнинг фақат латифалар эмас, балки афсона-ривоятлар (“Сулаймон ўлди, девлар қутулди”), масаллар (“Бир балоси бўлмаса, шудгорда куйруқ на қилур?”), тиббий ва бошқа кузатувлар (“Узоқ чайнасанг, узоқ яшайсан”, “Хунар, хунардан унар”), ҳаётий ҳангомалар (“Қирқига чидаган – қирқ бирига ҳам чидайди”) ва тарихий воқеалар (“Берди”сини айтгунча белимни букма”) асосида ҳам дунёга келгани очиб берилган. Масалан, “Айбинг шуки, учраб қолдинг қорним очганда” деган тағдор гап беихтиёр “Бўри билан кўзичоқ” масалини эслатади. Ёки “Арслон қариса, сичқон инини пойлайди” мақоли ҳам, худди “Сичқоннинг ини минг танга бўлди” мақоли каби, асли масаллиги кўриниб турибди. Унда гап арслон билан сичқон ҳақида эмас, балки одам боласининг феъли қандай айнаши, не бир йирик шахсларнинг қариб қуюлиш ўрнига суюлиб-тубанлашиб бориши, умуман, тубанлик ҳақидадир. Келинг, ушбу мақол маънолари шарҳига кўз югуртирайлик: “Вариантлари: “Бўри қариса, ови қочар”, “Бургут қариса, сичқончи бўлар”. Сичқончи – йиртқич қуш, япалоқ деб ҳам атайдилар. Сичқончи деб аталганининг боиси шундаки, бу қушнинг бошқа нарсаларга кучи

етмай, нукул сичқон тутиб ейди. Маълумки, арслон – йиртқич ҳайвонларнинг, бургут – йиртқич қушларнинг зўри ҳисобланади. Демак, зикр этилган мақолларнинг асл маъноси аён: зўр ҳам қариса қўлидан ҳеч бир иш келмайдиган бўлиб қолади. Мажозий маъноси: илгари катта-катта ишлар қилиб келган одам қариса, бой синса, мансабдор амалидан тушса, ўзига мутлақо ярашмайдиган майда-чуйда ишларга ўралашиб қолади.

Она тилимизда сичқончи қушнинг япалоқ деб аталишига эътибор беринг. Бу қуш шунинг учун ҳам япалоқ деб аталадики, у ожиз-нотавонлик, ночор-ноиложликнинг ўзига хос тимсолидир. Билсангиз, Япалоққуш – буюк масалчи Муҳаммад Шариф Гулханийнинг машҳур “Зарбулмасал” асари қахрамонларидан бири. Шу ўринда “Ёмоннинг кучи япалоққа етибди” деган яна бир мақол ёдга келади. Мақолда кучсиз, ночор, ноилож каби сўз эмас, айнан япалоқ сўзи ишлатилмоқдаки, у кучсиз-ожизнинг ҳолатини яққол кўрсатади. Рус тилидаги “Лежашего не бьют” мақолидаги каби, ўзи бўшашиб ялпайиб ётган япалоққа ачинмай, уни аямай урдими, зўравоннинг ёмонлиги шу, деган фикр уқтирилмоқда.

Зўрлик-зўравонлик ва хорлик-зорлик ўртасидаги боғланиш, чунончи, зўрнинг зорга, азизнинг хорга айланиши турли хил ташқи ва ички омилларга, ўзига хос қонуниятларга эга, албатта. Мақолларда улар жонли тасвирланади. Мана, масалан, “Арпа емаган отларим ажриққа зор бўлди, Подшо

минмаган отларим гадо тагида хор бўлди” мақолига битилган шарҳни ўқиймиз: “Вариантлари: “Ширмон емас хонойим зоғорага зор бўлди”, “Хонойим бошига кун тушса, хамир қориб, нон ёпар, Қирқ қулочли қудуқдан қовға билан сув тортар” (қовға – хом теридан ясалган челақ). Ўтмишда халқ бу мақоллар билан давлати ва амали бор пайтда тўқликка шўхлик қилиб, яхши овқатларни ҳам ноз қилиб еган, энг яхши кийим-кечакларнинг ҳам унча-мунчасини менсимаган, давлатидан айрилгач ё амалидан тушгач, йўқсиллар ейдиган арзон ва мазасиз таомларга, йўқсиллар киядиган кўримсиз кийим-кечакларга ҳам зор бўлиб қолган собиқ амалдор ва давлатмандлар устидан кулган”. Аввалги туркум мақоллар йирик шахс майдалашмасдан то ўлгунига қадар ўзининг йирик шахслик табиатини сақлаб қолиши лозимлигини уқтирса, бу туркум мақолларда ҳаддидан ошмаслик, талтаймаслик, зор бўлмаслик учун хор қилмаслик кераклигига ишора этилади.

“Маънолар махзани” китобини ўқий туриб қани энди ҳар бир чинакам олим умри мобайнида мана шундай кўламли китоб ёза олса, дея тиладим. Бадий асар мутолаа қилгучи китобхон мақоллар шарҳини ўқиб икки карра завқланиши, ақлига ақл, умрига умр қўшилиши, дунёқараши кенгайиши тайин. Ушбу китоб икки изланувчан олимнинг бутун умр топган-тутган хазиначасию ганжинаси экани ҳар бир саҳифада манаман дея бўй кўрсатиб турибди.



### Удабурон

Бир воиз катта залда маъруза ўқибди. Кетиш маҳали идора раҳбари илтифот кўрсатиб пальтосини кийдириб қўймоқчи бўлибди.

– Йўқ, – дебди воиз, – ўзим кияман, раҳмат, узр.

– Келинг, тақсир, хизмат қилсак, сиздай азиз одамга хизмат қилибмиз-да.

– Йўқ, – дебди воиз яна, – ёмон ўрганиб қоламан.

– Нимага ёмон ўрганиб қоладилар? – деб сўрабди раҳбар.

– Иззат-хурматга.

– Нима қилибди, арзийсиз, тақсир. Икки карра арзийсиз!

– Лекин сиз ҳам ёмон ўрганиб қоласиз-да.

– Хўш-хўш, биз нимага ўрганиб қолар эканмиз?

– Сизми... сиз ўзининг чопонини ўзига кийдириб юборишга ёмон ўрганиб қоласиз.

### Ўч

Бухоронинг қиши қаттиқ келади. Тун аёзига чидаш қийин. Акрам келиб-келиб шундай кечаларнинг бирида заводдан бир машина пишиқ гишт гаплашди. Самосвалчи боришга рози бўлди. Лекин кабинадан тушмаслигини, бу қаҳратонда гишт юклашга ярамаслигини айтди. Бир ўзига осон эмас – Акрам Субҳонни кўндирди. “Кабинада

Andak hazil,  
Andak kinoya  
Andak

бориб, кабинада келаман. Тепага ўзинг чиқасан” деб шарт қўйди у ҳам. Боришди. Юклашди. Машинага гишт отиб турган одамнинг бадани қизийди, совуқни сезмайди. Лекин терлайди. Энди шу ҳолда гишт устига чиқиб ўн чақиримча ерга етиб боришни тасаввур қилинг!

Акрамнинг эса иши битиб, эшаги лойдан ўтди.

– Тегирмон ҳам навбати билан, жўражон, – деди у Субҳонга. – Келишда яхлаб ўлай дедим, кетишда ўлишим аниқ. Энди тепага сен чиқасан.

Субҳон кўнмади:

– Ваъдангни бузма, оғайни!

Бўлди жанжал, бўлди жанжал... Охири ҳайдовчи аралашиб масалани ҳал қилди – Акрам иккови Субҳонни зўрлик билан бортга – гишт устига юклашди. Кабина эшиклари шарт-шарт ёпилдию машина юриб кетди. Тепада Субҳонни ваража тутди. Нима қилиш керак? Бирдан калласи ишлаб кетди. Биратўла ҳам совуқдан ҳимояланиш, ҳам ваъдасини бузган жўрасидан ўч олишнинг йўлини топди: гишт отиб турган одамнинг бадани қизийди, совуқни сезмайди. Манзилга етиб борганларида машинада бир дона ҳам гишт қолмаган эди.

Акрам ўзидан кўрсин!

### Ўтириш

Қамоқдан чиққан кишини бир қалин оғайниси кўчада тасодифан кўриб қолиб:

– Жўражон, бир ўтирайлик! – дебди.

– Раҳмат, шунча ўтирганим етар, – дебди ҳалиги киши капалаги учиб.

### Иzzатталаб воиз

Бир идора раҳбари таклиф қилинган воизга ҳурмат билан сўз берибди. Воиз минбарга чиқибди-ю, ҳеч маърузасини бошламас экан денг. Охири раҳбар ёрдамчисининг қулоғига бир нималарни шипшитиб, унинг олдига юборибди.

– Бошланг, тақсир, раҳбар хафа бўляптилар... ноқулай, ахир, – дебди ёрдамчи воизнинг қулоғига.

– Одам кам-ку! – дебди воиз.

Хайр, наридан-бери маъруза бўлибди. – Орадан бир муддат ўтиб, яна ўша воизни таклиф қилишибди. Лекин энди бу гал раҳбар қаттиқ тайинлаб қўйган экан, зал лиқ тўла эмиш. Аввалгидек ҳурмат билан сўз берилибди. Воиз минбарга чиқибди-ю, яна бошламас экан денг. Раҳбар ёрдамчисининг қулоғига бир нималарни шипшитиб, унинг олдига юборибди.

– Бошланг, тақсир, раҳбар хафа бўляптилар... ноқулай ахир. Яна нима гап?! – дебди ёрдамчи воизнинг қулоғига.

– Бу ўтирганлар орасида мени тушунадиган одам кўринмаяпти-ку! – дермиш нотик бу гал.

### Зам сура

Бир отахон худойига бир қозон ҳалим тайёрлатиб, ўғлини масжидга юборибди:

– Бомдодан чиққан намозхонларни тўғри шу ёққа бошлаб келаверсан.

Ўғил бор-йўғи етти кишини бошлаб келибди.

– Ахир, бомдодга ҳар куни юз киши чиқар эди. Қолганлар қани? – деб сўрабди отахон ҳайрон бўлиб.

– Масжид эшиги олдида туриб, чиқаётганлардан “Бугун имомимиз зам сурага қайси сурани ўқидилар?” деб сўрадим. Етти киши тўғри айтди. Бошқалар эса “биз имомга иқтидо қилдик, қандай сура ўқиганлари билан ишимиз бўлмади” деб жавоб берди. Сиз намозхонларни чақиришимни ўқирган эдингиз, мен уларни намозхон деб ҳисобламадим-да, – дебди ўғил.

### **“Сиз-да кандидат, мен-да кандидат!”**

Озарбойжонлик академик Ҳамид Орасли домла фан номзоди бўлган пайтида бир аспирант тайёрлабди. У азбаройи садоқатидан ҳар маҳал устознинг портфелини кўтариб юрар экан. Шогирд ниҳоят бир кун диссертациясини ёқлаб, ўша замон ибораси билан айтганда, филология фанлари кандидати бўлибди – илмий даража бўйича устозига тенглашибди.

Ҳимоядан кейин пастда автобус зиёфатга борувчиларни кутиб турган экан. Ҳамид Орасли бундоқ қараса, портфель йўқ – у ҳимоя бўлиб ўтган залда қолиб кетган экан. Устоз, одатга кўра, дарҳол шогирдини топиб, портфелни олиб тушишни сўрабди.

– Йўқ, – дебди “олим” йигит, – энди бу ишни бошқа бировга буюринг. Чунки сиз-да кандидат, мен-да кандидат...

### **Танқид**

“Танқид – келажак меваси”.

Сталин тўғри айтган.

Келажак мевасини татиб кўришдан умидингиз бўлса, минбаъд танқид қила кўрманг!

### **Академикнинг картошка пиширгани**

Академик эрталабдан уйида фан билан машғул. Хотини рўзгор учун бозор қилиб келадиган бўлибди.

– Тушликни нима қиламан? – дебди олим китобидан бош кўтармай.

– Қозончага сув солиб, битта катта картошкани ювиб қўйдим. Сувни қайнатиб, картошкани соласиз. Ёнига будильник соатни ҳам қўйиб қўйганман. Ярим соатдан кейин олиб, картошкани совитиб, пўстини арчасиз-да, пичоқда кесиб, туз сепиб, сариёғ қўшиб еб оласиз, – деб тайинлабди хотини.

Тушлик бўлибди. Академик картошкани қозонга солиб, энди соатни қўлга олган ҳам эканки, эшик жиринглабди. Очса, аспиранти.

– Зап вақтида келдинг-да, ҳализамон картошка пишади. Каттагина. Иккаламизга етади, бирга тушлик қиламиз, – дебди.

Аспирант қараса, ўша каттагина арчилмаган картошка – устознинг қўлида. Секингина ошхонага кириб қозонга қараса, будильник қайнаб ётган экан...

### **“Ака Латиф”**

Латиф Аҳмедов туман қишлоқ хўжалиги бошқармаси бошлиғи сифатида вобкентлик деҳқонлар гуруҳини Тошкентга слётга олиб келибди. Уларга пойтахт вокзалидаги “Локомотив” меҳ-

монхонасидан жой беришибди. Гурух раҳбари йиғилиш ўтказиб, қаттиқ таъинлабди:

– Менга қаранглар, бу ер – Тошкент, Вобкент эмас сизларга. Катта шаҳар. Ким адашиб қолса, хоҳлаган ердан таксига ўтириб, “Локомотив” десин, шу ерга келтириб қўяди. Агар мабодо, “Локомотив” сўзи эсларингиздан чиқиб қолгудек бўлса, мени от тутасизлар. Биласизлар, мен Тошкентдан уйланганман. Пойтахтликларнинг куёви бўлман. Бу ерда каминани етти яшардан етмиш яшаргача ҳамма танийди. Адашиб қолсангизлар-у, “Локомотив” дейиш эсларингиздан чиқса, ҳеч иккиланмасдан “Ака Латиф” денглар, ҳар қандай таксичи тўппа-тўғри менинг олдимга олиб келади. Тушунарлими?!

– Тушунарли! – дейишибди сўзчилар.

Бу ҳазилни кимдир тушунибди, кимдир тушунмабди.

Келиб-келиб, кимсан – таниқли пахтакор, неча-неча ордену медаллар олган бригадир Қунди Исломов адашиб қолибди-ку. Аксига олиб, меҳмонхонанинг оти ҳам ҳеч тилга келмас эмиш. Охири бир таксини тўхтатибди. Ҳайдовчи рус йиғити экан:

– Куда, бабай? – деб сўрабди.

– Ака Латиф! – дебди бригадир.

– “Акалатиф”, “Акалатиф”... может “Локомотив”?

– Ака Латиф!

– Ну, чёт с ним, поехали, – дебдию таксичи тўппа-тўғри “Локомотив” меҳмонхонасига олиб келибди.

Қунди ака қараса, ака Латиф меҳмонхонанинг эшиги олдида кўзлари тўрт бўлиб турибди.

– Э ака Латиф, ҳақиқатан ҳам сизни Тошкентда ҳамма танир экан, бир ўрис таксичи ҳам таниди-е... – дермиш бригадир.

## Ўзбекойим ёхуд евростандарт

Гендер масаласи бўйича мутахассис олмониялик аёл юртимизда XX аср бошларига қадар хотин-қизлар ҳуқуқлари камситилгани, улар чордевор ичида сақлангани, эркаклар эса бир пайтнинг ўзида тўрт хотин олиши мумкин бўлгани ва ҳоказолар ҳақида ўқиб қолибди.

Ўша кунлари кутилмаганда аёл қўлига Абдулла Қодирийнинг олмон тилида босилган “Тошкентлик ошиқлар” романи тушибди. Ўқиса, кимсан – элулус орасида обрўси баланд Юсуфбек ҳожидек кишининг оиласида ҳам аёлнинг гапи гап экан. Бу ёғи қандоқ бўлди? Ё анави ўқигани китобни ёзганлар ёлғон сўзлаяпти, ё Абдулла Қодирий? “Шарқ – нозик масала, – деб ўйлабди опахон. – Биз тўғритаёқ ғарбликларга уларни тушунишга йўл бўлсин! Замонни XIX асрга қайтариб бўлмайдики, ҳақиқий аҳволни бориб ўз кўзинг билан кўрсанг”.

Буни қарангки, опахонга хизмат юзасидан Ўзбекистонга келиб айна масалани ўрганиш топширилибди. Олмонни биласиз – опахон жуда пухта техник тайёргарлик билан келибди; бир эркакнинг

машинасига яширин камера ўрнатибди. Видеоловҳани мутасадди раҳбарга қўйиб берибди.

...Эр дарвоза олдида “Ласетти” да хотинини кутяпти. Қаники, хотин чиқа қолса. Эр машинани тинимсиз бабилла тади. Охири, мана, хотин чиқди. Машинага ўтирди. Эр бақирди-ку: “Ёп эшикни!” Хотин эшикни ёпар-ёпмас, эр машинани ҳайдади. Кескин тормоз... Яна нима бўлди?

– Секинроқ ёпмайсанми? Эшикни синдирай дединг-ку. Нима, отангни пулига келганми бу машина?!

Тўйхона. Машина тўхтади. Эр тушиб, орқасига қарамай кетди. Хотин тоғорасини кўтариб аранг тушди, анча орқадан у ҳам юра бошлади. Эр кўздан йўқолди. Хотини билан иши ҳам бўлмади...

Ана сизга гендеру мана сизга гендер!

– Аҳвол чатоқ-ку, – дебди опахон. – Шуми аёл зотига муносабат? Бизда бундай ҳолда эр бекаси уйдан чиқиши биланоқ югуриб тушиб машинасининг орқа эшигини очиб туради. Хотинини қўлчаларидан ушлаб ўтирғизади. Кейин секингина эшикни ёпади-да, рулга ўтириб машинасини оҳиста-оҳиста ҳайдайди. Тўйхонага етиб борилганда – яна шу таомил: тушади, орқа эшикни очади, хотинининг қўлчасидан ушлаб туширади, совға-повғаси бўлса, уни ўзи кўтариб олади. Сизларга ўхшаб аёл кишига зил-замбил тоғора кўтартириб қўймайди. Кейин рестораннинг эшигини югуриб бориб очади. Хотинини олдин киритиб, кейин ўзи юради. Стол

атрофидаги стулни қулай жойга қўйиб аввал хотинини ўтирғизади-да, кейин ўзи ёнига ўтиради...

– Сиз, сингилжон, – дебди мутасадди раҳбар, – хулоса қилишга асло шошилманг. Сиз шаклни кўрибсиз. Лекин гап – мазмунда. Сиз оилаларга боринг, асл аҳволни ўрганинг. Чуқурроқ мулоҳаза қилинг. Кейин хулоса қилинса, адолатдан бўлади.

Опахон энди хонадонга ташриф буюрибди. Уй бекаси билан суҳбатлашибди.

– Оилада ким бошлиқ?

– Ўзбекчиликда уйда эр бош бўлади-да, айланай.

– Эрингиз бош бўлса, сиз кимсиз унда? Ахир, тенгхуқуқлилиқ қаёқда қолади?

– Энди эр бош бўлсалар, биз бўйинмиз-да, ўргилай.

– Нима учун иккинчи даражали мақомга рози бўласиз?

– ...

Опахоннинг боши қотибди: “Шарқ – нозик масала!” Уйга ҳам камера ўрнатилибди:

...Эр ишга кетади. Қўшни чол эшик қоқади. Аёл чиқади:

– Хўжайин боя ишга кетган эдилар.

– Майли, кечқурун чиқарман.

– Нима деб қўйай? Нима хизмат бор эди, отахон?

– Ўзи сизга айтсам ҳам бўлаверади, келин. Ўғлимиз машинага ариза ташлаб қўйган эди. Эртага навбати келар экан. Шу денг, 10 миллион сўм етмайроқ турибди-да.

– Буни ўзлари билан гаплашасиз, ота. Мен бунақа масалаларга аралашмайман.

Келин отахон билан хайрлашиб эшикни ёпадию ўша заҳоти эрига қўнғироқ қилади:

– Агар бегонага шунча пул қарз берсангиз, мен эртасигаёқ йиғиб қўйган пулингиздан икки минг долларига бриллиант оламан!..

Кечкурун. Чол чиқади. Эр силлиққина рад жавоб беради...

Опахоннинг боши яна қотибди. “Бор-е!..” дебди-да, лаш-лушларини кўтариб қўшни мамлакатга ўтиб кетибди. Уларда иқтисодий тараққиёт пастроқ экан. Лекин гендер масаласи зўр эмишда. Ҳамма ерда хотинлар эридан анча олдинда юрар эмиш. Опахон хурсанд бўлиб кетибди. Мутасадди раҳбарлардан бирига гендер масаласи евростандартга моппа-мос келишини айтибди.

– Евростандарт-певростандартни тусунмаймиз, – дебди мутасадди. – Гендер-пендерини ҳам мана сиздан биринчи дафъа эшитиб турибман. Лекин... гап шундаки, бизнинг мамлакат миналаштирилган! Шунинг учун эрлар хотинларига ўзидан анча олдинда юришига рухсат берган...

### **Икки карра икки неччи?**

Туркиянинг Кейсери, яъни Қайсари шаҳри ўзимизнинг Гиждувонга ўхшар экан. Савдогарлик ҳаммасининг қон-қонига сингиб кетган. Улардан:

– Икки карра икки неччи? – деб сўралса, дарҳол қарши саволга тутишади:

– Сотаётгандами, сотиб олаётгандами ёки даллоллик қилаётгандами?

– Нима фарқи бор, ахир?

– Ие, шундай фарқи борки!

– Хўш?

– Сотаётганимда икки карра икки беш бўлади. Шунда бир лира ютаман. Сотиб олаётганимда икки карра икки уч бўлади. Бундан ҳам бир лира қолади. Даллоллик қилаётганда эса икки карра икки тўрт бўлади. Чунки бунда сотувчидан ҳам, харидордан ҳам бир лирадан фойда оламан.

### **Ўжар**

Икки биродар пою пиёда узоқ сафарга чиқишибди. Шарқираб оқаётган катта дарё бўйида чинни гужум, яъни садақайрағоч учрабди.

– Қойил-е! – дебди бирови. – Бу гужумни дум-думалоқ қилиб ким бутабди?


– Буни ҳеч ким бутагани йўқ, оғайни, – дебди иккинчиси. – Бу, ахир, садақайрағоч. Ўзи шунақа дум-думалоқ бўлиб ўсади.

Икковиям қайсар экан; буниси у дебди, униси – бу. Ҳеч бири бир гап кам – олам гулистон демабди. Ҳақ сўзни айтганнинг жаҳли ёмонроқ экан. Тушунишни истамаган биродарини охири даст кўтариб дарёга иргитибди. Шериги оқиб кетаётган эмиш. Уни қутқаришнинг эса энди ҳеч иложи йўқ. Ҳар замон-ҳар замонда ўнг қўлини сувдан чиқариб кўрсаткич бармоғи билан ўртанча бармоғини қайчи қилиб кўрсатар экан: “Буталган дедимми, буталган!..”

# KUCHSIZLARNING KUCHI NIMADA?

*Sardor SALIM mutolaa qiladi*

## РОСТ БИЛАН ЁЛФОН ЧЕГАРАСИ



Václav Havel. *The Power of the Powerless*. "Routledge", 1985.

Инсон қандай қилиб давлат машинасининг оддий бир мурвати-дан онгли фуқарога айланади? Зулм ва оммавий лоқайдлик ҳукмрон жамиятни ўзгартириш учун нима қилмоқ керак? Чехиялик давлат арбоби Вацлав Ҳавел "Кучсизларнинг кучи" эссесида шу каби ғоят муҳим мавзулардан баҳс юритади.

1989 йил 17 ноябрь куни Прагада аксилкоммунистик намо-йишлар бошланади. Икки ҳафта давом этган "бахмал инқилоби" Чехославакияни 40 йилдан зиёд идора этган мустабид режимни қу-латади. Икки йилдан кейин коммунизм ватани бўлмиш СССРнинг ўзи ҳам пар-чаланади. Бу жараёнга зиёлиларнинг диссидентлик ҳаракати ҳам катта ҳисса қўшди. Қайд этиш жоизки, "Кучсизларнинг кучи" эссеси ўша давр диссидент-ларининг дастурий қўлланмаларидан бири эди. Эссе "Прага баҳори" деб ном олган норозилик ҳаракати совет қўшинлари томонидан бостирилганидан ўн йил ўтиб, 1978 йилда ёзилган.

В.Ҳавел ўртамиёна драмалари ёки 12 йил давом этган президентлиги би-лангина эмас, айнан ушбу фалсафий эссеси билан тарихда қолди. Коммуни-стик партия ҳукм сурган Чехославакияда мустабидликни қонуний тузум, табиий ҳол сифатида қабул қилиб, зулмга кўникиб яшаган тоифа кўпчиликни ташкил этар эди. Муаллиф жамиятдаги айни шу кайфиятни тадқиқ этади. В.Ҳавелга кўра, ҳар қандай мустабидлик тузуми, жумладан, Чехославакияда ўрнатилган коммунистлар ҳокимияти умрбоқийлигини таъминлаш учун ижтимоий ҳаётнинг

барча жабҳалари ва оммавий ахборот воситаларини тўлиқ назорат қилиш кифоя эмас. Ҳеч бир тузум жамоатчиликнинг розилиги ва дастагисиз узоқ яшаёлмайди. Жамоатчилик хоҳиш-истаги эса ҳар бир шахс қалбан маъқуллаган ва оммавий дея тақдим этилган индивидуал қарорлар мажмуидир.

Хўш, жамоатчилик зулмга қандай кўникади ва уни қўллаб-қувватлайди? Дейлик, дўкон эгаси кўринарли жойга “Бутун дунё ишчилари, бирлашинг!” деган шиорни осиб қўйди. У нега шундай қилди? У ҳақиқатан ҳам дунё ишчилари бирлашуви ғоясининг шайдосими? Дўкондор дунё ишчилари қандай бирлашиши мумкинлиги ҳақида бир лаҳза бўлса ҳам ўйлаб кўрганми? Аксар тужжор аҳли бундай саволлар билан бошини қотириб ўтирмайди. Аслида, дўкондорнинг алвон шиорга кўзи учиб тургани йўқ, унга ушбу тарғибот воситасини мол тақсимлаш базасида бошқа маҳсулотлар билан бирга тутқазиб юборишган. Тужжор ҳамма шундай қилгани учун ҳам шиорни дўконига осиб қўйган. Агарда ундан “Мен кўрқокман ва сўзсиз итоаткорман” деб ёзилган лавҳани осиб қўйиш талаб қилинса, у уялган ва андак бўлса-да эътироз билдирган бўлар эди. Лекин ҳар икки шиорда ҳам жамиятга айна бир хил мужда бериляпти: дўкондор салтанат соҳиблари унга зулм-зўравонлик қилишини истамаслиги, “кичкина одам” сифатида ўз ўрнини билиши ва режимни қўллаб-қувватлашини билдирмоқчи. Яъни ушбу шиор дўкондорга ўз обрўсини сақлаган ҳолда (ахир, бутун дунё ишчиларининг бирлашиши ёмон нарса эмас-ку!) иқтидордагиларга тобелик изҳор этиш имконини беради. Сотувчи шиорни илишдан бош тортса, уни коммунистик партия ғояларига хиёнатда айблаб, жазолашади. Умуман, ҳар қандай шиор ёки давлат раҳбарининг суратини ўз дўкони, хизмат хонасида осиб қўйиш каби арконлар тоталитар жамиятда ортиқча даҳмазаларсиз яшаш учун талаб этиладиган сон-саноксиз ён беришлардан бири, холос. Мафкура дўкондорга итоаткорлигининг асл сабабини (кўрқоклигини), бошқарув зулм булогидан сув ичаётганини яшириш имконини беради. Қизиғи, бошқарув аҳли ҳам дўкондорлар шиорларга ишонмаслигини яхши билади. Демак, тоталитар жамиятда одамлардан ўтрикларга ишонмоқ талаб қилинмайди. Улар, гарчи инонмаса-да, умум қабул қилган ёлғон арконларга эътироз билдирмаслигининг ўзи кифоя.

“Ёлғон ичра яшаш”, “рост ичра яшаш” – эсседа таҳлил-тадқиқ этилган муҳим тушунчалардандир.

Коммунистик тузум ўз умрини узайтириш учун бошқа мустабидлик низомларидан фарқли ўлароқ фақат тазйиқ ва зўравонликка таянибгина қолмаган, балки борлиқни яхлит тушунтириб беришга қодир қудратли мафкура ҳам унинг хизматида бўлган. Ҳавел бу мафкурани “дунёвийлашган дин” деб атайди. *“Мафкура ўзлик, кадр-қиймат, ахлоқ ҳақидаги иллюзияларга инонтирар экан, айна чоқда, инсонни улардан сездирмай мосуво этишга интилади... Мафкура инсонларни ўз виждонини алдаш, шубҳа-гумонлари ва номақбул ҳаёт тарзини ўзюк атрофдагилардан яширишга ўргатади... Мафкура, таъбир жоиз бўлса, инсонга заифлиги, юзакилиги ва муҳит-маконга кўникаб яшаётганини беркитиш учун парда вазифасини ўтайди”.*

Коммунист тузум инсонга хизматни рўқач қилиб, жамият аъзоларидан сўзсиз итоатни талаб этди. Муаллиф шу каби алдов ва мунофиқликлар ҳақида бундай ёзади: *“Амалдорлар ҳокимиятига халқ ҳокимияти дея тўн кийдирилади... шахсининг тўлиқ деградацияси унинг мутлақ озодлиги деб талқин этилади; ғаразли мақсадда, ўзбошимчалик билан куч кўрсатиш қонунчиликка риоя қилиш деб ном-*

ланади; маданиятни қатагон этиш уни ривожлантириш деб аталади; импери-яни кенгайтириш йўлидаги уринишлар мазлумларга ёрдам дея хаспўшланади; сўз эркинлигининг йўқлиги ҳурликнинг олий кўринишию саҳналаштирилган сай-ловлар демократиянинг юқори чўққиси саналади; мустақил фикрни тақиқлаш илмий дунёқарашга айланади... Ўз ёлғонларига асир бўлиб қолган режим ҳамма нарсани – ўтмишни, бугунни, ҳатто келажакни қалбакилаштиради”.

Муаллиф талқинича, жамият аъзоларининг ана шу ўтрикларга ишониши ёки унга ошкора эътироз билдирмай гўёки ишонгандек яшаши, ҳақиқатдан кўз юми-ши – “ёлғон ичра яшаш”дир. Бу тарзда ҳаёт кечирмоқ мустабид тегирмонига сув қуяди, одам ўзи истамаган ҳолда зулмнинг бир қисмига, охир-оқибат тузум-нинг ўзига айланади.

Модомики мустабидлик тузумида ёлғонни эътирозсиз қабул қилиш – бо-тилни қўллаб-қувватлаш саналар экан, рамзий арконларда иштирок этмаслик, умум қабул қилган ўйин қоидаларини бузиш – “рост ичра яшаш” демақдир. В.Ҳавелнинг таъкидлашича, ҳақ бўлиб яшаш фақат норозилик намойишлари уюштириш ёки баррикадалар тиклашни англамайди (муаллиф кези келганда сиёсий курашнинг бу усулларини ҳам инкор этмаган). Инсон ўзи истагандек ҳаёт кечириши ҳам рост ичра яшашдир. Ҳурлик сари отилган бу илк қадамнинг ўзиёқ инсон учун вой бўлиши мумкин. Лекин қандай фикрлаш, қандай мусиқа тинглашу қандай кийинишга қадар – ҳаётнинг барча жабҳаларини назорат қи-лишга ишқибоз тузумда ҳур яшаш қаршилиқнинг ягона кўринишидир. Ҳавел буни “аксилсиёсий сиёсат” деб атайди.

Сирасини айтганда, зулм даврида ҳақ бўлиб яшаш мазлумлар, ожиз ва куч-сизларнинг кучидир! Бундай кураш усули зулмнинг пайини қирқади. Шарқий Ев-ропа мамлакатлари ва СССРнинг кечмиши бунинг ёрқин далилидир.

## ҲАҚПАРВАР

Александр Солженицын. Жить не по лжи. “YMCA-Press”, 1973.

Вацлав Ҳавел салмоқли рисоласида тоталитар зулмга қаршилиқ-нинг ғоявий асосларини файласуфона босиқлик билан таҳлил қилган бўлса, атоқли адиб Александр Солженицин тўрт бетгагина жо бўл-ган эссесида “авлиёларча” хитоб қилади. Дарҳақиқат, зулмга қарши чиққани учун бошига балолар дориган Солженицин СССР каби мус-табидлик тузумини кулатадиган омилни ҳаммадан олдин айта олган.

“Жить не по лжи” эссеси “самиздат” шаклида чоп этилган куннинг эртасига, 1974 йил 13 февралда муаллиф “аксилшўровий фаолияти” учун СССР фуқаролигидан маҳрум этилган ва ГФРга бадарга қилинган.

Ҳавелнинг эссесидаги дўкондор коммунистик шиорлар битилган плакатни де-вордан шилиб ташлаган бўлса, Солженицин бутун жамиятга “шоҳ аслида яланғоч экани”ни баралла айтади. Қайд этиш жоизки, рус адибининг ёлғон ичра яшамас-лик ҳақидаги манифести чех арбобидан бир неча йил аввалроқ эълон қилинган.

Солженициннинг эссеси аввал-бошда бутун миллатга мафкуравий бўйсун-маслик хитоби сифатида ёзилган эди, лекин муаллиф унинг шиддатини ка-майитиришга қарор қилади. Адиб одамлар маслагу матлабдан айро яшаётгани, принциплардан осонгина воз кечаётганини оғриқли ҳол ўлароқ баҳолайди.



“Бизда на қатъият, на гурур қолди, юрагимиз қуриди. Биз ҳатто ялли атом хуружидан қўрқмаймиз, учинчи жаҳон урушидан қўрқмаймиз (балки бирон тирқишга беркиниб олармиз), биз фақат фуқаролик жасорати қадамларидан қўрқамиз! Биз подадан ажралмасак, якка одим отмасак ва ногоҳ оқ нон, газ колонкаси ва пойтахт пропускасидан маҳрум этилмасак бўлгани!” деб ёзади адиб.

А.Солженицин фикрича, 1970-йилларда шўро жамияти шу қадар лоқайд ва абгор аҳволда эдики, аҳолини фуқаровий ёки мафкуравий бўйсунмасликка чақиришдан фойда йўқ эди. Шу боис адиб кўп йиллик ҳаётий тажрибасига асосланиб, замондошларига ҳеч бўлмаса шахсий ҳаётда ёлғонсиз яшаш кераклигини уқтиради. Ёзувчига кўра, инсон ҳақиқат йўлини ихтиёр этса, ёлғонни кўллаб-қувватламасликка интилноғи лозим, яъни:

– бундан буён ҳақиқатни эгиб-букадиган бир жумла ҳам ёзмайди, имзоламайди, чоп этмайди, шахсий суҳбатда ҳам, кўпчилик орасида ҳам айтмайди;

– ёлғон фикр, ноҳақ гапни санъат турлари воситасида ифодаламайди;

– ялтоқилик учун, ўзини муҳофаза этмоқ учун, ишининг муваффақияти учун раҳбарлардан иқтибос келтирмайди (иқтибос қилинаётган фикрга тўлиқ қўшилиши мустасно);

– ўз хоҳиш-иродасига зид намойиш ёки митингга боришга мажбур қилишларига йўл қўймайди;

– ўзи сидқидилдан қўшилмайдиган таклифни тасдиқлаб қўлини кўтармайди; номуносиб ёки нолайиқ деб ҳисоблаган шахс учун очиқ ҳам, яширин ҳам овоз бермайди;

– нотик оғзидан ёлғон ва мафкуравий сафсата ирод қилинаётганини эшитган ҳамон мажлисни тарк этади;

– ахборот сохталаштириладиган, бирламчи фактлар беркитиладиган газета ёки журналга обуна бўлмайди ва уни харид қилмайди.

Бизни чирмаб олган табиий кўрқоқлигимиздан қутулишнинг осон йўли мана шудир деб ҳисоблайди муаллиф.

Барча замону маконларда зулм ва ёлғон билан курашишнинг уч усули қўлланган. Биринчиси, инқилобчи, жиҳодчи ва бошқа тоифа радикаллар танлаган йўл бўлиб, унда зулмга қарши қурол билан курашилади. Лекин сиёсий тарих яққол кўрсатганидек, қуролли кураш аксар ҳолларда яна кўпроқ зулмга олиб келади. Иккинчи йўл “кичик ишлар назарияси” аталиб, унга кўра, тизимни ичдан қадам-бақадам ислоҳ қилишдир. Лекин бу усулнинг заифлиги шундаки, тизим пойдевори ва асосларини ислоҳ қилиш фурсати келганда, бошқарувдагилар бунга асло йўл бермайди. Қолаверса, аксар нобоп тизимларни ислоҳ этиб ҳам тўғрилаб бўлмайди. Масалан, ислоҳ қилинган коммунизм барибир коммунизмдир!

Олмон-америка файласуфи Ҳанна Арендт “Тоталитаризмнинг ибтидоси” китобида қайд этишича, мустабид бошқарувнинг идеал табааси ўтакетган нацист ёки коммунист эмас, балки факт билан уйдирма, ҳақиқат билан ёлғонни ортиқ фарқламайдиган оддий инсондир. Мутафаккирларга кўра, ана шу – на қаҳрамон, на инқилобчи бўлган оддий инсонлар ёлғону ҳақиқат нима эканини англаб, ошқо-ра жамоавий ёлғондан тадрижий воз кечиши зулмга қарши туришнинг учинчи йўлидир. Бу – қаршилиқ кўрсатишнинг энг мўътадил усули. Лекин биз ҳатто шунга

хам журъат эта олмасак, тубан, майда ва толесиз авомлармиз ва Пушкиннинг ушбу нафратомуз тўртлиги биз ҳақимиздадир деб хулоса қилади Солженицин:

*Подага эрк тухфа этмоқлик нечун?  
Етар сўймоқлигу юнгини олмоқ.  
Меросдир аларга авлодма-авлод  
Бўйинтуруқ, қамчин ҳамда шақилдоқ.*



## ИСТЕЪДОД ВА ИСТИБДОД

Czesław Miłosz. *The Captive Mind*. "Vintage", 1990.

Адабиёт бўйича Нобель мукофоти совриндори Чеслав Милош 1911 йилда Литвада туғилган, аммо поляк шоири сифатида Варшавада вояга етган. У Иккинчи жаҳон урушидан кейинги йилларда Польша республикасининг АҚШ ва Франциядаги элчихоналарида маданият ишлари бўйича атташе бўлиб фаолият юритди. Парижда ишлаётган кезлари – 1951 йилда Ғарбга қочиб кетди (адибнинг ўзи "қочиб кетди" ибораси ўрнига "коммунистик режим билан орани очик қилди" жумласини ишлатган маъқулроқ эканини ёзган). Икки йилдан кейин эса фикр аҳли орасида шов-шув уйғотган "Кишанланган онг" асарини эълон қилди.

Бир неча эсседан иборат китобда ўтган асрнинг 30-40-йиллари поляк зиёлилари қисматидан нақл этилади. Муаллиф Сталин талқинидаги марксизм-ленинизм мафкурасининг Шарқий Европа, хусусан, поляк зиёлилари онгига сингдирилиши, умуман, зиёлиларнинг яккаҳукмдорликка маҳлиё бўлиши ҳодисасини маҳорат ила тадқиқ этган.

Ч.Милош ўзи яқиндан таниган тўрт ёзувчи тақдири мисолида истеъдод ва истибдод муносабатини кўрсатиб берган. Асар қаҳрамонлари прототиплари – Польшанинг атоқли шоир-ёзувчилари Жерси Анджеевский, Тадеуш Боровский, Ежи Путрамент ва Константи Галчиньскийлардир. Аммо муаллиф уларнинг номини очик кўрсатмайди, балки шартли равишда грек алфавитининг тўрт ҳарфи (Альфа, Бета, Гамма, Дельта) билан атайди. Аслида, бу ўринда исмлар жилла аҳамиятга эга эмас. Чеславнинг асосий мақсади зиёлиларни ўз маслагини ўзгартиришга, эътиқодидан воз кечишга мажбур қилган муҳит ва шароитни тасвирлашдан иборат.

Зиёлилар онги метаморфозасини кўрсатиш учун муаллиф икки мажоздан фойдаланади. Уларнинг биринчиси – мурти бинг малҳами.

Бошқа бир поляк ёзувчиси Станислав Виткевичнинг 1932 йилда эълон бўлган қиссасида ҳикоя қилинишича, олис Шарқ даштларидан номаълум яъжуж-маъжуж кучлари бостириб келаётганидан европаликлар саросимага тушиб қолади. Европаликларни тинчлантириш учун яъжуж-маъжужлар қўмондони Мурти бинг уларга бахт-саодат дорисини юборади. Сеҳрли малҳамни ичганлар ҳар қандай руҳий тушкунликдан халос бўлади, улар ҳатто мустамлакачиларни ҳам шоду хуррам ҳолда кутиб олади. Шарқдан бостириб келаётган кучдан мурод – Совет Иттифоқи, сеҳрли дори эса марксизмнинг сталинча талқинига ишорадир.

Ч.Милош сталинча ғояга маҳлиё бўлиб, советларни кучоқ очиб кутиб олган поляк зиёлиларини мурти бинг дорисини ичган қавмга менгазайди. Бу дори уларнинг воқеликни борича кўришига монелик қилди, акс ҳолда, улар она юртини гораат этаётган мустамлакачиларга ҳамду сано ўқимас эди.

Француз шарқшуноси Артур де Гобино “Ўрта Осиё фалсафаси ва диний қарашлари” деган китобида форс тилида “қисман”, араб тилида эса “ат-Тақия” деб номланган тамойил ҳақида ёзган. Маълумотларга қараганда, “ақл билан иш кўриб ўз эътиқодини яшириш” маъносини англатувчи бу тамойилдан асосан ши мазҳаби вакиллари сунний мусулмонлар орасида яшаб қолиш учун фойдаланган. Ч.Милош эса ушбу тарихий истилоҳни иккинчи мажоз сифатида қўллайди. Адибнинг мақсад-муддаосини тўлиқроқ англаш учун Иккинчи жаҳон урушидан кейин Польшада юз берган ҳодисаларга бир қур назар солмоқ лозим.

1945 йилда Польша расман мустақил деб эълон қилинса-да, амалда Совет Иттифоқига қарам ўлкага айланади. Мамлакатни Москва юборган поляк коммунистлари идора этади. Польшада ошиғич равишда коммунизм ғоялари тарғиботига киришилади. 1950-йиллар бошидаёқ “темир парда” туширилгач, аҳолининг, айниқса, шоир-ёзувчи, илм-фан ва санъат намояндаларининг хулқ-атвори кескин ўзгаради. Зотан, янги тузум улардан наинки итоаткорлик, балки коммунистик ғоялар тарғиботини ҳам талаб қилаётган эди.

Ч. Милошнинг “партия етови”да юрган ҳамкасблари ўз кори-амали мажбурият эканини рад этиб, қалб амрига кўра шундай йўл тутганини иддао қилар эди. “Ат-Тақия” ана шу зиддиятни англашга ёрдам беради. Зулм ҳамиша одамларни асл эътиқодини яшириш, ёлғон гапиришга мажбур этади. Лекин Милош тасвирлаган “ат-Тақия” ўзини атайин телбаликка солишдан чуқурроқ маънони англади. У оддийгина ёлғон эмас. Милошнинг фикрича, “ат-Тақия” ёки “қисман” оддий иккиюзламачилиқдан фарқли ўлароқ, ўша ёлғон муҳитини яратган маккорнинг ўзини ҳам алдаб қўяди. Йиллар давомида ижро этилган роль актёр ўзлигига айланиб кетганидек, узоқ муддат “ат-Тақия”да яшаган инсон ҳам бора-бора ёлғонларни ҳақиқий ўзлигидан ажратолмай қолади. Ҳазрати Умар таъбири билан айтганда, “Эътиқодига кўра яшамаган инсон тез орада яшаганига кўра эътиқод қила бошлайди”.

“Ат-Тақия” аслида онгни муҳофаза этиш, зиддиятларга чидаш усули. Ушбу йўлни тутган шахснинг тили билан дили бошқа-бошқадир. Эътиқодини баралла айтишга журъат қилмаган кимса ҳокимиятнинг ҳар қандай талабига мослашверади, ҳар қандай масалада сулҳга бораверади.

Бу ҳол ҳокимият аҳлини алдашдан ҳам кўра кўпроқ уни қўллаётган зиёлига таскин беради. Асар қахрамонлари – Альфа, Бета, Гамма, Дельтанинг тақдири иблис билан беллашувда ютиш амримаҳол эканини кўрсатади.

Коммунизм ўрнатилишидан аввал диний руҳда салмоқли асарлар ёзган Альфа замонга мослашиб, улардан воз кечади ва истеъдодини “ўтин ёришга сарфлайди”. Соцреализм қолипида тарғибот асарларини қоралашга муккасидан кетган адиб ҳамкасблари орасида “хурматли фоҳиша” лақабини орттиради. Коммунизм деб ёшлик идеалларидан воз кечган Бетанинг ҳам бора-бора ҳафсаласи пир бўлади ва пировардида тушкунлик ва йўлсизлик сабаб ўз жониға қасд қилади. Мустабид тузум қолган адибларни ҳам бор-будидан, истеъдодию истиқболидан мосуво этади.

Хўш, бундан салкам 70 йил олдин ёзилган “Кишанланган онг” бугун ҳам долзарбми? Фикримизча, истеъдод ва истибдод кураши давом этар, зиёлилар қалбида зулмни оқлашга мойиллик яшар экан, Чеслав Милошнинг мазкур асари ўз аҳамиятини асло йўқотмайди.





## Ekran balosi

Шахснинг мафкуравий иммунитетига салбий таъсир кўрсатиш жараёни манипуляция деб аталади. Манипуляция ботиний парокандаликка олиб келади. У, айниқса, сохта диний ташкилотлар, миссионерлар ва ақидапараст гуруҳлар фаолиятида яққол кўзга ташланади. Бунда, аввало, ҳақиқий ҳолатни яшириш ёки бузиб кўрсатиш, тафаккурни назорат этиш орқали ҳар қандай вазифа ёки топшириқни бажарадиган, муайян ғояга тобе, ўзлигидан маҳрум бўлган кимсалар шакллантирилади.

XX аср ижтимоий онгни бошқариш борасида бурилиш асри бўлди. Бир вақтнинг ўзиде миллионлаб одамларни ўз таъсирига олиш имконини берадиган янги технологиялар вужудга келди. Бундан унумли фойдаланаётган миссионерлар ҳам инсон онгини бошқаришда илгари тасаввур этиб бўлмайдиган кўламда фаолият юритмоқда. Улар бир томондан ёшларни йўлдан уришга бевосита ҳаракат қилаётган бўлса, бошқа томондан эса уларга медиасаноат, яъни телевидение, радио, кинематография, оммавий нашрлар, интернет қўл келмоқда. Эндиликда минглаб тарғиботчиларга зарурат қолмаётир.

Бугун асосий ахборот ташувчи – экран. АҚШлик тадқиқотчи Р.Макнейл қайд этганидек, омма онгини манипуляция қилишда телевидение каби туб бурилиш ясаган восита йўқдир ([www.kara-murza.ru/books/manipul/manipul5](http://www.kara-murza.ru/books/manipul/manipul5)).

Телевидение ҳақиқат ва ёлгон чегарасини йўққа чиқаради. Ёлгоннинг ҳақиқат сифатида уқтирилиши ҳам томошабинда шубҳа уйғотмайди. Негаки, телевизор томоша қилаётган одам кўпинча психологик ҳимоя сигналларини ўчирган бўлади.

Манипулятив кўрсатувларни узоқ вақт томоша қилган одамлар унга шу қадар ўрганиб қоладики, бусиз уларда тажанг кайфият вужудга

келади. Инсон психологиясининг шу каби жиҳатларидан фойдаланиш аксар манипулятив методларнинг асосини ташкил қилади. Телеэфир давомида ахборот тарқатишнинг бир неча усулидан фойдаланилади. Хусусан, бир вақтнинг ўзиде кўриш ва эшитиш орқали ахборот қабул қилиниши манипуляция самарасини бир неча баробар оширади.

“Телемахсулот инсон руҳиятига наркотик сингари таъсир қилади, – деб ёзади профессор Сергей Кара-Мурза. – Шаҳар цивилизацияси одами телевизорга боғланиб қолган. Бунда у ўз эркинлигини қисман йўқотади, яъни экран қаршисида ахборий эҳтиёжлари тақозо этганидан анча кўп вақт ўтказилади. Худди гиёҳванд сингари бунинг ўз руҳияти ва саломатлигига таъсирини онгли баҳолаёлмайди (*Кара-Мурза С. Манипуляция сознания. Москва, “Эксмо”, 2003. Стр. 32*).

Ойнаи жаҳонда мазмун-моҳияти жиҳатидан шарқона кадриятлар, ўзбекона урф-одатлар, дину диёнатимизга тўғри келмайдиган фильм, мультфильм ва сериаллар кўпайган. Статистик маълумотга кўра, 18 яшар АҚШлик компьютер ўйинларидаги 40 мингга яқин қотиллик “муаллифи”, кинофильмлар орқали 200 мингга яқин зўравонлик шохиди бўлар экан (*Азроянц Э. Глобализация: катастрофа или путь к развиту? Москва, “Новый век”, 2002. Стр.40*). АҚШда жиноятчиларнинг 61 фоизи телеқаҳрамонларга тақлид қилган ҳолда қонунларни бузади (*Отамуратов С. Глобаллашув: миллатни асраш масъулияти. Тошкент, “Ўзбекистон”, 2018. 123-бет*).

Машхур сиёсатшунос З.Безежинскийнинг ёзишича, “АҚШ телевизион дастурлари ва фильмлари дунё бозорининг деярли тўртдан уч қисмини, оммабоп мусиқаси эса энг етакчи погонани эгаллаган” (*ўша манба, 124-бет*). Ушбу маълумот

нима учун миссионерлар сўнги вақтда медиа-миссионерликка кўпроқ эътибор қаратаётгани сабабини ойдинлаштиради.

2006 йилда миссионерлик ғоялари билан суғорилган 118 та фильм суратга олинган бўлиб, улар Ҳолливудда яратилган барча фильмларнинг 41 фоизини ташкил этади (қ.: *Очилдиев А., Нажмиддинов Ж. Миссионерлик: моҳият, мақсадлар, оқибатлар ва олдини олиш йўллари. Тошкент, 2013. 100-бет*).

BBC News хабар беришича, Нидерландияда педофиллар ҳуқуқини ҳимоя қилувчи “Раҳмдиллик, эркинлик ва ранг-баранглик” номли партия рўйхатдан ўтган бўлиб, ушбу ҳаракат ҳайвонлар билан жинсий муносабат (зоофилия) ҳамда болалар порнографиясини ҳам қонунийлаштириш таклифини киритган. Бундай жаҳолат ва фаҳш-ни тарғиб қилувчи кўрсатувлар таъсирида томошабиннинг феъл-атвори, юриш-туриши, ҳаёт ва атрофдагиларга муносабати салбий томонга ўзгармайди деб ким кафолат беради? Аслида, бундай кўрсатувларни эфирга узатишдан мақсад нима? Ахир, уларни мунтазам томоша қилиш тўғрисида меҳр ва ҳаё йўқолиб, ўрнини тошбағирлик, шафқатсизлик, фаҳш ҳамда ахлоқсизлик эгаллаши муқаррар-ку.

Нафақат чет эл, ҳатто миллий телеканалларимиз орқали эфирга узатилаётган мазмунан саёз, ғоявий бузуқ Ғарб сериал ва фильмлари ҳаё, андиша каби миллий туйғуларни емирмоқда. Ушбу сериалларнинг кўпи қолипдан чиққандек бир хил, бир-биридан бачкана, сийқа, сохта муносабатлар асосига қурилган. Аксарида зино, беҳаёлик, бузуқлик, бойлик, пул топиш учун ҳеч нарсдан қайтмаслик каби иллатлар очик-ойдин тарғиб қилинади. Сериал қахрамонлари учун муқаддас нарсанинг ўзи йўқ. Улар на динни, на ота-онани, на инсоний қадриятларни ҳурмат қилади. Энг даҳшатлиси, беҳаё ва бузуқ фильмларни аксар хонадонларда ёш болалар, қизлар ҳам бемалол кўрмоқда. Ахлоқсизлик, худбинлик ва индивидуализм ғояларининг ҳаммабоп “қадрият” сифатида тиқиштирилиши эса маънавиятни қашшоқлаштириб, “маданий” гегемония ўрнатиш учун қулай замин яратмоқда.

Медиамаҳсулотларнинг овоз, тасвир, матнни синхрон тарзда узатиш, тезкор маълумот етказиш, аудиторияни жалб қилиш сингари хусусиятлари медиамиссионерликнинг қудратли манипулятив механизм бўлишини таъминляпти. Тушунчалар бузилиши билан ҳурмат, илтимос

ва узр маъноларини билдирувчи сўзлар ўрнини ҳақоратли сўзлар эгалламоқда.

Шундай бўлишига қарамай, халқимиз хорижий теледастурларни кўришда давом этяпти. Чунки аҳолининг қизиқиш ва эҳтиёжига жавоб берадиган телевизион дастур ва кўрсатувларни тайёрлашда муаммо талайгина. Ҳатто янгилик дастурлари ҳам халқ эҳтиёжини қондирмайди. Аксинча, телеканалларимизда қимор элементлари мавжуд бўлган кўрсатувлар кўпаймоқда. Телевидение аслида медиабозор қуроли эмас, миллий тарбия воситаси эканини унутмаслик керак. Шундай экан, ҳар бир теледастурга масъулият билан ёндашиш, айрим кўрсатувлардан воз кечиш, уларни телетомошабин эҳтиёжидан келиб чиқиб тайёрлаш, тезкор ва холис ахборот билан халқ ишончини қозониш зарур. Бу соҳада фаолият олиб бораётган масъуллар жавобгарлигини ошириш бўйича тегишли меъёрий ҳужжат қабул қилиш лозим.

Кўрсатув эзгу ҳиссиёт уйғотиши, ёшларга мўлжалланган дастур уларнинг ёшига мос бўлиши шарт. Унда ҳаётий ва ибратли воқеалар акс этмоғи лозим. Чунки ёшлар беихтиёр ўзини қахрамон билан солиштиради, ҳаёлан унинг ўрнига ўзини кўйиб кўради. Шунинг учун моҳияти жиҳатидан миллий маънавиятимизга, техник жиҳатдан замон талабига тўғри келадиган телемаҳсулот тайёрлаб, четдан келаётган фильм, сериалларнинг ўрнини тўлдиришимиз зарур. Зеро, беозордек кўринган реклама ҳам маънавий ўзакни кўпоришнинг кучли воситаси экани ғояга қарши ғоя билан курашиш нечоғли зарурлигини англатади.

Педагогика фанлари доктори, профессор М.Қуронов бундай ёзади: “Медиа – маънавий маҳсулотларнинг виртуал бозори. Бу бозорда ҳеч ким молим ёмон демайди. Бузгунчи, жиноятчи, жоҳиллар ҳам ўз ғоя-маҳсулотини энг яхши дейди. Бу бозорда бунёдкорлик, тараққиёт учун зарур манбалар ҳам кўп. Гап одамнинг ана шу виртуал бозор таклиф этаётган маҳсулотларни харид қилишда адашмаслигида. Бугунги тилда айтганда, медиа маданиятида (Қуронов Қ. *Интернет содда ёшларни қопқонга тушириш, медиафирибгарлик майдони ҳамдир*. <http://vatandosh.uz/2014/0/>).

Алқисса, медиахатарга қарши курашда ҳар бир юртдошимиз фаол иштирок этмоғи зарур. Шундагина манипуляциянинг олди олинади.

**Эргаш АҲМЕДОВ,**  
Тошкент Кимё-технология  
институтини докторанти

## Ka'ba vayron o'lsa...

Хар қандай жамиятнинг адолат даражаси ногиронларга бўлган муносабат билан ҳам белгиланади. Бу масала тарихи милoddан аввалги асрларга бориб тақалади, айна чоқда, у турли давр ва мамлакатларда ўзига хос кечган. Ногиронларга муносабат ҳар бир миллатнинг тарихий ривожланиш жараёни ва менталитетидан келиб чиқиб шаклланган. Унинг ибтидоий кўринишлари диний-мифологик қарашларда учрайди. Ногирон бўлиб туғилиш, айрим анъаналарга кўра, жамият томонидан қораланиб, унга нохуш белги сифатида қаралган.

Милoddан аввалги 2000-йилларда қадимги Месопотамияда боланинг жисмонан ноқис туғилиши Омен Сериес Сумма Избу башоратларида қуйидагича тасвирланган: "Агар саройдаги аёл кар бола туғса, қирол тахтдан ажралади. Агар саройдаги аёл 6 бармоқли бола туғса, душман қирол мулкани талон-тарож қилади, агар саройдаги аёл пакана бола туғса, нохушлик бўлади, агар саройдаги аёл соғлом бола туғса, давлат гуллаб-яшнаиди" (Leichty, Erle, The Omen Series Summa Izbu. Locust Valley, New York, Augustin. 1970. pp. 70-71). Шунинг учун бундай болалар нобуд қилинган. Қадимги Спартада заиф ва ногирон туғилган чақалоқлар жарга улоқтирилган. Қадимги Римда эса кўзи ожиз, кар-сақов ва юролмайдиган болаларга қонун бўйича мерос қолдирилмаган. Ногиронлар насли кўпайишининг олдини олиш учун улар турмуш қуриш ҳуқуқидан маҳрум қилинган (Pritchard, James B. *The Ancient Near East: Volume II. A New Anthology of texts and Pictures. Princeton, NJ: Princeton University Press, 1958. pp. 160-168*).

Қадимги Хитойда ногиронларнинг ижтимоий мавқеи фалсафий таҳлил қилинган. Бу Конфуций қарашларида яққол кўзга ташланади. Унинг вафотидан кейин шоғирдлари томонидан жамланган "Лун Юй" китобида "Жисмоний нуқсон инсон кадр-қимматини белгиламай, балки унинг ақли ва маънавий дунёқарашини муҳим аҳамият касб этади" дейилган. Чжуан Цзининг қарашлари ҳам Конфуцийникига ўхшаб кетади, у жамиятдаги ногиронликнинг ижтимоий мезонини биринчи бўлиб белгиллаган шахсдир. Хитойда ногиронларга алоҳида аҳамият берилган.

"Авесто"да ҳам ногиронликнинг олдини олиш, даволаш, аҳоли ўртасида тиббий маданиятни оширишга эътибор қаратилган. Унинг "Вендидад"

қисмида Ахура Mazda барпо этаётган "ногиронлик, касаллик, ақли заифликдан холи жаннат" – утопик мамлакат ҳақида сўз боради. Ахлоқсизлик ва ақли заифлик эса Ангра Маню, яъни зулмат санамига тааллуқли деб қаралган. "Авесто"да ногиронликни даволаш, унинг олдини олиш учун наслга катта аҳамият берилган. Турмуш қураётган ҳар бир йигит-қизнинг жисман ва руҳан бениқсонлиги инобатга олинган. Ҳомиладор аёл қийналмаслиги, асабийлашмаслиги; кўпроқ мева-сабзавот, гўшт маҳсулотларини истеъмол қилиши ҳамда ҳалол меҳнат орқали топилган ризқ билан озиқланиши кераклиги уқтирилган.

Ногиронлар масаласи муқаддас динимизда ҳам адолатли ҳал этилган. Чунончи, Қуръони каримнинг "Бақара" сурасида уларнинг мулк борасидаги ҳуқуқлари қуйидагича белгилаб қўйилган: "Эй мўминлар, бир-бирингиз билан қарз муомаласини қилсангиз, ёзиб қўйинглар, орангизда бир котиб адолат билан ёзсин, агар зиммасида қарзи бўлган киши ақлсиз ё ожиз (ёш бола ё жуда кекса) бўлса ёки (кар-сақовлиги ё тил билмаслиги сабабли) айтиб туриб ёздиришга қодир бўлмаса, унинг ҳомий вакили адолат билан ёздирсин. Ва сизлар адолатли гувоҳлардан икки эркак кишини, агар икки эркак топилмаса, бир эркак ва икки аёлни (бири унутиб адашса, бири унга эслатади) гувоҳ қилинглр". Қуръони карим ногиронларнинг ижтимоий ҳимояси, хусусан, мулк олди-берди шартномасида уларнинг ҳуқуқини таъминловчи мўътабар ҳужжат ҳисобланади.

Ўрта аср тарихчиларига кўра, сомонийлар, Амир Темури ва темурийлар даврида ночор ва ногиронлар ҳолидан хабар олиш; шунингдек, раиятдан хирож йиққанда уларни оғир аҳволга солиб, мамлакатни қашшоқликка тушириб қўйишдан сақланиш – сиёсатнинг асосий тамойилларидан бўлган. Темури давлатида ночор-ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилишнинг ўзига хос тизими шакллантирилган. Бу ҳақда "Темури тузуклари"да шундай ёзилади: "Амр этдимки, фақиру мискин, бирон касб қилишга ожиз, шол-кўрларга нафақа белгиласинлар" (*Темури тузуклари. Тошкент, Фафур Ғулум номидаги НМИУ, 1991. 67-бет*). Буюк салтанат парчалангач эса маърифатли темурийзодалар Мирзо Улуғбек, Ҳусайн Бойқаро ва Бобур Мирзо ҳукмронлик қилган Самарқанд, Хуросон ҳамда Ҳиндистонда ижтимоий ҳимоя тизимига катъий амал қилинган. Буюк мутафаккир Алишер

Навоий машхур байтида ёзганидек, бева-бечораларга марҳамат кўрсатиш вайрон бўлган Каъбани обод қилишдек савобли амал саналган.

Ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилишда давлат билан бир қаторда диний муассасалар тизими ҳам муҳим ўрин эгаллайди. Тарихдан маълумки, бева-бечора ҳамда ногиронлар хонақоҳ, масжид ва мадрасалардан паноҳ топган.

Ногиронларга ғамхўрлик қилишдек азалий қадрият Ўзбекистонда мустақиллик йилларида давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Бу борада

ўнлаб қонун, фармон, қарор ҳамда фармойишлар қабул қилингани ногиронлар доимо давлат эътиборида эканидан далолат беради.

Мухтасар айтганда, бугун мамлакатимизда амалга оширилаётган изчил чора-тадбирлар имконияти чекланган фуқароларнинг жамиятда муносиб ўрин топиши учун имконият яратишга йўналтирилгани билан ҳам катта аҳамиятга эгадир.

**Фарида БЕКБЎТАЕВА,**

*Ўзбекистон Президенти ҳузуридаги  
Давлат бошқаруви академияси докторанти*

## Ildizidan uzilgan

Адиб Назар Эшонқулнинг “Момоқўшиқ” қиссаси унинг бошқа асарларидан аёл қалбига ўзгача ёндашилгани билан фарқ қилади. Қисса анъанавий усулда ёзилган. Муаллиф ўзбек аёлининг мушфиқ ва содда табиий тимсолини чизади. Ёзувчи аёл қалбининг инжа туйғулари тараннумини у яшаётган, улғайган муҳит, табиат, ҳатто тупроқ ҳиди ўрнашиб кетган одамлари тасвири билан бирлаштириб юборади. Инсонни шу замин, табиат, завол билмас қадриятларнинг асл меросхўри сифатида тасвирлайди. Бу жиҳат, айниқса, асар хронотопи кузатганимизда яққол намоён бўлади.

“Момоқўшиқ” қиссасидаги хронотоп тизими анъанавийдир. Муаллиф Шамси Салоҳ ҳамда Муаззамнинг руҳияти, феъл-атвори, ўй-қарашлари билангина эмас, балки уларнинг замон ва маконига кўра ҳам зиддият яратади. Муаззам даладаги чайлада оғир шароитда яшаса-да, ўз орзуларини оилавий бахтидан, ўзи униб-ўсаётган тупроқдан устун кўёлмайди. Шамси Салоҳ эса инсон учун у яшайдиган муҳит ва шароит, машхурлик кўпроқ керак деб ўйлайди. Воқеалар кечадиган хронотоп Михаил Бахтин ўз тадқиқотларида изоҳлаб берган идиллик шаклга ўхшайди. М.Бахтинга кўра, идиллияларга хос хронотопнинг асосий хусусияти “аввало, идиллиядаги замоннинг маконга муносабатида акс этади. Ҳаёт ҳодисалари она диёрнинг барча пучмоқларига, қадрдон тоғлар, водийлар, кенг майдонлар, дарё ва ўрмонлару тўғилган хонадонга нақадар узвий боғланганида кўринади. Идиллик ҳаёт ва унга доир воқелик – боболар, оталар яшаган, болалар ва набиралар яшайдиган макондан айри бўлолмайди” (*Бахтин М. Романда замон ва хронотоп шакллари. Тошкент, “Akadempnashr”, 2015. 218-219-бетлар*).

“Момоқўшиқ”да идиллик хронотоп белгилари сочиб юборилган. Ҳашарчилар, теримчилар, кенг-кенг пахта далалари, шийпонлар, чайлалар

ва у ерларда ҳукм сураётган ҳаёт манзаралари шундан далолат беради. Аммо мақсад фақат шунчаки тасвирлаш бўлмай, соф, самимий туйғулар билан олифтанома, баландпарвоз туйғулар қарама-қаршилигида, орзу ва мақсад, хаёл ва реаллик ўртасида қолган инсон қалбининг мураккаб ҳолати бадий ифодасини яратишдан иборат. Асарда пахта далалари, қуюқ ўрмон, чайла, тоғдан ўтин ташиётган кампир, қадимий ва роҳатбахш оҳанг – момоқўшиқ тасвирлари орқали маънавий мерос, қадриятлар, шарқона қарашлар ҳамда мустаҳкам инсоний муносабатлар – оила ва никоҳ улуғланади. Бир сўз билан айтганда, идиллик хронотопдаги “сюжет воқелиги кундалик турмуш жараёнининг бадий модели, идиллик ҳаёт мароми табиат билан қоришиб кетган инсоний умр манзаралари” (*Жўрақулов У. Назарий поэтика масалалари: Муаллиф. Жанр. Хронотоп. Тошкент, Фафур Фулом номидаги НМИУ, 2015. 102-бет*) бўлса, асардаги Муаззам образи айни шу қоришиқ ҳосиласидир. Жумладан, қиссада унинг тилидан бундай дейилади: “Менинг илдизим шу ерда! Шу одамлар орасида, мен бошқа жойда кўкармайман” (*Эшонқул Н. Ялпиз ҳиди. Қиссалар ва ҳикоялар. Тошкент “Шарқ”, 2008. 158-бет*). Кўринадики, “идиллик “мен” ўзи бевосита муносабатда бўлаётган муҳит қадриятларини сўзсиз қабул қилади ва ўзлигини уларга оғишмай амал қилиш, муҳит билан бирлашиб, уйғунлашиб кетиш орқали намоён этади. У ўзга олам тартиботи эмас, яқинлари ва улар ташиётган анъана, қадриятлар олдидан масъулият ҳисси билан яшайди. Авлодлар ўртасидаги вориийлик, инсон ҳаётининг авлодларда давом этиши – идиллик қахрамон мавжудлигининг асоси, унинг учун ҳаётнинг мазмун-моҳияти ана шунда. Айни шундай қараш унга ўлимнинг муқаррарлигидан келувчи изтироб ва тушкунликни енгишга

куч беради" (Қуронов Д., Мамажонов З., Шералиева М. *Адабиётшунослик лугати. Тошкент, "Akademnashr", 2013. 108-109-бетлар*).

Қиссада худди шу хусусиятни қўйидаги ўринда кўриш мумкин. Муаззам тилидан Шамси Салоҳга қарата шундай дейилади: "Кеча сизнинг олдингизга боришдан олдин ўғлимни кўргани бордим, – йиғлаган кўйи давом этди Муаззам, – уни кўриб бизнинг орамизда бўлиб ўтган гап-сўзлар қуруқ гап эканини англадим, юрагим сирқираб кетди. Қайнонам усиз бир соат ҳам туролмайди... иккаласи худди эгизакдай, худди қайнонам ҳам ёш боладай... уларга қараб йиғлагим келди..."

Соф идиллик асарларда "қоида ўлароқ бу оламга бегона одамлар умуман йўқ... Маҳаллий романларда эса баъзан тор доирадан ажралиб шаҳарга кетган ё у ерда ўлим топадиган, ё кадрдон манзилига қайтадиган бебош ўғил-қахрамон кўришиб қолади" ("*Романда замон ва хронотоп шакллари*", 225-бет). Мазкур асардаги худди шундай қахрамон Шамси Салоҳ образидир. У туғилган қишлоғини ташлаб пойтахтга ўқишга кетган, у ерда кечган ўн етти йил умри давомида бир неча китоби босилиб чиққан, машҳурлик осмонидаги ёш шоирлардан эди. Аммо у ўзи туғилган, униб-ўсган заминидан, у ердаги одамлардан, ҳатто ўз яқинларидан, ўзлигидан узоқлашган инсон. У ўзгаларникини билса-да, ўз илдизининг қаерга бориб турташувини билмайди. Содда халқининг жўн турмушидан; уларни кўриш, сўзларини тинглаш, улар ҳақида гапиришдан уяладиган, аниқроғи, мабодо шулар ҳақида гапирса, уни тушунмасликларидан чўчидиган одам. Бу бегона одам образининг мавжудлиги эса қисса хронотопининг тўлақонли идиллик шаклда эмаслигини кўрсатади.

Қиссада Муаззам ва Шамси Салоҳ портретида ҳам конфликт бор. Айниқса, уларнинг кўзлари характерли. Муаззамнинг кўзларидан "бахт, хижолат-ҳаё аралаш саодат еллари" таралса, Шамси Салоҳнинг кўзлари "совуқ". Бу нафақат

икки характер ўртасидаги зиддият, балки вафо-садоқат, самимиятнинг тубанлик ва разолат билан бўлган рамзий кураши ҳамдир. Бу кураш худбинлик, тубанликнинг мағлубияти билан яқунланади.

Асар охирида Муаззамнинг эри Отақул даладан ҳориб келади, аёл уни чайла ёнида кутиб олиб, қўлларига сув қуюди. Икки ёш бир-бирига ҳазил-хузул қилади... Бу муносабат Шамси Салоҳ тасаввурига қанчалик зид бўлмасин, алла-нечук табиий, содда ва гўзал эди. У қайтаётиб Муаззамнинг қувноқ ва жарангдор кулгисини эшитади. У бунга дош беролмайди. Кулги ғолиб ва бахтиёр эди; ўзининг табиийлиги ва самимийлиги билан Шамси Салоҳни буткул тор-мор этади. Қисса якунида тасвирланган боғ билан Шамси Салоҳ руҳияти мутаносиб. Бу хусусда адабиётшунос Марҳабо Қўчқорова шундай ёзади: "Шамси Салоҳнинг қалби оёқ остида қарсқурс синаётган новдалар каби синиқ ёинки барглари дув тўкилган дарахт танаси сингари юраги бўм-бўш, шип-шийдам. Осмонда тўда-тўда бўлиб учаётган қарғаларнинг талвасали қағиллаши сингари Шамси Салоҳ юраги ҳам кўрқинчли ва ваҳимали. Унинг қалби қуруқ ҳою ҳаваслар, ёлғон, жирканч, ноинсоний муносабатлар туфайли қабристонга айланган. Боғдаги ғубор ҳиди аслида Шамси Салоҳнинг ғаразли, ғуборли ниятларига ишора беради" (*Қўчқорова М. Бадиий сўз ва руҳият манзаралари. Тошкент, "Мухаррир", 2011. 137-бет*).

Қиссада Назар Эшонқулнинг одам, табиат ва жамият учлигида, қарама-қаршилигида турган асл инсон туйғулари, азоблари, хоҳиш-истакларига оид мушоадалари бадиий саҳналаштирилган. Адиб гўзаллик моҳияти, аёллик бахти ва бахтсизлиги хусусидаги азалий саволларга жавоб излаган.

**Нилуфар ЧЎЛИЕВА,**

*Қарши давлат университети  
тадқиқотчиси*

## O'limdan og'ir jazo

Бу шеър хиёнат ҳақида эмас. Гарчи унда шундай саҳна тасвирланган бўлса ҳам, у муҳаббат ҳақида... Шоир Муҳаммад Раҳмон ва унинг оддий қахрамони – Исҳоқ сартарошнинг инсон ва инсониятга муҳаббати тўғрисида.

Мазкур шеърда ҳаётий воқеа ифодалангани боис уни ҳикоядай ўқиймиз. Шубҳа йўқки, ушбу

воқеа М.Раҳмондан олдин қайсидир носирга етиб борса, албатта у бунга ҳикоя қилиб ёзган бўларди.

Ушбу асар бежиз "Сартарош севгиси" деб номланмаган. Сартарош ким? Кунбўйи одамларнинг соч-соқолини қиртишлаб, озода қиладиган оддий одам. Аммо Исҳоқ сартарошнинг бемисл бойлиги бор. Бу – унинг дунёларга сифмас муҳаббати.

Хотинини жазмани билан  
Тутиб олди Исҳоқ сартарош

(Муҳаммад Раҳмон. Йўл кўраётган одам. Тошкент, "Шарқ", 2010. 97-бет).

Илоҳим, ҳеч кимнинг бошига тушмасин! Бу ишни ҳатто бегона қилса ҳам изтироб чекасиз. Дилингиз оғриб юради-ю, лекин кейин унутасиз. Дўстингиз сотса янада оғир, бироқ тишингизни тишингизга қўйиб чидашга мажбурсиз. Аммо бир ёстиққа бош қўйган хотинингиз хиёнат қилса-чи?! Яна – ўз уйингизда!

Ақл  
Кетар  
Келганда жаҳл! –  
Бир "қассоб"лик қилгиси келди аввал:  
Қийма-қийма қилгиси келди иккаласини!  
Аҳдидан қайтди кейин...  
(Нима қилсин – яхши кўрарди!)

Инсон суйган одамига ёмонлик қила олади-ми? Гарчи ундан хиёнат кўрса ҳам. Менимча, ҳақиқий инсон бундай қилолмайди. Бамисоли Исҳоқ сартарош. У ҳатто хотинини сўкмайди, унга қўл кўтармайди. Фақат "Тўрт томонинг қибла!" дея олади, холос. Аслида, хиёнаткорга бундан ортиқ жазо йўқ.

Исҳоқ сартарош – Шарқ одами. У ҳеч қачон хиёнатни кечирмайди, гарчи аёлини жондан севса ҳам. Шеърда сартарошнинг фарзанди бор ёки йўқиги ҳақида айтилмаган. Афтидан, унинг болалари йўқ. Бироқ бўлганда ҳам, ишончим комилки, у барибир аёлини кечирмасди. Яхши кўриш ва кечирмаслик бошқа-бошқа масала. Чин инсон суйганига ёмонлик соғинмаслигини юқорида айтдик. Лекин бу хиёнатни кечериш эмас, кечирмади дегани эса вафосиз аёлни жазолашни англатмайди. Унга жазони Худонинг ўзи беради! Аммо Исҳоқ сартарош жазманни шундай қўйиб юбормайди. Чунки ҳеч нарса қилмай қўйиб юбориш – имонда ожизлик белгиси.

Исҳоқ сартарош қўлламоқчи бўлган жазо эса жуда ғайритабиий ва шафқатсиз. У болта билан чолиб ташлашдан минг карра оғирроқ. Исҳоқ сартарош серсоқол жазманни ўзининг муқаддас иш стулига ўтқизиб соқолини ола бошлайди. Соқол – Шарқда ор-номус белгиси. Соқол қирқилса бўйин билан бирга қирқилсин, деган гаплар бор бизда. Кокил самурай, матадор ва могиқан учун нечоғли муқаддас, уни қирқиш нақадар таҳқир бўлса, соқол ҳам ўзбек учун шундай қадрият. Сартарош эркакни номусидан, яъни соқолидан мосуво этишга қарор қилади. Бу – хиёнаткор ҳаётидаги даҳшатли азоб онлари. Чунки сартарош огоҳлантирган: сал қимирласанг, жонингни суғуриб оламан! Ҳар бир лаҳза ўлим онига ўхшайди. Қўл-оёқлари стулга ипсиз боғланган. Қимирлаёлмайди. Нафаси ичига тушиб кетган. Фақат жавдираб-мўлтираб сартарошга термилади. Қурбонликка сўйилаётган қўй ўлим олдидан бошини қандай тутиб берса, у ҳам шундай тутиб берган. Юзига совуқ сув тегиб ўзига келганида эса қаршисидаги кўзгудан унга бутунлай бошқа – юзларини ажин босиб, сочлари оқариб кетган нусха қараб турарди.

Қолаверса, сартарош жазман соқолини қириш орқали ҳаром дунёга қарши исён кўтаради. Хиёнаткор, аммо суйган аёлини бу нопок дунёга киритишни истамайди. Севгилиси мисолида аёл сиймосини жирканч ва тубан дунёдан қизганайди. Уни ҳаёлида ҳамаша пок сақлаб қолишни хоҳлайди. Шунинг учун ҳам аёлни гулга мэнгайди.

Сартарош собиқ завжасининг қилмишини элга дoston қилмайди. У фақат иш билан овунади. Чунки унинг шиори – озодалик. Қуёш ҳамма ерга бир хил нур сочгандек сартарош ҳам одам ажратмайди. У мижозларини кулиб кутиб олиб, кулиб кузатади. Сабабки, Исҳоқ – табассум қилувчи демак. Унинг борлиқ олами ҳувиллаб қолганига қарамай, дунёга табассум билан боқади.

**Насрулло ЭРГАШ,**

*Тошкент давлат Ўзбек тили ва адабиёти университети магистранти*

## Inqilob qo'riqxonasida shikor

Абдулла Қаҳҳорнинг "Сароб" романида даврга мослашолмаган қаҳрамонларнинг трагик қисмати қаламга олинади. Роман воқеалари кечган тарихий шароитда бирданига бостириб

келган инқилоб қуёни ҳамма нарсани ағдар-тўнтар қилиб ташлаган, бу хаос ичида одамлар ўз йўлларини тайин этиш у ёқда турсин нима бўлаётганини тўлиқ англаб етмай, инқилоб эгалари

ўз тартиб-низомини шафқатсизларча ўрната бошлайди. Эски давр ўз ниҳоясига етган, аммо янгиси ҳали тўла шаклланиб улгурмаган бир замонлар.

Асар бошланишида шундай эпизод бор: кекса бир профессор ўқишга ноқобил бўлган талаба йигитга: "Сиз университетга муносиб эмасиз... бориб кетмонингизни чопинг!.. Бу – фан. Буни декрет билан соддалаштириб бўлмайди!" (Қаҳҳор А. Сароб. *Тошкент, "Шарқ", 1995. 14-бет*) дейди. Оқибат шу бўладики, ўз ўрнига номуносиб бўлган талабага айтилган бир оғиз гап учун ўз ўрнига муносиб бўлган профессор ишдан ҳайдалади. Бу – инқилобчи ҳукуматнинг одамларда оммавий кўрқув уйғотиб, сиёсатнинг илм-фан устидан ҳукмронлик ўрната бошлагани тасдиғи эди (қ.: *Шенталинский В. Инқилобий кўрқунадаги овлар // Жаҳон адаблари адабиёт ҳақида. Тошкент, "Маънавият", 2010. 317-362-бетлар*). Ваҳоланки, ижтимоий меҳнат тақсимоти – инсоннинг қобилиятларини жамиятнинг керакли ўрнига йўналтириш – тараққиёт қонунларидан бири эканидан келиб чиқилса, профессор ҳақ экани аён бўлади. Мустабид тузум ўз мақсадига эришгани романда изчил кўрсатиб борилади. Чиндан ҳам, "Саидий бу портлашдан чўчиб, ҳатто ўзининг ҳамдарди Мунисонга ҳам қобилиятсиз кишилар тўғрисида индамай юрди". Ана шу кўрқув асарнинг барча қаҳрамонларига кучли босим ўтказди. Жамиятнинг турли соҳалари ҳамда шахснинг ҳаётига сурбетларча аралашув туфайли маълум бир вақтга келиб Саидий оч қолиб кетса-да, уч ойлик стипендиясини бориб олишга кўрқади. Одамлар ҳатто айрим мавзуларни оила даврасида муҳокама қилишга ҳам кўрқиб қоладилар. Жумладан, Мунисон Саидий билан Мулла Исҳоқ ҳақида гаплашганини акасидан яширади; Салимхон эса ҳали синалмаган Саидий олдида фош бўлишдан кўрқиб, "Қайси у? Исҳоқ... ҳа, ҳа... Исҳоқ афанди! Бу одам сўнги вақтда босмачига чиқиб кетган, деб эшитар эдим... Аҳмоқ..." дея талмовсирайди. Ҳатто Саидий кетгандан кейин ҳам ака-сингил очик гапиришдан кўрқадилар: "Худо урсин агар... Ўзи айтди, – деди Мунисон акасининг илжайишидан шубҳаланиб.

Салимхоннинг илжайиши қаҳқаҳага айланди:

– Мен сени айбламадим... айбламадим...

– Нима, бўлмаса... одамга аллақандай қарайсиз? Ўзи айтди. Саидийни Исҳоқ афанди чет элга олиб кетмоқчи бўлган экан. Мен айтдимки, бу одам... бир вақтлар... акам ёмон кўрар эди, бизнига ҳам бир келган эди, дедим..."

Асар охирлаган сари кўрқув ниҳоятда кучая боради. Салимхон Муродхўжа домла билан ўтирар экан, эшик тақиллайди. Ўтирганлар бир қалқиб тушади. Эшик очгани чиққан домла Ёқубни олиб кирар экан: "Бунақа бефаҳм бўлманг, – дейди. – Эшикнинг занжири бўлади, одам деган шуни шиқирлатади. Наҳот тарс-тарс урсал!" Кўринадики, сиёсий қарашлари айри тушгани учунгина бундай одамлар уйларида ҳам таҳлика ичида юрак ҳовучлаб ўтирадилар.

Абдулла Қаҳҳор кўрқув психологиясининг синга боришини Саидий мисолида тадрижий равишда кўрсатиб боради. Бора-бора шундай бўладики, "Саидий кўчага камдан-кам чиқади, чиққанида ҳам уйга қайтишда худди орқасидан бирон шикаст етказадиган киши келаётгандай бўсагадан ўтиши билан тезроқ эшикни занжирлагиси келар эди". Яна кейинроқ эса қишлоқ Саидийнинг назарида аждаҳонинг оғзига ўхшаб кўринади.

Абдулла Қаҳҳор ўз асарида реалистик услубнинг кучи билан XX асрнинг 20-йилларидан шакллана бошлаган, 30-йилларида анча кенг ёйилган кўрқув психологиясидан иборат ҳаёт ҳақиқатини кўрсатиб берган.

Мустабид тузум ҳосил қилган яна бир психология – кимларнидир "халқ душмани"га чиқариш орқали миллат вакилларини ўзаро қарама-қарши қўйиш эди. Табақалар ўртасидаги тафовутни йўқотиш шиори остида дастлаб бир халқнинг фарзандлари, бир жамиятнинг аъзолари кескин икки томонга ажратилади. Кейин эса бирларини шафқатсизларча йўқотиш ҳисобига жамиятда гўё тенглик ҳосил қилинади. Ҳеч бўлмаганда, эски тузум даврида мавжуд бўлган синфий душманлик кайфияти кучайтирилади, синфийлаштириш бошқача шаклда давом эттирилади.

Бадий адабиётнинг ижтимоий табиати масаласига истиқлол мафқураси ва янги методологик асосда биринчилардан бўлиб эътибор қаратган профессор Баҳодир Саримсоқов бундай психологиянинг адабиётшунослик соҳасига ўтказган босими ҳақида шундай ёзади: "Социализм назарияси сиёсий жиҳатдан қанчалик тажриба сажиясига эга бўлса, адабиётнинг синфийлиги ҳам бадий сўз санъати учун шу даражада сохта ва сунъий назария эди. Бу назарий қараш ҳамма вақт монолит бирликни талаб этадиган миллатни парчалашга қаратилган. Худудий бирлик, тил бирлиги, иқтисодий ўз-ўзини таъминлай олиш бирлиги, руҳий бирлик ва яна қўшиб айтадиган бўлсак, ўз-ўзини ҳимоя қила олиш бирлиги кабилар ягона миллатни ташкил этади. Шундай экан, ҳар бир миллий маданиятда икки хил маданият куртакларининг мавжуд-

лиги миллатни парчалаш эмасми? Мана шундай қарашлар ягона ўзбек адабиётини диний-мистик, феодал-сарой, йўқсиллар адабиёти кабиларга бўлиб ташлашга олиб келди. Охир-оқибатда халқ, миллат маънавиятини камол топтирган улкан сиймоларнинг номлари қораланди, асарлари йўқ қилинди, мақбаралари топталди" (*Саримсоқов Б. Адабиётнинг ижтимоий табиати ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти, 1995, 2-сон*).

"Сароб"да бу хил нуқтаи назарнинг оммавий шаклланиши ҳам реал ҳаётини саҳналарда кўрсатилган. Ер ислохотиға оид воқеалар тасвиридан аён бўладики, катта ер эгаларини камбағалларга қарши қўйиш орқали уларда бир-бирига душманлик кайфияти кучайтирилади. Жумладан, камбағал йигит Йўлчибой бундай дейди: "Ҳукуматимиз бойни ёмон кўради, ҳар ким ўзи ишласин, дейди. Бойни ёмон кўрадиган ҳукумат билан, алваттаинки, бойни яхши кўрадиган пошшо урушади. Николаи ҳам бойни яхши кўради эди. Энди, алваттаинки, ҳукуматимиз "қани, Йўлчи-

вой", деса, "лаббай" деб милтиқ кўтариб чиқамиз-да, Раҳимжон ака!"

Абдулла Қаҳҳор қаламга олган ижтимоий-тарихий воқеликда бир-бирига тубдан қарама-қарши бўлган икки гуруҳ психологияси тўқнаш келиб қолган эди. Биринчиси – ҳаммага тенглик ва бахт ваъда қилган, ҳаётни инқилоб воситасида ўзгартирмоқчи бўлганлар психологияси. Буларни эски ҳаётдан буткул зада бўлганлар қўллаб-қувватлайди (Остонакул, Тўла, Йўлчибой). Иккинчи гуруҳ ҳам ҳаётни ўзгартирмоқчи, аммо уларнинг ўзгартириш дастури ва воситалари бошқача, улар турмушни аста-секинлик билан йўлга солиш тарафдори. Умуман олганда, Абдулла Қаҳҳор "Сароб" романини ёзган вақтда жуда ёш бўлишига қарамай (27 ёш), ижтимоий психология жабҳасидаги кескин ва шафқатсиз курашни жуда тўғри илғаган ва асарда катта маҳорат билан реал акс эттира олган.

Наргисабегим ҚОБИЛОВА,  
БухДУ катта ўқитувчиси

## Dostoyevskiy inssenirovkaga qarshi bo'lganmi?

Фёдор Достоевскийнинг нафақат қиссаю романлари, балки мактублари ҳам адабиёт тарихида ўз ўрнига эга. Адиб мактубларининг мазмун-мундарижаси ҳар хил: уларда ижтимоий, адабий ҳодисаларга муносабатдан тортиб муҳаббат изҳорию кундалик воқеаларгача ёзиб қолдирилган. Достоевский турли тоифадаги одамлар билан ёзишган; ижод билан банд бўлишига қарамай, ўзига келган ҳар бир хатни синчиклаб ўқиб, жавоб қайтарган. Мактублардан бири адабиётга оид бўлиб, 1872 йилнинг 20 январидан княжна Варвара Дмитриевнага йўлланган. Унда адиб аслзода хонимнинг Достоевский романларидан бирини (адабиётшунос Леонид Гроссманнинг фикрича, "Иблислар") драмага айлантириш ғоясига муносабат билдиради: "Каминанинг романидан драмага кўчирма олиш ҳақидаги ниятингизга келсак, мен бунга бутунлай розиман ва тўғри бажарилса, бундай изланишлар зарар қилмайди". Бундан Достоевский инсценировкага (насрий ва бошқа адабий турга мансуб асарларни драмага айлантириш) қарши эмаслиги маълум бўлади, бироқ адиб фикрларини давом эттириб шундай ёзади: "Санъатнинг шундай сир-синаоти борки, эпик шакл ҳеч қачон драматургияга мувофиқ кел-

майди. Мен аниқ ишонаманки, санъатнинг турли жанрларига бирдек мос тушадиган поэтик ифодалар йўқ, бинобарин, бирон фикрни унинг шаклига ёпишмайдиган бошқасида ифодалаш мумкин эмас" (*Письмо Ф.М. Достоевского – В.Д. Оболенской от 20 января 1872 г. // Собр. соч. в 30 т. Т.29. Кн.1. Ленинград, "Наука", 1986. Стр. 225*).

Мазкур мактубни мукамал ўрганган профессор Леонид Гроссман "Достоевский ва романни театрлаштириш" тадқиқотида қайд этишича, "Достоевскийнинг бу иқрори – узоқ ва мураккаб ижодий тажриба натижасидир. У йигирма йил мубайнида, яъни ижод йўлининг қарийб ярми давомида драматургия ҳақида орзу қилишдан тўхтамайди. Ёшлик йиллари "романтик театр" – "Мария Стюарт", "Борис Годунов"лардан илҳомланиб, бир қанча драмалар яратади. Бу даврда адибнинг театрга ҳаваси кучаяди". Маълумки, ҳар бир адабий турнинг ўз қонуниятлари бор. Ижодкор улар билан ҳисоблашмоғи шарт – Достоевский ҳам шуни назарда тутди.

Хўш, Варвара Дмитриевна нега айнан Достоевскийга мурожаат қилган? Сабаб шуки, адибнинг эпик-насрий асарларида драмага хос ифода, фикрий ва руҳий таранглик натижаси бўлган

ўткир диалоглар, теран монологлар учрайди. Бу эса театр учун айни муддао бўлиб, ёзувчи асарларини инсценировка қилиш ва саҳналаштириш жараёнида режиссёрларга қўл келади. Театршунос Татьяна Родина Достоевский романларида театр ва драма элементларининг намён бўлишини алоҳида ўрганиб, ёзувчи драматик ҳаракат ва ифодадан маҳорат билан фойдаланганини қайд этади: “Ҳаракат – Достоевский асарларида ғояни амалга оширувчи, мазмун ривожини белгиловчи асосий шакл” (Родина Т. *Достоевский. Повествование и драма. Москва, “Наука”, 1984. Стр. 243*).

Достоевскийнинг насрий асарларида қахрамонлар ботинидаги кечинмалар драматизмини юзага келтиради. “Достоевский фожиани ичдан ҳис қилиб, бор кечинмаси билан тасвирлагани учун драматизм унинг асарларида олий даражада намён бўлади, – деб ёзади Анатолий Луначарский. – Унда қахрамонлар ўртасида муттасил зиддий кечади, айни жиҳат Достоевский асарларининг ўзгачалигини белгиловчи асосий омилдир” (Луначарский А. *Достоевский как художник и мыслитель // Литературное наследство. Т. 82. Москва, 1970. Стр. 166*).

Фёдор Михайловичнинг драматик асарлари машҳур бўлмаса-да, қиссаю романлари доимо театр ва кино ижодкорлари диққат марказида бўлиб келган. Адиб драма яратишга ҳаракат қилиб кўрган. Жумладан, 1844 йил акасига ёзган хатида пьесасини тугатаётганини маълум қилади. Асарнинг бош қахрамони Янкель исмли шахс бўлиб, адабиётшунос Михаил Алексеев уни Гоголнинг “Тарас Бульба”си билан қиёслайди. Бироқ мазкур пьесанинг тақдири қандай кечгани ҳақида маълумот йўқ. “Шундан сўнг Достоевский драматургия билан бошқа шуғулланмади, гарчи трагедия ёки комедия ёзиш ҳақида ўйлаган бўлса-да. Бир сафар у комедия ёзишни бошлади-ю, аммо уни тезликда насрга айлантиради. Адибнинг қизи Любовь Достоевскаянинг бу борадаги маълумоти қимматли: “Бандиликдан халос бўлгач, у “Тоғамнинг тушлари” номли комедия яратди, кейинчалик бу асар романга айланиб кетди” (Альтшуллер А. *Достоевский и русский*

*театр его времени // Достоевский и театр. Ленинград, “Искусство”, 1983. Стр. 54*). Бироқ бу билан Достоевский театр тақдирига бефарқ бўлган, деган хулосага бормаслик керак. Адибнинг театрга доир қарашлари, саҳна ижодкорларига ёзган мактублари, асарлари асосида яратилган спектакллар рўйхати алоҳида библиографик кўрсаткичи ташкил этгани фикримизни тасдиқлайди (қ.: Ф.М.Достоевский и театр (1846 – 1977). *Библиографический указатель (составитель С.В.Белов). Ленинград, 1980*).

Буюк ёзувчи асарлари режиссура санъатида турли тажрибаларнинг оммалашуви, театрда психологик драма жанрининг кенг қулоч ёзишига замин ҳозирлаган. Демак, Варвара хонимнинг романдан драматик асар яшаш учун изн сўраши мутлақо тасодиф эмасди.

Инсценировка ҳақида дунё адабиётининг бошқа кўплаб улуғ намояндалари ҳам ўз мулоҳазаларини билдирган. Жумладан, Оноре де Бальзак “XIX аср француз ёзувчиларига мактуб” эссеида: “Биз китобни ўқимоклари учун эълон қиламиз, – деб ёзади, – лекин уни чўзғилаб, қийқим-қийқим қилиб драмага айлантирмоқларини ёхуд ундан зўрма-зўраки водевиль яшашларини истамаймиз. Бу – ҳар томонлама ўйлаб кўришга арзийдиган масала” (Оноре де Бальзак. *XIX аср француз ёзувчиларига мактуб // Жаҳон адаблари адабиёт ҳақида. Тошкент, “Маънавият”, 2010. 222-бет*). У давом этиб шундай қатъий талабни ўртага қўяди: “Ажойиб китобларни ҳимоя қилиш борасида “Театр учун пьеса қилиб қайта ишлаш ман этилади” деган маънода адабий-муниципал қонун қабул қилса бўлмасмикан?”

Достоевский мактубида кўтарилган масала ҳамон долзарб. Театр санъатида пухта драматик асарларга жиддий эҳтиёж сезилаётган бугунги кунда ҳам эпик асарларни инсценировка қилиш талаби ортиб бормоқда. Афсуски, адабий дурдоналарни саҳнага кутилган даражада кўчиролмаслик, етук асарларни ўртамиёна пьесага айлантириб қўйиш ҳоллари кўпайиб кетди.

**Шоҳрух АБДУРАСУЛОВ,**

ЎзФА Санъатшунослик институти  
таянч докторанти

## So‘z va soz siri

Тил миллат ҳаёти, маърифий ва маънавий бойлиги ҳамда камолотини белгиловчи асосий восита ҳисобланади. Бунда, айниқса, адабий тилнинг ўрни ва аҳамияти беқиёс.

Ўзбек халқининг шаклланишида тил, санъат ва маданият, урф-одатлардан ташқари муסיқанинг ҳам ўзига хос ўрни бор. Зеро, тил ва муסיқамиз улкан тарихий тамаддунга эга. Бу

Ўзбек тилида ижод қилиб жаҳонга танилган ижодкорлар, яратилган ва яратилаётган бадиий ҳамда мусиқий асарлар кўламида ёрқин намоён бўлади.

Тил ва мусиқа робитасида адабий тил ўрни алоҳида аҳамиятга молик. Халқ ҳаёти, маданияти, турмуш тарзи, ҳиссий кечинмалари таржимони бўлмиш ўзбек мусиқаси тилимиз билан ҳаммиша ҳамоҳанг ривожланган. Бу ҳақда сўз кетганда қалбимизда устоз ҳофизлар ижросидаги тилимиз ширасини оҳангларда ифода этган, ўлмас мусиқий анъаналаримиз руҳида яратилган, жозибаси ва фалсафаси билан тингловчиларни ром этган муаззам кўшиқлар садоланади. Айни чоқда, бугунги кўшиқчиликда тил ва мусиқа номутаносиблиги таъбимизни хира қилаётгани ҳам аччиқ ҳақиқат.

Устоз ҳофизлар ижросини тинглаб, таҳлил қилар эканмиз, уларда айрим сўзларнинг адабий тилда эмас, балки шева ёки лаҳжаларга хос талаффуз этилгани кузатилади. Аммо бу асло беҳуда эмас. Гап шундаки, айрим услуб, жанр ё усул тақозоси туфайли ўзгарган сўз аслидан-да гўзалроқ янграши ҳам мумкин. Адабий тилдаги сўзларни умуман ўзгартириб қўллаб бўлмайди деган қоида йўқ. Бундай ижроларнинг ҳали ҳам истеъмолдан тушмай келаётганидан англаш мумкинки, улар тил меъёрини билмаслик ёки билимсизликдан эмас, аксинча, ҳофизнинг юксак савия ва етук билим эгаси эканидан далолат беради.

Бироқ бугун хонандаликка даъво қилаётганларнинг кўплари тилимиздаги сўзларни ижро баҳонаси билан бузиб талаффуз қилаётганини кечириб бўлмайди. Бундай масъулиятсизлик туфайли сўзларни ҳаддан зиёд бузиб ижро қилишни нафақат савиясизлик ва билимсизлик, балки она тилимизга ҳурматсизлик десак тўғри бўлади. Дейлик, ижро жараёнида “Ўзбекистон” сўзини “Ўзбегистон”, “бўлмаса” сўзини “бўмаса”, “қўйсангиз”ни “қўйсайиз” тарзида айтиш одат тусига кириб қолди.

Бу иллатларга ўзбек тилидаги ҳарф ва товушларни ёт акцент билан, бошқа тиллардаги товушларга ўхшатиб талаффуз қилишни ҳам киритиш мумкин.

Айрим “зуллисонан” хонандалар адабий тилни бузгани етмагандай, ажнабий беҳаё сўз ва жаргонларни ҳам кўшиб куйламоқда.

Тўғри, тарихан адабий ва мусиқий меросимизда икки, уч ва ундан кўп тилли асарлар яратилиб, улар ширу шакар деб юритилган. Лекин биз юқорида таъкидлаган пала-партиш сўз ва оҳанглардан иборат ижроларни мазмуни ва маънавий савиясига кўра ширу шакар деб эмас, балки ширин заҳар десак ҳақ гапни айтган бўламиз.

Бу иллатлар ҳақида бугунгача кўпгина санъаткору танқидчилар гапирди, ёзди. Лекин, афсуски, аҳвол ўзгармаяпти. Агар жиддий эътибор берилмаса, бундай қусурли ижролар тингловчи, айниқса, ёшлар онги ва маънавиятини оммавий маданият деб аталмиш оммавий маданиятсизлик домига тортиб кетаверади. Илло, бу иллат кишилар зехни ва шуурининг нақадар даҳшатли кушандаси экани бугун бутун дунёга аён.

Ачинарлиси шундаки, савиясиз ижро ва иллатлар нафақат ёш, санъат соҳасида адашиб юрган ижрочилар, балки халқимиз суйган, турли унвон ва давлат мукофотлари билан тақдирланган таниқли кўшиқчилар дастурида ҳам учрамоқда. Тўғри, ҳамма эркин ижод қилишга ҳақли. Лекин ҳар нарсада меъёр ва чегара бўлгани маъқул. Шу ўринда бир тақлиф: хонандаларнинг тил ва сўз борасидаги саводи, Хива хони Муҳаммад Раҳимхон Феруз даврида бўлганидек, соҳага масъул ташкилотлар томонидан тез-тез текшириб турилса, мақсадга мувофиқ бўларди.

Хулласи калом, адабий тил меъёрлари бастакор учун ҳам, ҳофиз учун ҳам темир қоида бўлмоғи лозим. Зеро, мустаҳкам асосга эга миллий асарларгина вақт синовидан ўтиб абадий яшаб қолади.

**Наврўз ШАРОФОВ,**

*Ўзбекистон Консерваторияси  
магистранти*

## Lahzalar musavviri

Мусаввир Алишер Алиқулов ранг-баранг йўналишда, жумладан, дастгоҳли ҳамда маҳобатли рангтасвирда бирдек ижод қилади. У тасвирий санъатдаги илк қадамларидаёқ кучли динамик ҳаракатга ва чуқур фалсафий композицион ечимга асосланган мураккаб бадиий ифода услубини танлаган.

Мисол учун, “Улоқ” картинаси марказида сон-саноксиз чавандозларнинг руҳий қиёфаси, пишқириб улоққа интилаётган отлар туёғидан кўтарилган чанг-тўзонгача аниқ тасвирланган. Бу аниқлики қаҳрамонлар ташқи кўриниши, юз ифодаси, либосларида ҳам кўриш мумкин. Воқеалар макони ортида табиий муҳит, борлиқ кўри-

нишлари, лаҳзалар тасвири ҳам ўзининг реал ифодасини топган. “Чавгон” асарида эса ўтмишда кенг ёйилган, кейинчалик унутилиб кетган миллий ўйинга бўлган муҳаббат тараннум этилган.

Шулар сирасига унинг 1996 йили Тошкентда бунёд этилган Олимпия шон-шухрати музейи учун яратган “Қадимги Бақтрия спорт ўйинлари” панноси ҳам киради. Унда кучли, забардаст, эпчил, чаққон ва мард ўғлонларнинг спорт оламидаги жасорату шижоати ифодаланган. Реалистик йўналишдаги кўпфигуралли мураккаб композицияда улоқ, кураш, пойга, ёйандозлик, найза улоқтириш, тош кўтариш каби қадимий ўйинлар тасвири томошабинни узоқ мозий томон саёҳатга чорлайди.

А.Алиқулов ватанпарварлик мавзусида ҳам кўплаб картиналар яратган. Улар орасида “Байроқ учун” мардона курашаётган шижоати баланд жангчилар тасвири айниқса эътиборга лойиқ.

Картина яратиш ниҳоятда мураккаб ва қизиқарли жараён. Ғоя матога кўчгунга қадар дастлаб рассомнинг хаёлида пайдо бўлади, кўз ўнгида жонланади. Илк тасаввур муайян вақт давомида шаклланиб, янгича кўринишга кириб, аста-секин етилиб боради. Хаёлдаги образлар тўлиб-тошиб, ташқарига талпина бошлагандагина илк чизмалар вужудга келади. Унинг замирида устозлар сабоғи, тинимсиз кузатишлар, турли музей, кўргазма ва архивлардаги манбаларни излаш, ўрганиш ётади. Бу жараёнда қозоғга сон-саноксиз хомаки тасвир – эскизлар чизилади. Картина моҳиятини очувчи ҳолат, динамика, драматизм ва кульминацион нуқтани топиш катта машаққат ҳамда сабр талаб қилади. Эскизнинг тугалланиши – асарнинг қарийб ярми

битиши билан баробардир. Бу жараён ҳақида рассомнинг ўзи бундай дейди: “Мен учун энг завқли ҳамда қизиқарли иш – асарни матода акс эттириш жараёнидир. Ижодий ғоямни холста кўчирар эканман, бунда менга тажриба, маҳорат ва излаётган услубим ёрдам беради. Асар мавзусига мос ранг танлайман. Чунки аниқ топилган колорит моҳиятни очиб берувчи асосий омиллардан саналади”.

Рассом ижодида муҳораба жанри алоҳида аҳамиятга эга. Қурол-аслаҳа ва либослар бир-бирини такрорламайди. Жонли образ, фигураларнинг динамик ҳаракатидан ўзига хос услуб вужудга келади.

А.Алиқуловнинг “Совға”, “Довон”, “Қайтиш”, “Овда”, “Тонг”, “Йўлда”, “Эртакич”, “Лайли ва Мажнун”, “Навбат” ва бошқа бир қатор картиналари дастгоҳли рангтасвирдаги изланишлар самарасидир.

У яратган портретларнинг бирида навқиронлик шижоати уфуриб турса, бошқасида ҳаёт чархпалаги ёшлигини оқизиб кетган қариянинг чуқур руҳий кечинмалари тасвирланади. Бу кўринишлар “Алишер Навоий”, “Муҳаммад Султон”, “Наққош”, “Момо”, “Орол фожиаси”, “Бухоро келини”, “Бола кўтарган аёл”, “Машшоқлар”, “Муножот” каби картиналарда айниқса ёрқин ифодаланган.

Мухтасар айтганда, ҳаракатдаги лаҳзалар туфайли бугун ўтмишга айланади. А.Алиқулов ижодининг бош кредоси эса ана шу ўтмиш лаҳзаларини тирилтириб, томошабинни тарихни хотирлаб яшашга чорлашдир.

**Эшмамат ҲАЙИТОВ,**

*Миллий рассомлик ва дизайн институти  
Тасвирий санъат факультети декани*

## Qadim ohang, ko'hna xazina

Халқимизнинг қадимий чолғуларидан бири дутор жўрлигида куй-қўшиқ ижро этиш XX асрда ҳам ривож топди. Маҳмуд Юнусов, Зокиржон Обидов, Ориф Қосимов, Абдусоат Ваҳобов, Қўзи-хон Мадраҳимов, Ғулможон Кўчқоров, Нурмуҳаммад Болтаев каби эл севган санъаткорлар етишиб чиқди. Улар кейинчалик устозлик мақомига кўтарилиб, ўз ижро услуби ва мактабини яратди.

1972 йил Ўзбекистон давлат консерваторияси қошида Шарқ муסיқаси кафедраси ташкил топди.

Чолғу ижрочилиги бўйича устозлар ишга таклиф этилди. Улар орасида анъанавий дутор чолғуси устаси, созанда Фахриддин Содиқов сингари улкан санъаткорлар бор эди. Шулардан яна бири Абдураҳим Ҳамидов 1977 йили анъанавий дутор мутахассислигини эгаллагач, кафедрада қолиб, ўз ихтисослиги бўйича дарс бера бошлади. Унинг шогирдлари Иқбол Тошпўлатова, Шуҳрат Раззоқов, Гўзал Мўминова, Матлуба Калоновалар бугун етук санъаткорга айланди. Қарийб ярим аср

давомида кафедрани улар каби мохир созанда ва педагог кадрлар битириб чиқди. Юртимиздаги мусиқа ва санъат ўқув юртлирида дутор чолғуси бўйича олий ва ўрта маълумотли кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилди. Мусиқа мактабларида анъанавий ижрочилик синфлари очилди. Соҳага оид барча таълим муассасаларида созанда ижрочилар танловини ўтказиш анъанага айланди.

Шунга қарамай, сўнги ўн йилда айрим созандалар дуторда куй-қўшиқларни бузиб ижро этмоқда. Бунда шовқинли ижро, зарблар узлуксизлиги, резлар ҳамда қўшиқ жумлалари орасида нафас йўқлигини кўраимиз. Устозлар ярати кетган мактаб ва услублар ўрганилмаяпти. Уларга хос оддийлик, гўзал ижро, зарбларнинг хилма-хиллиги, дуторга хос қочирим, нолаларни кейинги авлод дастурида учратмаяпмиз. Мақом куйларини дуторга хос бўлмаган тарзда ижро этиш ҳолатлари кузатилмоқда.

Бу каби камчиликларни бартараф этиш учун устоз санъаткорлар услуб ва мактабларини тиклашимиз лозим. Улар ижро этган ҳар бир

асарни нотага солиб, ўқув услубий қўлланма, дарсликлар яратиб, ёш авлодга ижро йўлларини ўргатсак, мақсадга мувофиқ бўларди.

Бугунги кунда катта сахналарда якка дутор ва дуторчилар ансамбли ижросидаги куйларни тинглар эканмиз, улар шоу-дастурга айланиб кетаётганига гувоҳ бўламиз. Айрим билимсиз созандалар ашула ва чолғу йўлидаги куйни бир-бирига қўшиб юбормоқда. Аслида эса, чолғу йўли ҳамда наср йўли алоҳида ижро этилиши лозим. Шундай давом этса, буюк устозларимиз яратиб кетган услуб ва мактаблар фақатгина ўтмиш меросига айланиб қолиши мумкин. Бунга йўл қўймастик учун халқ ва бастакорлар яратган, шунингдек, мумтоз мақом йўлидаги куй-қўшиқлар дуторга хос тарзда ижро этилиб, дарслар устоз-шоғирд анъанаси асосида олиб борилса, ёшлар орасидан етук санъаткорлар етишиб чиқади.

**Иқболхон ТОШПЎЛАТОВА,**  
Ўзбекистон Консерваторияси  
доценти

## Nol bosib o'tgan yo'l

Милоддан аввалги V асргача амалда бўлган Бобил сонлар ёзувидаги йўқ хонани белгиловчи махсус белги нолнинг узок аждоди ҳисобланади. Қадимги юнон фалакшунослари бобилликлардан олтимишли санок тизимини ўзлаштириб, рақамларни белгилаш учун понасимон белгилар ўрнига ҳарфлар қўллаган. Уларда ноль сон ҳисобланмаган. Бунда тушириб қолдирилган олтимишли хонани белгилаш учун "онден" ("ҳеч нима") деган маънони англатувчи сўзнинг биринчи ҳарфи "0"дан фойдаланилган (қ.: *Ёш математик қомусий луғати. Тошкент, Қомуслар бош таҳририяти, 1991. 273-бет*).

Никомах (милодий I аср) "1 сони бошқа сонлардан фарқи бўлган, фақат битта қўшни сонга эга бўлган сондир. Ҳеч нимага ҳеч нимани қўшса, натижада ҳеч нима ҳосил бўлмайди", деб ёзади. Диофант (III – IV асрлар) нолни тенгламанинг илдиэи ёки сон деб ҳисобламаган.

V – VI асрларда ўнли санок тизимида сонларни ёзишда нолнинг нуқта кўринишидаги белгиси ҳинд олимларининг асарларида баён қилинган ва улар ҳам нолни сондаги "бўш хона" маъносида эътироф этганлар.

Брамагупта (598 йили туғилган) нолни арифметик амалларда қўллаган. Ҳинд математики

Бхаскара (XII аср), унга ҳар қанча қўшилса ҳам, ундан ҳар қанча айирилса ҳам, нолга бўлишда бўлинма ўзгармайди, деган фикрни илгари суради (қ.: *Депман И. История арифметики. Москва, "Просвещение", 1963. Стр. 110*).

Сир эмас, VIII – IX асрларда яшаб ижод этган улуғ аллома Муҳаммад ал-Хоразмий ўнлаб фанларга доир рисоалар ёзган, хусусан, ноль рақами ва ўнлик санок тизими ҳамда қутблар координаталарини биринчилардан бўлиб асослаб берган.

Хоразмий арифметик амалларни бажариш тартибини (алгоритми) ҳинд усули асосида муфассал кўрсатади, шунингдек, қўшиш ва айириш амалларини бажариш қоидаларини баён этишда "доирача", яъни нолнинг ўрнига катта эътибор беради. Аллома бундай ёзади: "Агар сен сонга сонни қўшмоқчи ёки сонни сондан айирмоқчи бўлсанг, иккала сонни икки қаторга, яъни бирини иккинчисининг остига ва бирлар мартабасини бирлар мартабаси остига ва ўнлар мартабасини ўнлар мартабаси остига қўй. Агар икки сонни қўшмоқчи бўлсанг, чунончи, ҳар бир мартабани унинг устидаги ўз навига хос мартабага қўшасан, яъни бирларни бирларга ва ўнларни ўнларга. Мабодо бирор мартабада, яъни бирлар ёки ўнлар марта-

басида ёки бирон бошқасида ўн йиғилиб қолса, унинг ўрнига бирни қўй ва юқори қаторга кўчир, яъни агар сен бирлар мартабаси бўлмиш биринчи мартабада ўнга эга бўлсанг, уни бир қил ва ўнлар мартабасига кўчир ва у ерда у ўнни англади. Агар сондан ўндан кичик бўлган бирон нарсаси қолган бўлса ёки соннинг ўзи ўндан кичик бўлса, уни ўша мартабада қолдир. Агар ҳеч нарса қолмаса, мартаба бўш қолмаслиги учун доирача қўйиб қўй; лекин у ерда уни эгалловчи доирача турсин, чунки агарда у ер бўш қолса, мартабалар камайиб қолади ва иккинчи биринчи ўринда қабул қилиниб қолади ва шу билан сен ўз сонингда янглишиб қоласан” (*Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий. Танланган асарлар. Тошкент, “Фан”, 1983. 63-64-бетлар*).

Сонларнинг ўқилишидан кейин арифметик амалларни бажаришнинг ҳинд усуллари баён этилади. Бунда фақат амаллар юқори хона бирлигидан бошланади. Амалларни бундай бажариш, Хоразмий таъбири билан айтганда, ҳам қулай, ҳам фойдали. Натижа нотўғри чиқиб қолмаслиги учун “доирача”ни ёзишни унутмаслик таъкидланади.

Ноль араб тилида *ас-сифр*, ўзбек тилида *бўш*, ҳеч *нима* маъноларни англатади. Нолнинг сон сифатида қўлланишида Хоразмийнинг илмий ёндашуви алоҳида эътиборга лойиқ.

Ғарб давлатларида жорий қилинган арифметика таълимида италиялик математик Леонардо Фибоначчининг (1170-1240) хизмати катта. У Шарққа саёҳат қилиб, Ҳиндистон олимлари ва Муҳаммад Мусо ал-Хоразмий асарларидан арифметика ва алгебра ютуқларини ўрганган ва уларнинг Ғарбда кенг тарқалишига катта ҳисса қўшган. Унинг 1202 йили яратган “Абак ҳақида китоб” асари ўнлик санок тизимида асосланган арифметика ва алгебрадан мукаммал манба бўлган. Олим арабча “ас-сифр”ни *zephirum* (лотинча *zephyrus* – зефир, маъноси: ғарб шамоли) тарзида ифодалаган.

Ноль лотин тилида *nullus* (ҳеч қандай) сўзи билан ифодаланган. Бошқа кўп тилларга таржималарда “сифр” “цифра” деб олинган ва узоқ давр мобайнида кенг қўлланган.

Араб тилидаги рисоаларни XII асрда лотин тилига таржима қилишда ноль белгиси (“0”) *circulus* (доирача) ёки *nulla figura* (ҳеч қандай фи-

гура) деб аталган (қ.: *Матвиевская Г. Развитие учения о числе в Европе до XVII века. Ташкент, “Фан”, 1971. Стр. 72*).

Математик амаллар бажаришда нолнинг сон сифатида қўлланишига Хоразмийдан олдин ва кейин яшаган олимлар турлича ёндашган. Ҳинд ва араб рақамларининг Европадаги тарғиботчиси бўлган Иордан Неморарий (XIII аср) нолни *сифра* шаклида қўллаган. Шюке (XV аср) асарларида ноль *nulla* ва *chiffre* деб ифодалангани таъсирида Францияда “шифр”, Италияда *zephirum*дан *zero*, мос равишда либрадан (“фунт”) *liga* шаклланган. Кейинчалик Францияда нолни белгилашда *zero* шакли қўлланган.

Паччоли (XV аср) нолни сон сифатида, нидерландиялик математик Жира (1632 йили вафот этган) тенгламининг илдири ва сон сифатида эътироф этган. Валлис эса “Ноль сон эмас” деб ҳисоблаган (*Депман И. История арифметики, Москва, “Просвещение”, 1963. Стр. 110-111*).

XVII аср ўрталарида П.Ферма ва Р.Декарт томонидан математикага координаталар тизими ва сон ўқининг киритилиши билан ноль сон сифатида эътироф этилди, шунингдек, мусбат ва манфий сонларнинг ҳар бири сонлар ўқида бир нуқтани аниқлаши исботланди.

Л.Эйлер 1783 йили ёзган асарида ноль атамаси ўрнида цифрани қўллаган. 1799 йили К.Гаусс ҳам шу атамани қайд этган, Англияда ҳозир ҳам шу истилоҳдан фойдаланилмоқда. XVI аср бошларидан Германия ва бошқа мамлакатлар олимлари асарларида ноль ҳозирги маънода қўллана бошлади.

Математикада нолнинг сон сифатида эътироф этилишида берилган сондан унга тенг бўлган сонни айириш, яъни “ $a - a = 0$ ” деб ёзиш асос бўлди. Унинг сон сифатида эътироф этилиши ҳисоблаш ишлари бажаришни осонлаштирди.

Хуллас, ноль – бутун сон. У ўнли санок тизимидаги рақамлардан бири. Унинг воситасида кўшиш, айириш, кўпайтириш амалларини бажариш мумкин. Фақат нолга бўлиш мумкин эмас. Сон ўқида иккита тоқ сон (-1 ва 1) оралиғида жойлашгани учун у жуфт сон ҳисобланади.

**Аббос АКМАЛОВ,**  
*педагогика фанлари номзоди*



## SUMMARY

### **Dream Parliament. pp. 4-13.**

New Uzbekistan is going to build a legal-democratic state. Of course, it is not easy to realize this cherished dream, which many generations dreamed of. After all, rights were never given with pleasure, and freedom was always gained with struggle. There are many conditions and requirements of civil society. The most important of them is the formation of a parliament, which is the representative of the people's power! Will the new parliament of Uzbekistan keep up with turbulent times? In general, how does the legislature function today? The article is devoted to the study of this pressing issue.

### **Sherzod Eraliev. Brain Drain. pp. 14-19.**

It was predicted that the 21st century would be a period of human capital. Indeed, in the post-industrial era, both in developed and developing countries, highly qualified specialists have become a decisive force in development. That is why there is growing competition among states for the training and attraction of qualified specialists. This is the cause of the worldwide brain drain process. The article analyzes this reality in detail. The author also made recommendations on how Uzbekistan should operate with a multi-million population.

**Abdulla A'zam. Great unfulfilled desire. pp. 24-33.**

Unfulfilled desire is a trait characteristic of man. Maybe it is one of the criteria that distinguishes a person from an animal. An unfulfilled desire is characteristic which belong to the poor, needing a piece of bread and also a ruler of endless wealth. In particular, there were unfulfilled desires of Alisher Navoi - a great thinker, poet and statesman. The article tells about the unfulfilled desires and dreams of this thinker, who made a significant contribution to the development of world literature.

**Interview with Mubashshir Ahmad, an Islamic scholar. pp. 34-41.**

It is known that the Western world is ahead of the Muslim world in the field of science. Unfortunately, today in many Muslim countries there is an intellectual decline. Over the past century, only three scholars from the Muslim world have been awarded the Nobel Prize in science. This number alone proves that it was difficult to get rid of the grip of the backwardness of countries that in the past were considered as the cradle of civilization. So why is the Muslim world so far behind in science? In an interview with Islamic scholar Mubashshir Ahmad, such important issues were discussed.



Акмал НУР. "Тазару"

Таър 13529


Нашр кўрсаткичи: 869/870  
Баҳоси келишилган нархда

# ТАФАККУР

**ТАФАККУР 1/2020**



ISSN 2010-6491



9 772010 649005